

Р.Б. МИТЧЕЛЛ

ТАШЛАНДИҚ БОЛА

Инглизчадан таржима
Originally published in English under the title:
CASTAWAY KID by R. B. Mitchell.

A Focus on the Family book published by Tyndale House Publishers,
Carol Stream, Illinois 60188, USA.
Translated by permission.
All rights reserved.

*Ушбу нашрнинг бирорта ҳам қисми
ноширнинг ёзма рухсатисиз ҳар қандай шаклда
қайта ишланиши мумкин эмас.*

Митчелл, Р.Б.

М67 Ташландиқ бола / Инглизчадан таржима. – СПб.: Виссон, 2018. – 256 б.
ISBN 978–5–9909244–6–8

Ушбу автобиографик китобда онаси уч ёшида етимхонада қолдириб қетган боланинг гаройиб тарихи ҳикоя қилинади. Бу аччиқ тушкунликлар, йиллаб рўёбга чикмаган умидлар, ўз инсоний кадр–киммати учун мушкул курашлар ва охир–оқибат тақдир бевафоликларини тор–мор қиладиган ғалаба тарихидир. Китоб кенг ўқувчилар доирасига мўлжалланган бўлсада, аччиқ ҳаётий тажриба туфайли тушкунликка тушганларга умид бериши боис, у, айниқса, ўсмирлар ва болалар уйлариининг тарбияланувчилари билан ишлайдиган одамлар учун фойдали бўлиши мумкин.

ББК 86.37
ISBN 978–1–58997–434–0 (ингл.) © 2007 by R. B. Mitchell
ISBN 978–5–9909244–6–8 (рус.)© 2018, «Виссон» нашриёти

Ёлғиз қолганлар, ўксиган ёки бошқа одамларнинг шафқатсизлиги ёхуд лоқайдлигидан дили оғриганларга, шунингдек, умид уйғотиш учун муттасил ибодат қилаётганларга бағишланади.

БУ ҲАҚИҚИЙ ТАРИХМИ?

Сиз қўлингизда умид китобини ушлаб турибсиз. Айни пайтда яқиндагина анча шубҳали далилларга эга бўлган мемуарлар туфайли келиб чиққан дабдабали шов-шувлар боис бу тарихнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги билан қизиқиб кўриш ортиқчалик қилмасди.

1990 йиллар бошида, “Ахд” етимхонаси учун ёрдам тўплаш фондида чиқиш қиларканман, мен ўша ердаги директордан ҳеч қачон давлатнинг васийлиги остида бўлмаганим боис, мени назорат қилувчи ижтимоий ходимнинг барча ёзувлари билан танишиш мумкинлигини билиб олдим. Тинмай ўзимга ўзим: “Қачондир китоб ёзмокчи бўлсам, одамлар бунинг ҳаммасини уйдирма деб ўйлашади”, деб такрорларканман, улардан баъзиларини ўзимнинг қайдларим учун танлаб олдим.

Лекин сўз юритиладиган воқеалар ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган. Улар нафақат ўз хотираларим, балки ижтимоий ходимнинг ҳисоботларида, суҳбатлар ёзувлари ва бувим Жижининг кундалигидан мен топиб олган оғзаки ва ёзма гувоҳликлар туфайли қайта ишланди.

Шундай экан, китобимнинг баъзи қаҳрамонлари, агар истасалар, ўз тарихларини улашишлари мумкин. Ушбу етимхонадаги бошқа тарбияланувчиларининг исмлари айтилмайди, исм эгасининг рухсати билан қилинган ягона истиснодан ташқари. Китобдаги барча исмлар ҳақиқий, лекин бир нечта лақаблар ҳам бор.

Менинг хотираларим ғайриоддий ростлиги билан ажралиб туришини менга айтишган. Табиийки, ҳеч ким ўзининг мукаммал хотираси билан мақтана олмайди, лекин бу китобдаги диалоглар ҳар бир вазиятнинг моҳиятини акс эттиради ва иложи борида максимал аниқликда келтирилган. Мен сўзларидан иқтибос келтираётган ва учрашишга муваффақ бўлган, бугунги кунда тирик бўлган барча катта ёшлар ўзлари иштирок этган ўша воқеаларга тааллуқли бўлган хотираларимни тасдиқлашди.

Ҳа, бу умид тарихи ҳақиқий. Батафсилроқ ахборот билан www.amillionlittleproofs.com сайтида танишиш мумкин.

Инсонни ҳолатлар эмас, феъл–атвор шакллантиради.

БУКЕР Т. ВАШИНГТОН

маърифат тарқатувчига айланган қул

1. ТАШЛАНДИҚ

Хира, ноаниқ қиёфалар эрта болаликдаги хотираларимнинг катта қисмини ташкил қилади. Лекин улардан бири хотирамга ўрнашиб қолган.

Содир бўлган воқеани кўрқув уч ёшли боланинг хотирасига бир умрга жойлаган.

Онам билан баланд бинонинг олдида турибмиз. Қор уюмлари йўлак четига супуриб қўйилган.

– Бўлақол, Робби, – кириш эшиги томон зиналардан мени судраб бораётган онамнинг жаҳли чиқади. – Бизни кутишяпти.

Биз менга нотаниш бўлган қандайдир ётоқда узоқ қолмаймиз. Нима учун эканлигини билмайман. Ярим тунда уйғониб кетарканман, ваҳимали соялар ва шитирлашлардан кўрқиб, ҳиқиллай бошлайман. Онам менга жим бўлишимни айтади.

Бизни баланд кўнғироқ уйғотади. Қуёш чараклаб турибди, кўркинчали соялар йўқолди. Ўтган туннинг нотаниш шитирлашлари югур–югурлар ва кулги билан алмашади.

Биз болаларга тўлган кенг хонада нонушта қиляпмиз, лекин улар бизни пайқамагандек туюлади. Нонушта тугагач, онам мени зинадан иккинчи қаватга олиб чиқади. Бизни узун, қора кўйлак кийган исмсиз хоним кутиб олади.

– Нега у ёққа бориб, ўйнамаяпсан? – дейди у қандайдир бола кубикларни йиғётган бурчакни кўрсатиб.

Мен ўрнимдан жилмайман.

– Сенга айтишганини қил, Робби! – буюради онам.

Онамнинг оёғига тирмашганимча, иккиланаман. Қўлимни ўзидан ажратгач, у мени ўйинчоқлар томон судрайди. Онам мени итаради ва боланинг олдида полга юзим билан йиқиламан.

Мен кубикка қўл чўзаман, лекин бола уни биринчи бўлиб ушлайди. У иккала қўли билан ҳамма ўйинчоқларни ўз олдига йиғиб олади ва мен шикоят қилиш учун онамга ўгириламан. Бироқ онам йўқ, фақат нотаниш аёлни кўраман. Онам кетиб қолибди.

– Робби, онанг касалхонага боришига тўғри келиб қолди, – дейди аёл. – У поездда Чикагога кетади, лекин тузалиши билан олдингга албатта келади.

Унинг лаблари кимирашда давом этади, лекин мен сўзларни эшитмайман. Ниҳоят онам мени ташлаб кетганини англаб ҳиқиллай бошлайман.

– Бас қил, Робби, – буюради аёл. – Ўйинчоқлар билан ўйнай қол.

– Онамнинг олдида боришни хоҳлайман! – деб қичқираман. – Отамнинг олдида бормоқчиман. Жижи бувимга бораман. Уйга бормоқчиман!

Эшикка қараб чопётганимда, қичқириқлар баланд товушда хўнграб йиғлашга айланади.

Уни очишга уринаман, лекин бандини айлантира олмайман.

– Йиғлашни бас қил, Робби, бўлмаса сени шапалоқлайман! – огоҳлантиради аёл.

– Уйга кетаман! Уйга кетаман! – полга ётиб олиб, оёқларимни типирлатганимча, бор овозда бақираман.

Менинг жазавам аёлнинг ғазабини келтиради. Бир тортишда полдан турғизиб олгач, у мени қайта–қайта шапалоқлайди. Ниҳоят, тишимни тишимга қўйиб, ичимдан бостириб келаётган хўрсиниқни тўхтатиб қоламан. У мени дўппослашни бас қилади, лекин мен пиқиллашда давом этаман.

Ўша тунда етимхонада яшовчи бошқалар менга эътибор қилишмайди.

Эрталаб ҳўл бўлган тўшакда уйғонаман. Яна ўша аёл мени қойийди. Нонуштадан сўнг у менинг тўшагимга жигарранг клёнка ёпиб, устидан ҳам худди шунақасини тўшайди. У тушгача клёнкалар орасида ётишга мени мажбур қилади. Қизиб кетаман. Салгина ҳаракат қилсам, клёнкалар ғижирлайди.

– Сийғоқ бола, – жиғимга тегади қандайдир болалар. – Янги келган – сийғоқ бола экан.

Уяламан, лекин уларга жавоб қайтаришга қўрқаман.

Жигарранг клёнкаларнинг ғижирлаши менга бошқаларга ўхшамаган, омадсиз деган тамға урди. Онам мени ташлаб кетган етимхонада яшовчи бошқалардан ажралиб турадиган бола сифатида.

Кейинги ҳафталар ва ойларда мен онам ҳақида ҳеч нарса эшитмадим, лекин Жижи бувимдан хабар келди.

У менинг қаердалигимни қачон ва қандай топганлигини билмайман. Лекин билганидан сўнг, бувим Иллинойс штатидаги фермерларнинг кичик шаҳри Принстонга мени кўриб кетиш учун ҳар шанбада Чикагодан поездда келадиган бўлди.

Жижи олтмишдан ошганди. У эридан ажрашган, камбағал эди ва шаҳар марказидаги “Маршалл филд” йирик супермаркетида сотувчи бўлиб ишлаб, кичкинагина хонадонда ёлғиз яшарди. Менинг онам, Жойс Митчелл унинг ягона қизи, мен эса ягона невараси эдим.

Мени кўришга келиш Жижи учун жуда қийин эди. Сахарлаб у Риж–булевард бўйлаб шаҳарнинг шимолидаги ўз хонадонидан Ховард–стритгача пиёда тўртта мавзедан ўтиши керак эди. Кейин қизил тармоқ бўйича юрадиган поездга етиб олиши учун Ховард бекатигача борадиган автобусга ўтириши зарур эди. Белмонт бекатида Жижи Адамс округидаги Куинси шаҳригача борадиган бинафшаранг тармоққа ўтарди, шундан сўнг Юнион бекатигача бир нечта узун мавзени пиёда юриб ўтарди. У ерда Принстонгача икки соатда борадиган “Калифорния зефири” номи билан танилган поездга ўтирарди. Шаҳарга эрталаб ўнларда келгач, у “Ахд” етимхонасигача пиёда яна бешта мавзедан ўтарди.

Ниҳоят, Жижи мени кўрганида, тиззалаб ўтирар ва унинг олдида чопиб боришимни кутиб турарди. Югуриб бориб, унинг кучоғига ўзимни отганимда қандайдир тарзда йиқилмай қоларди. Бувимни кучоқларканман, ундан хушбўй ҳид келишини сезардим. У ҳамиша ҳақиқий хоним бўлиб кўринарди – унинг анча келишган қоматини ажратиб кўрсатиб турадиган камтар, аммо ораста кўйлақда бўларди. Мен яна сирғалар, маржон, нейлон пайпоқлар, баланд пошналар туфли ва тагидан калта қирқилган жингалак сочлар кўриниб турган қалпоқчани ҳам эслайман.

«Охирги марта кўришганимиздан сўнг нима янги нарсалар ўргандинг?» – деб сўрарди ҳар доим у. Мен эсимда турган ҳамма нарсалар ҳақида гапириб берардим, кейин эса ғурурланиб, ўз ютуқларимдан энг сўнггиларини кўрсатиш учун бувимни ўйин майдончасига тортардим.

У бошқа ўғил болаларга “салом” деганида ва уларни исми билан чақирганида ғурурланиб кетардим. Агар кимдир уларнинг исмини эсда сақлаб қолса, бизга ўхшаган болалар ўзларининг муҳимлигини ҳис қиларди.

Тушга яқин биз Жижи билан яқин орадаги тамаддихонага борардик. У қаҳва буюрарди, лекин ўзи камдан–кам овқатланарди. Таомномага қарашимга руҳсат бергач, у таклиф қиларди: «Гамбургер ва катта стакандаги сутга нима дейсан? Десертга эса музқаймоқ буюрамиз». Бу ҳар доим менга хуш кайфият бағишларди.

Лекин икки соатлик тушлик жуда тез ўтиб кетарди. Жижи уни ортга, Чикагога олиб кетадиган, соат учдаги поездга улгуриши учун хайрлашиш ва кетишга мажбур эди.

– Жижи, мени ўзингиз билан олиб кетинг, – деб ялинардим мен. – Илтимос, Жижи, илтимос мени ўзингиз билан олиб кетинг!

Шунда у яна тиззалаб ўтирар ва кўзига ёш келиб, ҳар доим айтадиган гапини такрорларди:

– Робби, азизим, қимматли болагинам! Кечир, мен сени ўзим билан олиб кета олмайман. Ота–онанг сенга ғамхўрлик қилишолмайди, улар оғир касал, бундан жуда афсусдаман. Эсингда тут, мен сени севаман ва севгим ҳар доим сен билан бирга бўлади.

У нима демокчилигини мен тушунмасдим. Мен фақат бир нарсани билардим: ҳар шанбада бувим пайдо бўлиши билан унинг меҳри оғушига шўнғирдим, у кетиши билан эса ўзимни хароб ва ёлғиз ҳис қилардим.

Етимхона остонасида турарканман, унинг ортидан қараб қолардим. Қўлимни кўксимда чалиштириб, кафтларимни қўлтиғим тагига яширганимча, у томондан бу томонга енгил чайқалардим.

«Нега мени уйингизга олиб кетолмайсиз? – деб йиғлардим ичимда. – Мен яхши бола бўламан, Жижи. Ваъда бераман. Жуда кам овқат ейман! Илтимос, мени бу ерда қолдирманг».

Тез орада у кўз ёшларим хиралаштирган нигоҳимда кўринмай қоларди.

Ва мени кучоклай оладиган ягона киши ... менинг ўзим эдим.

2. КИЧИК ЁШДАГИ... ЎГИЛ БОЛАЛАР

Хўл тўшакда уйғонишни бас қилгунимча неча ой ўтганини аниқ эслай олмайман, лекин Нола пайдо бўлишидан сал олдин мен клёнкалардан қутулдим. Бизнинг йигирма ёшли, турмушга чиқмаган тарбиячимиз кенг табассумли ва қувончдан кўзлари порлаб турадиган, бамаъни аёл эди.

У оддий узун кўйлак ёки енгил матодан тикилган кофта ва бриджи кияр, “мушук кўзли” гардишли кўзойнак тақарди. Тилла безакларнинг йўқлиги ва тўлқинли қора сочларининг калта қирқилгани қиёфага яқиний тус берарди. Сочи нега калта қирқилгани ҳақидаги саволга Нола “Сочлар ва бир тўда такасалтанглар билан бирданига шуғулланишга вақт йўқ”, деб кулиб жавоб берарди. Мен уни севиб қолдим!

Сал насага Нола кулиб юборар ва кучоклашарди. У бизни шапатилаши мумкин эди, фақат қилиғимиз учун ва шунда ҳам эркалатиб. Бу ёш аёлнинг қалбининг доимий илиқлиги кўпинча менинг юрагимдаги бўшлиқни тўлдирарди.

Бу менга янги муҳит билан танишишга диққатимни жамлашга қўмаклашди.

“Аҳд” етимхонаси Принстоннинг шимоли-шарқий четидаги саккиз гектарни эгаллаганди. Бир томондан у маккажўхори ва соя дуккаклари далалари, бошқа томондан эса – чорва яйлови билан чегараланганди.

Бош бинода умумий ётоқлар, етимхона ходимларининг кабинетлари, ошхона ва келиб-кетувчилар учун меҳмонхона жойлашганди, кичикроқ ҳажмдаги бинонинг биринчи қаватида кир ювиш хонаси, ертўлада эса қозонхона жиҳозланганди. Омборхона, товукхона ва томорқалар сал нарида жойлашган.

Элм–стритдан хавфсиз масофада катта ҳалинчак, арғимчоқ, тетербол* баскетбол ўйинлари майдончаси, тепаликлар ва бейсбол майдончали йирик ўйин майдони жойлашганди. Мен гимнастика халқалари, турник, тушиш учун ходалар ва баланд нарвончалари бўлган улкан болалар шаҳарчасига маҳлиё бўлиб қолдим. Лекин бундай баландликка чиқишга журъатим етмади.

* Тетербол – охири баланд ҳодага боғланган арконда осилиб турган тўп ўйини. Ўйиннинг мақсади – тўпни ҳода атрофидан рақиб томонга айлантириш. Икки ёки тўрт киши ўйнаши мумкин. – Таҳр. изоҳи.

Етимхонада яшовчилар тўрт гуруҳга бўлинганди: кичик ёшдаги ўғил болалар, кичик ёшдаги қиз болалар, катта ёшдаги ўғил болалар ва катта ёшдаги қиз болалар. Кичикроқ бинонинг иккинчи қавати катта ёшдаги ўғил болаларнинг ётоғи учун ажратилганди; бош бинонинг учинчи қаватини катта ва кичик ёшдаги қиз болалар банд қилишган, кичик ёшдаги ўғил болалар эса иккинчи қаватга жойлашишганди.

Кичик ёшдаги ўғил болалар гуруҳи саккиз нафардан ўн олти нафаргача ўн ёшгача бўлган болалардан иборат эди. Бизга ажратилган қаватда жойлашган Ноланинг хонасида кичкина шахсий ётоқ ва ванна хонаси бор эди.

Бизнинг ваннамизда ҳеч қанақа шахсий буюмлар бўлмасди. У ердаги ҳамма нарсалар иккитадан бўлиб ҳаммаси оқ рангда эди: оқ унитазлар, оқ рангга бўялган ёғоч кабинетлар, оқ керамик плитка ётқизилган пол, оқ чўян ванналар ва болакайларга қулай бўлиши учун полга яқин қилиб ўрнатилган оқ чаноклар.

Бизда гилам тўшалган полли, иккита катта диванли, бир–икки мустаҳкам стул ва уй вазифасини бажариш, расм чизиш ҳамда ўйинлар ўйнаш учун бир жуфт катта столли меҳмон кутиш хонаси бор эди. Ўлчамлари мендан каттароқ бўлган жигарранг телевизор устида бурчакда турувчи хона антеннаси бўлиб, у бир неча телеканалларни қабул қила оларди.

Бизнинг қора линолеум қопланган тўртта ётоқхонамизнинг ҳаммасида қора рангли, бир кишилик чўян каравотлар турарди. Бир хонада учта каравот, бошқасида бешта ва яна икки ётоқхонада тўрттадан каравот бўларди.

Ҳар бир хонада бир нечта тортмали, дубдан ясалган комод бор эди. Ҳар бир болада унинг бўйига мос келадиган тортма бўлиб, уни ўзиники деб атарди. Менинг тортмам пастгиси эди; уч ёшимда менинг бўйим ҳамманикидан паст бўлган.

Тортмалар сирли хазиналар учун мўлжалланганини билиб олдим. Бошқа боланинг тортмасига ҳатто бир нигоҳ ташлаш ҳам хонада яшовчиларнинг ҳар биридан калтак ейишни англатарди. Менинг тортмамда асосан ўзим ўйин майдонида тўплаган чиройли тошчалар ва патлар сақланарди. Кунига камида бир марта мен уларнинг жойидалигини текшириб турардим. Лекин баъзи болалар ҳеч қачон ўз тортмаларига қараб ҳам қўймасди.

Одамларни кузатиш қийинроқ эди. Ҳар доим болалар етимхонага гоҳ қабул қилиниши, гоҳ уни тарк этиши туфайли бирор киши билан дўстлашишга вақт бўлмасди. Кимлардир бир ёки икки кун қоларди. Кимдир бир неча ой ёки кўпроқ ушланиб қоларди. Кўпинча янги келганлар ғазабланган, хижолат тортган ва гангиб қолган бўлишарди.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг жипслашишимизга қўмаклашмасди. Биз кўп болалар куршовида яшардик, лекин ҳар биримиз кўркинчли даражада ёлғиз эдик.

Ўз тарбияланувчиларининг ўтмишини инобатга олган ҳолда, етимхона ходимлари уларнинг ҳис–туйғулари турлича эканлигини эплашга ҳаракат қилишарди. Тартибни сақлаш учун қатъий қоидалар ўрнатилган бўлиб, кунма–кун қайта ишланадиган турмуш тарзи таъминланарди.

Масалан, эрталаб то кўнғироқ чалинмагунича ҳеч кимга ўрнидан туришга рухсат берилмасди. Биз ўтиришимиз, оёқларимизни каравотда осилтиришимиз мумкин эди, аммо полда туришимиз мумкин эмасди. Агар хоналаримиздан бири ёнидан ўтиб кета туриб, Нола кўнғироқ чалинмагунича кимнингдир оёқ бармоғи полга текканини сезиб қолса, албатта кўнгилсизлик бўларди.

Кўнғироқ роппа–роса еттида чалинади ва ўша заҳотиёқ барча болалар ҳаракатга тушишарди. Биз каравотдан сакраб турардик ва тўшагимизни Ноланинг қатъий талабига мос равишда тартибга келтирардик. Кейин эса ваннахонага чопардик, у ерда ер тепинганимизча, иккита унитаздан бирига навбат кутардик.

Битта сувчаноқ ёнидан икки, баъзан ҳатто уч кишидан бўлиб тишимизни тозалардик ва ювинардик, кейин эса кийинишга шошилардик. Саккиз нафардан ўн олти нафаргача бўлган болакайлар зинғиллаб кийиниш учун хонага чопиши ва бир–бирини итарганича Нола шу кун учун тайёрлаган ва ҳар бир жавончанинг олдида полда батартиб тахлаб қўйган кийимларни кийиши нақ томошанинг ўзи эди.

Аслини олганда, бу жавончалар эмас, балки нўхат шўрва рангидаги ёғоч тахмонлар эди. Улар шунчалик кенг ва чуқур эдики, уларнинг ичига кириб олиш, кийимлар ортига яшириниш мумкин эди. Қайсидир сабабга кўра, шкафчаларнинг туби полдан кўтарилган бўлиб, ҳосил бўлган чуқурликка бир–икки жуфт оёқ кийими сиғарди. Кўплаб бу ерда яшовчиларнинг гардероби улар қабул қилинганида устида бўлган кийимлардангина иборат бўлгани учун жавончаларда шахсий буюмлар деярли йўқ эди.

Кийимларимизнинг кўпи шу етимхонада болалари катта бўлган аҳоли томонидан совға қилинган ёки дўконлар ёхуд жамоатлар томонидан хайрия қилинганди. Кичик ёшдаги ўғил болалар фланелдан тикилган шотландча катак–катак қўйлак ёки оқ футболка кийишарди. Шимларнинг ўлчами камдан–кам ҳолда бизга мос келарди, шу боис ҳаммамиз улар тушиб кетмаслиги учун елка оша тортиб қўйиладиган тасма тақардик. Нола шахсан ҳар биримизга ҳаддан ортиқ узун шимларимизни қисқартириб берганди.

Кийинишни тугатгач, бу турфа хил тўда итариб–туртиниб бир қаторга сафланарди ва ҳар доим соат 7:30 да дастурхонга тортиладиган нонушта учун Нолага эргашиб қадам ташларди. Ҳар қандай овқатланиш дўстона ўтиришлардан кўра кўпроқ расмий таомил эди. Ўғил болаларнинг аксарияти ликопчадаги овқатларни беш дақиқа ичида паққос туширарди, лекин нимагадир стол атрофида камида ўн дақиқа ўтириш шарт эди.

Нонуштадан сўнг ўрта ва катта мактаб ёшидагиларни “Аҳд” етимхонаси” деб ёнига катта қилиб ёзиб қўйилган хунук сариқ автобус Принстон муниципал мактабига олиб борарди. Дуглас бошланғич мактаби етимхонадан атиги икки мавзе нарида жойлашган бўлиб, ходимлардан кимдир болакайларни шу ёққа олиб борар ва олиб қайтарди.

Етимхонанинг энг кичик тарбияланувчиси сифатида мен мактабга бормасдим. Нола истисносиз фақат ўзимга тегишли бўлиши менга ёқарди. Худди қимматбаҳо зотли ўйноқи кучукчадек унинг изидан қолмай эргашиб юрарканман, унга ифлос кийимларни кир ювиш хонасига олиб боришдан олдин кийимларни саралашига ёрдамлашардим. Одатда Нола ёстиқ жилдига бир нечта нарсани жойларди ва мен ғурур билан бу нарсаларни зинапоядан эшик ортига, бутун баскетбол майдони орқали яна бир зинапоядан юқорига, ювиш машиналари ва қуритувчи мосламалари бўлган кир ювиш хонасига кўтариб борардим.

Матолар чанги қопланган полда ўралашиб юрмаслигим учун ва мени кўнгилсизликлардан эҳтиёт қилиб, Нола мени стол ёнига ўтқазиб қўярди, бу ерга ўтириб, етимхонанинг олтмиш нафар болалари ва ходимларининг кирини юваётган кир ювиш хонаси ходимларининг ишини кузатишим мумкин эди. Уларнинг орасида ҳар доим “Аҳд жамоати” деб номланган маҳаллий масиҳийлар жамоатидан бўлган, ўзларини “аҳд опа–сингиллари” деб атаган аёллар бўларди. Улар қандай қилиб ҳали иссиқ бўлган бир кучоқ кийимлар ва чойшабларни қуритиш хонасидан олиб чиқишини, чойшаблар солинадиган ғилдиракчали саватларни тўлдиришини ва тоза чойшабларни саралайдиган узун столларга саватларни ғилдиратиб боришларини кузатардим.

Кир ювиш тарбиячиларнинг мажбуриятига кирмасди, лекин Нола бизнинг якшанбалик кийимларимизни шахсан ўзи дазмоллаш имкониятини талаб қилиб туриб оларди. Ундан нега бу ишни кир юувчи аёлга ишониб топширмаслигини сўрашганида, Нола эътирозга ўрин қолдирмайдиган жавоб берарди: «Мен умуман қарши эмасман. Лекин баъзи ўғил болаларда крахмалга аллергия бор, бошқалари эса ўз кўйлаги ғарч–ғурч қилгунга қадар крахмалланган бўлишини ёқтиради. Мен эса ҳар бирига ўзига ёқадиган нарсани беришни хоҳлайман. Бу менга умуман оғирлик қилмайди, уларга эса ҳеч бўлмаганда дазмолланган кўйлақдек майда нарсада бўлсада, якка тартибда ёндашув муҳим».

Кир ювиш хонасининг ходимлари яхши кайфиятда бўлган ва деярли ҳамма иш бажарилиб бўлган кунларда Ноланинг ўгирилишини кутиб туриб, тоза илиқ чойшаблар солинган саватга каллам билан шўнғирдим.

– Қаердасан, Робби? – ҳазиллашиб хавотирланарди у. – У қаерга йўқолди? Марҳаматли Худойим! Бу бола қаерда экан–а?

Бир кучоқ чойшабларни кўтариб олганича, у ўзини худди мени излаётгандек тутарди, гарчи сават ичида қимирлаётган чойшаблар уюми орасидаги ҳиринглашимни босиб олишга муваффақиятсиз уринишларим мени фош қилиб қўяётган бўлсада. Ниҳоят, тўпигимдан ушлаб, у мени саватдан тортиб оларди, мен эса оёғим осмондан бўлиб типирлаганимча, худди бахтли чўчка боласидек чийиллардим.

– Мана қаерда экансан болакай, – куларди у сохта хавотир билан. – Энди сени ҳеч қачон тополмайман деб ўйлагандим!

Кейин бошқа ўғил болалар мактабдан қайтарди ва энди Нола фақат меники эмасди. Етимхона биносига шовқин солиб, ёпирилиб киришаркан, дарсликларни отиб юбориб, болалар ўзларига тайёрлаб қўйилган печеньелар ва мева шарбатини паққос туширишарди. Кимдир ўйнагани кетар, бошқа биров эса токи Нола уларга қандай уйга вазифа берилганини текшириб бўлгунича ва ўқитувчилар юборган ёзишмаларни ўқиб бўлгунича хўжалик вазифаларини бажаришга киришарди. Шундан сўнг у ё ўқитувчи билан гап

талашгани ёки мактаб майдончасида муштлашгани учун бир–икки ўқувчига танбех беришига тўғри келарди.

Кечкурун соат бешда юз–қўлимизни ювиб, ошхона сари қадам ташлардик. Қора ва қизил тўртбурчаклар расми солинган линолеум устида турарканмиз, тахминан олтмиш нафар бола ва олти нафар катталар анъана бўлиб қолган маросимга амал қилиб ҳар гал овқатланишдан аввал ибодат қилардик: «Улуғ Худо, Сен бизни қутқардинг. Бизни озиқлантирганинг учун сенга ҳамдлар бўлсин. Омин». Овозлар жўрлиги баланд жаранглар, ўзининг бир оҳангдалиги билан худди: «Биз минг марталаб шундай қилганмиз» деяётгандек бўларди.

Ибодатдан сўнг сершовкин талотўп бошланарди. Ўғил болалар тирсаклари билан бир–бирини итаришар ёки қизларга афтини бужмайтиришарди. Столлардан нари суриляётган стуллар қисирларди. Қўлимдан келадиган бор–йўғи, бу – дубдан ясалган оғир стулни суриш, унинг устига бир амаллаб чиқиб олиш ва ўша ерда қадалиб қолиш эди. Стулимни столга яқин суришга жуда кичкиналик қилганим учун таъбим хира ва хижолат бўлиб, Нола келиши ва менга ёрдамлашишини кутиб ўтирардим.

Буни мустақил бажара олиш учун ёки каттароқ ўғил болаларга тақлид қилиб, оёғимни стул суянчигидан ошира олиш ва худди эгарга ўтираётган ковбой каби ўриндикқа тап этиб ўзимни ташлай олиш учун қачон катта бўларканман–а?

Кечки овқатдан сўнг ҳамма ишлар ўрнатилган кун тартиби бўйича кетарди. Катта болалар уйга вазифани бажариш учун ўз хоналарига кетишар, Нола эса биз кичкиналарни ухлашга тайёрларди. Агар бу чоршанба ёки шанба кечкуруни бўлса, бизни ванна ҳам кутиб турарди. Бир ҳафтада икки марта чўмилиш ҳаддан ортиқ деб ҳисоблаб, биз тўнғиллардик.

Лекин ҳамма шикоятларимиз бефойда эди: Нола бизга ғамхўрлик қилишни ўзининг қисмати деб ҳисобларди. Қўлидан отилиб чиқиб кетаётган тўда учун атиги иккита ванна бўлгани боис, сувни алмаштиришдан аввал у олти болани ювинтириши керак эди. Бу эса биз бир ваннада икки кишидан бўлиб чўмилишимизни англатарди. Биринчи жуфтлик ҳақиқатан ҳам чўмилиб чиқарди, иккинчи жуфтлик сал тоза бўларди, учинчиси эса шунчаки кир сувда ўйноқларди.

Оқшом еттида биз аллақачон пижамада бўлардик ва Нола худди товук жўжаларини тўплагани каби, бизни меҳмон кутиш хонасига йиғарди. Бу Муқаддас Китобдан қиссалар эшитиш вақти эди.

Хонанинг бурчагидаги дубдан ясалган катта диваннинг ўртасига ўтириб оларкан, Нола мени бағрига босганича, энг кичкиналарни бизга қўшилишга чорларди. Катталар оёғини чалиштириб ёки қорнини ялпайтириб полга жойлашарди. Ҳар қандай гаплашишларнинг олдини олганича, Нола мутлақо жимлик ва диққатни талаб қиларди. Мен Муқаддас Китоб ҳақида жуда кам нарсa билардим, лекин ҳолатнинг муҳимлигини ҳис қилардим.

Шундан сўнг биз ухлашга кетардик. Нола ҳар бир тўшак ёнида тиз чўқарди ва ўша лаҳзада ким ҳақида ибодат қилаётган бўлса, фақат ўша болагина эшитадиган паст овозда ибодат қиларди. Кейин ўпиб, хайрли тун тилар ва уни яхши кўришини айтарди.

Бир гал, ярим тунда уйғониб кетиб, мен ялангоёқ ҳолда ҳожатхонага шипиллаб борарканман, Нолага ажратилган кичкина ётоқнинг қия очиб қўйилган эшиги ёнидан ўтаётиб, у ўзининг паст товушли ибодатида болаларнинг исмларини санаб ўтаётганини эшитдим. Ортимга қайтаётганимда, у мени чақирди:

– Кетаётганингда сувни оқизиб юбор, Робби!

Қандай қилиб у ҳар биримизни қадамимиздан таниб олиши мени ҳамиша ажаблантирарди.

Кейинги сафар унинг эшиги ёнидан ўтиб кетаётганимда, тўхтадим ва эшикни тақиллатдим. Нола фланел халатда эшик олдида пайдо бўлди.

– Хўш? – деди у сўроқ оҳангида.

– Нима деб ибодат қилаяпсиз? – сўрадим мен. – Бизлар шўхлик қилмаслигимизни сўраяпсизми?

– Йўқ, Робби, – жавоб берди у, ҳеч нарса бўлмагандек. – Ҳар бирингизда сизларни яхши кўриш мумкин бўлган ниманидир топишимда менга ёрдам беришини Худодан сўраяпман.

Мен нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Бирор нима ўйлаб топишимдан олдин у мени ушлаб олди ва бағрига қаттиқ босди. Мени каравотга кўтариб бораркан, ҳазиллашиб шивирлади:

– Сенга эса яхши хулқ–атворда бўлишинг учун *қўшимча* ибодат зарур!

Қиш келганда ҳам Жижининг ҳар ҳафталик ташрифлари тўхтамади. Ноланинг ғамхўрликлари ҳам ўз меваларини берди.

Лекин мендаги ёлғизлик ҳисси йўқолмади.

Мен “меъёрадаги” болаларнинг ҳаёти ҳақида кам нарса билардим, лекин оилам билан бирга яшаш учун етимхонани тарк этишни жон–дилдан хоҳлардим.

Бир йил икки йилга чўзилди, мен эса шу бўйи онам ҳақида ҳеч гап эшитмадим. Энди мен учун онам хотирадан бошқа ҳеч нарса эмасди.

Бироқ ҳаммаси мутлақо кутилмаганда ўзгариб кетди. Мени бегоналар орасига ташлаб кетган аёл қайтиб келди. У ўзи билан бирга бетартиблик олиб келганди.

3. ҚУЮН

Бу 1959 йилда содир бўлди. Онам мени ташлаб кетганидан буён икки йил ўтганди. Беш ёшда эдим.

Бир куни ҳеч қандай изоҳларсиз Нола мени меҳмонларни кутиш хонасига олиб келди. У ерда онам турарди.

Унинг олдига югуриб келиб, оёғига тармашдим. *«Уйга кетаман! – ич–ичимдан қувонардим мен. – Онам касалхонадан чиқибди ва мени уйга олиб кетиш учун келибди! Мен уйга кетаман»*

– Салом, Робби, – ҳис–ҳаяжонсиз деди у. – Қандай яшаяпсан?

Мен нима дейишимни билмасдим. У мен томонга энгашмади, худди Жижи кучоқлагандек кучоқламади ҳам. Унинг қўлини ушлаб, шундай дедим:

– Ойижон, болалар майдончасига борайлик. Ҳалинчақда қандай уча олишим ва нарвонлардан қандай чиқа олишимни кўрсатаман.

– Буларнинг ҳаммаси аҳмоқчилик, Робби, – совуққон ҳолда деди у. – Бизнинг муҳимроқ ишимиз бор.

Ўзимни улоқтириб юборилган кучукдек ҳис қилганимча, унинг қўлини кўйиб юбордим, бошимни эгиб, жим қолдим.

– Биз овқатлангани шаҳарга борамиз, – деди онам.

Қўлимдан тутганича у эшикка йўналди. Мен унинг ортидан улгурмадим ва у ортда қолмаслигим учун мени тортди.

Биз етимхона ҳудудини тарк этдик ва ресторангача бир неча мавзедан ўтиб бордик.

У мен тушунмайдиган нарсалар ҳақида гапирарди:

– Бу ерда муҳожирлар жуда кўп. Ҳамма қораларни орқага, Жанубга жўнатиб юбориш лозим. Сенинг алвасти моманг Паула Атлантада улар билан шуғулланаверсин. У отангни йўлдан уриб, менинг ҳаётимни бузди. Отанг қанчалик муҳтож бўлган эркинликни Паулина ҳеч қачон унга бермади, у эса момангга қаршилиқ қилиш учун асло эркакка айлана олмади!

Токи у пиво сотиладиган ресторанны топмагунича, биз узоқ юрдик. Ресторанга келганлар тамаки чекишар ва бильярд ўйнашарди.

Кийимларимизга тамаки ҳиди ўтириб қолган ҳолда қайтиб келганимизда, етимхонани бошқарувчи масиҳий шведлар норози бўлишди. Нола индамади, лекин кўнгли қолгани аниқ эди.

– Бу ресторан кичкина бола учун номаъкул жой, Митчелл хоним. Илтимос, етимхонага яқин жойдаги бошқа ҳар қандайини танлаб олинг. Улар ёқимли оилавий муҳити билан донг таратишган. Ёки бизнинг етимхонамиз ошхонасидан фойдаланишингиз мумкин, – деди тарбиячи норози оҳангда.

– Мен онаман ва унга нима кераклигини ўзим яхши биламан, – бидирлаб ташлади онам. Шу заҳотиёқ у бир қатор талаблар рўйхатини баён қилди: – Уни махсус ёстиқлар билан таъминланг. Ҳеч қандай жунли аёл бўлмасин. Мен мана бу варақда ёзган парҳезга қатъиян мос ҳолда овқатлантиринг.

Нола бошини чайқади, кейин эса индамай бош ирғганича унинг ҳамма талабларини қабул қилди.

– У тайёрлов синфига бора бошлаганида, уни таксида олиб боришсин ва олиб келишсин. Ҳеч қандай спорт тўғараклари керак эмас. – Чўнтагини кавлаб, у яна бир варақ чиқарди. – Мана, Муқаддас Китобдан бир неча оятлар, мен қайтиб келгунимча, у буларни ёд олган бўлиши шарт!

«Уйга қачон кетарканмиз-а? – ўйлардим мен. – Нола билан гаплашиш етар, тезроқ кетайлик. Биз Жижиги қатнайдиған поездга улгуришимиз мумкин».

Онам мен томонга кескин ўгирилди ва деди:

– Кетадиган вақтим бўлди!

У хайрлашишдан олдин мени қучоқламади ва ўпиб қўймади, ўгирилди-ю, чиқиш эшиги томон зинадан тез тушганича, темирўл бекати томонга кетди.

«Мени ташлаб кетаяпсизми? Янами?»

На бир оғиз сўз айтдим, на кўз ёши қилдим. Лол қолганимча, нигоҳимни Нолага қаратдим. Нола секин қўлимдан ушлади ва биз жимгина меҳмонларни кутиш хонамизга қайтдик.

Бир неча кун мен ҳеч ким билан гаплашмадим ва ўйнамадим. Мен ўйин майдончасининг энг узоқдаги бурчагига бикиниб олдим, у ерда бир нуқтага тикилгунимча, онам ўзини қанча вақт шундай тутиш ниятида эканлиги ҳақида ўйлардим. Етимхонанинг бошқа тарбияланувчилари мени безовта қилишмасди. Биз каби болалар кимдир ёлғиз қолиши зарурлигини ҳис қилишади.

Бу онамнинг тўсатдан ташриф буюришининг охиригиси эмасди. Кейинги икки йил давомида шунга ўхшаш саҳналар яна ва яна такрорланаверди.

Унинг бетартиб бостириб келишлари ўзининг вайронкорлиги билан қуюнни эслатарди. У келишини хабар қилиш учун ҳеч қачон олдиндан қўнғироқ қилмаслиги боис, мени меҳмон кутиш хонасига келтириш учун Нолага бир муддат вақт керак бўларди. Биз пайдо бўлганимизда онам Нолани ва етимхонанинг бошқа ходимларини онадан ўғлини яшираётганликда айблаб, Нолага қичқирарди.

Бу ғазабли узундан-узоқ иборалар вақтида онам мутлақо менга эътибор бермаслигини кўриб, юрагимни муз қопларди. Кейин у мени худди ўша тушликка, худди ўша тамаки ҳиди қоплаган бильярд залига бошлар, худди ўша марсияни эшитишга мажбур қиларди.

Ҳар гал у мени етимхонада қолдириб, кўздан йўқоларди.

«Балки, бу сафар ҳаммаси бошқача бўлар, – деб уқтирардим ўзимга ўзим. – Балки, энди унинг жаҳли чиқмас ва Нолага бақирмас. Балки, у яхши иш топар ва мени уйга олиб кетар. Балки биз яна бир оила бўлиб яшармиз».

Лекин унинг ҳар бир ташрифи янги умидсизлик келтириб чиқарарди. Бир оз бўлсада қалбим оғригини босиш учун менга бир неча кун керак бўларди.

Энди штатдаги ижтимоий ходим мен билан кўпроқ вақт ўтказарди. У фикрларим ва туйғуларимни ўзига ёки Нолага очишимга ёрдам беришга уринарди. Лекин мен айта оладиган бор-йўқ гап шундай эди: «Юрагим оғрияпти. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилаяпман».

Тез орада мен онамни “ойижон” деб атамай қўйдим. Бу осон эмасди. У мени яхши кўришини истардим. Лекин сени тўшакка ётқизадиган, эҳтиёт қиладиган ва сен ҳақингда

ғамхўрлик қиладиган аёлни “ойижон” деб аташга қарор қилдим. Онажон бу – сен фахралана оладиган кишидир.

Онам ҳеч қачон мен учун ойижон бўлмаган.

– Нега у бошқа оналарга ўхшамайди? – деб сўрардим баъзан Ноладан. – Нега у сенга кичкиради ва ҳақорат қилади? Бу ёмон!

Нола кам гап эди, аммо мен ундан сўрашда давом этдим:

– Нега ундан ёмон ҳид келади? Мен ҳақиқатан ҳам у билан овқатланишим шартми? У фақат чекади, қаҳва ичади ва мен тушунмайдиган гапларни гапиради. – Нола эшитар ва гапириб олишим учун бош ирғарди. – Нола, сен ва Жижидан фарқли равишда у ҳеч қачон мен қандай ўйинлар ўйнай олишимга қизиқмайди. Нега мен унга ёқмайман?

Нола гапимни айтиб бўлганимга қарор қилгач, секин деди:

– Сенинг онанг касал, Робби. Сен бу ерда яшашга мажбур эканлигингда айбдор эмассан. Муаммо сенда эмас.

– У қандай касал? Нега уни шифокорлар даволай олишмайди?

Нола бу саволни жавобсиз қолдирди. Лекин баъзан у олдимда тиззалаб ўтириб, мени бағрига босар ва қаттиқ кучоқларди.

– Сен бу ерда хавфсизликдасан, Робби, – шивирларди у. – Эсингда бўлсин, мен сени яхши кўраман, Худо ҳам сени яхши кўради.

Унинг елкасига бош кўйиб, кучоғини илиқлигидан ҳузурланганимча, ўйлардим: *«Нега Худо онамни Нолага ўхшатмаган-а?»*

4. БОРИБ КЎРИШ

Ҳафтанинг иш кунлари тайёрлов синфига қатнаш мени бир неча соатга Ноланинг васийлигидан маҳрум қиларди.

Дуглас бошланғич мактабигача* икки мавзедан ўтиб бориш мен учун катта иш эди, шу боис ўзимни бутунлай катта одам деб ҳис қилардим.

* Америкалик болалар, қоида тариқасида, беш ёшдан бошлаб мактабга боришади. Ўқишнинг биринчи йилида улар бошланғич мактаб тизимига кирадиган тайёрлов синфига боришади. Иккинчи йили болалар биринчи синфга ўтишади. 7–синфгача улар бошланғич мактаб (elementary school) ўқувчилари, 7–дан 9–синфгача – тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб (junior high school) ўқувчилари ҳисобланади. Кейин болалар ўрта мактабнинг (high school) катта синфларига, (10–дан 12–синфгача) ўтишади. Муддатлар АҚШ штатидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. – Таҳр. изоҳи.

Менинг синфдошларим самимий ва худди ўзим каби содда эдилар. Мен билан кўп қизиқарли воқеалар содир бўлиб турарди, яна расмлар ва қўлда ясаган нарсаларим бор эди, ҳар гал Жижи мени кўришга келганида, уларни Жижи билан баҳам кўришга шошилардим. Мен мактабда ўрганган нарсаларимга у мендан ҳам кўпроқ хурсанд бўлаётгандек туюларди. Оқшомлари Нола менга чинакам уй вазифаси берарди ва мен ўзимни ҳақиқий мактаб ўқувчисидек ҳис қилардим.

Лекин кейин мен биринчи синфга бордим ва ўзимнинг роҳат–фароғатимдан айрилдим.

Етимхонадаги ҳаёт мени бошқа болаларга ўхшамайдиган қилиб кўйганини билмасдим. Катта синфдаги қандайдир ёмон болалар етимхона тарбияланувчиларидан бўлган бир болани ўраб олиб, уни таҳқирлашаётганини кўрганимда, ҳаммаси ўзгариб кетди. Бола йиғлаб юборди. Ярамаслар кулишди. Мен эса бўлиб ўтаётган воқеани жимгина кузатардим.

Мактабдаги уришқоқлар етимхонадаги болалардан бири йиғлаб юбориши ва жазавага тушиши учун қандай қилиб иззат–нафсига кучлироқ тегишни биладигандек туюларди. Биз осон ўлжа эдик.

Вақти келиб улар менгача етиб келишди ва менинг оғриқли жойимни топишди: – Сенга нима бўлган, Робби? Нега сенинг ота–онанг йўқ?

– Ёлғон, менинг ота–онам бор, – норозилик билдирдим мен. – Шунчаки ҳозир улар менга ғамхўрлик қила олишмайди. Лекин ҳадемай биз яна ҳақиқий оила бўламиз.

– А–ҳа, бекорларнинг бештасини айтибсан! Сен жиннимисан ёки шунчаки алдаяпсанми? Сен уларга керак эмассан.

Биринчи марта шундай бўлганида йиғлаб юбордим, мени хафа қилаётганлар кулишди, бу кўринишнинг гувоҳлари эса индашмади.

Ўша куніёқ кечкурун Нолага шикоят қилдим ва у: «Робби, уларнинг гапи қалбингни жароҳатлаётганини билдирма. Шунчаки: “Тошлар ва ёғочлар билан оғритиб урарсан, аммо сўзлар билан мени бука олмайсан”, деб айт – кейин эса ўгирилиб, кетавер», деди.

Бу маслаҳатдан фойдаланиб кўрмагунимча, у бамаъни туюларди. Безориларнинг кулгисидан аҳволим янада ёмонлашаверди. Менимча, тошлар ва ёғочларга чидаш осонроқ эди.

Шаҳарлик болаларнинг хўрлашлари ҳафта сайин ўткирлашиб бораверди. Ниҳоят, иккинчи синфда, бас, етар, деган қарорга келдим.

Бу шунчалик тўсатдан рўй бердики, ўзим ҳам мени азобловчилардан кам бўлмаган даражада ҳайратга тушдим. Улардан бири афтини масхараомуз буриштирганича, эндигина ўзлари яхши кўрган мазах қилишга киришган ҳам эдики, муштим учиб бориб тўппа–тўғри унинг жағига тегди. Безбетнинг попутини пасайтириб қўйганимга ачинмадим.

Бу вақтга келиб муштлашишлар мен учун камдан–кам учрайдиган воқеа бўлмай қолди. Бизни доим ниқтайдиган етимхонадаги безорилар туфайли мен бу ишда бинойидек маҳоратга эришдим. Мен кўкариш ва шишлар қолдирмай қаерга уришни ва қовурғалар ҳамда бошга зарба бериб, узоқ вақт ўтиб кетмайдиган оғриқлар етказишни билардим.

Менинг кутилмаган шиддатли қарши зарба беришларим ва мурасасизлигим туфайли мени хўрлашни истайдиганлар камайиб кетди. Лекин ҳар доим мени қуюшқондан чиқариб юборадиган бирор бола топилар ва шахсан директор ҳузурида туришимни таъминларди. Эшик ортимдан ёпилар ва директор хўмрайиб сўрарди: «Сенга нима бўлган, ўзи, эй бола?»

«Менга нима бўлибди? Йўқ, сизга нима бўлган ўзи, жаноб директор? Мен эмас, ўқувчиларингиз бу заҳарлашни бошлашган! Бу мактабга келгунимга қадар ўзимга нимадир бўлгани ҳақида тушунчага ҳам эга эмасдим!»

Директор менга шу саволни берганида, унинг башарасига туширгим келарди. Мен жавобни билмасдим. Қовоғимни солганимча бегонасираб, сўзсиз бўладиган жазони кутардим. Агар у менда афсусланиш белгиларини топмоқчи бўлганида ҳам, ҳеч қачон бундай аломатларни топмаган бўларди.

Етимхонанинг штатдаги ижтимоий ходими мен билан ҳар ҳафта суҳбат қуларди. У мактабдаги бегоналик ҳиссидан мени халос қилишда ёрдам беришни истарди. Лекин у ва Нола менинг дурустгина бола эканлигимни қанчалик такрорлашмасин, бунга ишона олмасдим.

«Ҳамиша мен билан нимадир ёмон нарса содир бўлади ва нима учун эканлигини билмайман, – ўйлардим мен. – Ҳеч ким, ҳатто шаҳарлик болалар ҳам мен билан мулоқот қилишни хоҳламайди. Нола нима дейётгани муҳим эмас, мен жуда ёмон бўлсам керак! Бирор киши айбим нимадалигани айтса, қошқийди! Нега онам мени ташлаб кетди? Нега мен бунчалар ёлғизман?»

Албатта, мен ҳали ҳам олтмиш нафар болалар қуршовида яшаяпман, бироқ юрагимда ёлғизлик – ноилож ёлғизлик бор эди.

Мени ҳар хил ўғил болача нарсаларга ўргатадиган отам йўқ эди. Бизга, кичкина болаларга шапалоқ тортиш имконини қўлдан чиқармайдиган ўсмирлардан ҳимоя қиладиган акам йўқ эди. Жароҳатларимни бўса билан даволайдиган ва тунда устимдан тушиб кетган кўрпамни тўғрилаб қўядиган онам йўқ эди.

«Бу менинг айбим бўлса керак. Менга нимадир бўлган. Ҳойнаҳой, мен билан яшаб кетишининг иложи йўқ». Мен дуч келаётган қийинчиликлар хавотирларимни тасдиқларди, холос. «Менимча, оиламизда мendan ёмон одам йўқ ва бўлмаган ҳам».

Етимхонада бундай деб ўйлайдиган менинг бир ўзим эмасдим. Кулфатдош ака–укаларимни кузатарканман, ҳаммамиз гўёки бизнинг ота–оналаримиз дунёдаги энг яхши оталар ва оналар эканлигига ишонишни хоҳлашимизни аста–секин тушуна бошладим.

Оиалада шафқатсиз муносабатга учраганлардан ташқари, етимхонадаги болалар уларнинг ота—онаси пасткаш эканлигига ҳеч ҳам ишонмасди.

Бу ҳақиқатан ҳам бизларнинг айбимиз эканлигига ишониш анча осон эди. Бизлар ҳайдалган бўлишимизнинг сабаби ўзимиз бўлсак, албатта ўзгаришга ҳаракат қилган бўлардик. Шунда ота—оналаримиз бизни уйга қайтаришни истаб қолишарди.

Етимхона ходимлари бор кучи билан муаммо бизда эмас, ота—оналаримизда деган фикрга келишимизда бизга ёрдамлашишни исташарди. Лекин агар уларнинг таъкидларига қўшиладиган бўлсак, вазият яхшиланишидан ва биз уйга қайта олишимиздан аввал анча вақт ўтади. Борди—ю, ота—оналар ўзгармаса, бизлар ҳеч қачон етимхонани тарк эта олмаймиз.

Гап етимхонадаги ҳаёт чидаб бўлмас даражадалигида эмас, биз бу ҳаётдан нафратланишимизда эди. Кўпчилигимиз бу ерда ота—онамиз бера олиши мумкин бўлганидан кўпроқ меҳр ва ғамхўрлик кўргандик. Лекин ҳатто етти ёшимдаёқ агар болаларни севишса улар камбағаллика, жулдур кийимларга, агар улар кимгадир керак бўлиб, уларга ғамхўрлик қилишса, уй—жойи йўқлигига ҳам тупуриб қўйишларини тушундим. Фақат ўз оиламизнинг бир қисми бўлиш учунгина биз бундан ҳам кўпроғига чидашга тайёр эдик.

Мен буни кўп болали оиладан бизнинг етимхонага тушган болаларда кўрдим. Уларни деярли ишламайдиган отаси олдидан, шаҳар чиқиндихонаси ёнидаги вақтинчалик бошпанасидан олиб етимхонага келтиришганди. Оч ва жулдур кийимдаги бу болалар худди умрида ювинмагандек кўринишарди. Катталар уларнинг отасини бошпанасиз киши деб аташарди. Лекин гарчи ҳаётларининг моддий томони яхшиланган бўлсада, барибир улар дастлабки бир—икки йилда уларни оиласидан ажратишганига кўника олишмади.

Мен буни онаси саратондан вафот этгач, етимхонага тушган қизда кўрдим. Унинг отаси хотинининг ўлганига чидай олмаган ва ягона фарзандига ғамхўрлик қила олмаган эди. Бу қиз нафақат онасини, балки ўзи кўмагига шунчалар муҳтож бўлган отасини ҳам йўқотганди. Отаси ундан воз кечганига қарамай, у ҳали ҳам отаси олдида ва биз уй деб айтадиган жойга қайтишидан умидвор эди.

Мен буни бир ақли ожиз болада кўрдим. У “аҳмоқ” бўлгани учун отаси уни муттасил дўшпослаган, онаси эса ўзининг соғлом болаларига диққатини жамлаб, унга эътибор қаратмаган. Тушкун ҳолда ҳаммаси ўзгариши ва оиласи уни қабул қилишига умид қилиб, бу бола узоқ йиллар давомида уйига қайтишини хоҳларди.

Биз ҳаммамиз шунга ишонардик. Бизларни яхши кўрадиган ва кутишаётган оиламизга қайтиш орзусини ҳадемай рўёбга чиқарамиз деб ўйлашни ҳаммамиз истардик.

Кўринишидан, ёши каттароқ болалар охир—оқибатда бу орзусидан воз кечишганди. Лекин кичкинтойларга анча қийин эди. Кичик ёшдаги болаларнинг ҳар бири қандайдир тарзда уйига қайтиши биланок, ёлғизликнинг нохуш сояси бир умрга чекинади деган умидни қалбида ардоқлаб юрарди.

Бу соя энди мени йиғлашга мажбур қила олмасди, лекин таъқиб этарди. Тунда каравотда ётиб, кўпинча унсиз йиғлардим. Шундай бўлганида, ўзимга ўзим бир ажойиб кун келиб, мўъжиза рўй бериб ҳаммаси жойига тушади ва мени қутқариб олишади дердим. Бу умид — тушкунлик мени ўзининг тубсиз чоҳига тортиб кетишига йўл қўймаётган ягона туйғу эди.

Ана шу умид ва Жижи туфайли ўзимни қўлга олгандим. Жижи кўп етимхона тарбияланувчиларида бўлмаган бир инъом эди. Мен унинг ташрифларини сабрсизлик билан кутардим, бу ташрифлар менинг юрагимга илиқлик бағишларди.

Мавлуд байрамида, баъзан эса Шукроналик кунида бувимни кўришга бориб—келишимга рухсат беришарди. Шундай ташрифларимдан бирида мен унинг Иллинойс штатидаги Рокфордлик қариндошлари билан танишдим. Фрэн Жижининг энг катта акасининг қизи эди. Фрэн ва унинг ўғиллари Пол ҳамда Арт жуда қувноқ эдилар ва мени уларникига келишга таклиф қилишди.

Мен биринчи марта улар билан учрашдим, шунчалик бахтли эдимки, ақлимни йўқотаёздим. *«Балки мен улар билан яшай оларман!»*

Хатто яна нимадир деб ўйлашга ҳам улгурмай туриб, овоз чиқариб бидирлай бошладим:

– Балки мен сизлар билан яшай оларман? Мен мактабда яхши ўқийман ва уй ишларида ёрдам беришим мумкин. Агар менинг келишимга рухсат берсангиз, ҳақиқий дастёр бўлардим.

Жижи ўзини йўқотиб қўйди, лекин Фрэн эркалатиб, шундай деди:

– Мен жуда афсусдаман, Робби. Лекин мен салкам етмиш ёшдаман ва сенга ғамхўрлик қилишга жуда ҳам қариман. Арт уйланмаган, ҳамиша хизмат сафарларига кетиб туради, Полда эса бусиз ҳам тўрт нафар фарзанди бор. Шунинг учун сенга қанчалик ёрдам бергимиз келсада, биз сени ўзимизга ололмаймиз.

У ва оиласи менга ачинаётганини кўрдим. Лекин унинг сўзлари нақ бурним тагида қарсиллаб ёпилган навбатдаги эшик бўлди.

“Нега? Нима учун оила аъзоларидан ҳеч ким мени ўзига олиш ва ғамхўрлик қилишни хоҳламайди?” деган савол менга азоб бераётганини ҳеч ким тушунмаётгандек эди

Бор кучим билан ўз умидимни сақлашга ҳаракат қилардим. Аммо иккинчи синфда ўқиётганим ўша қишдаги жангда мағлубиятга учрадим.

Бу 1962 йил февралда содир бўлди. Мен етти ёшда эдим. Иллинойснинг марказий қисмида бўлган фермерлик участкаси ўша тунда яп–яланг ва бўм–бўш эди. Ҳосилдан сўнг маккажўхори ва соя экинлари поялари қолган далалар ҳайдалганди. Кирланган қор жонсиз майсаларни қоплаганди, барглари тушган яланғоч дарахтлар совуқ шамол увиллаши остида ғижирларди.

Ҳаммамизни каравотларга ётқизгач, Нола бизни ўз хаёлларимиз билан ёлғиз қолдирди. Ҳожатхонадаги тунги чирокдан ва қизил “Чиқиш” ёзувли тахтачадан тушган ажиб соялар ётоғимизнинг деворларида ўйноқларди. Етимхонада ўтказганим тўрт йил давомида ёруғлик ва қоронғуликнинг тунги бу хунук ўйини кўпинча ёмон тушлар сабаби бўлганди.

Тўшакда ётарканман, ниҳоят ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлдим.

Менинг отам ҳеч қачон соғаймайди.

Менинг онам ҳеч қачон бошқа оналардек бўлмайди.

Мен ҳеч қачон Жижи ёки унинг қариндошлари билан яшай олмайман.

Ҳеч ким мени қутқаришни ўйламаяпти ҳам.

Бу аччиқ воқелик юрагимни чил–парчин қилди.

Ўзим яхшилаб ҳимояланган деб ўйлаган қалбимнинг туб–тубидан ҳўнграш отилиб чикди. Умидини йўқотган бошқа болалардан ҳам мана шундай ҳиқиллаб йиғлашни эшитгандим, лекин шу пайтга қадар қандайдир тарзда умидсизлик чоҳига тушишга чап бериб келаётгандим.

Лекин бугун эмас. Бу тун ифодалаб бўлмас оҳ–нолалар қилиш навбати меники*.

* Қаранг.: Рим. 8:26.

– Ўчир! – ўшқирди хонадош болалар менга. Яланғочланган туйғуларим улар ўзларининг қон бўлган, қўрқувга солинган юраклари атрофида барпо қилиб олган ҳимояни бузиш хавфини солганди.

Нола келди ва бир муддат ёнимда бўлди. Лекин у узоқ вақт қололмасди. Тез орада мендан кичкина бўлганларга ғамхўрлик қилиш учун унинг кетишига тўғри келди.

Кўз ёшим қуригунича йиғладим. Қайғудан азобланган ва тушқунликка тушган ҳолда узоқ вақт ухлай олмадим ва ҳали ҳам мулоҳаза қилардим.

«Ҳеч ким мени қутқармайди. Мени қутқариш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Мен ёлғизман ва негалигини билмайман. Мен нимани нотўғри қилдим? Мени бу ерга ташлаб кетишганида атиги уч ёшда эдим. Бунга лойиқ бўладиган нима иш қилибман? Мен бу ердан чиқа олмайман. Хоҳлайманми, йўқми, бу ерда бир умрга қолиб кетдим».

Ўша совуқ қиш тунида менинг дийдам қотди.

«Ҳеч нарса ва ҳеч ким буёғига менга бундай оғриқ бера олмайди. Майли, катта синфдагилар оғриқдан бақириб юбормагунимча мени дўппослашсин, бироқ ҳеч нарса ва ҳеч ким мени қалб оғригидан ҳўнграшга мажбур қила олмайди. Ҳеч ким! Нима бўлишидан қатъий назар, мен худди қоядек қаттиқ бўламан!»

Бу кичкина ўғил боланинг қасами эди, холос.

Аммо фақат шундай қилибгина, мен ҳар бир бурчакда ўзимни кутиб турган воқеликнинг даҳшатларидан ҳимояланишим мумкин эди.

5. ЎҒИРЛАНГАН

1963 йил 19 январь, соат 20:15.

Ижтимоий ходимнинг қайдларига кўра, етимхонада кутилмаганда пайдо бўлиб қолган онам, мен билан учрашувни талаб қилган.

У Нолага мени ўзи билан олиб кетишини айтади. Онам қонун бўйича менинг ҳомийим бўлгани боис, ҳеч ким унга қаршилиқ қила олмайди.

– Митчелл хоним, болаларнинг ухлаш вақти бўлди ва бугун ҳаво ўта совуқ, – қатъий билдирди Нола. – Сиз Роббини қачон қайтармоқчисиз?

Онам кулиб юборди, Нолани уришиб берди ва мени ортидан судраб кетди.

Мен кўрқиб ва хижолат тортиб, ёрдам кутганимча Нолага қарадим. У занжирдаги ғазабдан титраётган она бўрига ўхшарди.

Мактаб томонга борар эканмиз, онам ўзини худди ақлдан озгандек тутарди.

У одатдагидан кўпроқ вайсар ва сўкинарди, лекин худди қандайдир ўйин ўйнаётгандек истехзоли жилмаярди.

Унинг тез қадам ташлаши ортидан улгура олмаётганим учун онам мени гоҳ–гоҳ тортиб кўярди. Мен совқотдим, лекин шикоят қилишга журъат этолмадим.

Одатдагидек, у менинг бувиларимни, етимхонани, Муқаддас Китобни, қора танлиларни ва муҳожирларни ҳақорат қиларди. Лекин кейин янги бир гап айтди:

– Мен ҳали уларга кўрсатиб қўяман, Робби. Мен уларнинг ҳаммасига кўрсатиб қўяман. Улар менинг яхши она бўла олишимни кўришади. Тез орада яна бир оила бўлиб яшай бошлаймиз.

«Уйга? Наҳотки мен ниҳоят уйга қайтаман?» Мен сўрамаслик маъқуллигини билардим, шунинг учун қўлга тушган кучук нигоҳи билан унга қарадим ва кутдим.

Ўша кечаси биз етимхонага қайтиб келмадик. Онам Принстон темирўл вокзалининг кичкина ёғоч ўриндиғида бизга тунаш жойи ҳозирлади.

Эртаси куни эрталаб биз биринчи поезд билан Чикагога жўнадик. Менинг алмаштиришга кийимим йўқлигини унга айтганимда, онам мени ишонтиришга шошилди: «Хавотирланма, Робби. Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман».

Чикагога келгач, биз тўғри бутун дунёга “Пальмер хаус” номи билан машҳур бўлган меҳмонхонага жўнадик. Етимхонанинг чўян каравотларидан ялтироқ кандиллар, кенг заллар ва башанг кийинган йўлак қаровчиларига ўтиш тушга ўхшарди. Бу дунё мен тасаввур қилганимдан ҳам чиройлироқ экан.

Биз хонага жойлашганимизда, онам ўзининг ғайриодатий катта аёллар сумкасидан пулларнинг катта боғламини олди.

– Ниҳоят мен ўзимга тегишли бўлганини олдим, – деди у қоғоз пулларни комоднинг тортмасига тиқиштираркан. – Менинг отам ва унинг синглиси ҳалок бўлди, уларнинг машинасига поезд келиб урилди. Мен суғурта бўйича 10 минг доллар олдим! Зўр–ку, тўғрими? – Бунга қандай муносабат билдиришни билмасдим. – Бу тортмадаги нарсалар сеники, – деб қўшимча қилди у фахрланиб. – Кел, сенга нима сотиб олганимни кўр.

Комикслар! Тортма уларга тўлганди. Онам ҳар доим комикслар ёмонлик эканлигини менга уқтирарди, ҳозир эса менинг ҳайратга тушган башарамни кўриб

хохолаб куларди. Кейинги ҳафтада у яна комикслар ёмонлиги ҳақида тинимсиз насихат килди, кейин эса бориб менга яна бир тўдасини сотиб олди.

Бир неча ҳафта давомида ҳаёт шунчаки эртақ бўлди: биз хонамизга таом буюртирдик, бадавлат дўконлардан харид қилдик, бирин–кетин фильмлар томоша қилдик.

Бу орада онам вайсашни давом эттирди. У оғзидан кўпик сачратиб, мана шундай турмуш тарзидан махрум бўлганимизда отамнинг онаси – бувим Паулани айблади. Негалигини билмадим–у, аммо унинг сўзларига қараганда, бизнинг барча муаммоларимизда менинг бувиларим айбдор бўлиб чиқаверди. Гарчи мен ким бўлса бўлар–у, аммо Жижи ҳеч қачон менинг муаммоларим манбаи эмаслигини билардим.

Тўсатдан, бир оғиз сўз айтмай туриб, онам нарсаларимизни сумкага солди ва мени “Палмер хаус”нинг эртақлар олаmidан тортиб чиқарди.

Мен қоронғу йўлакчалари ва худди шундай нурсиз яшовчилари бўлган, кўп қаватли уйнинг ичкари томонида жойлашган кичкина ифлос хонадога тушиб қолдим.

Брин–Мор бекати яқинида, шундоққина уйнинг орқа тарафи девори биқинидан метронинг ер усти йўли эстакадаси ўтарди. У билан бир хил баландликда жойлашган хонадончалар энг кўримсизлари бўлиб, ҳар гал поездлар тарақа–туруқ қилиб ўтганида зириллагани боис, энг арзонлари эди.

Мен эски бино қулаб тушишига ишончим комил бўлгани боис деярли ухламадим. Онам маст бўлиб қолар ва худди ўлгандек қотиб ухларди.

Хонадонда кичкин ванна ва яшаш хонаси бўлиб, бу хонанинг деворларидан бири ёнида совутгич, қўл ювиш чаноғи ва плита бўлган жажжи ошхона жойлашганди, биз онам билан ухлайдиган, ағдариб қўйиладиган каравот эса рўпарадаги деворга маҳкамланганди. Бизда яна стол ва диван ҳам бор бўлиб, ҳеч қандай телевизор ёки радио йўқ эди.

Онам овқатланишга қандай муносабатда бўлиши мени ўзим тарқ этган етимхона учун афсусланишга бир неча бор мажбур қилди. Нонуштага, баъзан эса тушликка ҳам ёғда кўпчиб пишган кулчалар ейиш имкониятидан завқ олиш туйғуси дарров йўқолди. Унинг пазандалик қобиляти ярим тайёр маҳсулотларни алюминъ зарқоғозда ёб бўлмайдиган даражагача қовуриш билан тугарди, шундан сўнг у куйиб кетган овқатни стол устига тарақлатиб ташларди.

Агар мен унинг эплаб–сеплаб тайёрлаган нарсасини ейишга шошилмасам, унинг тайёрлаганини танқид қилишга журъат этганликда мени айблар ва ҳамиша ҳаммаси жуда мазали эканлигини айтиб туриб оларди. Очлик мени кўлимга санчқини олиш ва бир амаллаб куйдириб юборилган яшил нўхатлар, қуритиб юборилган картошка пюреси ва ғичирлаётган гўштли рулетни чайнаш ва ютишга, уларнинг устидан жўмракдан келаётан илиқ сувни ичишга мажбур қиларди.

Кундузи онам одатдагидек, маст бўлиб қолгани учун бир неча соат ухлаб қоларди. Шунда мен умуман кечки овқатсиз қолиб кетардим. Бир неча марта уни силикитиб уйғотишга уринганим, лекин бу самарасиз бўлгани эсимда. Ҳаётим қоронғу, сершовқин ва мазмунсиз эди, кўнгилхушликлар эса комикслар ўқиш, ёлғиз ўйнаш ва хонанинг девори ҳамда полида ўргимчаклар ва суваракларнинг шошмай ҳаракат қилишини кузатишдан иборат эди.

Онам ухлаб ётганида шодланардим, лекин у уйғониб кетганида умуман қувонишга ўрин қолмасди. Аксарият вақтда у насихат ўқирди, лекин гарчи унинг овози қулоғимга эшитилиб турсада, бирорта ҳам сўз онгимга етиб бормасди. Бу насихатлар кутилмаганда бутун хона бўйлаб кўзалар ва кастрюлларнинг учиши билан бирга рўй берадиган нафратга тўлган лаънатлашларга айланарди. Унинг отган барча “снаряд”лари шикаст бермаслигидан доимо ҳайрон қолардим.

У ёмон кўрадиган нарсаларнинг рўйхатини ўша вақтда Иллинойс штати бошлаб берарди. Онам ҳукумат уни етарлича ёрдам ёки ижтимоий нафақа билан таъминламаганидан аччиқланарди. Бир куни кечқурун унинг навбатдаги вайсашидан сўнг мен унга пуллар ва отам ҳақида савол бердим:

– Ишлаш ва бизга ғамхўрлик қилиш учун отам қачон тузалади?

Ҳалигача ҳеч ким отам “менга ғамхўрлик қилиш учун жуда қаттиқ касал эканилиги”ни тушунтириб бермаганди. Кўпинча менга у “миясини шикастлаб олгани” ва мени кўриш учун келишга жуда узоқлик қиладиган касалхонага тушганини айтишарди.

Аввалига менинг саволим онамни лол қолдирди, у худди дами чиққан ғилдиракдек бужмайиб олди. Лекин, кейин, менимча, у ниманидир эслади ва унинг юзидаги қайғу ғазаб билан ўрин алмашди.

У ғазабдан титраб, бидирлаб кетди:

– Отажонинг – заиф ва омадсиз! У бизни ташлаб кетди ва бошига ўқ узиб ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Менимча, у охириги дақиқада фикридан қайтган, чунки ҳатто лозим даражада ўзига ўқ ҳам уза олмаган. У миясини шикастлаб олди ва бир умрга мажруҳ бўлиб қолади. – Унинг қичқириқларини эшита туриб мен ниманидир тушуна бошладим. – Мана нима учун у ҳеч қачон бизга ёзмаган ва қўнғироқ қилмаган, Робби. Мана нима учун! У бундай қила олмайди. Фақат осмондагина биз яна бир оила бўла оламиз.

У стаканига арзон винодан яна бир–икки томчи қуйди. Мен у оиламизнинг осмонда бирлашишини тезлаштириш учун бизни ўлдирмоқчи эмасмикин деб ўйлаб қолдим.

«Мана, отамга нима бўлган экан. У ўзини ўлдирмоқчи бўлиб бошига ўқ узган экан. Демак, у ҳеч қачон тузалмайди». Шунчалар таниш оғир пўлат эшик оиламизнинг бирлашиш ҳақидаги умидимни бир умрга барбод қилганича, шарақлаб ёпилди.

Лекин онамнинг “васийлиги” остидаги ҳаётим давом этарди. Гарчи унинг васийлиги қонунийлиги онамни бу жиноятда айблашга имкон бермасада, мен ўзимни ўғирлангандек ҳис қилдим. Етимхонадан мени оларкан, у қандайдир олишувга ёки ҳокимият учун курашга киришгандек тасаввур уйғонди.

– Назаримда, мен уларни лақиллатдим, – ўзидан қўнгли тўлиб деди онам, менинг етимхонадаги кийимларимни яқин орада дуч келган кўча муюлишидаги бочкада ёқаркан. – Сен – менинг ўғлимсан, буни эсда сақлашлари эса уларга ҳалақит қилмайди!

Тўғриси, унинг ўзи буни эсдан чиқаргани яхши бўларди. Мен Жижи ва Ноланинг олдида қайтишни истардим, нега улар мени қутқаришмаётганини фаҳмлашга уринардим.

Кейинчалик мен Жижи ва етимхона ходимлари ваҳимага тушишганини билдим. Улар бизнинг қаерда эканлигимизни, менга хавф таҳдид солаётган–солмаётганини ва умуман тирик ёки тирик эмаслигимни тасаввур ҳам қила олишмасди.

Онам мени етимхонадан олиб кетганидан сўнг бир неча ҳафта ўтиб, автомат телефондан бувим Жижига қўнғироқ қилди. Менимча, бувим мени чақиришни сўради, чунки бир неча сўз айтишим учун онам телефон гўшагини менинг юзимга яқинлаштирди. Кейин эса гўшакни тортиб олиб, қичқирди: «Ҳали сизлар ўйинимга тушасизлар!» – ва гўшакни дастакка қўйди.

Деярли икки ой онам агар бувим белгиланган кун ва соатда уйда бўлса, мен билан гаплашишга рухсат беришини айтиб, бечора бувимни таҳқирлади. Баъзан биз ваъда этилган қўнғироқни қилиш учун ҳақиқатан ҳам автомат телефон томонга йўл олардик, лекин онамнинг кайфияти бузук бўлса, шунчаки унинг ёнидан ўтиб кетардик. Ҳар ҳолда Жижига қўнғироқ қилганимизда эса, бир–икки дақиқа ўтиб, онам гўшакни қўлимдан юлқиб олиб бақирарди: «Етар! Алвидо».

Жижи менинг йўқолиб қолганимдан ҳамма хавотирда эканлигини айтиб берганида нима деб жавоб қилишни билмадим.

Бир гал Жижини атиги бир–икки соат олдин огоҳлантирган онам, унга мен билан овқатланишига рухсат берди. Тўғри, у бувимни бизнинг хонадонимизга киритмади ва мени унинг олдида қўйиб юбормади. У Жижи мени етимхонага қайтаришидан қўрққан бўлса керак.

Бу кечки овқат эмас, ҳақиқий базм эди: мен ёқтирган таомлардан бири бостончасига бўктирилган гўшт ва ҳар хил гарнирлар. Буюртма берилган таом миқдори тўрт кишига ҳам етарди, лекин бувим ҳеч нарсага қўл текизмади.

Хатто шоша–пиша оғзимга навбатдаги гўшт бўлагини тиқиб, зўрға чайнашга улгураётган бўлсам ҳам, барибир Жижи мендан хавотирланаётганини сездим. Бир лахза чайнашдан тўхтадим ва оғзимни тўлдириб тамшанганимча, дедим:

– Бувижон, сиз бирор нарса татиб кўришингиз керак. Бу жуда ҳам мазали!

– Раҳмат, қорним тўқ, – жавоб берди у ғамгин хўрсиниб.

Бувим менга кўпроқ овқат етишини истаётганини билардим.

Бу учрашув орқали онамдан қочиш учун фойдаланиш хаёлимга ҳам келмаганди. Мен ҳаёт қанчалик жирканч бўлмасин, уни тинчгина шундайлигича қабул қилишга қарор қилгандим. Агар биз қаерда яшаётганимизни билса, етимхона ходими келиб мени олиб кетиши мумкинлигини тушунмасдим. Бувим ҳам ҳалигача ёрдам сўраб, бирон жойга қўнғироқ қилгани йўқ – эҳтимол, у онамдан кўрққандир.

Шунга қарамай, ўша оқшом Жижи қандай ва қаерда яшаётганимизни узок суриштирди. Бизнинг каламуш уяси ҳақида айтиб бера оладиган бор гапим, бу – у Брин–Мор метро бекати ёнида, кўл қирғоғидаги кинотеатрдан бир неча мавзе нарида жойлашгани эди.

Жижига бизнинг ортимиздан ҳукумат вакиллари жўнатиши учун шу гапларнинг ўзи ҳам етарли бўлган, шекилли. Бир–икки кундан сўнг эшигимизни баланд ва қаттиқ тақиллатишди. Эшигимизни биринчи марта кимдир тақиллатгани учун нима қилишни билмасдим.

– Полиция! – эшик ташқарисида йирик гавдали киши турганлигини билдириб турган овоз янгради. – Бизда қамоққа олишга ордер бор. Эшикни очинг!

Мен маст бўлиб ухлаб ётган онамни уйғотиш учун уни силкита бошладим. Ниҳоят у дивандан турди ва “Ким?” деб сўраб, эшикни очди. Полициячи унинг кўлига кишан солди. У жуссаси улкан киши эди.

Биз бу кўрқинчли бинони тарк этаётганимизда, мен ҳам ҳибсга олиндим, деб ўйладим. *«Бу сафар нима қилибман? – хайрон бўлдим мен. – Мени қаерга олиб кетишмаяпти? Балки, ҳар ҳолда етимхонага ёки Жижи бувимникигадир?»*

Офицер мени кўлига олиб “маҳбуслар учун машина”нинг ичидаги ўриндиққа ўтқазганида, юрагим ағдар–тўнтар бўлиб кетди. Фургоннинг икки ёнбошида иккита ўриндиқ ўрнатилган бўлиб, эшикдаги дарчага панжара қопланганди, шундай экан, нафақат биз кўчага қарай олардик, балки бошқа машинадагилар ҳам бизни кўра олишарди. “Мен жиноятчи эмасман!” деб қичқиргим келди. Аммо бундан не фойда? Мен яна ўзимни таҳқирланган ва кучсиз ҳис қилдим.

Онам иккимизни полиция участкасига олиб келишганида, бизни турли хоналарга ажратиб юборишди. Унга нима бўлишини билмасдим, лекин мени Жижига беришади ёки етимхонага қайтаришади деган қарорга келдим. Аммо полициячи мен Ауди Хоумда тунни ўтказишимни айтди.

Луп* тумани яқинида, Чикагонинг марказида жойлашган Ауди Хоум ўзининг кейинги тақдирини суд томонидан ҳал қилишини кутаётган вояга етмаганларнинг дастлабки қамоқ жойи эди. Ўзимни худди қамоқхонага тушгандек ҳис қилардим.

* Луп (ингл. loor сўзидан – халқа, доира) – Чикаго ишбилармонлар ҳудудининг номи бўлиб, бу ном ер усти метросининг халқа шахобчасидан олинган. – *Тарж. изоҳи.*

Мени топширишган навбатчилик пештахтасининг нариги томонида йўлакча жойлашган бўлиб, унга тўртта камеранинг эшиги чиқарди, улардан иккитасини бақираётган ва сўкинаётган ўсмирлар банд қилганди. Улар бутун дунёни ва пештахта ортидаги одамни лаънатларди, у эса худди шундай жавоб қайтарарди.

Мендаги ҳамма буюмларнинг рўйхатини тузиш унинг мажбуриятига кирарди.

– Устингда нималар бор? – тўнғиллади у.

– Пойабзал, пайпоқлар, шим, ички кийим, камар ва куртка.

Менга қараб олгач, у деди:

– Сен Чикагодасан, йигитча, ташқарида эса февраль. Нима, пўстининг йўқми?

– Пўстиним бор, – жавоб бердим мен куртканинг четларини маҳкамрок бирлаштириб.

– Хўш, нима бу? Пўстинми ёки куртка?

Мен билмасдим. Унинг тош қотган юзида кўмаклашиб айтиб юбориш аломатини кидириб, тополмагач, лабларим қалтираб мингилладим:

– Пўстин.

У ўрнидан кескин тураркан, менинг сўзларимни ўзининг устидан кулиш деб тушунди, шекилли, сўкиниб юборди. Қўлимдан ушлаганича у мени камералар томонга судради.

– Менга қўполлик қиладиган болакайларга нима бўлишини кўриб қўй! – деди у баланд товушда.

Мени полдан сал кўтариб, юзимни камера эшигидаги панжара қопланган дарчага яқинлаштирди ва доғ қоплаган ифлос қўл ювиш чаноғи ва ҳожатхона сифатида ишлатилган челақни кўрсатди. У ердаги бадбўй ҳид баҳорда Принстон фермаларида тараладиган гўнг сасишидан кўра ўткирроқ эди.

– Тунни шу ерда ўтказишни хоҳлайсанми? – бақирди у.

– Йўқ, жаноб!

Мени рўйхатга олиш пештахтасининг олдида қайтариб олиб бораркан, у сўради:

– Хўш, бу нима, пўстинми ёки куртка?

– Билмайман жаноб, – чийилладим мен. – Мен бор–йўғи кичкина боламан. Мен билмайман.

– Бу куртка, ғалча.

Ечинишимни буюргач, у менга қамоқхона махсус кийимига ўхшаган нимадир берди ва тунни ўтказишим лозим бўлган хонага зинадан чиқишимни буюрди.

Иккинчи қаватга кўтарилгач, мен ёпиқ эшикка дуч келдим.

Тақиллатдим. Жимлик.

Яна тақиллатдим. Жимлик.

Қандайдир болакай қулфланган эшик ортига келиб, мен билан аҳмоқона музокарага киришмагунича тақиллатавердим.

– Нима керак? – қичқирди у.

– Мен шу ерга киришим керак.

– Мен сени танимайман.

– Катталардан биров билан гаплашишим зарур.

– Нега энди?

– Эшикни оч, – талаб қилдим мен.

– Мен эшикни очмаслигим керак, – деди у ҳингиллаб кулиб, – сен билан гаплашмаслигим ҳам зарур.

– Мен кира олишим учун катталардан бирон кишини чақир, акс ҳолда, менда муаммо пайдо бўлади.

– Мени сенинг муаммоларинг қизиқтирмайди. Нега энди сенинг ташвишингни тортишим керак экан?

– Эшикни оч ёки катталардин бировини чақир! – деб туриб олдим мен қайнаб келаётган ғазабимни босишга уриниб.

– Нега сени ичкарига қўярканман?

– Чунки мен киришим керак!

– Балки сени ичкарига киритарман, – деди у, – балки киритмасман ҳам.

Таъбим хира бўлиб дастакка тармашдим, аммо эшик қимирламади. Биринчи қаватдаги золим ҳар қандай дақиқада чиқиб келиши ва унинг буйруғига қулоқ солмаганим учун мени ифлос камерага ташлашига ишончим комил эди.

Яна бир неча дақиқа мени мазах қилгач, эшикнинг нариги томонидаги болакай агар аввал мени кўрса, ичкарига киритишини айтди.

– Қулф тирқишидан қара.

Мен бўйсундим. У шунчалик эпчиллик билан тупуриб юбордики, тупуги нақ кўзимга келиб тушди.

Шу билан музокаралар тугади. Мен қичқирдим, томоғим йиртилгудек бақирдим ва эшикни муштларим билан тарақлатдим. Мени етимхонадаги ўспиринлар дўппослаган вақтдаги ғазаб ташқарига отилиб чиқди.

Ўзимни йўқотиб қўйдим. Мени масхара қилишга журъати етган ҳар қандай кишини, айниқса, кўзимга тупурган ўша ярамасни яксон қилишим мумкин эди.

Ва ниҳоят бу лаънати эшикни очган қўриқчи унга ташланишга тайёр турган тасманиялик иблисчани кўрди. У киприк қоқмай бемалол буйруқ берди:

– Ортимдан юр. Қаерда ётишингни кўрсатаман.

У мени ётоққа бошлаб келди ва маҳкам ўрнатилган саккизта каравотдан бирини кўрсатди.

– Шу ерда ётасан, – деди у. – Биламан, жаҳлинг чиқаяпти, лекин буни ҳал қилишга вақтим йўқ. Мен қаватда тартиб сақлаш ва сизлар, валакисаланглар бир–бирингни майиб қилиб қўймасликларинг учун шу ердан. Кечки овқат ярим соатга етмай тайёр бўлади. Илтимос, то мен келиб сени олиб кетмагунимча шу ерда қол. Ўзингни босиб олишингни қатъий тавсия қиламан.

Унинг хотиржам оҳанги ўзимни қўлга олишимга ёрдам берди. Тез орада давлат ҳисобига қурилган кулранг яланғоч деворли ошхонада ўтирдим. Қўл етмас баландликка ўрнатилган телевизорга сим тўр қопланганди.

– Нега фақат қошиқлар? – деб сўрадим қамоқхона кийимидаги йигитчадан.

– Ўзингни гўлликка солма, – пишқирди у. – санчқилар ва пичоқлар қурол сифатида ишлатилиши мумкин!

Ўша оқшом сал кейинроқ қўриқчи менга душга тушишимни буюрди. Йигитчалардан бири пичирлади:

– Орқангни эҳтиёт қил.

Душда шахсийликдан дарак берувчи ҳеч қандай аломат йўқ эди. Мен билан бирга яна икки ўсмир у ерга кирди. Менимча, юзимдаги ғазабни ўқиб улар ўзини четга олди ва узоқроқда туришди.

Кимдир ташланиб қолиши ва мени уришидан хавфсираб, ҳамма ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилмагунимча каравотда ўтирдим, кейин эса ўрнимдан турдим ва панжара ўрнатилган дераза ёнига келдим. Қўлимни кўксимда чалиштириб, кафтларимни қўлтиғим остига яширганимча, ўзимни иложи борица маҳкам қисиб, бунгача ҳам бир неча марта қилганимдек, у томондан бу томонга чайқала бошладим. Деворлар ва тиканли симлар, қуролланган қўриқчилар оша осмонга қарарканман ўзимга ўзим “нега” деган савол берардим. Нега мен бу ердан? Нега ҳеч ким мени қутқармайди? Бу дунёда менга ўхшаганлар учун жой борми, қандай қилиб озодликка чиқсам бўлади?

«Бу қамоқхона, – ўйладим мен. – Саккиз ёшдан ва қамоқхонадан. Бундай жойга тушиб қоладиган нима қилибман? Мен нима қилдим?»

Катталардан кимдир бир кечагина бу ерда қолишим, кейин эса етимхонага қайтишимни айтди. Шундай бўлиб чиқишига умид қилардим. Ҳеч бўлмаганда, етимхонанинг деразалари, деворларида панжаралар, қўриқчилар ва менинг ақлдан озган онам йўқ эди.

Ўша тунда мен онам ҳақида кўп ўйладим. У одамларга жуда ёмон муносабатда бўларди ва уларнинг ҳаммасини ўзининг муаммоларида айбларди. У менинг ташвишимни тортмасди. Эртами–кечми онам мени ҳам айблай бошларди. У ҳеч бир сабабсиз ўзидан кичкиналарга тарсаки туширадиган ва ўз муаммоларини атрофдагиларга ағдарадиган етимхона безориларидан ҳеч ҳам фарқ қилмасди.

Вояга етмаганлар учун вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасида қўриқчининг хушёр кузатуви остида бўлганимда, бундан буён ҳеч ким ўзининг муаммосини менинг муаммомга айлантира олмаслигига қасам ичдим. Ҳаттоки онам ҳам.

Ниҳоят душманларим ухлаётганига икки марта ишонч ҳосил қилгач, жимгина тўшакка ўтдим ва мудрай кетдим.

Эртаси куни эрталаб, нонуштадан сўнг кўрикчи етимхонадаги ижтимоий ходим мени олиб кетишга тайёр эканлиғни айтди. Суд зали томон борарканман, то Жоннинг оқ кўйлаги ва қора сочини кўрмагунимча, у ерда Жонни кўришимга буткул ишонмадим. Етимхонага қайтишни уйга қайтиш билан таққослаб бўлмайди, лекин барибир, бу мен билан охирги икки ой ичида содир бўлган воқелардан кўра яхшироқ эди.

Жоннинг пайдо бўлиши мени қанчалик қувонтирмасин, у мени кўрганида янада бахтлироқ кўринарди. У ичини тўлдирган ҳисларни бошқаришга уринарди, лекин нигоҳи ва овозининг илиқлиги унинг асл туйғуларини фош қилиб турарди.

Бу ерни тарк этарканман, Нола ишонадиган Худонинг менга раҳми келармикин, деб ўйладим. Унинг Худоси Ауди Хоум ва онам хонадон деб айтган каламуш уясида мен билан нималар содир бўлганини кўрдимикан? Агар унинг Худоси ҳақиқатан ҳам раҳмли бўлса, нега менинг ҳаётим бунчалар бахтсиз?

6. ШИФОКОРЛАР

Онам билан ўтказилган бир неча ойдан сўнг етимхонага қайтгач, болалардан ҳеч бўлмаганда бирортаси мени кўриб хурсанд бўлади, деб умид қилгандим.

“Қаерда эдинг? Нима бўлди? Нима қилдинг?” деган сўзларни эшитишни истардим. Лекин лоқайдлик билан “Ҳа, яна сенми?” деган гапни эшитдим, холос.

Уларнинг назарида менинг қайтишим ишим ўнгидан келмаганини англатарди. Улар бу менинг айбим ёки айбим эмаслигини ёки қандайдир ҳал қилинмаган оилавий муаммолар туфайли шундай бўлган–бўлмаганлигини билишмасди. Уларга фарқи йўқ эди. Сабаб қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг назарида оилам мендан юз ўгирганди.

«Тошларингни терларинг, – алам билан ўйладим мен, – билишни истаб қолганларингда, мендан умид ҳам қилманглар».

Нола жуда хавотирланган экан. У ўзининг эркатой кучугини йўқотганди ва энди эса совук, очлик ва дўппослашларни билган, ҳеч кимга ишонмайдиган кучукча билан қолганди. Мен маънос эдим ва бошқалардан ажралиб олгандим.

Бунинг устига, мен ташландиқ болалар ҳақида нохуш хулосаларга келгандим. Етимхонада ўғил болалар қизларга қараганда кўпроқ эканлигига эътибор бергач, буни қизлар ёқимлироқ ва итоаткорроқ эканлиги, демак, ўғил болаларни ташлаб кетиш осонроқ эканлиги билан изоҳладим.

Нола мени аввалги, одатий ва ҳар доимга ўрнатилган турмуш тарзига қайтаришга уринишларини қўймасди. Мен худди меъёрга келгандек бўлиб кўринишни анча муваффақиятли эпладим, фақат кимдир эҳтиётсизлик натижасида оғриқ жойимга тегиб кетган ва одатдаги ғазаб билан жазавага тушган ҳолларимдан ташқари.

Бир қанча вақтдан сўнг Жон мени бир кунга мактабдаги машғулотлардан озод қилди.

– Робби, сен бир неча оғир ойларни бошдан ўтказдинг, – деди у. – Ўзингни қандай ҳис қилишинг бизни хавотирга солаяпти, шунинг учун эрталабки поездда биз Чикагога борамиз ва сени мутахассисларга кўрсатамиз. Шифокорлар сенда ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилишсин. Кўрикдан ўтишга бутун бир кун кетади. Мен сенинг ёнингда бўла олмайман, лекин ҳамиша касалхона биносида бўламан ва биз бирга овқатланамиз. Ваъда бераман. Кейин шифокорлар яна сен билан машғул бўлишади, кечки поездда эса қайтиб келамиз.

У сўзининг устидан чиқди.

Ўша куни кечкурун биз “Калифорния зефири”да Принстонга қайтиб келдик. Мен соатлаб тестдан ўтиш ва шифокорлар билан мулоқотдан чарчадим. Буни тушунган Жон менга аввал поездни томоша қилиб олишимга рухсат берди, кейин эса вагон–ресторанда газли сув сотиб олди.

Биз деярли бўм–бўш бўлган икки босқичли экскурсия вагонига жойлашдик. У гаплашгиси келаётганини билардим. Бу ижтимоий ходимлар ҳамиша ниманидир муҳокама қилишни хоҳлашади.

Поезд ғилдираклари бир маромда рельсларни тақиллатарди. Жон куним қандай ўтганини сўради. Қанча тез жавоб берсам, ҳаммаси шунчалик тез тугабини тушундим.

– Хўш, аввалига эрталабданоқ мени столларда ўйинчоқлар кўп бўлган хонага олиб боришди. Бир шифокор менга конструктор берди ва уй, омбор ҳамда машина ясашимни сўради. Кейин менга рангли қаламлар беришди ва уй ҳамда оилани чизишимни буюришди. Мен рози бўлдим, лекин нега эканлигини сўрадим. Шифокор шундай қилиб менинг қарама–қарши кўникмаларим, ғалати мантиғим ва қандайдир тусланишларни баҳолаши мумкинлигини тушунтирди. – Мен елкамни қисиб қўйдим.

– Сен когнитив кўникмалар, макон мантиғи ва ҳаракат рефлекслари демоқчисанми? – қайта сўради Жон жилмайиб.

– Ҳа–ҳа! Аниқ! Мендан она ва ота, уй ва болаларни чизишимни сўрашмади. Улар уй ва оила чизишимни буюришди. Ғалати!

Жон бош ирғади, лекин индамади.

– Кейин то улар бир тўда карточкаларнинг юзини тепага қаратиб қўйиб чиққунларича тескари қараб туришимни айтишди. Шифокор “Бошладик”, деганида мен ўгирилдим ва у “Тўхта” деганда улгургунимча жуфтлик карточкаларни топдим.

Жон яна бош ирғади.

– Биринчи ўйинда мен ҳамма карточкаларни топдим ва ютиб чиқдим!

– Балли, Робби!

– Ҳа, лекин кейинги икки ўйин қийинроқ эди ва мен уларни тугатишга улгурмадим.

– Ҳаммаси жойида, Робби. Сен ҳаммасини тугатишинг шарт эмасди.

– Биз тушлик қилаётганимизда нега улар ён дафтарчасига нималарнидир ёзишди? – сўрадим мен.

– Улар дастурхон атрофида ўзингни тута олиш маҳоратингни қайд этишди: пичоқ, санчқи ва қошиқни ишлата олишинг ва эркин ҳолатда катталар билан муомала қила олишингни.

– Нега?

Ақлли сўзларни ишлатаркан, Жон баъзан худди меникидек болалик ва айниқса, онамнинг айби билан бўлган бошқалардан узоқ вақт ажралиб яшаш болалар руҳий жароҳат олишини келтириб чиқаришини тушунтирди. Шунда улар ё катталардан қаттиқ ғазабланишади ёки инқирозга юз тутишади, яъни ўзларини гўдакдек ёхуд ҳеч бўлмаганда кичкина боладек тутишини тушунтириб берди.

Эшитганларимни ўйлаб олгунимча Жон индамади.

– Мен ўзимни гўдакдек тутмоқчи эмасман, – деб қарор қилдим овоз чиқариб.

У бош ирғади ва енгил кулиб қўйди.

У мендан жаҳлим чиққан–чиқмаганини сўрамаганига хурсанд эдим. Сўраганида тўқис жавобини олган бўларди.

– Стол атрофида ўзимни яхши тутдимми? – сўрадим мен.

– Жуда соз, – мени ишонтирди Жон. – Энди психиатр билан учрашувингни сўзлаб бер.

Буни истамаётгандим: кун бўйи гапиришдан бошқа иш қилмадим. Наҳотки, шифокорлар ўзлари аниқлай олган ҳамма нарсаларни унга хабар қилишмаса? Нега энди поездда юришдан шунчаки роҳатланмаслик керак? Лекин ижтимоий ходим билан ҳар ойдаги, энди эса ҳар ҳафтадаги учрашувларни эсга олгач, Жон то ҳаммасини айтиб бермагунимча сўрайверишини билардим. Шунинг учун ўриндиққа ўзимни ташладим ва хикоямни давом эттирдим:

– Психиатр жуда яхши йигит, ҳаммасидан зўрроқ экан. Энг аввало агар мен у билан чин дилдан гаплашмасам, менга ёрдам бера олмаслигини айтди. У ҳатто буни тан олиш

оғриқли ёки уятли бўлса ҳам нима ҳақида ўйлаётганимни айтиб беришимни хоҳлади. Агар шифокорлар менинг туйғуларимни тушуниб олишса, менга ёрдам бера олишларини айтди.

– Сен бунга нима деб жавоб қилдинг?

– Мен ҳаракат қилишимни айтдим. – Жоннинг кўнгли тўлгандек кўринди, шунинг учун давом эттирдим: – Шифокор унга отам ҳақида гапириб беришимни хоҳлади. У ҳақида нималарни эсласам ва ҳис қилсам ҳаммасини. Менга қийин бўлди, чунки мен уни умуман эслай олмасдим. Албатта, менда фотосурат бор. Бу расмда унинг сочлари қисқа ва қора, кўзойнаги, оқ кўйлаги, қора бўйинбоғи, чиройли костюми бўлиб, илжайиб турарди.

– Отангга нисбатан бўлган туйғуларинг ҳақида сўраганида шифокорга нима дединг? – қизиқди Жон.

– Отамга нисбатан нимани ҳис қилишимни билмайман, чунки уни эслай олмайман. Мен билан ўйнайдиган, елкасида кўтариб юрадиган ва футбол ўйнашни ўргатадиган ҳақиқий отам бўлишини исташимни айтдим. Мен отам билан фахрланишни ва унинг ёнида ўзимни хавфсиз сезишни истардим. Балки уни кўргани касалхонага борган бўлармидим, балки йўқ. Менимча, нега онам билан яшаш унинг жонига текканини тушунаман, лекин... – мен шубҳаланиб қолдим.

Жон давом эттиришимни кутди, кейин эса сўради:

– Лекин нима, Робби?

Мен иккиланардим, чунки бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга гапирмагандим.

– Илтимос, Робби. Биласан–ку, сенга ғамхўрлик қиламан. Нима?

Секин, деярли пичирлаб тасдиқ маъносидаги жавоб эшитишдан кўрқаётган саволимни бердим.

– Лекин қандай қилиб у мени ташлаб кетди? Нима, мен унинг жонига текканманми?

Жон бошини чайқади. Олдинга энгашиб, у менинг кўзимга синчков тикилди:

– Гап сенда эмас, Робби. Сен унинг жонига тегмагансан, сен умуман ҳеч қандай ёмон иш қилмагансан. Сенинг ёшингда буни тушуниш қийин, лекин менга ишонишинг керак. Ота–онангнинг қарори ҳеч ҳам сен билан боғлиқ эмас. Гарчи афсуски, улар туфайли азобланишингга тўғри келган бўлса ҳам.

Бу сўзларни ундан кўп марта эшитгандим. Ҳали ҳам бу сўзларга ишона олмасдим.

Биз жим қолдик ва дераза ортидан сузиб ўтаётган далаларни томоша қилардик. Жон ўзининг саволларини тугатди деган умидда эдим, лекин мен ўз раҳбаримни яхшироқ билишим лозим экан.

– Шифокор яна нималар ҳақида сендан сўради, Робби?

– У онам ҳақида гапириб беришимни хоҳлади. Мен бу ҳаммага маълум деб ўйлагандим. У ақлдан озган.

– Шифокор бу ҳақда нима деб ўйлашингни сўради?

– Ҳа. Мен шифокорга Жижидан менинг отамни яхши кўрган–кўрмаганлигини сўраганимни айтдим. Жижи шундай жавоб берганди: «Эҳтимол ҳа, гарчи Жойс умуман ўзидан бошқа бирор кишини яхши кўрганига ишончим комил бўлмаса ҳам».

Сўрашдан олдин Жон яна жимиб қолди:

– Сен бу фикрга қўшилсанми, Робби?

– Ҳа. Мен онам кимни яхши кўришини билмайман, лекин фақат мени эмас. Бу ёмон эшитилса ҳам майли, лекин онам яхши бўлиб кетмагунича у билан кўришмасликни маъкул кўраман.

Жон бош ирғади:

– Ташвишланма, Робби. Онангни Элжиндаги руҳий касалликлар клиникасига жойлаштиришди ва чамаси, у ўша ерда анча вақт қолади. – У гапдан тўхтаб олди. – Сухбатимизни тугатишдан олдин бирор нарсани муҳокама қилишни истайсанми?

– Шифокорлар менга нисбатан қандай қарор чиқаришганини билсам бўладими? Мен ҳам ақлдан озаманми?

Жон жавоб беришдан олдин ўйланиб қолди:

– Сен жинни эмассан, Робби. Дуппа–дуруст боласан. Аммо сен жуда қийин даврдан ўтдинг. Шифокорларнинг ёзма ҳисоботи бир неча ҳафтадан сўнг келади ва шунда биз бу ҳақда гаплашамиз. Лекин шифокорлар сен улар кутганидан кўра анча яхши ҳолатда эканингни айтишди. Қандайдир тарзда ўз ҳиссиётларингни таҳлил қилишни эплагансан ва бу сенга ёрдам берган. Сенинг ёшингда қандай қилиб бунинг уддасидан чиқа олганинг хайратланарли... – Кейин эса юрагимда из қолдирган сўзлар эшитилди: – Шифокорлар бизга сени одатий оилага иложи борица тезроқ бериб юборишни тавсия қилишяпти.

Поезд ғилдираклари рельсларга урилиб тарақлашда давом этар ва уларнинг оҳангига мос равишда бу жумла менинг онгимда такрорланарди: *одатий оилага бериб юбориш*.

Бу шунчаки яхши эмас, балки жуда соз эшитиларди. Лекин бўлиб ўтган шунча воқеалардан кейин бунинг иложи бўлармикан?

7. ЖИЖИНИНГ СОВҒАСИ

Чикаголик шифокорлар ҳузурига ташрифимиздан бир неча ой ўтиб, Нола мендан сўради:

– Робби, бу дам олиш кунларини Жижи билан бирга Чикагода ўтказишни истамайсанми? У сенга муҳим бир гап айтмоқчи бўлаяпти.

– Ана холос! Наҳотки?

– Ҳа, шундай. Жума куни уникига боргин ва яхшилаб хурсандчилик қилгин, кейинги ҳафтада эса сизлар нима ҳақида гаплашганларингни муҳокама қиламиз.

«*Бу Жижининг мени ўзига олишини аңлатадими?*». Буни аниқлаб олиш учун белгиланган кунни сабрсизлик билан кутдим.

Ниҳоят жума куни келганида, Жон мени бувимникига олиб борди. Тоблаб пиширилган жўжа ҳидидан сўлагим оқиб кетди. Жижи пиширган ҳамма таом менга ёқарди, лекин бостончасига, ғарчиллаб турган пўстигача бўктириб пиширилган товук, қиймаланиб, тўқмоқланган чўчка гўшти ва гуруч ҳамда кўзикоринлар қўшилган товук гўшти менинг севимли овқатларим эди.

– Қандай овқатланишингни томоша қилиш менга ёқади, Робби, – ҳар доим ўзича гапириб қўярди Жижи. – Бу мени хурсанд қилади.

Мен эса унинг пишириқларидан яна ҳам хурсанд эдим. Бу гал мен бувимдан икки баробар кўпроқ едим.

Биз ҳар доим десертни кейинга қолдирардик. Одатда Жижи столни йиғиштириб олганидан сўнг, биз у билан домино ёки қарта ўйнардик. У ўзини ютиб чиқишимга менга имкон берарди, лекин буни секин–аста, сездирмай қиларди. Мен эса яна ошхона ва меҳмонхона ўртасидаги дарпарда орқасига бекиниш ва ўзимни улкан махлуқдек ҳис қилиб, ириллашни, кейин эса Жижи қандай қичкириб юборгани ва ўзини худди хушдан кетиб йиқиляётгандек қилиб кўрсатишини кўриб, хохолаб кулишни ёқтирардим. Баъзан биз қувлашмачоқ ёки бекинмачоқ ўйнардик, тўғри, унинг мебеллар қўйиб чиқилган кичкина хонадониди бурилиб оладиган жой деярли йўқ эди.

Бироқ ўша оқшом Жижи анча жиддий кўринарди.

– Идиш–товоқ кутиб турар, диванга ўтирайликчи. Сен билан гаплашиб олишни истаيمان.

Мен кулгидан ўзимни зўрға тийдим. Албатта, у менга ўзи билан бирга яшаб қолишим мумкинлигини эълон қилмоқчи.

Жижи диванга, ёнимга ўтирди.

– Робби, – деб гап бошлади у, – мен ҳар доим сени ҳимоя қилишга уринганман. Лекин бошингдан ўтказган барча воқеалардан сўнг, сенга баъзи гапларни айтиб бериш вақти келди деб ўйлайман.

Мен узоқ тарих эшитишга тайёрланиб, диванга қулайроқ ўрнашиб олдим.

– Бувинг Паула ҳамиша онангни ёқтирмаган, – давом этди Жижи. – У ўзининг ўғли уларнинг ижтимоий ва молиявий мақомига кўпроқ мос келадиган, ўзи айтганидек, яъни

улар билан бир доирадаги аёлга уйланиши шарт деб ҳисобларди. – Бувимнинг жиддийлиги ҳиринглаш билан ўрин алмашди. Сохта расмиятчилик билан мен ундан бир неча марта эшитган гапларни айтди: – Лекин сен билан иккимиз биламиз: жилваланаётган ҳамма нарса ҳам олтин эмас.

Ҳақиқий жилва қилишга кимдир даъвогарлик қиладиган бўлса, бу Жижи бўлади, деб ўйлардим. Мен бу ҳислатга эга бўлишдан бош тортмаган бўлардим. Агар у билан бирга яшаганимда, ҳойнаҳой, бу ҳислатга эга бўлардим.

– Паулина тўйга ҳалақит қила олмаганидан сўнг, – давом этди Жижи, – у улкан шоуни режалаштириш ва режиссёрлик қилиш учун кўлидан келган ҳамма нарсани қилди. – Паулинанинг чучмал жанубча оҳангини масҳара қилиб, бувим шундай деди: – Жойс, азизим, мен сен ва Роберт учун энг яхши нарсаларни истайман, холос.

Энди ҳиринглаш навбати менга ўтди.

Жижи бошини чайқади ва унинг овозида саркашлик оҳанглари сезилди:

– Яққол кўриниб турган мурувват билан Паулина ўз ота–онасини уларнинг тўйи энг майда икир–чикирларигача қандай бўлиши кераклигига ишонтириб туриб олди. Лекин онанг таслим бўлишни истамасди. Бу иккита қайсар аёл қиёфасида Шимол ва Жануб ўртасидаги уруш ҳали ҳам давом этаётгандек туюларди. – Юзида азоб ифодасини намоён қилганича, Жижи кўзларини олайтириб давом этди: – Ота–онанг асал ойини саёҳатда ўтказар экан, Паулина юк ташувчиларни ёллади ва уларнинг хонадонидаги бор уй жиҳозларини олиб чиқиб, қандайдир омборхонага жойлаштирди. Шундан сўнг уларга бир тўда қимматбаҳо мебель сотиб олди.

– Ана холос! Қайтиб келганидан сўнг онам роса хурсанд бўлгандир, – тахмин қилдим мен.

– Хурсанд? Э, йўқ, болагинам! Ота–онанг Паулина улардан рухсат сўрамай, уларга бундай қимматбаҳо мебель сотиб олгани, ўзларининг уй жиҳозларини эса чиқариб ташлаганидан ғазабга тушишди. Онанг худди мушукдек пихиллади, отанг эса яна икки ўт орасида қолди.

«Паулина худди онам каби ақлдан озган, шекилли, – ўйладим мен. – Наҳотки оиламизда ҳамма жинни бўлса?»

Мени етимхонага ташлаб кетишганидан сўнг, онам ломбардлар орқали баъзи мебелларни сота бошлаганини Жижи менга тушунтириб берди.

– Мен уни уй жиҳозларининг бир қисмини бу ерда, менинг хонадонимда қолдиришга кўндира бошладим. Ўрнига унга ўзимнинг мебелимни ва токи иш топиб оёқққа туриб олиши учун 1000 доллар бердим.

– Шунинг учун сизда мебеллар кўп экан–да? – деб сўрадим. – Мен эса сизга шунча буюмлар нимага керак экан деб ўйлагандим!

Жижи индамай қолди, чуқур хўрсинди ва жиддий тортиб, суҳбатни давом эттирди. У кўлимни ушлаб, кўзларимга синовчан тикилди.

«Мана гап нимада, – деб ўйладим. – Ҳозир у мебелларнинг бир қисмини сотмоқчи ва мени ўзига олмоқчи эканини айтади». Мен қаддимни тикладим ва яхши янгилик эшитишга тайёрландим.

– Робби, мен сен университетни тугатиб, уйланадиган вақтгача яшамоқчиман.

«Нима?»

– Қизил дарахтдан ясалган бу мебелларнинг ҳаммаси, шунингдек, чиннилар, биллур ва кумушлар мен ўлганимдан сўнг ёки агар истасанг, эртароқ сеники бўлади. Мен буларни сен учун асраб келдим! Онанг уларни сотиб юбориб, охириги центигача ҳавога совуриши мумкинлиги боис, бу бойликни сақлай олганимдан хурсандман. Бу сенинг меросинг. Агар хотининг иккалангнинг таъбингга бу буюмлар маъқул тушмаса, сизлар уларни сотишингиз ва ўзингизга ёққанини сотиб олишингиз мумкин. Бу сизлар учун яхши мадад бўлади.

Жижининг лаблари қалтиради. Менинг университетда ўқишим, балоғатга етишим ва уйланишим ҳақидаги фикрлар унинг қалбини тўлқинлантириб юборганини фаҳмладим.

Лекин бир оғиз ҳам сўз айта олмаганимдан жуда ҳафсалам пир бўлди. Қандайдир мебелларни бувим катта бир кутилмаган совға деб ҳисоблашига ишона олмаётгандим.

Қандай йўл тутишни билмай, бувимнинг бағрига кирдим ва уни кучоқладим. Жижининг кўзларидан ёш оқди, мен эса ҳаёлга ботдим: *«Яна синиши. Энди мебель ҳам қўшилди! Менинг шусиз ҳам галати ҳаётимда яна бир галати тарих»*. Ниҳоят у ўзини нари тортди ва кўз ёшларини артди.

– Бу ҳақида гапириш етар, – эълон қилди бувим. – Кел, музқаймоқ еймиз!

Биз иссиқ шоколадли ва қаймоқ қўшилган юмшоқ конфетли ванил пломбир ейишга киришдик.

Ўша тунда мен тўшакда ошқозоним тўлиб, лекин юрагимда ҳали ҳам ўша-ўша унутиб бўлмас бўшлиқ билан ётардим.

8. ТАНЛОВ

Эртаси куни эрталаб, нонуштадан сўнг, Жижининг эшиги орқасидаги оқ-қора телевизорда шанба кунги мультфильмларни томоша қилаётганимда мен ҳали ҳам тушкунликни ҳис қилардим.

Жижи радиони маъкул кўрарди. У ёқтирган шоулардан бири “Pacific Garden Mission”^{*} томонидан тайёрланган радиопостановкалар эди. Бу қиссаларда тубанликка тушган, кейни нигоҳини кўкка тикиб Худога қайтган ва шундан сўнг уларнинг ҳаёти тубдан яхши томонга ўзгарган бошпанасиз одамлар ва пиёнисталар ҳақида сўз борарди. Бу илоҳий нарсалар мени қизиқтирмасди, лекин Жижи чин юракдан Худога ишонарди. Мен бу шоуни умид бахш этувчи мактуб учун эшитардим: ҳаёт қанчалик ёмон бўлмасин, у ўзгариши ва яхши бўлиб кетиши мумкин. Гарчи менинг ҳаётимга нисбатан уни мутлақо қўллаб бўлмасада, бу ғоя менга ёқарди.

^{*}«Pacific Garden Mission» – Чикагодаги уйсизлар учун бошпана –*Тарж. изоҳи.*

Шанба бувим учун дам олиш куни эди, шунга қарамай, биз метрога ўтириб шаҳар марказига, унинг “Маршалл филд”даги иш жойига бордик. У мени ўзининг дўстларига кўрсатишни хоҳлади.

Кун бўйи супермаркетдаги барча паровозлари ва вагонлари, бинолари ва тоғлари, шунингдек эртадан кечгача бу баҳайбат нарсанинг ишини бошқарадиган махсус одами бўлган улкан ўйинчоқ темирйўлни томоша қилишим мумкин эди. Лекин Жижининг режаларида бошқа мўлжаллар бор экан: унинг дарҳол мен катта бўлиб қолганимни хабар қилган ўртоқлари билан мулоқот қилиш; менга янги кўйлак сотиб олиш ва “Уолнат рум” ресторанида десерт билан меҳмон қилиш.

«Уолнат рум» баҳайбат эди: ёнғоқ дарахтидан ясалган панель билан қопланган деворлари, тепага бўй чўзган бир нечта қаватлари; ялтироқ биллур бокаллар ва ошхона жиҳозларига кўрк бериб турган оппоқ дастурхонлар тўшалган ва салфеткалар қўйиб чиқилган кичкина столлари ва пингвинларни эслатиб юборадиган оқ-қора махсус уст-бош кийган официантлари бор эди.

Ялпиз таъмли “Франго” шоколадининг ўхшаши йўқ эди. Одатдагидек бўкиб қолгунимча қорин тўйдиргач, мен стул суянчиғига ўзимни ташладим ва кута бошладим. Ҳойнаҳой, Жижи яна бир суҳбатни бошламоқчи эди. Бу мебеллар қиссасига қараганда, қизикарлироқ бўлишидан умид қилаётгандим.

– Робби, – гап бошлади у, – ижтимоий ходим, Нола ва шифокорлар мен билан сенинг келажагинг ва сенга нима яхшироқ бўлиши ҳақида бир неча бор гаплашишганидан хабаринг бор.

Мен стулда қаддимни ростлаб ўтириб олдим. Ўтмишдаги умидни эслаш ўзининг пана жойидан бўй кўрсатди.

«Мана, – деб ўйладим. – ниҳоят у мендан ўзининг уйига кўчиб ўтишимни илтимос қилади!»

– Онанг сени узоқ вақт рухсатсиз олиб кетганида етимхона директори уни васийлик ҳуқуқидан маҳрум қилишини сўраб, судга илтимоснома билан мурожаат қилган. Элис амманг, отангнинг синглиси, адвокатга турмушга чиққан. Адвокат менга ва отангнинг оила аъзоларига ҳар биримиз сенинг қонуний васийинг бўла олишимизни тушунтирди. Бобонг Митчеллнинг ака-укаларидан бири – Арнольд сенинг васийинг бўлишга розилик берди. Балки сен билмассан, аммо отангнинг отаси, Митчелл бобо сенинг отанг... отанг билан бўлган ўша бахтсиз ҳодисадан уч ой ўтиб вафот этган.

«У нималар деяпти? Мен у билан қолмайманми? Мен қандайдир нотаниш қария билан яшайманми? Демак, бу бахтсиз ҳодиса эмас эканда! Отам атайлаб шундай қилган. Нега катталар мен билан очиқчасига гаплашмайди?»

Жижи юзимдаги саросима ва ғазабни билиб қолди, шекилли.

– У яхши одам, Робби, – деб мени ишонтиришга шошилди. – У Жоржия штатининг Атланта шаҳрида яшайди ва “Митчелл моторс олдс мобиль” компаниясининг эгаси. У сенинг васийинг бўлишга розилик берди. Шундай қилиб, сенинг келажагинг ҳақидаги қарор васийлик органлари ёки онанг томонидан эмас, оиламиз аъзоларининг бири томонидан қабул қилинади.

– Лекин, Жижи, – бидирлай кетдим мен, – нима учун мен сиз билан яшашим мумкин эмас?

У ҳайратда қолдириб, ҳиссиз оҳангда деди:

– Шуниси аниқки, онанг соғайиб кетиши ва сенга ғамхўрлик қилишидан умид йўқ. Мен у яхши бўлиб кетиши ва руҳий касалларни даволаш жойидан чиқиб, реабилитация марказига қайтишини сўраб ҳар куни ибодат қиламан. Эҳтимол ўшанда – фақат эҳтимол, холос – у ишга жойлаша олиши ва мустақил яшаб кета олиши мумкин. Лекин биз у қачонлардир сенга ғамхўрлик қилишга қодир бўлади деб ўйламаяпмиз.

Мен бош ирғадим, лекин индамадим.

– Отанг Жоржиядаги Аллен руҳий касаллар шифохонасидан ҳеч қачон чиқа олмайди. У юра олади, лекин амалда ҳеч нарсани эслай олмайди, у мустақил кийина олади, аммо умуман тушунарсиз ғўлдирайди. Арнолд амакинг ва амманг Элис уни кўришга боришларини ёқтиради, бироқ ўз онаси, бувинг Паулинани кўрса, ғазабланади. Паулинанинг ташрифларидан сўнг унинг аҳволи шунчалик ёмонлашганки, шу боис бувинг қайтиб уни кўришга бормаётганини айтишди.

«Жоржиялик қариндошлар ҳақидаги бу суҳбатларнинг бари нимага керак? Мен уларни ҳатто танимайман. Улар ҳеч қачон илгари мен ҳақимда ташвиш тормаган. Нега энди ҳозир шундай бўлаяпти? Жижи менга нимани айтишга ҳаракат қилаяпти?»

– Робби, мен сени чин юракдан яхши кўраман, – давом этди у. – Лекин мен амалиётчироқ бўлишга мажбурман. Биласан, келаси йили етмишга кираман. Мен сендек шўх болага ғамхўрлик қилишга жуда қариман. Сен бундай кампир билан яшагандан кўра яхшироқ ҳаётга муносибсан.

У менга кўз қисди ва уни руҳлантириш учун илжайишга мажбур бўлдим. Жижи сумкачасини очиб, конверт олгунича, ресторан «пингвини» унинг чашкасини чой билан тўлдирди.

– Хўш, мени нима қилмоқчисиз ўзи? – деб сўрадим.

– Сенга чикаголик шифокорлар хатидан парча ўкиб берай. Буни менга Жон берди. «Охирги кўнгилсиз воқеалар давомида Робби қандай қилиб жиддий руҳий шикастга чап бера олганини айтиш қийин. У ўзини воз кечилган бола сифатида кўради, лекин бу унинг айби эмаслигига ишонишни истайди. Бола ижтимоий ва ақлий мослашган ўсмирга айланиш қобилятини йўқотиб қўйишидан олдин, у давлат муассасасидан кўчирилиши керак».

Шунга ўхшаш сафсаталар кўп эди.

Бу гал муздек оҳангда ўз саволимни такрорладим:

– Мени нима қилмоқчисиз ўзи?

Жижи хатни буклаб қўйди ва воқеалар ривожининг барча учта вариантини эшиттирди:

– Сен ўрта мактабни тугатмагунингча етимхонада яна тўққиз йил қолишинг мумкин. Ёки ўзингга ёққан асраб олувчи оилалардан бирини танлашинг ҳамда улар билан яшашинг мумкин. Ё бўлмаса, Атлантадаги қариндошларинг Митчеллардан бирининг уйига қўчиб ўтишинг мумкин.

У менинг жавобимни кутарди.

«Асраб олувчи оила истисно қилинади, – деб ўйладим. – Бу вариант ижтимоий ходимлар томонидан таклиф қилинган ва мен “Йўқ” жавобини айтганман».

Балки асраб олувчи яхши оилалар ҳам бордир, дедим ўзимга ўзим, лекин қандай қилиб уларни билиб олишим мумкин? Яхши оилага тушиш бахтига муяссар бўлган тарбияланувчи ҳеч қачон етимхонага қайтиб келмасди, шунинг учун мен бу ҳақида эшитмагандим. Қайтиб келганлар эса анча ғамгин тажрибасини баҳам кўрарди.

Агар асраб олган ота–онанинг ўз фарзандлари бўлса, у ҳолда ҳеч бўлмаганда, улардан бири албатта “чақирилмаган меҳмон”ни ёмон кўриб қолиши ҳақида мени огоҳлантиришганди. Сўнг маслаҳат беришганди: кичик болалари бор оилани танлама, яхшиси, сен болалар ичида энг кичкинаси бўладиган асраб олувчи оилани танла.

Менга таниш бўлган баъзи ўғил болалар бештагача асраб олувчи оилани алмаштиришга улгуришганди, ҳали улар ўн ёшга тўлишмаганди, ахир. Улар меҳр ҳақида орзу қилишганди, ўзларини бор кучи билан ўз “хўжайини”ни хурсанд қилишга уринаётган уйсиз кучукдек ҳис қилишганди. Ижтимоий ходимлар ҳам агар етимхоналик болалар ўзларини ёмон тутишса, асранди болаларни етимхонага қайтариш мумкинлигини айтиб, тарбияланувчиларнинг муваффақиятли мослашиб кетишларига унчалик ҳам ёрдам беришмасди.

Мен бу ҳақида ўзимдан каттароқ Пегги исмли қиздан маслаҳат сўраганимда, у: “Хаёлингга ҳам келтирма”, деди. “Яшил томлардан келган Энн” китобида асраб олувчи оиладан бўлган қиз қиссаси ҳикоя қилинади*. Асраб олувчи ота–оналар уларга ўзларининг фермасида ишлай оладиган ўғил болани беришларини истайди. Уй остонасида Энн пайдо бўлганида эса, бека уни ортига қайтариб юбориши билан кўрқитади. Энн унга тахминан шундай дейди: «Сиз айтаётган ҳамма ишни қилишга ҳаракат қиламан, фақат мени шу ерда қолдилинг».

* Бу ерда Л.М.Монтгомерининг “Яшил томлардан келган Энн” романи қаҳрамони ҳақида гап бормоқда, у бир неча марта экранлаштирилган бўлиб, инглиз тилида сўзлашувчи болалар адабиётининг энг машхур асарларидан бири ҳисобланади. – *Таҳр. изоҳи.*

Пегги бош чайқади: «Баҳс бойлашаман, Робби, улар мендан бундай гап олишолмайди. Биз асраб олувчи ота–оналарнинг кўнглини олиш учун қўлга ўргатилган маймунчалар эмасмиз. Мени яна ташлаб кетишларига имкон бергандан кўра, яхшиси етимхонада қоламан».

Шунда мен ҳаммасини тушундим.

Бизга ўхшаган болалар уй ва оилага эга бўлишга ташна эди. Биз меҳр, ғамхўрлик, хавфсизликни ғоят қаттиқ истардик. Лекин етимхона бизларни ғамхўрлик қилишга узоқ муддатли нияти ҳар доим ҳам бўлавермаган оилаларга бериб юборарди.

Бизнинг ҳаётимиздаги энг муҳим катта одамлар кўнглимизни қолдириб бўлганди – шундай экан, қандай қилиб нотанишлардан бирор яхшироқ нарсани кутиш мумкин?

Юрагим така–пука бўлганича, Атлантадаги қариндошларимникида яшаб кўришга қарор қилдим. Агар у ер менга ёқмаса, етимхонага қайтаман. У мен яшашни истаган жой эмасди. Аммо бу ерда ўтказган беш йил давомида бу менга таниш бўлган ягона уй эди.

Жижи чой ичганча кутарди.

– Мен оила билан уйда яшашни хоҳлайман, – дедим ниҳоят. – Етимхонада ёки асраб олувчи оилада қолишни истамайман. Мен асраб олувчи оиланинг аъзоларига кўникиш, кейин эса қайсидир сабабга кўра мени етимхонага қайтаришларни исташаётганини билиб қолишни хоҳламайман.

Кўринишидан Жижининг кўнгли тинчиди.

– Робби, энг яхши деб ҳисоблаган вариантнингни танлаб олишингни истайман, – деди у секин. – Лекин тан олишим шарт: асраб олувчи ота–она бизларга учрашишимизга рухсат бермаслиги мумкин деб қўрқаман. Бу эса мени ўлдиради.

– Жижи, агар Атлантада яшаб кўрсам, қарши эмасмисиз? Балки улар мени таниб олишса, қолишимга рухсат беришар. Улар – бизнинг оиламиз ва мен сиз билан кўришиб тура оламан, шундай эмасми?

Жижи иккиланаётганини кўрдим.

– Ҳа, албатта. Бироқ мен сени кўришга йилига камида бир ёки икки мартагина кела оламан. – У чуқур ҳўрсинди ва деди: – Нега асраб олувчи оила ёки мактабни тугатгунингча етимхонани танлашни истамаслигингни тушунаман. Менимча, Атлантадаги ўз қариндошларинг билан танишиш – яхши фикр. Сенинг танловингни маъқуллашимни етимхонага хабар қиламан. – у жилмайди ва ўрнидан турди. – Юр, поездларни томоша қиламиз!

Кондуктор ўйинчоқ поездларни айлана орқали юришга қандай жўнатаётганини кўришни ҳамisha ёқтирардим. Лекин бу негадир бугунги кайфиятимни яққол акс эттириб бераётгандек эди. Ҳаётим қайси йўлдан кетишини ва ҳеч бўлмаганда бирор жойда яшаб кета олиш–олмаслигимни билмасдим.

9. АТЛАНТА

Келажагимни ижтимоий ходим билан муҳокама қилиш вақти келди. Лекин Жон етимхонани тарк этганди. Ундан хафа бўлганим йўқ. Мен учун у шунчаки мени ташлаб кетган яна бир катта ёшли киши эди ва навбатдаги психологик маслаҳатга алоҳида иштиёқсиз бордим.

Мен исми ва юзини эслай олмайдиган ижтимоий ходим, ўта крахмалланган оқ кўйлак кийган ва бир хил тусдаги бўйинбоғ боғлаганди. Етимхонада биз бундай йигитларни “оқ кўйлакли”лар деб атардик. Уларнинг аксарияти худди ўзларининг кийимидек ўтакетган батартиб ва расмиятчи бўлишарди.

– Асраб олувчи оилага қарши эътиқодингдан хафа бўлдим, Робби, – деб гап бошлади у. – Ҳиссиётларингни тушунаман, лекин, сен адашяпсан, деб ўйлайман. Ахир, сенга кўп яхши вариантларни таклиф қилгандик.

Гарчи қарор қабул қилинган бўлсада, мен унинг гапларини эшитдим.

– Токи биз сизларга, болаларга бундай оилаларнинг бор устунликларини исботлаб бера олмаган эканмиз, бу бизнинг мағлубиятимиз, шекилли. Чунки сен васийлари билан ўзаро муносабати шаклланмагани боис, етимхонага қайтиб келган тарбияланувчилар билан танишсан, холос. Бизларда сени дарҳол қабул қилишга тайёр оилалар бор. Биз сени мажбурламоқчи эмасмиз, лекин ишончим комилки, ҳеч бўлмаганда уларнинг бири билан танишишинг зарур.

– Раҳмат, лекин керак эмас, – дедим мен қақиб олгудек саркаш оҳангда. – Бунинг менга қизиғи йўқ.

– Нима ҳам дердим, ундай бўлса, мен сенинг Атлантадаги оиланг ҳақида гапириб беришга тайёрлигингдан хурсандман, – деди у жилмайиб.

– Нега экан? – деб сўрадим жанговор руҳда.

– Сен бу вариантни рад қилмаганинг менга маълум.

– Неғалигини билмадим–у, Жижи иккалангиз бунга жуда хурсанд бўлаяпсизлар. Улар менга бегона одамлар ва мен уларга керак эмасман. Мен етимхонада беш йил яшадим, лекин улардан бирортаси ҳам бирор марта мени кўргани келмади.

– Сен нимани ҳис қилишинг кераклигини тасаввур қилаяпман, – жавоб берди у. – Лекин биз ҳақиқатан ҳам сени тўлақонли оилага қайтармоқчимиз. Мактабни тугатгунингча етимхонада қолишингни истамаймиз.

Унга зимдан қараб, чийилладим:

– Демак, энди сизлар мендан қутулмоқчисизлар–а?

У хижолат бўлиб, тушунарсиз тўнғиллади ва фикрларини йиғиб олишига улгурмай туриб, хохолаб юбордим.

Боплаб унинг таъзирини бердим–ку! Етимхонадаги кўплаб тарбияланувчилар каби катталарни ўнғайсиз ҳолга тушириб, вазиятни назорат қилишга уринаётгандим. Кимдир бунга ғашга тегадиган хулқ–атвор орқали ёки ғазабланиб эришарди. Мен эса катталарнинг гап кистиришини силтаб ташлашни маъқул кўрардим.

Ниҳоят, нафасимни ростлаб олиб, қулишдан тўхтарканман, шундай дедим:

– Аттанг, сиз ўз юзингизнинг ифодасини кўрмадингиз. Бу жуда қулгили эди!

У ўзини мажбурлаб, истехзоли жилмайди.

«Бу ижтимоий типлар бўйинбоғни бўшатиб, гердаимасликни ўрганиб олишса, ёмон бўлмасди», – деб ўйладим.

– Бўпти, яхши, Робби. Балки давом эттирармиз?

Ҳали ҳам ҳиринглаганимча, бош ирғадим.

– Атлантага кўчиб ўтишни истаётганинг далили – сенда ҳаммаси жойида эканлигидан дарак берувчи яхши белги бўлиб,...

У нималар деб сандираётганини энди эшитмай қўйдим.

«Менда ҳаммаси жойида эмас! – жимгина исён қилдим. – Менда ҳаммаси жойида деган гапни қаердан олдингиз?»

Мен учун қабул қилиш мумкин бўлган ягона вариант ҳақида ҳеч ким ҳатто бир оғиз гап очмаётгани унга қачон етиб бораркин? Уч ёшимдан бери Жижи мени ўзиникида яшаш учун олиб кетишини орзу қиляпман.

«Унинг хонадони икки киши учун анча кенг, – деб ўйладим. – пировардида, мен олти киши Жижининг хонадончасидан анча кичик бўлган катакчада сиқилиб яшаётган оилаларни биламан. Тушуна олмайман! Қандайдир бемаънилик. Нега у мени ўзиникига олиб кетмайди? Ахир, онамнинг тақиқлашлари энди таъсир қилмайди–ку, ҳўш, гап нимада ўзи?»

То етимхона ходимлари менинг Атлантадаги оиламга ташрифимни ташкил қилишгунича ўтган бир неча ой давомида мени шу фикрлар қийнаб келди.

«Балки, улар мен ҳам худди онам каби ақлдан озишим мумкинлиги ҳақида Жижини огоҳлантириб қўйишгандир? Балки, у мени ҳам худди Паулина ёки отам каби одатдан ташқари бўлиб вояга етади деб ҳисоблаётгандир? Ёки у муаммодан бошқа нарса келтириб чиқармайдиган ўсмир бўлиб чиқишимдан хавфсираётганмикан? У мени яхши кўришини биламан, шундай экан, гап нимада?»

Мен жавоб тополмасдим. Ким билади, балки бунинг аҳамияти ҳам йўқдир. Катталар менинг ҳаётимга эгалик қилишарди ва мен бунга ҳеч қаршилиқ қила олмасдим.

Бир маромли, лекин барабаннинг дўпир–дўпирига ўхшаш бир хилдалиги билан жонга теккан етимхонадаги ҳаёт давом этарди: ўриндан туриш, ювиниш, нонушта, мактабгача йўл, хафа қилувчи масхаралашлар, безориларга дуч келиб қолишдан қочиш, етимхонага қайтиш, тушдан кейинги таом, ўйин майдонида терлаб олиш, кечки овқат, дарсларни тайёрлаш, кечасига Муқддас Китобдан оятлар эшитиш ва уйқуга кетишдан олдин миянгни ачитадиған хаёллар. Олти йил давомида ҳаммаси худди шундай бўлиб келарди.

Тўсатдан миямга ярқ этиб бир фикр келиб қолмагунича узоқ ўйладим. Ҳамма гап пулда! Эҳтимол, Жижи маблағдан қийналар. Пуллар шунчаки иккаламизга етмаган бўларди. Пуллар – мана менинг муаммомнинг ечими! Шундай қилиб, мен пул олиш усулини ўйлаб топишга қасам ичдим.

Тўртинчи синфни тугатганимдан сўнг, бувим билан Атлантага учдик. Самолётда учиб жуда зўр эди: 1964 йилда шундай тажрибаси борлиги билан мақтана оладиган бирорта ҳам тўққиз ёшли болани билмасдим.

Бир–биримизни яхшироқ таниб олишимиз учун мен ёзги таътилнинг икки ҳафтасини қариндошларим билан ўтказишим лозим эди. Бир неча кундан сўнг Жижи уйига қайтиб кетди, мен эса отамнинг синглиси, аммам Элис, унинг Мек исмли эри ва уч

нафар болалари, бир қиз ва икки ўғил бола билан бирга қолдим, ўғил болаларнинг каттаси кичик Мэк мендан бор йўғи икки ой кичкина эди. Бувим Паулина Митчелл ҳам улар билан бирга яшарди.

Агар муаммо ҳақиқатан ҳам пулда бўлса, унда мен тўғри жойга тушибман. Бу одамлар шунчаки, пулда чўмилишарди, дейиш мумкин! Уларнинг Бакхед* марказида жойлашган уч қаватли ҳашаматли уйида катта хоналар, кўплаб мебеллар, кутубхона, кандиллар, бешта ётоқхона, учта ваннахона ва иккита ҳожатхона бўлиб, бу менинг кўзларимни қамаштирарди. Ўйлаб кўринг, олти кишига учта ванна ва олтита унитаз! Буни ўн олти нафар кичик ёшдаги етим ўғил болаларга етарли деб ҳисоблаш билан ҳеч ҳам таққослаб бўлмасди.

* Бакхед – Атлантанинг марказидан 7–13 км шимолда жойлашган бадавлат одамлар яшайдиган ҳудуд. – *Тарж. изоҳи.*

Истисносиз фақат шу оилага ишлайдиган ошпаз аёл Люсиль ҳам шу ерда яшарди. У ўрта бўйли, камгап, қора танли аёл эди. Принстонда, швед фермерлар жамоасида бирорта ҳам қора танли йўқ эди. Онам “анави одамлар” деб атайдиган уларнинг баъзиларини Чикагода кўргандим, аммо бирортаси билан таниш эмасдим. Митчеллар уйида Элис аммам туғилганидан буён қирқ йилдан ортиқ хизмат қилиб келаётган Люсиль оиланинг аъзоси ҳисобланарди. Ҳатто гараж устида жойлашган унинг хонадонида ҳам ванна бор эди.

«Ҳойнаҳой, уларда мен учун ҳам жой топилса керак, – мулоҳаза қилдим мен. – Агар келишиб кета олсак, мени қайтариб юбориш учун уларда баҳона бўлмайди».

Биз амакивачча укалар ва синглим билан магнолиялар ўраган ҳовличани ўзимизнинг ўйин майдони деб эълон қилдик, бу жой аслида уйнинг пастки қаватида жойлашган меҳмон кутиш хонасидан кейин иккинчи ўринда турарди, холос. Хонанинг бутун марказини эгаллаган ҳақиқий бильярд столидан ташқари, бу ерда пинг–понг учун стол, диванлар, камин ва бар ҳам бор эди.

Бир неча кундан сўнг уларнинг шахсий фаоллигидан анча ошиб тушган битмас–туганмас қувватим сабабли, амакиларим менга “тиниб–тинчимас” деган лақаб қўйишди. Тез орада уларни ҳолдан тойдирганим учун улар мен билан навбатма–навбат ўйнай бошлашди. «Эй, Сис, сенинг навбатинг», – деб эълон қиларди укаларимдан бири мен билан бир соат бильярд, баскетбол ёки футбол ўйнагач.

Уйда ўйнашдан чарчагач, улар “Кэпител сити” клубининг улкан бассейнида сузиш учун мени ўзлари билан бирга олиб борадиган бўлишди. Гарчи илгари мен шаҳар ташқарисидаги клубларда бўлишимга тўғри келмаган бўлсада, тўла ишонч билан, шубҳасиз, бу жуда қиммат ва ҳашаматли клуб эканлигини айта оламан.

Клубга биринчи марта боришимиздан олдин поччам Мэк мени четга тортди. Қора сочларининг қуюқ чаккалари оқарган, баланд бўйли, чиройли, ўзига тортадиган, лекин айна пайтда масофа сақлаб туришга мажбур қилувчи табассумли бу киши менга бошдан–оёқ қараб чиқди ва деди: «Робби, агар бирор нарса егинг ёки ичгинг келиб қолса, шунчаки официантга буни менинг ҳисобимга ёзиб қўйиши лозимлигини айт».

«Келишдик!» – деб ўйладим. Кейинги икки ҳафтада ўзим истаганимча бўкиб юрдим.

Қариндошларим менинг етимхонадаги ҳаётимга камдан–кам қизиқиш билдиришди, бу ҳақда билмасдан эслаб қолишганида эса, агар очиқ гапирадиган бўлсам, қариндошларим мени ғалати деб ҳисоблашлари ва бошқа таклиф қилмай қўйишларидан кўриб, дарров мавзуни ўзгартирардим. Мени гўёки улардан ҳеч нима билан фарқ қилмайдиган деб ҳисоблашлари ва қолишни таклиф қилишларини истардим.

Икки ҳафта давомида ўзимни ҳаётим айнан шундай ўтиши керакдек тутдим. Агар Митчелл бувим бўлмаганида, ҳаммаси жуда соз эди. У камдан–кам ҳолларда ўз хонасидан чиқарди. Одатда куннинг ярмигача ухлагач, Митчелл бувим интерком орқали Люсилга кўнғироқ қилар ва нонушта буюрарди. Баъзан у таксида бридж ўйнаш учун ёки шаҳарнинг

марказида жойлашган “Сити клуб”га бориш учун кетарди. Вактнинг катта қисмини эса у китоб ўқиб ёки тебранма креслода ўтириб, телевизор кўриб ўтказарди.

Унинг очиб қўйилган эшиги менга ҳеч яхшилиқдан дарак бермасди. Худди қузғундек у менинг зинадаги қадамимни кутиб кулоқ соларди ва қадам товушларимни эшитгач, паст овозда увиллаб шикоят қилгандек бўлиб, мени чақириб оларди:

– Робби, азизим, ўзингнинг кекса бувижонинг учун бир дақиқа ажрата олмайсанми?

Баъзан мени пастда кутишаётганликлари учун шошилишим шартлигини айтиб, кўнмасдим. Лекин кўпинча айб ҳисси мени истар–истамай унинг хонасига судралиб киришга мажбур қиларди.

– Хўш, қалай, хурсандмисан? – деб у айнаи бир саволни такрорларди. – Ўтир ва нималар қилаётганингнинг ҳаммасини менга айтиб берақол.

Бир неча гапни мингиллаб айтишимга имкон бергач, у менинг гапимни бўлиб қўярди:

– Мен сенинг шундай ажойиб кичкинтойлар ва ғамхўр энагалар билан жуда яхши бир жойда яшаётганингдан хурсандман!

Жуда ҳам тишларимни қисирлатгим келарди: «Сиз қаердан биласиз? Сиз ҳеч қачон етимхонада бўлмагансиз ва ҳатто ҳеч қачон мендан бу ҳақда сўрамагансиз!» Бунинг ўрнига мен индамасдим ва бундан сўнг сўзсиз келадиган лаҳзани кутардим.

– Сенинг онанг – Худо унинг гуноҳларини кечирсин – сени ўлдириб қўйишига сал қолди, Робби. Лекин мен сенга ёрдам бериш ниятидаман. Одобли жамоатда ўзингни тутишни ўрганаётганинг яхши. Хатти–ҳаракатларинг, айниқса, стол атрофида ўзингни тутишинг яхшиланишга муҳтож. Масалан... – Шундай деб, у мен нотўғри қилаётган ҳамма нарсаларнинг узундан–узоқ рўйхатини санаб ўтарди.

Лекин у яхши одоб–ахлоқ қоидалари ҳақида узоқ вақт мулоҳаза юритишни эплай олмасди. Тез орада у яна менинг онам ҳақидаги гапларга ўтиб кетарди:

– О, Робби, мен биров ҳақида ёмон гап гапиришни жуда ҳам ёқтирмайман, лекин бу аёл сенга мен ҳақимда кўп ёлғонлар айтганлигини биламан. Шунинг учун мен ниҳоят ҳақиқатни билиб олишингни истайман. Жойс – касал, йўлдан озган аёл. Сенинг отанг унинг нимасига маҳлиё бўлганини ҳеч тушунмайман.

Унинг кўзларига ёш тўларди, лекин бу менга таъсир қилмасди. Мен қаршимда яхшилаб машқ қилинган ролни яхши ижро этаётган кампирни кўриб турардим. Унинг юзида упа, лабида эса лаббўёқ ҳаддан ортиқ кўп эди. Қари аёлга доимо бошининг устига маҳкам тугилган, белигача тушадиган узун сочлар нимага керак экан?

Паулина менга “Қизил қалпоқча”даги ташланиб қолиш ва йўқ қилиш имконини кутаётган, ўзини яхши буви қилиб кўрсатаётган бўрини эслатарди. Отамнинг омадсиз танловидан ҳасрат қилиб, у бошини чайқарди ва шундай дерди:

– Мен ўзимга хос бўлган хушмуомалалик билан ўғлимга онангнинг камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Лекин менинг азиз, қадрли Робертим гапимга кулоқ солмади. Негалигини тушуна олмайман. Нима бўлганда ҳам мен золим эмасман ва уларга ҳалақит қилишни истаманман. Фақат мен қимматли ўғлимга яхшироқ бўлишини хоҳлаганман.

Сабрим тугаганида унинг нолишларини илтимос билан бўлиб қўярдим:

– Кетсам майлими, буви? Юқорига чиқаётганимда, Мэкга тезда қайтишим ва ўйинни давом эттиришимизни ваъда қилгандим.

Бувим ҳар доим мени қўйиб юборар, лекин чуқур хўрсиниб қўйишни унутмасди. Мен ўрнимдан туриб, унинг упа суртилган серажин пешонасидан ўпардим ва лабларимни артиб ташлаш учун тезроқ кўздан яширинишга шошилиб, чиқиб кетардим.

Кейинги гал бувимнинг тузоғида анча вақт қолиб кетганимда аммам Элис менга ачинарди. Аммам ҳеч қачон у ерда нималар бўлаётганини суриштирмасди, лекин агар қизиқиб кўрганида, Паулина айтаётган ҳамма гаплар онгимнинг бир четидан ўтиб кетаётганини тан олган бўлардим. Паулина ва онам ўртасидаги ягона фарқ бувим бой

эканлиги ва тентакхонада эмас, ҳашаматли уйда яшаётганидан иборат эди. Уларнинг иккаласи ҳам касалманд ва нафратга – бир–бирига, қора танлиларга ва умуман уларнинг йўлида учраган ҳаммага ва ҳар бир нарсага нисбатан нафратга тўлишганди.

Иккаласи ҳам кичик Мартин Лютер–Кинг номига ва унинг тенг ҳуқуқлик учун юришларига лаънат ўқирди. Атланта аҳолисининг уйларида хизматкорлик қилаётган одамлар билан танишгач, мен бу ғазаб табиатини тушуна олмадим. Ҳа, улар қора танли эдилар, лекин ҳаммаси менга жуда яхши муносабатда бўлишди. Нима учун кимдир уларни оқ танлилар билан бўлгандек мулоқотга нолойиқ деб ҳисоблайди?

Паулина мени онамдан ортиқроқ яхши кўрмаслиги менга аён эди. Мен улар учун бир–бири билан олишишга ортиқча баҳона эдим, холос. Агар мен туғилмаганимда, улар бошқа бирор нарса баҳонасида низолашган бўлишарди. Уларнинг мақсади мен эмас, балки ҳокимият эди.

Бу таътиллار тугагач, мен уйга мустақил учиб бордим. «Оқ кўйлакли» ва Жижи мени аэропортда кутиб олди. Принстонгача бўлган бутун йўл давомида мен уларга ажойиб уй ва у ерда жуда соз ўтказилган вақт, мени оила қанчалик яхши кутиб олгани ва тезроқ орқага қайтишни кутаётганим ҳақида гапириб бордим. Мен Паулина ҳақида бир оғиз ҳам гапирмадим, унинг ғалати қилиқларини эслашга арзимаydi деб ҳисоблардим.

Етимхонада Жижи кетишидан олдин мени ўпди ва Чикагогача бўлган поездга ўтиришдан олдин менинг психологим билан гаплашиб олишга улгурди. Ўзимнинг саргузаштларим ҳақида гапириб беришга шошилиб Ноланинг олдида югурдим.

– Айтсам ишонмайсиз, – бидирладим мен, – бу уй жуда ҳам катта! Укаларим ва синглим – жуда яхши! Бизлар бильярд, футбол ва баскетбол ўйнадик, яна шаҳар ташқарисидаги клубнинг бассейнида суздик ва...

Қанча кўп гапирсам, Нола шунча кўп илжаярди. Ниҳоят у қулоғидан бу қулоғигача илжайди.

«У менинг устимдан кулаяптими?» – деб ўйладим.

– Ниманинг устидан кулаяпсиз? – деб сўрадим.

– Сенинг ҳикоянг менга Оливер Твистни эслатди.

– Яна қандай Оливер Твист? – деб сўрадим. – Нима, у мен йўқ пайтда етимхонага тушдими?

Нола истехзоли жилмайди:

– Оливер Твист, бу – оиласидан маҳрум бўлган ҳамда етимхонага тушган ва унинг оиласи жуда бой эканлиги аниқлангач, осонгина қутилган бола.

Мен ҳаяжонланиб кетдим:

– Шу бола билан танишсам бўладими?

– О, йўқ, Робби. Оливер – сен катта синфларда ўқийдиган роман қаҳрамони. – Мен хўмрайдим. – Бу тўқима воқеа, Робби. Бу Чарльз Диккенс исмли одам томонидан ёзилган қадимги ва жуда машҳур асар.

– Хўш, сиз мени шу қиссадаги болага ўхшайди деб ўйлайсизми?

– Нима ҳам дердим, сенинг иштаҳанг ва қатъиятинг билан, шундоқ ҳам ўз косангни олиб, кўшимча бўтқа олиш учун: “Кечирасиз сэр, мен яна хоҳлаяпман” деб бораётганингни кўриб турибман.

Нола қаттиқ хоҳолаб юборди. Мен у ниманинг устидан кулаётганини ҳатто тушунмадим, лекин бу шунчалик юқумли эдики, тез орада мен ҳам қувониб ҳиринглай бошладим.

Ниҳоят, нафасини ростлаб олгач, у шундай деди:

– О, Робби, кечир. Мен сени китобдаги машҳур кўринишда яққол тасаввур қилдим, холос.

Уни нима бунчалик кулдирганининг сабабини тушунмасамда, у менинг устимдан кулмайётганини англадим.

– Шундай қилиб, мени ҳам худди Оливер Твист каби ўзимнинг бой оилам томонидан қутқариб олинади деб ўйлайсизми?

Худди аввалги вақтлардагидек, Нола тиз чўкди, мени ўзига тортиб бағрига босди.
– Шундай бўлади деб умид қиламан, Робби. Мен бунга жуда, жуда умид қиламан, –
деб шивирлади у.

Унинг сўзларида умид номигагина бор эмасди, бу сўзлар худди ибодатдек эшитилди.

10. ЖОЙ ТОПИЛАРМИКАН?

Агар кутилаётган нарсанинг амалга ошишига ишонч бўлса, мен кўп йиллардан бери илк марта ҳаётим ниҳоят меъёрдагидек бўлиб кетишига ишондим. Бой қариндошларимнинг оиласидаги ҳаёт менинг орзуимга айланди. Навбатдаги сафар пайтида мен уларда яхши таассурот қолдиришим шарт эди.

Узундан–узоқ чўзилган бешинчи синф охирига етди. Ниҳоят ёзги таътиллار бошланди ва мен яна Атлантага учиб кетдим.

Элис аммам ва амакимнинг ўғли кичик Мэк мени аэропортда кутиб олди. Уларнинг Бакхеддаги уйига етиб олгач, жомадонимни менга ажратилган ётоқхонага олиб бордим.

Мана, поччам Мэк мени ўзининг хонасига чақирди ва эшикни оҳиста ёпди.

– Ўтир, Робби. Мен сенга баъзи нарсаларни айтишим керак.

Юрагим дукурлаб ура кетди.

«У – уйнинг бошлиғи! – ўйладим мен – У менга қолишни таклиф қилмоқчи».

Ҳаяжондан қалтирардим.

– Ўтган ёзда, – гап бошлади у, – клубда ўзинг истаган нарсаларни буюртма қилишинг мумкинлигини айтганимда, бутун таомномани буюришингни назарда тутмаган эдим!

Худди шолғомдек қизариб кетганимни сездим ва поччам Мэк илжайди:

– Робби, мен сени хижолат қилмоқчи эмасман. Шунчаки менинг болаларим ўзини қандай тутаётганини кўр ва илтимос, камроқ овқат егин.

Елкамга осмон қулагандек бўлди. Тутила–тутила зўрға узр сўрадим.

Бир йил давомида, қандай қилиб бу оила мендан ўзлари билан бирга яшашни илтимос қиладиган даражада ажойиб бола бўлсам экан, деб ўйлаб юргандим. Мана бир соат ҳам ўтмай туриб, ишнинг пачавасини чиқардим ва ўз имконимни қўлдан бердим!

“Ўзимнинг биринчи таширфим пайтида қанчалик аҳмоқ бўлган эканман–а”. Бундан ҳам ёмони, энди мен қанча ейиш мумкинлигини билмасдим.

Шунинг учун бировдан ўрнат олиш мақсадида, амакимнинг ўғлидан кўз узмасдим ва клубда фақат у еган нарсаларни, баъзан эса ҳатто камроқ ейдиган бўлдим.

Амаким билан биринчи суҳбатдан гангиб қолиш ўтиб кетгач, назаримда ишларим олға силжиди. Амакимнинг ўғиллари худди поччам Мэк каби кўп қулишарди. У мени кечирибди ва ҳали ҳам уларга ёқар эканман, деб ўйладим. Элис аммам Митчелл бобонинг укалари ва уларнинг оила аъзолариникига меҳмонга боришим ташвишини торта бошлаганида, менинг умидим мустаҳкамланди. Улар менга ёқиб қолди, айниқса, Арнольд амаки ва унинг хотини Эннис билан дўстлашиб олдим.

Арнольд баланд бўйли, озгин, бургут бурунли, кенг ва самимий қуладиган эркак эди. “Ролс–Рой” ва “Олдсмобиль” дилерлик марказининг эгасида Атлантанинг марказидаги уч акр майдонда жойлашган ажойиб уйи ва 150 акрни эгаллаган фермаси бор эди. Иккинчи ҳафтанинг охирида мен фермада ишлаб, балиқ овлаб ва ўйнаб, бир неча кунни ўтказдим.

Эннис аммам баланд бўйли бўлиб, ўзининг сўзларига қараганда, сочлари анча оқарган “қишлоқ қизи” эди. Ҳар гал стол атрофига ўтирганимизда, у мендан сўрарди: «Бунча нарса ичингга қандай сиғаяпти, болакай?» Мен ҳақиқатан ҳам ўзимни тута олмасдим: етимхонада бизга қовурилган балиқ ёки қовурилган товук беришмасди, сариёғ ва асал оқиб турган уй печенъеси ҳақида–ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳар хил сабзавотлар – қовоқчалар, помидорлар, **окра** мевалари, кўкатлар, сарсабил ловияси – мен кўниккан картошка, маккажўхори ва давлат ҳисобидан бериладиган

консерваланган кўк нўхат билан асло таққосланиб бўлмасди. Етимхонада музқаймоқ йўқ эди, бу ерда эса уни хоҳлаганингча ейиш мумкин!

Вақт сездирмай ўтиб кетди. Арнольд амаким билан хайрлашарканман, тилимнинг учида турган саволни беришга журъат қилдим:

– Мен қайтиб келишим ва шу ерда яшашим мумкинми?

Унинг табассуми қувончли ва мулоим эди.

– Балки, Робби, – деди у менинг сочларимни хурпайтириб. – Сумкангни олгин – кетишимиз керак. Элис амманг ва поччанг Мэк аэропортга олиб бориб қўйиш учун сени кутишяпти.

Самолётга ўтиришдан олдин мен уринишимни такрорладим. Илжайганимча, бармоқларимни қовуштириб, дедим:

– Меҳмонга таклиф қилганларингиз учун раҳмат. Сизларникида бўлиш менга жуда ёқди. Нима деб ўйлайсиз, балки мен қайтиб келиб сизлар билан бирга яшарман?

Бунга жавобан поччам Мэк худди мен унинг адвокатлик идораси мижози бўлганимдек, қўлимни қисди, Элис аммам эса мени енгил кучоқлади. Ҳеч ким бир оғиз сўз айтмади.

Шунга қарамай, ҳатто етимхонага қайтиб келганимдан сўнг ҳам, мен таслим бўлмадим. Мен амакиларим ўзлари билан яшашим учун қўнғироқ қилган–қилишмаганини сўрайвериб Ноланинг жонига тегиб кетдим. Ҳеч ким қўнғироқ қилмаганди.

Ёзнинг қолган қисмида ҳар шанбада Жижи билан учрашарканман, биринчи навбатда Атлантадан бирор янгилик бор–йўқлигини сўрардим. Ҳар ҳафтада бир хил жавобни эшитардим: «Сабр қил, Робби. Мен улар билан гаплашаман. Ваъда бераман».

Августнинг охирига бориб, тоқатим тоқ бўлди.

– Жижи буви, менинг Атлантага кўчишим нима бўлди? Сиз улар билан гаплашдингизми? – дедим жаҳл билан.

– Биз гаплашдик, Лекин ҳозирча янгиликлар йўқ, Робби.

У мавзуни ўзгартирмоқчи бўлди, лекин мен бунга имкон бермадим:

– Айтинг, улар нима деб жавоб беришди, Жижи. Уларга ёқиб қолганимни биламан. Улар мени ўзларига олишади, Жижи. Олишини биламан. Мен уларни яхшигина хурсанд қилдим!

У менинг бошимни силади.

– Эҳтимол, ҳозир улар учун энг яхши вақт эмасдир, – деди у. – Балки кейинроқ ҳаммаси жойига тушиб кетар.

«Кейинроқ?»

Мен кейинроқ эмас, ҳозир истаётгандим.

Атлантада мен учун жой топилиш–топилмаслигини билолмай юрган вақт ичида кичик ёшдаги ўғил болалар учун гуруҳда энди менга жой йўқлиги аниқланди.

Ўша кузда, ўқув йили бошланишига бир ҳафта қолганида, Нола мени танг қолдирди:

– Робби, кичик ёшдаги ўғил болалар гуруҳи тўлиб кетган. Биз жой бўшатишга мажбурмиз. Сен олтинчи синфга ўтаётганинг туфайли, аллақачон катта бўлиб қолдинг деб ўйлаяпмиз ва сени катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳига ўтказмоқчимиз.

– Нола, – норозилик билдирдим мен, – қанақасига катта бўлай! Мен ҳали ўн бирга ҳам кирмадим. Бўйим бор–йўғи бир метр эллик сантиметр, оғирлигим эса атиги қирқ беш килограмм. Ўша гуруҳдаги баъзи катта болалар шунчаки паҳлавонлар! Нола, улар 16, 17 ва 18 ёшда!

– Мен афсусдаман, Робби, лекин бу биз қила оладиган ягона иш. Ҳозир бизда кичик ёшдаги ўғил болалар жуда кўп, шунинг учун ниманидир ўзгартиришимиз керак. Биз сени хафа қилишни истамаймиз, шунчаки бу керак.

– Лекин... лекин у ерда мени янчиб ташлашади!

– Узр, Робби, мен ҳақиқатан ҳам афсусдаман, – деб шивирлади у.

Боласи ўз ташвишини тортишни ўрганиши учун боласини ташлаб кетиш вақти келганини биладиган она айиқ каби у ўтирилдию, кетди.

Катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳининг тарбиячиси менинг янги бинога ўтишимга ёрдамлашди ва хонамни кўрсатди. Буюмларим солинган кутини кўтариб бораётганимда катта ёшдаги болалардан бири қичқирди: “Янги тирмизак!” Бўғиқ кулги янгради.

Янги қўшним хонада эмас экан. Нола у мендан уч ёш катта эканлигини, лекин бошқа кўп болалардан яхши эканлигини айтганди.

У ҳақиқатан ҳам ёмон йигит эмас экан, лекин мени ҳимоя қилмасди ва менинг дўстимга айланмади. Бу шер уясида ўзим билан ўзим андармон эдим.

Тез орада бу шерларнинг менга нисбатан ўз режаси борлигини билиб олдим. Ҳар куни у ёки бу даражада дўппосланишим керак эди. Ҳар куни мендан катта ва кучли бўлган болалар уларнинг босқичма–босқич бўйсуниларининг энг қўйи поғонасида эканлигимни эсимдан чиқармаслигимни таъминлаши керак эди. Гап уриш ёки урмасликда эмас, балки фақат ким уришида эди, холос.

Мен уларнинг ягона қурбони эмасдим. Қоида тариқасида, мактабдан ёмон кайфиятда қайтиб келган олдиндан яшаб келаётганларнинг бири унинг қўл остига биринчи бўлиб тушиб қолган болакайдан аламини оларди. Кўз ости кўкариши ёки бошқа кўриниб турадиган шикастлар уларга яхшилик келтирмасди, шунинг учун йигитлар ҳеч қачон из қолдиришмасди. Мушт билан бошга зарба бериш энг яхши кўрилган усуллардан бири эди: у соч остида кўринмайдиган оғриқли кўкаришлар қолдирарди. Билакка зарба бериш ҳам анча машхур эди.

Агар ўз ётоғимдан чиқаётиб, йўлакда бу “ярамас ботир”лардан бирортасини кўриб қолсам, шу заҳотиёқ орқага қайтиб эшикни ёпиб олардим. Афсуски, бизнинг эшикларимиз қулфланмасди. Баъзан мени сезиб қолган йигит ўтиб кетарди, лекин кўпинча ортимдан хонага бостириб кирарди.

Энг шафқатсиз аблахлардан бири ҳеч қачон шунчаки ўтиб кетмасди. У ҳар доим ётоққа бостириб кирар, менга ташланиб, девор ва эшик орасига қисиб оларди. Баъзан шунинг ўзи унинг зўравонликка бўлган иштиёқини қондирарди. Акс ҳолда, ёқамдан тутиб олиб, оёқ ва қўлларимни ноилож силкитаётган ҳолимда бутун хона бўйлаб иргитиб юборарди. Бошга аниқ берилган бир зарбадан сўнг у из қолдирмай, жанг майдонини тарк этарди.

Мен бу безорилар билан талаша олмасдим, лекин қарши зарба бермаслигим мумкин эмасди. Ўйин майдонида Нолага шикоят қилганимда, у шундай деди: «Мен ҳеч қачон сенинг муштлашувни бошлаб берганингни кўрмаганман, Робби. Муштлашувдан қочганингни ҳам кўрмаганман. Лекин баъзан буни синаб кўрсанг бўлади. Кўрасан, агар муштлашувга чап берсанг, катта болалар ўзлари бошлаган қўнгилхушликдан қониқиш олмай қўйишади».

Ҳойнаҳой, у ҳақ эди. Лекин ҳатто бош тортишга сабрим етса ҳам мен бундай қилмоқчи эмасдим. Ғазабим ва қоникмаслигим ўтиб кетмагунича, душманларимни тор–мор қилмоқчи эдим.

Лекин улар ўтиб кетмади, балки кучайишда давом этди. Тез орада менинг бу қутуришни сиртга чиқариб ташлашим хунук тус олди. Мен ўз азобловчиларимни енга олмасдим, шу боис ўзимнинг алашимни ҳимоясиз ҳайвонлардан ола бошладим.

Бу Жиждан Мавлуд байрамига менга ёш кимёгар тўпламини совға қилишини сўраганимдан сўнг бошланди. У мени тиббиётчи ёки олим бўлмоқчи деб ўйлаб, илтимосимни бажарди. Шанба куни кечқурун реагентлар солинган бир неча кичкина шишаларни олиб, велосипедга ўтирдим ва шаҳар чиқиндихонаси ёнидан оқиб ўтаётган сойгача бир неча миль юриб бордим.

Бу ерда ҳеч ким менга халақит қила олмасди. Бу ерда менинг шафқатсиз тажрибаларимга маҳкум бўлган қурбақалар кўп эди.

Аввалига мен қайси кимёвий модда уларни кўр қила олишини аниқлаб олдим. Бир қанча муддат улар қандай қилиб ҳар хил нарсаларга урилиб кетиб, сакрашини кўриб бир зайлда мароқландим, аммо бу кўнгилхушлик тезда жонимга тегди.

Шунда мен портлашларга ўтишга қарор қилдим. Табиатшунослик дарсларида бизга баъзи реагентларни аралаштириш шундай натижага олиб келиши мумкинлигини айтишганди. Ўғирланган ўғитлар ва мушаклар сеvimли қуролимга, қурбақалар эса мен ёқтирган қурбонларга айланди. Мен уларга ўз гуруҳимдаги безориларнинг исмини қўйиб олардим ва портлатардим.

Менга азоб берганларнинг дублёрлари қандай қилиб бўлақларга парчаланиб кетишини кузатарканман, гарчи вақтинча бўлсада, енгил тортардим. Лекин бу менинг муаммоларимни ҳал қилмади. Тўлақонли оилага бирор қадам ҳам яқинлаша олмай, ҳеч ким пайқамаган ҳолда, бу ярамасликларни олтинчи синфдаги бутун ўқув йили давомида амалга ошириб келдим.

Ёз келганида мен яна Атлантага учиб кетдим. У ерда яна бир гал ўзимни трагикомедия актёридек ҳис қилдим: илиқ қабул қилиш, бир талай роҳатлар, ёқиб қолиш учун ҳаддан ортиқ уринишлар ва еттинчи синфда ўқишга ўрганиб кетишдан олдин улар билан қолиш ёки қолмаслигим ҳақида ўзимга берилган савол.

Яна сукут, худди ўша жимлик.

Янги ўқув йили бошланди ва мен ўрта мактабда қандай қилиб ҳаётни янгича бошлашни сезаётгандим.

Жижи менга иккита шим ва иккита кўйлак сотиб олди. Янги кийимларимдан шунчалик ғурурланардимки, биринчи ҳафтада ҳар куни турлича тусда кийиниб, кийимларимни алмаштирардим.

Лекин кийимларим ҳаммага ҳам ёқмасди. Ҳафтанинг охирида синфдошим бўлган бир қиз мени бошдан–оёқ кузатиб чиқиб, жиркангандек сўз қотди:

– Йўқ, фақат яна шу кўйлак эмас. Бу нима, сенинг ягона кийимингми?

Лол қолганимча, жавоб беришга ожизлик қилдим. Фақат бир лаҳзадан сўнг унсиз ҳайқирдим:

«Бу менда бор энг яхши нарсам! Бу янги кийим, қандайдир секунд–хенд эмас. Усти–бошим ҳазрати олияларига ёқмаётганидан жуда афсусдаман. Бу ерда менинг айбим йўқ. Бу Жижининг имкони бўлган бор–йўғи, ахир».

Бу савол берувчи қизнинг башарасига жуда ҳам туширгим ва уни шу лаънати кўйлагимни ейишга мажбур қилгим келарди, чунки мен яна ўзимни қувғинди деб ҳис қилгандим.

Еттинчи синф бошқаларидан яхши эмасди. Мактаб бошқа эди, аммо муаммолар ўша–ўшалигича қолди. Бутун йил давомида мактабдаги безорилар тўдаси билан дуч келиб қолишдан ва етимхонадаги ўсмирлар учун боксчиларнинг ноксимон резинали халтаси бўлишдан қочиб юришда давом этдим.

Кейинги ёзда бутунлай бошқа, қалбида туғён ураётган вулқонли киши бўлиб, Атлантага борадиган самолётга ўтирдим.

«Бирор тузатиб бўлмас аҳмоқчилик қилиб қўймасимдан олдин етимхонани тарк этишим керак, – деб ўйлардим. – Балки бу менинг охирги имкониятимдир. Мэк почча ва Элис аммам мени қандай одам сифатида кўришини исташларини аниқлаб олишим ва улар билан бирга яшаиш учун қоладиган одам бўлишим шарт. Шунчаки мен буни қилишим зарур».

Шунга қарамай, Атлантага келганимдан кўп ўтмай менинг режам чиппакка чиқишига сал қолди.

– Кейинги ҳафтада Уоррен амакинг сени Шимолий Каролинадаги Гринсборгга олиб кетади, – деди Элис амма. – У, бобонг Митчелл ва уларнинг барча ака–укалари ҳамда опа–сингиллари ўша ерда ўсишган. Шимолий Каролиналик қариндошлари сайр қилишмоқчи ва сени таклиф этишяпти.

У бу ҳақда улкан шодликдек қилиб гапирарди. Лекин мен шубҳаларга тўлгандим. Суғурта агенти ва ака–укаларнинг энг каттаси бўлган бу амаки билан бор–йўғи бир неча соатни ўтказдим. Хуллас, бундай узоқ сафар давомида у билан нима ҳақида гаплашиш мумкин?

Лекин шунда мен Уоррен амаки режамнинг бир қисми бўлиши мумкинлигини тушундим. *«Эй, галварс, – дедим ўзимга ўзим, – бу амакида ўзгармас таассурот қолдириши учун яхши тасодиф. Шунда у қолишига рухсат сўраганингда сен томонингда бўлади».*

Бутун ҳафта давомида хушмуомала ва Элис амма, поччам Мэк ҳамда амакиваччаларим учун фойдали бўлишга жон–жаҳдим билан тиришдим. “Сити клуб” официантидан бирор нарсани амакимнинг ҳисобига ёзиб қўйишини сўрамадим. Ҳатто ихтиёрий равишда Паулина бувим билан вақт ўтказдим.

Уоррен амакининг уйига бориш вақти келганида, мен амакиваччаларим билан хайрлашдим, кейин эса ўгирилиб, Элис аммамни кучоқладим.

– Балки, мен қайтиб келарман ва бу ерда яшаб қоларман – деб тахмин қилдим. – Жижидан у бунга рози ёки рози эмаслигини сўрайман.

Мен аммамининг муносабатини диққат билан кузатдим. Унинг илиқ табассуми ўрнини лоқайд ниқоб эгаллади.

У: “Яхши бўлармиди!”, деб айтмади.

У: “Биз буни ўйлаб кўрамиз”, демади.

У ҳатто: “Кечирасан, Робби, лекин эҳтимол бунинг иложи йўқдир” деб айтмади.

У умуман ҳеч нарса демади.

Буни шусиз ҳам унинг уч нафар фарзанди борлиги билан изоҳладим. Ўзимни, ҳойнаҳой, у яна бир болани эплай олмаслигидан кўрқаяпти, деб ўзимни ишонтирдим.

Бироқ бу вақтга келиб нақ бурнинг остида шарақлаб ёпиладиган эшик қандай кўринишда бўлишини яхши билардим. Бу эшик ёпилди. Бошқасини тақиллатиб кўриш вақти келганди.

«Мен Арнольд амаки ва Уоррен амакига ёқшига ҳаракат қилишим керак, – деб ўйладим. – Улардан бири, албатта, мени ўзига олади».

Арнольд амаким мени Уоррен амакининг уйига олиб боргунича, бир неча кунни Эннис амма ва Арнольд амаким билан бирга фермада ўтказдим. Хайрлашаётганимизда сўнгги марта уриниб кўрдим.

– Арнольд амаки, менга сизларникида бўлиш жуда ёқиб қолди, – дедим унга. – Нима деб ўйлайсиз, балки Жижи бувим иккалангиз менинг қайтиб келишим ва сизлар билан бирга яшашим учун бирор нима қила оларсизлар?

У ҳеч бир истисносиз, шунчаки хушмуомалалик юзасидан бош ирғади. Бирорта ҳам умидбахш ишонтириш сўзи янграмади.

Ҳар доимгидек, кулоқни ёргудек сукунат ўзим эшитишни истамаган нарсамни менга тушунтириб қўйди

11. НИМА УЧУН?

Уоррен амакининг «Кадиллак» машинаси худди яхта каби улкан эди. Биз йўлда борарканмиз, у отамнинг оиласи ҳақида туганмас ҳикояларни сўзлаб борди.

Мен бобом Боб Митчелл ўн бир фарзанд ичида ёши катталиги бўйича учинчиси бўлганини билиб олдим. Уоррен амаки ундан бир ёш катта бўлган экан. Ака–ука Митчелларнинг ҳаммаси катта бургутсимон бурни билан мақтаниши мумкин эди. Беш ака–ука баланд бўйли, тўрт нафари эса – пакана эди. Уоррен амаки иккинчи тоифага кирарди.

Тўққиз нафар ўғил бола ва икки қиз худди жамоат каламушидек, қашшоқ ижарачи–фермер оиласида вояга етган. 1910 йилда уларнинг отаси Шимолий Каролинанинг Гринсборо шаҳридаги Гилфорд коллежи қурилишига ёрдам бериб, ўзининг хачир қўшилган аравасида ғиштлар ташиган.

Кўп йиллардан сўнг Митчелл бобом ва унинг бир неча ака–укаси қайсидир тарзда у ерда ўқишни битириб чиқишади. Бизнесни йўлга қўйиб, оёққа туриб олгач, улар ота–онаси учун Гринсборода уй сотиб олишади ва қариганида уларга молиявий ёрдам кўрсатишади. Митчелл бобонинг сингилларидан бири эри билан бирга ота–онасининг уйида яшаган ва ўлгунича уларга ғамхўрлик қилишган.

Бу ажойиб ҳикояни эсга олиб, Шимолий Каролиналик катта оиланинг барча аъзолари ўзларининг ҳар йилги сайрига тўпланишарди. Биз уйга етиб келганимизда, кўзларимга ишонмай қолдим: у ерда тахминан катта ёшдаги эллик нафарча одам ва менга тенгдош бир тўда болалар тўпланганди.

Ҳамма мен билан илиқ саломлашди ва шинам, дўстона оилавий муҳитга шўнғидим.

– Сенинг бобонг авлиё одам бўлиб вояга етган, – хабар қилди менга аммам.

– У бутун умр авлиё одам бўлган, – деб қўшиб қўйди бошқаси. – Паулина билан яшаш қандай эканлигини тасаввур қила оласанми?

Шунда амакиларим хоҳолаб юборишди.

«Нима ҳақида гапираётганингизни жуда яхши тасаввур қиламан», – деб ўйладим.

Кувноқ кутиб олишларига қарамай, мен гангиб қолгандим. *«Нима учун Жижи менга бу одамларнинг ҳаммаси ҳақида гапириб бермаган? Мэк поччам ва кичик Мэк улар ҳақида ҳеч қачон айтмаган. Улар ҳақида Паулина момо ҳам эслатмаган. Шимолий Каролинада яшаётган бу қариндошларимнинг бирортаси ҳам ҳеч қачон мен билан боғланишга уринмаган. Умуман менинг борлигимдан буларнинг хабари бўлганмикан?»*

Тез орада мен ўзимга тенгдош қандайдир болалар билан футбол ўйнай бошладим, аммо ўзимни бегона ҳис қилишдан қутулганим йўқ. Мендан мактабдаги ўқишим ва спортдаги ютуқларим ҳақида сўраркан, катталар етимхона ҳақида бирор сўз дейишмади. Гўё ҳамма бу мавзуга тил текизмаслик ҳақида огоҳлантириб қўйилгандек туюларди.

Ўша куни ухлашдан олдин мени ўйлар тарк этмади.

«Айтайлик, менинг етимхонада яшашим уларга маълум. Менимча, улар у ерда қолиш истагида ёнмаётганимни фаҳмлашмаяпти. Шундай экан, нима учун улар менга ўзлари билан бирга яшашни таклиф қилишмаяпти? Балки улар Паулинанинг мен қанчалик ёмон эканлигим ҳақидаги масалларини роса эшитишгандир? Ёки улар менинг онамни ёмон кўришадими? Гап нимада? Атлантадаги қариндошларим мени ўз уйларига таклиф қилишмаслиги аниқ бўлиб турибди, бу одамлар мени таклиф қилишларига нима халақит беради? Мен уларнинг фарзандларидан катта эмасман. Оилага жуда яхши киришиб кетардим».

Эртаси куни Уоррен амаки мени ўзи билан бирга Гилфорд коллежига олиб кетди. Ўтган тунда ўзим мулоҳаза юритган саволларни бермоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаганимда, у мени қуйидаги баёноти билан эсанкиратиб қўйди:

– Биласанми, Робби, – деди у, – агар сен ўзлаштиришингни яхшилаб олсанг, Гилфордга ўқишга киришинг мумкин. Ота–онамизнинг ўлиmidан сўнг, биз, ака–ука Митчеллар уларнинг шарафига коллеж талабалари учун стипендия фонди ташкил қилдик. Агар киришда зарур балл тўплай олсанг, сен стипендияни олувчи талаба бўлишинг мумкин.

Кулоқларимга ишонмай қолдим. *«Мен коллежга киришим мумкинми? Етимхондагилардан ҳеч ким коллежга кира олмаган!»*

Менга маълум бўлишича, бунга фақат бир йигитгина эриша олган. У етимхонада атиги бир ярим йил вақт ўтказиб, баскетболчиликка фавкулудда қобилияти бўлгани боис стипендия оларди.

Болаларнинг аксарияти ўн саккиз ёшда етимхонани тарк этар, бунда баъзиларига ҳатто мактабни тугатиш ҳам насиб этмас, ўрта маълумот олганлари эса ҳеч қачон коллежга кирмасди. Мен бир неча киши йигирма бир ёшга ҳам кирмай ҳалок бўлгани ёки қамоқхонага тушганини эшитгандим. Бироқ тарбияланувчиларнинг кўпи ҳақида умуман ҳеч нарса эшитмагандик, кўпинча улар кам ҳақ тўланадиган ишда ишлашарди.

Мен етимхонадаги катта ёшли тарбияланувчилар коллежга кириш ҳақида қандай фикр билдиришганини эсладим. Мен билан бу ҳақдаги масхараомуз суҳбатлардан бири вақтида улар кулгидан думалаб қолишларига сал қолганди.

– А–ҳа, аниқ, – деб баён қилганди улардан бири, – ҳатто бунга ақлимиз етганида ҳам, гарчи бу борада аҳволимиз “вой” эканлигини ҳамма билсада, қаердан нақд пул олган бўлардик?

– Осмонларда учишни бас қил, тирмизак, – аралашди бошқаси. – Бу ердан ҳайдаб юборишмагунларича, шу ерда қолаверасан. Кейин эса худди бошқалар каби дайдига айланасан. Сенинг келажагингда ҳеч қандай коллеж йўқ ва бўлмайди ҳам. Ундан кўра, дўзах музлаши ҳақиқатга яқинроқ, болакай! Коллежларга фақат яхши болаларни қабул қилишади, уларга эса бизнинг афт–ангоримиз ёқмайди.

Мен эътироз билдирмоқчи бўлдим: *«Балки менинг омадим келиб қолар»*, – лекин оғиз очмадим. *«У тўғри айтаяпти, – деб ўйладим. – Коллежга кириш учун менинг ақлим, Жижининг эса пули етмайди. Тиш шифокори менга брекет қўйиш зарурлигини айтганида, “Оқ кўйлакли” бундай турдаги тиббий ёрдам учун етимхонада пул йўқлигини тушунтирганди. Токи брекетга ҳам пул йўқ экан, коллеж учун бундай пуллар қаердан ҳам олиниши мумкин?»*

Агар коллежлар фақат яхши болаларга мўлжалланган бўлса, бунда менинг айбим нима? Ахир, мени етимхонага ташлаб кетишган–ку, тўғрими? Бу ҳатто Нола ишонадиган Худо ҳам мени яхши бола деб ҳисобламаслигини исботламайдими?

Биз Уоррен амаки билан Гилфорд коллежи талабалар шаҳарчасининг ҳудудида сайр қилиб юрганимизда бу хотиралар менга куюндек ёпирилди. Бу ҳақиқатан ҳам бўлаётганига ишона олмадим.

Ҳатто коллеж ректори ҳам мени кўрганида хурсанд бўлгандек туюлди.

– Гилфорд коллежи Митчеллар сулоласидан бўлганларнинг кўпчилиги мазкур коллежни битирганидан фахрланади, – билдирди у. – Биз оилангизнинг сахийлигини жуда қадрлаймиз. Гилфорд сиз учун ҳам ўз эшикларини очишга тайёр, йигитча. Тиришқоқлик билан ўқинг, шунда мактабни тугатгач, сизга ажратилган стипендиядан фойдалана оласиз.

Лекин экскурсиянинг охирига келиб бу стипендиянинг аҳамияти камая бошлади. Ўтган тунда мени ухлашга қўймаган саволлар кутилмаганда яна менга ёпирилди, улар билан бирга эса, кўринишидан мени рад қилган оиланинг аъзоларига бўлган ғазаб ҳам.

Атлантага, ундан сўнг Чикагога қайтиш йўлида ичимда қайнаган ва ташқарига отилишга тайёр турган ғазабимни босишга ҳаракат қилдим.

Етимхонага қайтгач, менинг янги психологим, Марв исмли йигит билан учрашувни талаб қилдим.

– Бу ерда нималар бўлаяпти ўзи? – деб бақирдим унинг кабинетига отилиб қирарканман.

Эшикни қарсиллатиб, унинг ёзув столи олдида у девордан бунисигача бориб кела бошладим.

Марв шошиб қолди. У мени тушкун, одамови ва бегонасираган ҳолда кўрган, бироқ бирор марта ҳам бундай ғазабда кўрмаганди.

– Худонинг қарғиши урган бу ҳаёт жонимга тегди! – қарилладим столни муштлаб. – Буни ким қилган? А? Айтинг! Мен кимга “раҳмат” дейишим керак?

– Тинчлан, Робби, – деди Марв паст овозда. – Ўтиргин ва мен билан гаплаш?

– Сизнинг гапларингиздан чарчадим! Мен ўтирмоқчи эмасман. Бирон киши менга чин жавоб беришини истайман.

– Қандай жавоб экан?

– Нима, эсингиз пастми? Ким бундай қилганини билмоқчиман. Ўла ўлгунимча кимни ёмон кўришим керак?

– Ким нима қилганини айтаяпсан, Робби?

– Мени Атланта ёки Шимолий Каролинага кўчиб ўтиш имконидан ким маҳрум қилди, галварс. Хўш, фақат ростини айтинг! Ким? Уч ёшимдан бери шу лаънати

етимхонада яшаяпман. Тўққиз йил бўлди! Атлантада, янада кўпроқ Гринсборода қариндошларим бор. *Отамнинг оиласи! Шунчаки таъминлаган эмас, шунчаки ўзига тўқ эмас, улар ўтакетган бой! Марв, ўша ҳудудда мени тарбиялаши мумкин бўлган қирқдан ортиқ оила яшайди. Улардан баъзиларига мени ўзларига олишларини сўраб мурожжаат қилганимда, жимликдан бошқа жавоб бўлмади! Мени эшитаяпсизми? Жимлик! Юзимга тик қараб: «Бундай бўлмайди, Робби. Сен биз билан яшамайсан» деб айтишга бирортасининг журъати етмади. – Ғазабим ошган сайин овозим тобора кўтарилаверди. – Нима учун, Марв? Ахир мен шунчалик қўрқинчли эмасман–ку! Мени туғишларини илтимос қилмагандим–ку. Пиёниста отамдан мени ташлаб кетишини сўрамагандим. Албатта, ақлдан озган онамдан буни сўрамаганман! Нима, улар мени ўзларининг айби учун жазолашаяптими? Нима учун ҳеч ким мени ўзига олишни хоҳламайди? Нима учун мен ҳеч кимга керак эмасман, нега менинг ўз оилам йўқ?*

Ниҳоят ичимда қутурган ғазаб ташқарига аламли нола бўлиб отилганди. Нима қилаётганимни англашимдан олдин муштим учиб бориб гипс картондан ясалган деворни тешиб ўтди.

Марв ўрнидан сакраб турди. Йўлакдан чопаетган одамнинг оғир қадамлари эшитилди. Эшик кенг очилди ва кабинетга бошқа ижтимоий ходим отилиб кирди:

– Сен тинчмисан, Марв?

– А–ҳа.

Менга бир қараб олгач, у нигоҳини ҳамкасбига қадади.

– *Хавотирланманг*, – дедим. – *Мен уни ўлдирмоқчи эмасман.*

Ижтимоий ходим Марвга қаради, у бош ирғади ва ижтимоий ходим хонадан чиқди.

– Эшикни ёпиб кетинг! – деб кичқирдим.

– Ўтиргин, Робби, – илтимос қилди Марв. – Илтимос.

Ғазабим бир оз пасайди ва ўриндиққа ўзимни ташлаб, полга тикилдим.

Марв ўйланиб қолиб, бир неча дақиқа жим бўлди. Унинг ташқи кўриниши Авраам Линкольнга ўхшаб кетишини фаҳмламаслигим мумкин эмасди: худди шундай баланд бўйли, қотма, соқоли текисланган.

Ниҳоят у гап қотди:

– Биз худди шу масалани ҳал қилишга уриндик, Робби. Мен сен билан рост гаплашаман, лекин жавобим сенга ёқмайди.

Нигоҳимни унга қаратганимча кутиб ўтирдим.

– Ҳар хил психологик сафсаталарга берилмай, оддий қилиб айтаман, – дея бошлади Марв. – Ҳамма гап шундаки, Жижи сенинг Атлантага кетишингга розилик бермаяпти. Чунки бундай бўладиган бўлса, у сен билан ҳозиргидек тез–тез кўриша олмайди.

У навбатдаги портлашимни кутиб, жим қолди.

Мен полга тикилдим. Хаёлимни шунчалик узоқ банд қилган савол тўғрисидаги ўз фикрларимни шакллантириб олишимга бир дақиқа керак бўлди, холос. Ниҳоят, сўник нигоҳимни психологга қаратиб, шундай дедим:

– Нима демоқчи бўлаётганингизни тушунаман, Марв, лекин сиз хато қилаяпсиз. Нима учун бундай хулосага келганингизни фаҳмлаяпман, лекин Жижига бу саволни бериб кўрганман.

– Ростданми? Қачон? – ҳайрон бўлди Марв.

– Шу ёзда Атлантадан қайтиб келганимда ундан бу ҳақида сўрадим.

– Ундан нима ҳақида сўрадинг?

– Мен унга Атланта ва Шимолий Каролинадаги отамнинг қариндошларида менга ғамхўрлик қилишлари учун оилалари ва пуллари борлигини, лекин, афтидан, улар бундай қилмоқчи эмасликларини айтиб бердим. Мен Элис аммам ва Мэк поччам, шунингдек Арнольд амаким ва Эннис аммамга ёқиб қолганимни, лекин улар мени ўзларига олишмаслигини айтдим. Уоррен амаки билан яхши келишиб кетганимни, аммо Шимолий Каролинадаги кўп кишилиқ оила аъзоларидан ҳеч ким менинг ташвишимни тортади деб ўйламаётганимни ҳам айтдим. Жижи жим бўлиб қолди, шунинг учун мен унинг кўлидан

ушлаб, кўлини силаб, кўзига тик қараб, сўрадим: «Мен бунчалик узоққа кетмаслигим учун шу ерда қолиб кетаманми?»

– Хўш, у нима деб жавоб берди?

Чукур хўрсиниб олиб, давом этдим. Ранг–баранглик ҳаққи–ҳурмати суҳбатнинг боришини назорат қилаётганингни ҳис этиш ёқимли эди.

– У йиғлаб юборди. У мени кучоқлади ва узоқ йиғлади. Ниҳоят кўз ёшларини артгач, Жижи бошини чайқади ва деди: «Йўқ, Робби. Болалик йилларинг қандай ўтганлиги менинг юрагимни парчалади. Сенинг ҳаётингдаги ўзгаришлар ҳаққи–ҳурмати мен қилмаслигим мумкин бўлмаган бирор нарса йўқ. Ҳатто бунинг учун сени йилига бир марта кўришимга тўғри келса ҳам». – Бир оз жим қолгач, ҳеч қандай ҳисларсиз давом этдим: – Мен унга ишонаман, Марв. Жижи ҳеч қачон мени алдамайди. У буларнинг ҳаммасини билганини менга ҳеч қачон айтмаган, лекин мени ҳеч қачон алдамаган. – Мен Марвга қарайдим, у бош ирғади ва мен давом этдим: – Жижи Атланта билан ҳеч иш чиқмаганидан афсусда эканлигини айтди. Бу менинг айбим эмаслигига унинг ишончи комил. Бувим нима учун шундай бўлганини тушунтирмади, – ё у билади, лекин айтишни истамайди ёки унинг ўзи тушунмайди. Нима бўлганда ҳам, мен сабаб ундай эканлигига ишонмайман. Лекин агар гап Жижида бўлмаса, унда, сизнингча, гап нимада, Марв?

Бир муддат жим ўтирдик.

Ниҳоят Марв гап бошлади:

– Мен ҳақиқатан ҳам тасаввур қила олмайман, Робби. Мен ҳам сен билан мутлақо рост гаплашарман. Мен Жижининг истаги шундай бўлса керак деб ўйлагандим, лекин энди нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдим. Сенинг нуқтаи назаринг тарафдориман, лекин бу ҳолатда шунчаки сенга нима деб маслаҳат беришни билмайман. Агар Атлантада сени қабул қилишмаса, асраб олувчи оила ҳақидаги вариантни эса сен кўриб ҳам чиқмаяпсан, у ҳолда биз ўзингга ўзинг ғамхўрлик қилиш учун етарлича катта бўлгунингча, сен кейинги беш йилни етимхонада ўтказишингда ёрдамлашиш усулини ўйлаб кўришимиз лозим бўлади. Ўз ғазабингни бошқариш масаласида ҳамкорлик қилишга тайёرمىсан?

Ўрнимдан турдим:

– Марв, сизлардан ҳам, Жижидан ҳам хафа эмасман. – Эшик ёнига бориб, уни очдим ва ўгирилдим. – Лекин мен ғазабимни бошқаришда сизларга ёрдам бериш ниятида эмасман. Ҳақиқат шундаки, мен уни бошқармоқчи эмасман. Мен фақат кимгадир оғриқ етказмоқчиман, холос.

Овозим муздек совуқ эди, лекин ичимда туғён ураётган ғазаб олови аввалгиларига қараганда кучлироқ ёнарди.

12. МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

Мен «пул ишлашим шарт!»

Токи келажакда фақат ўз кучимгагина ишонишим керак бўлса, токи қариндошларим менга ёрдам бермоқчи эмас экан, Жижи эса қўллаб–қувватлай олмас экан, у ҳолда иш излаш вақти келибди.

1967 йил августда мен эндигина ўн икки ёшга кирдим, лекин кун кўриш учун пул ишлаб топа олиш–олмаслигимни аниқлашни жуда истардим. Катта бўлиш ва Жижига ўзимнинг эркак киши эканлигимни исботлаш вақти келганди.

Мақтабни тугатган етимхона тарбияланувчилари августда уни тарк этишди. Ҳар бир битирувчига янги спорт курткиси, улар танлаган манзилгача автобус чиптаси топширилди ва қўл қисиб, “омадингни берсин, йигитча” деб хайрлашиш билан у пулсиз, оиланинг қўллаб–қувватлашисиз ёки яхши номсиз катталар ҳаётига кириб борди.

Гилфорд коллежида бўлганимда, мен келажак ўз қўлимда эканлигини тушундим, агар тиришқоқлик билан ўқисам ва бир оз пул тўплаш учун меҳнат қилсам, менда яхши ҳаёт учун имконият пайдо бўлишини тушундим. Эҳтимол, пул ва нуфуз

етишмовчилигини билмайдиган Атлантада яшайдиган қариндошларим сингари фаровон дунёга мен ҳам етиша оларман.

Митчелл бобо бой одам эди ва унинг олти ака–укаси миллионерга айланди – бу 1960 йилларда жуда кам учрайдиган ҳолат бўлган. Уларнинг омади мени ҳам четлаб ўтмайди деган умидда эдим.

Бобом Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари вақтида миллионлаб автомобилларда ишлатилган чарм камарлар ишлаб чиқарувчи саноат компаниясида энг яхши сотувчи эди. Унинг ака–укаларидан кимдир, хусусан, менинг амаки боболарим ўша пайтда аллақачон миллионер бўлишган. Билл амаки Вашингтонда, Колумбия округида канцелярия маҳсулотлари ва идора жиҳозларини сотиб бойлик орттирганди. Арнольд амаки ҳуқуқшунос эди, лекин амалиётини ташлаб, автомобиллар сотиш билан шуғулланган. Том Атлантада “жип” ва “бьюик”лар сотиш бўйича, Говард – Флоридада «кадиллак»лар сотиш бўйича автосалон эгаси бўлган, Уоррен эса суғурталаш билан шуғулланиб, молиявий фаровонликка эришганди. Кейинги ёзда қариндошларимникига ташрифимдан сўнг, мен ҳам қандай қилиб бойиб кетсам экан, деб бош қотирардим.

Шунинг учун саккизинчи синфда ўқишни бошлашдан олдинги жазирама ёзнинг шанба кунларидан бирида мен иш излаб Принстон бўйлаб изғишга тушдим. Мени ёллашни хоҳлайдиган кишини топишимга шубҳа қилсамда, барибир уриниб кўрмоқчи бўлдим.

Қаерга мурожаат қилмайин, ҳамма ерда бир хил “йўқ” деган жавобни эшитардим – ё мен ўн икки ёшдалигим учун ёки етимхона тарбияланувчилари шахарликлар орасида ишончга сазовор бўлмагани учун.

Муваффақиятсиз иш излаган кунимнинг ниҳоясида темирўл ёнидаги арраланган бинокорлик материаллари омборига бориб қолдим. Баландроқ кўриниш учун елкаларимни кериб олганимча, тахталар ғарамига суяниб турган омбор эгасининг ёнига келдим ва дедим:

– Жаноб, мен иш излаяпман. Қанақа иш бўлса ҳам майли. Сизга ишлаб ғайрат билан меҳнат қила олишимни кўрсатишга имкон бермайсизми? Илтимос, жаноб, менга имкон беринг.

Юзини шамол ялаган ва кўзлари чуқур ўрнашган киши мени нигоҳи билан чамалаб чиқди ва пастки лабини тишлаганича, менга тикилиб қолди. Мен унинг баҳоловчи нигоҳини мардона қарши олдим, оғир атлетика билан икки йил шуғулланганим бекорга кетмаганлигини билардим, бу менинг ўн икки ёшимга яна икки йил қўшарди.

Балки менга ўзимга бўлган ишончим ёрдам бергандир, балки иш сўрашга журъат қилган содда гўдакнинг кўриниши кўнглини эритгандир.

Сабаби нима бўлишидан қатъий назар, у шундай деди:

– Яхши, йигитча. Кейинги шанбада кел. Ҳазилакам бўлмаган топшириқ оласан. Эплай олсанг – иш сеники.

Кейинги шанбада оёғимни кўлимга олиб унинг ёнига югурдим.

– Иш бошлашга тайёرمىсан, бола? – деб сўради омбор эгаси.

– Ҳа, жаноб, – деб жавоб бердим.

Товар ортилган вагон ҳозиргина келганди. У цемент солинган йигирма килограммли халталар қўйилган тагликлар билан томигача тўлдириб юкланганди. Ишчилар паншахасимон мосламали юк туширгичда вагоннинг юкини туширишарди ва халта қўйилган тагликларни омбор биноси олдидаги майдончага ташишарди.

– Сен ҳар бир тагликни бўшатишинг, халталарни ташишинг ва уларни омборга тахлашинг керак. – Хўжайин яқинида турган икки ишчига кўз қисиб қўйди ва хуштак чалганича нари кетди.

Мен икки ярим тоннача цементни тушириб, ишни тугатдим. Мендан шариллаб тер қуйилар, мушакларим олов бўлиб ёнар, ҳатто кулоқ чанокларини ушлаб турадиган пайларим ҳам оғрирди.

Лекин мен қаддимни тикладим ва омбор эгасининг ёнига келдим. Қанчалик ғалати туюлмасин, мени синчков нигоҳи билан кўздан кечиргач, у тез ёрдамга қўнғироқ қилиш учун ташланиб қолмади.

– Тайёр, жаноб, – дедим қалтироқ овозда. – Мени ишга оласизми?

– Ўғлим, сен бу ерда ишлашга ҳаддан ортиқ муносибсан. – Унинг илжайиши ажинларининг катта қисмини ёйиб юборди. – Кейинги шанба куни сени соат еттида кутаман.

Етимхона ёғоч–тахта омборидан атиги беш мавзе нарида эди, лекин мен бу масофани чарчоқдан қалтираётган оёқларим билан қандай босиб ўтишни тасаввур қилмагандим. Ишлаб топган икки долларимни шимимнинг орқа чўнтагига тикиб, охирги кучим билан бошимни юқори кўтариб кетишга уриндим. Фақат кўзга кўринмай қолганимдагина, букилганча уйга секин судралиб кетдим.

Иккинчи қаватга чиқадиган зинанинг олдида етгач, бу эплаб бўлмас вазифани ҳам бажардим, каравотга йиқилганимда эса оғриқдан йиғлаб юборишимга сал қолди.

Кейинги икки йил давомида мен соатига тахминан йигирма беш центдан пул топиб, хар шанба арраланган бинокорлик материаллари омборида ишладим. Бундан ташқари, етимхонага тегишли бўлган майса ўрувчи аппаратда сарфланган ёнилғининг қиймати ўрнини қоплаб бериб, майсаларни ўрардим. Икки ёз давомида кетма–кет маккажўхори тумшукчаларини кесиб ташлаш ва уларни ем ишлаб чиқариш компанияларига жўнатиш учун тайёрлаб (улар тумшукчалардан уруғларнинг янги навларини олиш учун фойдаланишарди), далада ишладим. Бу қуёш тиғи остидаги оғир иш бўлиб, бундан бутун баданим қичишиб кетарди.

Пичанни тойлаш иши билан хатолик рўй берди: акса уриш хуружини келтириб чиқарган аллергия мени ўлдиришига сал қолди. Лекин мен автомобилларни ювиш шохобчасида ишлаб, кириш йўлақларини қордан тозалай бошладим. Баъзан кийимимни алмаштиришга улгурмай, синфга иш кийимида, сочимда қор билан ва қошларимда қотиб қолган тер билан кириб келардим. Иш жадвалим жуда зич эди, аммо пул ишлаб топиб туриб ҳам, аввалгидек спорт билан шуғулланишга вақт топардим.

Тахминан ўша вақтларда маърифатпарварга айланган қул Букер Вашингтон томонидан ёзилган “Қулликдан уйғон”^{*} китобини ўқиб чиқдим. У дарҳол менинг меҳримни уйғотди. Вашингтон ҳеч қачон меҳнат қилишдан тортинмагани, фақат пул топиш учунгина меҳнатни яхши кўришни ўрганмагани ва атрофдагиларнинг фаровонлиги ҳаққи–хурмати меҳнат одамга мустақиллик ва ўз кучига ишончни бериши ҳақида ёзганди. Мен унинг фикрига қўшилишга тайёр эдим.

^{*} Қаранг: *Up from Slavery* by Booker T. Washington (Signet Classics, 2000).

Лекин китоб муаллифида мен мутлақо қўллаб–қувватламайдиган Муқаддас Китобдаги ғояларга мойиллик бор экан.

Ўша йили конфирмацияга^{**} ва маҳаллий жамоатда чўмдирилишга тайёрланишдек азобларга чидадим. Баъзи дарслар қизиқарли эди, аммо улар тугагач, жамоатга қўшилишни истамаслигимни эълон қилиб, кўрқинчли талотўп уйғотдим.

^{**} Конфирмация – жамоат аҳли қаторига қўшилиш маросими (тарж.изоҳи)

Фикримни ўзгартиришга мени мажбур қилиш умидида Нолани таклиф қилишди. У ўта хушмуомалалик билан иш кўрди, аммо мен бўй бермадим.

«Исо ҳақидаги бу уйдирмаларга ишонмайман, – эътироз билдирдим Нолага. – Бундан ташқари, агар Худо бунчалик раҳм–шафқатли бўлса, унда нега мен бу ердман?»

Нола қачон чекинишни биларди ва менга босим ўтказмади. Ундан фарқли ўлароқ, жамоат ва етимхона раҳбарияти ўзининг норозилигини яширмади, чунки мен уларнинг қондасини бузган ягона бола эдим.

Бу эса мени қизиқтирмасди. Мен пул ишлаб топаётгандим ва ўзимнинг қутулишга бўлган умидимни шу пулларга боғлардим.

Накд пулларни ўз хонамда, катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳи жойлашган қаватда сақлашнинг иложи йўқлигини билганим учун, банкда жамғарма ҳисоб рақами очдим. Бу сумманинг бир қисми қариндошларим томонидан совға қилинган эди: Арнольд амаки вақти–вақти билан менга ўн долларлик ва йигирма долларлик қоғоз пуллар юбориб турарди, бир сафар эса Мавлуд байрамига юз доллар юборди. Акасининг сахийлиги ҳақида билиб қолган Том ва Уоррен амакиларим, ундан қолишни истамаганлари боис, ёзги ташрифларимдан биридан етимхонага икки юз доллар бўлган катта сумма билан қайтишимга имкон беришди.

Жамғарма ҳисоб рақамим каттиқ сир тутилди. Шусиз ҳам баъзи тарбияланувчилар мени яхши кўрадиган бўвим, янги кийимим ва ҳар йили Атлантада дам олишим туфайли мени ёмон кўришарди. Нега оловга мой сепишим керак?

Мен совға қилинган ва ишлаб топилган пулларнинг ҳеч бўлмаганда ярмини жамғаришга ҳаракат қилардим. Ҳисоб рақамимдаги сумма аста–секин кўпайиб боргани сари менинг ишончим ҳам ортиб борарди. Мақсадим мустақиллик, пуллар эса – унга эришиш усули эди, холос.

«Мен етимхонани тарк этиб тирик қоламан ва онам каби уйсиз бўлмайман ҳамда мендан олдин етимхонадан чиқиб кетиб, тубанликка тушган баъзилар каби қамоқхонада чириб кетмайман», – деб қасам ичдим.

Пул йиғиш нафақат мақсад, балки ўзига хос ўйин ҳам эди. Пуллар ўзининг қимматини ошириш воситаси бўлган амакиларимга тақлид қилиб, мактабни тугатгунимча ҳисоб рақамимга қанча маблағ қўя олишимни кўришни истардим. То арзигулик иш топгунимча, етарли пул тўплашга умид қилардим.

Бир оз олифтагарчилик қилгим келиб қолса, пуллар мени қамоқхонага тушиш хавфидан қутқаришини ўзимга эслатардим. Оёққа туриб олишни эплаган етимхона тарбияланувчилари ҳақидаги миш–мишлар жуда кам эди, аммо хунук воқеаларни жуда кўп эшитгандим.

Мақсадим мактабни тугатган вақтимда ҳисоб рақамимда уч минг доллар бўлиши эди. *«Бу менга Иллинойсдаги коллежда икки йил ўқишимни тўлашга имкон беради, – дердим ўзимга, – ёки янги “форд мустанг” сотиб олишимга. Мен Гилфорддаги коллежга кира олмаслигим ҳам мумкин, шундай бўлса, Шимолий Каролинага кўчиб ўтиш ва Жижидан айрилишга ҳожат йўқ».*

Амакиларим ҳар доим акцияларга сармоя киритиш ҳақида гапиришарди. Натижада, етарлича пул тўплаб, Иллинойсда маҳсулотлари харидоргир бўлган иккита фирманинг – “МакДональдс” ва “Плейбой” акцияларини харид қилдим.

Молиявий ва бошқа муносабатларда менинг мақсадларим аста–секин ўзгара бошлади. Пул учун меҳнат қилиш ўрнига, пулларни яхши кўринишга эга бўлиш воситаси деб қарай бошладим. Қониқарли баҳолар билан қаноатланиб қолмай, коллежга кириш учун яхши ўқишни истардим. Оқим бўйлаб сузишдан воз кечиб, келажаги бор одамга айланишни хоҳлаётгандим.

Нима қилиб бўлсада, етимхонанинг ҳеч нарсага арзимас лаш–лушлари ғамгин қисматидан қутулишга қарор қилгач, мен бирорта ҳам тирик жонга мени қамоқхонага бориб кўришига ёки йигирма бир ёшга кирганимда дафн маросимимда йиғлашига тўғри келмаслигига қасам ичдим..

Айни пайтда бундай яхши ниятларни қандай амалга ошириш ҳақида тушунчага эга эмасдим.

13. УЧРАШУВ

Саккизинчи синфда ўқиётганимда онамни клиникадан чиқаришди.

1967 йилда ихтисослаштирилган муассасаларда сақланаётган мижозлар мустақил ҳаёт кечириб ёки бошпаналарда яшаб ижтимоий мослашишлари мумкин деган фикр мавжуд эди. Руҳий соғлиқни сақлаш хизмати мутахассислари бундай беморларнинг клиникдан чиқарилиши ҳақида илтимоснома юборишарди. Элжиндаги руҳий

хасталиклар клиникаси бошқа шунга ўхшаш муассасалар билан бирга кўп мижозларни, жумладан, менниг онамни ҳам клиникадан чиқарди.

Гарчи у билан бир неча йил кўришмаган бўлсак ҳам, барибир уни соғинмагандим. Бу борада мен ҳис қилаётган бир оз айбдорлик ҳиссини инобатга олган психологим Марв уни бориб кўришим лозимлиги ҳақидаги қарорга келди ва Жижи билан биргаликда онамнинг олдига боришимиз ҳақида келишиб олди.

Кейинги куни Жижи билан шаҳар марказига бирга боришим учун белгиланган вақтда мен Чикагога борадиган поездга ўтирдим. Биз онам билан ҳозир яшаётган уйи яқинидаги хароб бўлиб қолган ресторанчада учрашдик.

Жижи мени бу учрашувга тайёрлашга уринди.

– Сен онамнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлардан ҳайратда қоласан, – огоҳлантирди у.

Ҳайратда қоламан? Жуда мулойим айтилган экан. Онам билан учрашгач, ақлим бошимдан учди.

У ҳар доим қадди–басти келишган эди, лекин ўша куни кўрганимда, у кўпроқ худди уруш йилларида фотосуратдаги концлагерь асирасига ўхшаб кетарди. Сочи кирланган қор рангига ўхшарди. Агар у сочини тарамокчи бўлса, ҳар томонидан чиқиб турган яғирлар сабабли буни эплай олмаган бўларди.

Унинг 1950 йиллар усулидаги ранги ўчиб кетган, енги калта, атрофига оқ жияк урилган қадама енгли, етимлар киядиган енгил кофтаси, оқ пластик камарчаси, пастки қисми кенгайтирилган юбкеси пайпоқлар ва теннис туфлиси билан уйғунликда – ҳаммаси жуда кўп жойига доғ тушган, сигарет кулига буланган ва ғижимланган қопга ўхшаб кетарди.

Бу шунчаки кўрқинчли эди, лекин унинг нигоҳидан юрагим эзилиб кетди. Ҳар қандай умидини йўқотган одамнинг сўник нигоҳи менга таниш эди. Бу нигоҳларни кўпинча биринчи марта етимхонага тушган ва у ерда яшаб қолган болаларда кўрардим. Бир гал Нола буни ташландиқ болалар нигоҳи деб атаган бўлиб, мангуликка назар ташларкан, нега ҳеч ким уларни кутаришга шошилмаётганидан ҳайрон қолишарди.

Бундай нигоҳни етимхонага тушган ака–укада кўргандим. Уларнинг ота–онаси ва икки синглиси болакайларни хонадонда қолдириб кетиб, изсиз йўқолганди. Полициячилар ва ижтимоий хизмат ходимлари шу кўйи уларни ташлаб кетганларни топиша олмаганди.

Бундай нигоҳ мен “қуёнча” деб лақаб қўйиб олган болада бор эди. Ўн яшарлигида у руҳий касал онасининг қўлини уч ёшли синглисининг бўйнидан ажратиб олишига тўғри келганди – аёл қизалоқни бўғиб ўлдиришга уринганди.

Ҳар куни эрталаб кўзгуга қараганимда бу нигоҳни кўрар эдим.

Бироқ онамнинг нигоҳи бундан ҳам ёмон эди. У мутлақо ўлик эди, унда ҳеч қандай фикрлар кўринмасди, фақат бир умрга қалбдан жой олган зулмат бор эди, холос.

Кўзинининг атрофидаги тери худди у бир неча ҳафта ухламагандек қора–бинафшаранг эди. У кўрқинчли фильмлардаги зомбига ўхшарди.

Онам мен тушунмайдиган воқеликда эди, қўлимдан келгани фақат – унга қараб туриш эди, холос.

– Аҳволинг қандай, Робби? – сўради Жижи, жимликни бузишни истаб.

– Мен... менда ҳаммаси жойида, – дедим тутилиб.

– Сенинг ишларингчи, Жойс? – деб мурожаат қилди у онамга.

Биз у жавоб беришини кутиб қолдик. Онам худди қийналиб сўзларни топаётгандек секин гапирарди:

– Яхши... Шифокорлар... мени тузатишга ҳаракат қилишаяпти... Мен уларга... ҳалақит қилмаслигим шарт...

Яхшироқ эшитиш учун Жижи онамга энгашди, мен эса кўз узмай унга тикилиб турардим.

– Мен... кучли таъсир қилувчи... дорилар ичаяпман...

«Бўлақол, – хаёлан унга туртки бердим, – тилингни қимирлат. Тезроқ гапир».

У гапини давом эттириши учун Жижи далда берди.

– Мен... диққатимни жамлашим учун...

У оғзининг четидан оқиб тушаётган сўлагини артиш учун зўрға қоғоз салфеткага қўл чўзди.

«Жижи, бунни бас қила олмайсанми? Бўлди, кетайлик!»

– Менинг фикрларим... адашиб кетганида... – Онам сўз излаб, хўмрайиб қолди. – Мен ўйлай олмадим... ишлай олмадим... ўзимга қарай олмадим.

«Сен ҳозир ҳам ўйлашга қодир эмассан. Бу дориларни ташлаб юбор! Балки шундагина ҳақиқий она сифатида менга ғамхўрлик қила оларсан».

– Бу дорилар менинг фикрлашимн секинлаштиради... ўрнимдан туришимдан олдин, бунни ўйлаб олишимга тўғри келади... – У худди бирор нарсани қидираётгандек, тараддулланиб қолди. – Мен шунчалик сушт ҳаракат қиламанки, худди мастдекман.

«Нима бўпти, ҳайрон қолдирдинг! Илгари бу сени ташвишга солмасди».

У сув солинган стаканга қўл чўзди, у қаерда тургани ҳақида тасаввурга эга эмаслиги кўриниб турарди. Ниҳоят, стаканни икки қўли билан ушлаб, уни оғзига олиб борди, бир културм ичди ва қайтариб столга қўйди. Бу ҳаракатга кетган бир дақиқа менга худди бир соатдек бўлиб туюлди.

Жижи ўзини худди ноодатий ҳеч нарса бўлмаётгандек тутарди, мен эса иложи борича узоққа қочиб кетишни хоҳлаётгандим.

«Бундай давом этиши мумкин эмас, – деб ўйладим. – Ҳадемай у йиқилиб қолади».

Бироқ қандайдир тарзда онам ўзини қўлга олди ва деярли меъёрдагидек гапира бошлади:

– О, Робби, сочларим... шунақа патак бўлиб кетганки. Уларни яна тартибга келтира оламанми, билмайман. Мени э... электр шоки терапиясидан ўтишга мажбур қилишди... бир неча марта.

Унинг юзида маъюслик сояси пайдо бўлгани мени ҳайратга солди. Гарчи у ўз туйғуларини ҳис қилишга қодир эмасдек туюлсада.

Чуқур нафас олгач, онам тушунтиришга уринди:

– Шифокорлар мия миллионлаб ҳужайралардан ташкил топган дейишяпти... улар бизнинг фикрларимиз ва ҳисларимизни узатаркан. – У елкасини қисиб қўйди. – Бошқа ҳеч нарсани эслаб қолмадим.

«Жуда соз! Бошқа нарсани билишни ҳам истамайман. Бўлди, жўнадик бу ердан!»

Лекин у гапини тугатмади.

– Шифокорлардан бирови менинг ҳолатимни... ақлим... нотўғри ишлаётгани билан изоҳляпти... Худди... – у сўз излаб, яна хўмрайиб олди, – худди қисқа туташув рўй бергандек... у ерда нимадир куйиб кетибди. – У танаффус қилди. Жижи иккимиз кутиб турдик. – Ҳарҳолда мен шундай тушундим.

Навбатдаги яна бир чуқур нафас олиш. Унинг юзи яна худди бўш саҳифа каби ҳеч нарсани ифодаламай қолди

– Психотерапия ва дорилар ёрдам бермай қолганидан кейин... шифокорлар э... электрошок қўллашди. – Тўсатдан у шу пайтга қадар мен дуч келмаган воқелик ҳақида гапира бошлади. Унинг овози баландроқ кўтарилди: – Қўлларинг ва билакларингни камарлар билан тортиб, сени столга боғлашади. – Унинг нигоҳидаги ўлик бўшлиқнинг ўрнини ғзаб эгаллаб олди. Нафас олиши худди югургандагидек тез-тез ва юзаки бўла бошлади. – Тўпиқларинг ва кўкрагингни камарлар билан танғишади ва тилингни тишлаб олмаслигинг учун оғзингга нимадир тиқишади

У гўёки ўзига азоб берувчиларга ўқлар отаётгандек қилиб сўз ташларди.

Ҳолдан тойдим. У баланд овозда гапирарди, лекин унинг овозини официант аёл эшитганини билиш учун бурилиб қараганим йўқ.

– Бошингга нимадир кийдиришади. Уни генераторга улашади. Электр мосламасини бурашади ва миянгга электр разряди юборишади.

У жимиб қолди. Жижи иккаламиз онамнинг юзига тер қуюлтирган ваҳимали титрашни кўрқиб кузатардик.

Қандай қилиб эканлигини билмадим—у, лекин мен у гапини тугатганини тушундим. Стол усти орқали энгашиб, унинг кўлини ушладим. У тинчланиб олмагунича биз жим ўтирдик.

Мен суҳбатни давом эттиришни истамадим, лекин ундан сўрамасам бўлмасди:

— Ойи, жонингиз қаттиқ оғридими?

Букланган салфеткани оғзига олиб бораркан, у яна лабининг четини артди. Унинг лаблари мутаносиб жойлашмаганини сездим, оғзининг бир томони қийшайиб кетганди.

«Улар онамни нима қилишди? Қандай қилиб онамга шундай усулни қўллашга журъат қилишган?»

Мен унинг кўлини ушлаб ўтиравердим ва бу унга куч бергандек бўлди.

— Оғридими? Жисмонанми? Бундай деб ўйламайман, Робби. Менинг кўлларимни ечишганидан сўнг нималар бўлганини эслай олмайман... Уйғонганимда, энди аввалги одам эмасдим. Худди... тирик эканлигимни англаш қобилиятимни қолдиришган—у, лекин бирор ҳаракат қила олиш қобилиятимдан маҳрум қилишгандек. Миждозлар бундайларни тирик марҳумлар деб аташади. Анча аниқ таъриф.

Ярим соатлик бундай суҳбат мени ҳолдан тойдирди, лекин мен яна бир—икки нарсани билиб олишим зарур эди.

— Энди яхшимисиз? Бу ёрдам бердими?

Узоқ танаффусдан сўнг, у жавоб берди:

— Билмайман, Робби... Билмайман.

Биринчи учрашув учун керагидан ортиқ гап айтилди деган қарорга келган Жижи менга ғайритабиий кўтаринки оҳангда деди:

— Робби, азизим, официант аёлдан онангга ҳисоб—китобни келтиришини сўра, биз уйга қайтамыз.

Бу сездирмай онамга бир оз пул беришга ҳалақит қилмаслик учун менинг стол ёнидан кетишим учун берилган белги эди. Мен бажону дил бувимнинг гапига кулоқ солгандек бўлдим; токи бу улар учун шунчалик муҳим экан, нега ҳаммасини бузиш керак?

Жижи иккаламиз унинг уйига келганимизда, бувим кўрганларимни муҳокама қилишни иташ—истамаслигимни сўради.

— Йўқ, раҳмат. Ҳозир бу ҳақда гапиришга тайёр эмасман. Балки кейинроқ.

Гаплашиш? Мен гаплаша олмасдим. Фикрлашга қийналаётгандим. Ўз ҳисларимни англаб олишимга вақт керак эди. Бу ташрифнинг сурати хотирамда абадий қолганини билардим.

Умримнинг катта қисмини онамдан нафратланиб ўтказдим. Лекин ўша куни қайт қилиб юборай дедим. Тўсатдан унинг ўз ҳаракатларини, ҳойнаҳой, назорат қила олмаганлигини тушундим. Кун сайин, соат сайин, дақиқама—дақиқа сайин у тирик қолишга уринаётгани аён эди.

Ҳолдан тойдим: ичимда ҳамдардлик мени ҳеч қачон тарк этмаган ғазаб билан олишарди. Лекин ғазаб ғалаба қилди. Ўн уч ёшли ўспириннинг онги Жижининг ҳаётини бузган ва отамни ҳалокатга итарган онамнинг хатти—ҳаракатини унинг менга нисбатан қилмишлари билан асло таққослай олмасди.

Ўша учрашувдан сўнг бир неча ойлар давомида ўз ҳисларимни англаб ололмадим. Ачиниш менинг юрагимдан жой олишга уринарди. Ғазаб шери ҳамдардлик кўзиси билан бирга яшашига тўғри келаётгандек туюларди.

Нихоят, онам бу ички тўқнашувни ҳал қилган кун келди.

Тўлиқ бўлмаган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани топшириш расмий маросими Принстон учун шунчалик катта воқеа эдики, 1968 йил баҳорида Рокфорддан хатто Жижининг қариндошлари Арт ва Фрэн келишди. Улар бувим билан бирга маросим бошлангунича, кўл қисишлар ва табриклаб ўпишлар пайтида келишди.

Оҳори тўкилган костюмимни кийиб, бўйинбоғ тақиб, кўксимни ғоз тутганимча, саҳнада гердайиб турганимда, тўсатдан мажлислар залининг охири қаторлари орасидан таниш овоз эшитилди: «Ҳой! Робби!» Бу чайқалганича биринчи қаторга қараб келаётган маст онам эди.

Жижи, ўрнидан сакраб туриб, қаторлар оралиғида унинг тирсагидан тутди ва залнинг орқа томонига олиб кетди.

«Ишонини қийин! У бу ерда нима қиляпти? Қандай қилиб у менга бундай муносабатда бўлиши мумкин? Мен ундан нафратланаман... Ёмон кўраман... Нафратланаман!»

Шаҳодатномани олиш навбатим келганида, бошимни баланд кўтариб бориш ўрнига, букчайиб, онам мени яна бир марта шарманда қилмайди деган умидда полга караганимча бордим.

Бироқ, қимматли қоғозни олиш учун қўл чўзганимда, қандай қилиб у яна тантанали жимликни ёввойи оҳанги билан бузганини эшитдим: «Ҳа, Робби! Ю–ху!» Қатнашаётганлар жойларида ғимирлаб олишди, кулги товушлари эшитилди. Ер ёрилмади, ерга кирмадим.

Тантана тугагач, фақат бир нарсани орзу қилардим – кўздан ғойиб бўлишни. Битирувчилар ёки уларнинг ота–оналаридан ҳеч ким табриклаш учун ёнимга келмади.

Онам келиб елкамга осилиб олганида, Жижи, Арт, Фрэн ва мен тантанага тўпланганларнинг охири қаторида тургандик. Ундан ичкиликнинг бадбўй ҳиди келарди. Унга бақириб ташлаш, юзига тарсаки тушириш истагимни зўрға босиб турардим. Лекин ҳаммадан кўра кўпроқ у тилини тийиши ва ҳаётимдан абадий йўқолишини истаётгандим.

Мана шу лаҳзада ғазаб шери ҳамдардлик қўзисини парчалаб ташлади.

14. БИР НЕЧА ЯХШИ ЙИГИТЛАР

– Мени бу аёл билан мулоқот қилишдан кутқаринг! – деб бақирдим психологнинг навбатдаги қабули давомида.

Дод–войимга жавобан Марвнинг қалин қошлари қаншарига уйилди.

– У шаҳодатнома топшириш маросимимни расво қилди. Туғилганимдан буён ундан оғриқдан бошқа ҳеч нарса олмадим. Мен уни ёмон кўраман, ёмон кўраман!

– Қулоқ сол, Робби... – гап бошлади Марв.

Мен унинг навбатчи насихатларини эшитмоқчи эмасдим.

– Йўқ! Мен уни бошқа кўришни истамайман! – дея ғазабим жўш урди.

Яхши ва ҳамдард одам бўлган Марв менга азоб бераётган фикрларимни айтиб олишимга ва гапимни бўлмасдан эшитиб психотерапия сеансини тарк этишимга имкон берди.

Мана шу ҳиссий қўзғалишдан сўнг, катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳининг тарбиячилари мен ўзимга ёки бошқа бировга зиён етказишимдан кўрқишган, шекилли, мендан ёш кимёгар тўпламини олиб қўйишди, психолог ҳузурига боришим даврийлигини ҳар кунлик қилиб узайтиришди ва онамга етимхона ҳудудида пайдо бўлишни тақиқлаб қўйишди. Уни кўриш учун яна бир марта Чикагога боршим ҳақида ҳеч ким сўз ҳам айтмади ва мен бунинг учун улардан миннатдор бўлдим.

Кичкина пайтимда Жижи билан ҳар ҳафталик учрашувлар менинг руҳий мувозанатимни сақлаб турди, лекин етмиш тўрт ёшида етимхонага келиб–кетиш бувимга анча оғирлик қиларди, шунинг учун икки ойда бир марта тарбиячилар мени уникага олиб боришарди. У фикр–мулоҳазалари мени ўз мувозанатимни сақлашга имкон берадиган ягона одам эди. Унинг ҳар ҳафталик ташрифлари менинг туйғуларим омборини етарлича меҳр захираси билан тўлдириб, тўғри йўлдан оғиб кетмаслигимга имкон берарди, лекин энди бу омбор камроқ тўлдирилар ва менинг руҳий илиқлик захираларим деярли тугаб бўлганди.

Тўлиқ бўлмаган ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома топширилганидан ярим йил ўтиб, Жижи ўзи билан бирга реабилитация марказига бориб онамни кўриб келишни

таклиф қилди. Бу илтимосни қондирдим, аммо онам билан навбатдаги учрашувга лоқайд эдим. Уни ҳаётимдан ўчириб ташлаб, унга нисбатан ўтмишдан бир кўриниш сифатида муносабатда бўлдим.

Афтидан, бу билан иш тугамаганини ҳеч ким пайқамади: мен энди келажагимни онам билан боғламасдим.

Чамаси, Жижидан бошқа кўп сонли оиламизнинг бирорта ҳам аъзосини келажагимдаги инсонлардан бири деб ҳисобламасдим.

Мана шу босқичда мен отамнинг қўллаб-қувватлашига ўта муҳтож бўлдим, лекин у бу ролга мутлақо ноқобил эди. Яхшиямки, ҳаётимда унинг ўрнини боса оладиган ва вазиятни яхши томонга ўзгартира оладиган бошқа эркаклар пайдо бўлди.

Жим камгап ва гаплашишни ёқтирмайдиган эди.

Ўрта мактабда ўқиётганимда, у катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳининг тарбиячиси эди. Ўрта бўйли, лекин Невада қумуш конларидаги кўп йиллик меҳнати туфайли ҳаддан ортиқ кучли бўлган Жим менинг оғир атлетика машғулотларидаги устозим бўлди.

Менинг ҳолатимда оғир атлетика шунчаки спортга кизиқиш эмасди. Машғулотлар тажовузкорлик даражамни пасайтиришга ёрдам берди ва чамаси, Жижи буни пайқади.

Бундан ташқари, Жим менинг ғазабимни ижобий ўзанга буришга уринарди: менга Морзе алифбосини ўргатиб, радиоҳаваскорга айланишимга ёрдам берди. У ва маҳаллий аҳолидан бўлган яна бир киши радиодеталлар мажмуидан қандай қилиб радио ясашни ўргатди.

Биринчи марта ишлайдиган моделни йиғишга муваффақ бўлишим ўзимга баҳо беришимни кескин кўтарди. Бошқа радиоҳаваскорлар мени ўзларига тенг олиб, ўз ҳамжамиятига қабул қилишганида эса ғуруримнинг чеки бўлмади.

WN9UHI шартли номланишдан фойдаланиб, мен радиоалоқа журналини юритдим ва бутун дунёдаги радиоҳаваскорлар билан почта карточкалари алмашардим. Ҳеч ким менинг кимлигимни ва қаердан алоқага чиқаётганимни билмасди.

Ниҳоят, мен ўзлигимни топдим ва “етимхона тарбияланувчиси” деб номланмайдиган бўлдим.

Икки йил давомида Свани етимхона тарбиячилари дам олиш куни олганида ёки таътилга чиқанида уларнинг ўрнига ишлар эди. Бундан ташқари, у ёғочга қайта ишлов бериш малакасига эга эди ва тилларанг ретривер овчи ити каби ўзига махлиё қиладиган тийнатга (характерга) эга бўлиб, шу туфайли у билан низолашиш қийин эди.

Сийраклашиб қолган кумранг–малла сочи ва юзидан аримайдиган табассуми билан, Свани ҳар доим навбатдаги ўйинга тайёр турарди. У ўзининг Аннасига саратон ташхиси қўйилганидан сўнг уйланганини эшитиб, ҳатто бизнинг тош қотган юракларимиз ҳам қалқиб тушди. Улар бирга яшаши учун берилган ўша бир неча йилда ҳам, у Аннага ҳар куни ғамхўрлик қиларди.

Ўхшаши йўқ мардлик эгаси бўлган Свани етти нафар тарбияланувчини ўзи билан бирга олиб, Минессота дарёсининг юқориси бўйлаб байдаркада бир ҳафталик саёҳатга чиқишга журъат қилганди. Маданий ҳаётдан олисларда биз кўлларни байдаркада сузиб ўтдик, байдаркалар ва бошқа сафар жиҳозларини кейинги кўлгача ташидик, булоқлардан энг тоза сувлар ичдик, тунда эса қайсидир бир оролчаларда лагерь қурдик. Улкан маскинон–чўртанбалиқларини тутдик, тозаладик ва гулханда пиширдик. Устимизда тўпланган ва чивинлардан кўра ўн марта кучлироқ чақадиган катта сўналар талашидан қонталаш бўлиб кетдик. Чўмилдик, кейин эса танамизга ёпишиб олган зулукларни сидириб ташладик.

Биз жанжалкашлар ва тиниб–тинчимаслар анча кўп эдик ва бу олти кунлик саргузаштларимиз давомида Свани бор сабри ва маҳоратини кўрсатишига тўғри келди.

Унинг таъсир доираси фақат табиатга чиқишлар билангина чекланиб қолмасди. Бир куни мени четга тортиб, у хижолат тортиб ўтирмай, жинсий алоқа тўғрисида суҳбат

бошлаб қолди. «Худо жинсий алоқани бир–бирини яхши кўрадиган эркак ва аёлнинг никоҳини муқаддас қиладиган севги хатти–ҳаракати сифатида яратган, – деди у. – Уни фақат эр–хотинга мўлжалланган Худонинг инъоми деб қараш керак».

Бу мен учун янгилик бўлди. Етимхонадаги катта ёшли йигитлар қизларга ҳеч бир истисносиз ўлжа сифатида қарашар ва бу муносабат уятсиз журналлар ва романларнинг туганмас захираси орқали мустаҳкамланиб борарди. Моҳиятан, олтинчи синфда мени катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳига ўтказишганидан бери мен асосан фақат порнографияни ўқирдим.

Деярли ахлоқий чекловлари бўлмаган, жўшқин ўспирин сифатида, Сванининг насиҳатлари менинг у қулоғимдан кириб, бунисидан чиқиб кетарди, қачондир бир кун келиб, унинг маслагига қўшилишимга кучли шубҳа қилардим. Лекин ҳар ҳолда у менинг ҳурматимга сазовор бўлди, қолаверса, унинг ёввойи табиатга бўлган севгисини баҳам кўрмаслигимнинг иложи йўқ эди.

Боб ижтимоий ходимлардан бири бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис эди, камондан жуда яхши отар ва ов қиларди, зарурат туғилганда эса тарбиячиларнинг ўрнига ишларди.

У озғин, сочлари қалта қирқилган бўлиб, десантчиларга ўхшаб кетарди. Гарчи унинг тарбияланувчилари сирасига кирмасамда, у бор кучи билан менга ёрдам беришга ҳаракат қиларди.

Олтинчи синфда ўқиётганимда, Боб менга милтиқ ўқлаш ва ундан отишни ўргатди. У мени ўзи билан бирга қуён, олмахон ва буғу овлашга олиб борарди, кейин эса гўштни тозалаш, нимталаш ва пиширишни ўргатди.

У қуёшнинг жойига қараб вақтни аниқлаш, ўрмонда овоз чиқармай юриш ва йўлни компассиз топишни ҳам мени ўргатган. Мен тинчлантирувчи таъсир қилган хушбўй хидларга тўлган далалар ва ўрмонларда кўп вақтимни ўтказдим.

Лекин Жим уч нафар ўспирин ўғил болаларни олиб Шимолий Мичиган яқинидаги Айрон–риверда буғу овлашга чиққанида менга энг ёдда қоладиган сабоқ берган.

Биз бир неча кун давомида ўрмонда натижасиз тентирадик. Овнинг охирги кунида кичкина отрядимиз саҳарлаб ўрмоннинг энг қуюқ жойида дарахт кесишдан сўнг қолган тупроқ сўкмоқ бўйлаб борарди.

Тўсатдан Боб чапга бурилди, камонни кўтариб, қотиб қолди.

Ўрмондаги ялангликда виқор билан сершоҳ буғу турарди. Шунчалик ҳаяжонланиб кетдимки, зўрға нафас олардим.

Одатда буғулар ёлғиз тентираб юради, лекин бу буғунинг ёнида иккита урғочи буғу ва буғу болалари бор эди. Биз билардик: агар буғу ўрмонга қочса, у хавфсиз жойда бўлади, урғочи буғулар ва болалари эса бизнинг қонуний ўлжамизга айланарди.

Лекин буғу қочишни хаёлига ҳам келтирмади, у ўзининг ҳашаматли бошини секин кўтарди ва худди бизга: “Урғочи буғулар ва болаларида қутулишга имкон бўлиши учун сизлар аввал мени отишларинг керак” дегандек қаради.

Биз, болалар, милтиқларни елкамиздан олдик, сақлагични туширдик, буғу болаларини нишонга олдик ва Бобнинг белги беришини кутганимизидан бери мангулик ўтгандек туюлди. У бизни фақат камондан биринчи бўлиб ўқ узганидан сўнг отишимиз мумкинлиги ҳақида огоҳлантирганди.

Лекин камондан ўқ узилмади. «У нимани қутаяпти?» – деб ўйладим.

Ниҳоят, камон ипини секин бўшаштириб, Боб камонни пастга туширди. Гангиб қолган бизлар ҳам милтиқларни сақлагичга қўйиб, уларни туширдик. Буғу думи билан ишора қилди ва она буғулар болалари билан бирга ўрмонга яширинди. Шундан сўнггина маҳобатли ҳайвон бурилиб, кўздан йўқолди.

Боб бирор сўз айтмай, ёнимиздан ўтиб кетди ва худди ўша сўкмоқ билан машинага йўл олди. Кейинроқ тамадди қилиб олиш учун тўхтаганимизда, ниҳоят, у бўлиб ўтган воқеани тушунтириб берди.

– Йигитлар, бизлар буғу овлашга келдик, – деди у.

Биз бу гапга қўшилиб, бош ирғадик.

– Биз мақсадга етдик, – давом этди у. – Биз буғуни топдик, оддий буғуни эмас, эркак буғуни. Гарчи унинг боши кимнингдир деворини безамаган бўлсада, агар ўқ узганимизда, уни йиқитган бўлишимизни доимо биламиз.

Бир оз жим тургач, олдин ҳам айтган жумлани айтди:

– Биз уларнинг ҳаммасини ўлдиришимиз шарт эмасди. – Эшитганларимизни ўйлаб олганимиздан сўнг у қўшиб қўйди: – Бу буғуни унинг ғайритабиий жасурлиги ва ўзини қурбон қила олиши қутқариб қолди. У қочиб кетиши ва қутулиши мумкин эди, аммо у бошқаларни қутқариш учун қолишни ва нишонга айланишни маъқул қўрди.

– Тасаввур қилинг–а! – хитоб қилди ўсмирлардан бири. – Умримда бунақасини кўрмаганман.

– Бу Муқаддас Китоб оятини намоён қиладиган ажойиб мисол: «Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ»*, – деб хотима қилди Боб, камонни қўтарди ва сўқмоқдан кетишда давом этди

* Қаранг: Юхн. 15:13.

Биз уйга овдан беўлжа, лекин бир умрга ёдимизда қоладиган ажойиб сабоқ билан қайтдик.

Кейинроқ ўша тунда, мен Боб айтган севги ҳақида ўйладим.

Лекин Жижидан бошқа бирор киши мен учун ўз ҳаётини бағишлар даражада бировни севишини тасаввур қила олмадим.

Албатта, яна Марв ҳам.

У менга тайинланган ижтимоий ходим эди, лекин аста–секин мен учун ҳозирча аниқ таърифи бўлмаган, лекин мен ҳеч бир шартларсиз қабул қила оладиган, анча муҳим кимгадир айланиб борарди.

Ўсмирларга хос саркашлик билан биз уни “Омадсиз ит”* мультфильми қаҳрамони шарафига ўзаро “Омадсиз Марв” деб атардик, бу ит ёрдамга ошиқа туриб, доимо бирор ҳалокатга йўлиқиб қоларди. Табиийки, Марв биз тан олишга тайёрлигимиздан кўра кўпроқ ақлли эди.

* «Омадсиз ит» (Underdog) – илк марта 1964 йилда экранларга чиқарилган Америка анимацион телесериали. Омадсиз ит – Этик Тозаловчи лақабли ўғил боланинг қаҳрамонона альтер–эгоси. – *Тахр. изоҳи.*

Сабр билан ва маълум бир жасорат билан Марв мени ўзининг тезликни алмаштирувчи тугмали қутиси бўлган ноёб автомобили “плимут”ини ҳайдашга ўргатди. Ўсмирлик ёшининг тўфонларини енгишда ёрдам бериб, олишганларида ҳам унинг жасорати бундан кам бўлмади.

Мени кўп йиллар давомида таъқиб этган муаммо Марвнинг энг қийин вазифаси эди.

Ота–онам мени ташлаб кетиши учун нималар қилиб қўйганимни мулоҳаза қилар эканман, мен ёқимсиз хулосага келдим: муаммо уларнинг ўзида эди. Лекин келажакда мени нималар кутаётгани масаласи ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда эди. Ниҳоят мен сеансларимиздан бири пайтида Марвга берган савол шундай бўлди:

– Мен ҳам отам ва онам каби ақлдан озишим қисматимга ёзилганми? – Бу беҳуда савол эмасди. Меъёрдагидек ҳаёт кечириш учун бу ердан бир амаллаб чиқиб олишни қанчалик кучли истамайин, мен ҳали ҳам ўзим учун шундай келажак борлигига шубҳаланардим.

– Мен наслий жиҳатдан ўз ота–онамнинг тақдирини такрорлашга дастурланганманми? – деб Марвдан синчиклаб сўрашда давом этардим. – Менинг миям ҳам онамники каби бузиладими?

Ақлдан озишга тайёрланишим керакми? Мени кўчадаги, реабилитация марказидаги ёки руҳий касалликлар шифохонасидаги ҳаёт кутиб турибдими?

Марв бор кучи билан ҳаётим умуман ота—онам танлаган хулқ—атворни такрорлашдан иборат бўлмаслигига мени ишонтиришга уринарди. Ҳатто ҳикояларимни Паулинанинг ғалати қилиқлари билан тўлдираётганимда ҳам, у менинг келажагим ўтмишимдан фарқ қилиши мумкинлигида қатъий туриб оларди.

— Робби, ота—онанг ёки Паулина бувингга ўхшаган бўлиш тақдирингга ёзилмаган, — деб ишонтирарди у мени. — Лекин сен турмуш муаммоларини ҳал қилишни ва тушқунлигинг ҳамда ғазабингни назорат қилишни ўрганишинг керак. Сен воқеалар ривожини салбий сценарий асосида бўлишидан воз кечиб, ижобийсига алмаштиришинг шарт. Сени ёрқин келажак кутмоқда, лекин уни қабул қилиш—қилмасликни фақат ўзинг ҳал этасан.

Бунга ишониш жуда қийин эди. Мен келажакка қарай олмасдим ва яхши нарсаларга умид қила олмасдим, чунки менинг болаликдаги барча орзуларим чиппака чикқанди. Марвнинг ишонтиришлари адолатли эканлигига бирорта ҳам далилим йўқ эди.

Бир куни ундан сўрадим:

— Қандай қилиб кўринмайдиган нарсаларга ишониш мумкин?*

* Қаранг: Ибр. 11:1.

Марв хўрсиниб қўйиб, бошқа ёндашувни синаб кўрди:

— Яхши, Робби. Тахмин қилайликки, сен *ҳақсан* ва демак, ота—онангнинг тақдирини такрорлаш — қисматинг. Унда ҳаракатларинг қандай бўлади?

Ҳойнаҳой, мен шоштириб қўйдим, дегандек, у стул суянчиғига ўзини ташлади.

Шу пайтгача ҳали ҳеч ким менга бу саволни беришга журъат қила олмаган эди, гарчи бу саволга менда жавоб бўлса—да. Психологнинг ортидаги қаёқларгадир қарарканман, мен ҳеч бир ҳиссиз шундай дедим:

— Ўзим дуч келган нарсалар болаларимнинг бошига тушмаслиги учун ўзимни тартибга солган бўлардим.

Гангиб қолган Марв жавоб топа олмай қолди. Психотерапия сеанси тугади.

15. ИСЁНКОР

1968 йил кузда ўрта мактабнинг юқори синфлари йўлагига янги келган бола сифатида қадам ташларканман, мен бир томондан, бор кўринишим билан ҳеч кимни парвоимга илмаслигимни, бошқа томондан эса — жиғимга тегмаслик маъқул эканлигини кўрсатиб қўймоқчи эдим.

Ўрта мактабнинг босқичма—босқич бўйсунуш тизими ҳатто ўзим ёқтирганлар билан дўстлашишга ҳам имкон бермай, мени нафрат билан итқитиб ташлади. Қанчалик уринмайлик, биз етимхона болаларига жамиятнинг фаровон қатламларига киришга йўл шунчаки ёпиқ эди.

Саккизинчи синфда менга ёқиб қолган қиз отасининг етимхона тарбияланувчиларини ёқтирмаслиги сабабли мен билан учраша олмаслигини айтди. Шунинг учун мен бу уринишларимни ташладим, мени улар қабул қилишларини ўтиниб сўрамадим ҳам.

Йўлақлар ва ошхонадаги истеҳзоли ҳазиллар ва ёвқарашлар жаҳлимни чиқарарди, лекин худди улар мавжуд эмасдек қилиб, ўзимга азоб берувчиларнинг ёнидан ўтиб кетардим. *«Мен бу калтабақайларга парво қилмайман, — дедим ўзимга. — Улар аҳмоқ, шафқатсиз ва арзимас. Агар имкон бермасам, улар менга оғриқ етказа олмайди, мен эса имкон бермайман!»*

Ўзимни яккалашим бошқалар орасида қабул қилинишим азобларини камайтирди, аммо ғазабимни жиловламади. Менинг намоёишкорона нафратим муштлашишга чақирик эди. Бу менга жаҳлимни кўрсатиш ва гўёки мен билан беллаша оладигандек бўлганларнинг жиғига тегишимга имкон берди.

Спорт мен учун тийиб турган ҳиссиётларимни чиқариб ташлаш ва гормонал қувватимни сублимациялашга имкон берадиган юпанчикқа айланди. Ўнқир—чўнқир жойлардан кросс югуриш, баскетбол ва югуриш йўлакчаси стрессни енгишга ёрдам берди.

Ниҳоят мен ўзимни бирор нарсанинг бир қисми деб ҳис қилдим: ўзимни кичик механизмнинг винтчаси деб ҳис қилишнинг ўзиёқ – яхши ҳиссиётлар эди.

Бир милни беш дақиқадан камроқ вақт ичида чопиб ўтгач, мен худуд мусобақаларига қўйилдим ва ориқ, букчайган катта синф ўқувчиси ва унинг қатъий, жим юрадиган ўртоғи баҳорги мусобақалар арафасида мени кийим алмаштириш хонасида қисиб олишмагунларича ўзим билан жуда фахрланиб юрдим.

– Эй, ақлли, – сўз қотди Тумшук, мени жавонга итариб. – Менга секундомер кўрсаткичларининг қизиғи йўқ, бу жамоа сенинг жойинг эмас. Ўзингни спорт юлдузиман деб ҳис қилаяпсанми? Кимдир сенга жойингни кўрсатиб қўйишининг айна вақти. – Чамаси, у ана шу ролга даъвогар эди. Унинг кўзларидан нигоҳимни узмай туриб, уни кўзини олиб қочишга мажбур қилмоқчи бўлдим. – Ҳозир кимдир яхшигина саваланади, – эълон қилди у истехзоли кулиб. У қўлимдан ушлади ва уни қайиришга уринди.

Жазоланишдан қочиш учун бутун кучимни зўриқтиришимга тўғри келди. Тажрибамдан билардимки, у токи терим қизариб кетмагунча ва оғриқ худди куйишдан бўлгандаги каби бўлмагунча менинг қорнимга зарба бермоқчи.

Унинг ўртоғи, Қизил танли қўлларимдан ушлаб, уларни орқамга қайириб олмагунча мен у билан олишишга уриндим. Тумшук қўйлагимни кўтарганида, Қизил танлини орқаси билан жавонга тираганча, ортимга тисландим. Ундан таянч сифатида фойдаланиб, иккала оёғимни кўтардим ва Тумшукнинг кўкрагига зарба бердим. Орқага учиб кетаркан, у катта очилган оғзи билан ҳаво ютиб, жавончаларнинг қарама-қаршидаги қаторига бориб урилди. Энгашиб, Қизил танлини полга ирғитдим ва унинг устига ўзимни ташладим. Тумшукни яна бир тепиб, Қизил танлига бошим билан зарба бердим ва кутулиб олишга ҳаракат қилдим, у ҳали ҳам мени қўйиб юбормаганди. Ниҳоят Тумшук менинг оёқларим устига ўтириб олди, мени ҳаракатдан маҳрум қилди.

Рақибнинг сон жиҳатдан ва гавда жиҳатидан устунлиги туфайли мен бу олишувни ютқаздим. Бу ҳаётимдаги энг шафқатсиз саваланиш эди, шундан сўнг қорним бир неча кун оғриб юрди.

Шунга қарамай, Тумшук нафас олишда қийналаётганини эшитиб ва Қизил танли бутун ҳафта давомида ўтиб кетмаётган бош оғриғидан кутулиш учун қандай қилиб аспирин ютаётганини кўриб, анча қониқиш олдим. Миш–миш тарқалди: *«Агар Митчеллнинг адабини беришни хоҳлаб қолсанглар, унга уч киши бўлиб ташланган маъқул»*.

Кўринишидан, мен улар хўрлаб қўядиган оддий бола эмаслигим бу шаҳарлик йигитчаларга етиб бормаганга ўхшайди. Бир неча йил давомида мен улардан анча раҳмсизроқ безорилар қуршовида яшаган эдим. Мен баланд овозда ва аниқ баён қилдим: *«Сизларга оғриқ беришимга энг майда баҳона тугдирсанглар бўлди, таъзирингизни тўла-тўқис ейсиз»*.

Тумшук ва Қизил танли бошлаган ишни охирига етказиш учун шу кўйи уч ёки ундан кўпроқ нафар катта синфдагиларни йиға олмади. Тез орада шундай нуфузга эга бўлдимки, бу мендан ҳатто яхши йигитлар ҳам ўзини тортишига олиб келди.

Спорт билан шуғулланишларим туйғуларимни ташқарига чиқариб ташлаб, бошқа турдаги оғриқни келтириб чиқарди.

Енгил атлетика бўйича сафардаги мусобақаларимиз вақтида, жамоамиз мактабга кеч, баъзан соат кечки ўн бирдан сўнг қайтарди. Спортчилардан кимнидир ота-онаси кутиб олар, бошқа болалар дўстларини уйигача олиб бориб қўйишни таклиф қилиб, ўз автомобилларида кетишарди. Бу гуруҳлардан бирортасига ҳам кирмайдиган биз етимхонадагиларни ҳеч ким кутмаётганлиги далилини яшириш учун иложи борица тезроқ ва сездирмай кўздан йўқолишга ҳаракат қилардик.

Узоқ масофадан ҳайратланарли даражада жуда яхши тўп ташлайдиган Жон Смит деган йигит иккинчи курсагиларнинг баскетбол мураббийси эди. Мен унга жуда кўп ташвишлар келтирардим. Менда жамоанинг бошланғич таркибига киришим ёки

захирадаги ўйинчилар ўриндиғини тарк этишим учун маҳоратим етарли эди, аммо тажовузкорлигим ва муштлашишга ўчлигим унинг олижанобча ўйин усулига қовушмасди.

Бошқа ўйинчиларнинг кўп ота-оналари менинг қилиқларимга бармоқ орасидан қараши ҳам ёрдам бера олмади. Бизнинг консерватив фермер шаҳридаги катталар менинг 1960 йил урфи бўйича қилинган исёнкор соч тузилишимнинг қадрига етмади. Баъзилар юзимга мени “узун сочли хиппи безори” деб айтишарди. Улар мени нафақат жамоанинг бошланғич таркибидан, балки умуман жамоадан чиқариб юборишни хоҳлашарди.

Лекин мен сочларим баскетболдаги энг яхши кўрган шахс, кўпол Тўппонча Пит Маравичники* каби елкамгача ўсишини кутишга қарор қилдим. Ўзим кутганимдек, бу ҳақиқатан ҳам одамларнинг жаҳлини чиқарди. Қизларига мен билан учрашишга имкон бермаган ёки ҳатто ўғилларига мен билан мулоқот қилишни тақиқлаб қўйганларнинг жиғига тегиш менга ёқарди.

* Питер Пресс Маравич (1947–1988) лақаби Тўппонча – МБА тарихидаги энг буюк 50 нафар баскетболчилар рўйхатига кирган америкалик афсонавий баскетболчи. Ўйинининг ноёб, ёрқин ва ижодкорона услуби билан донг таратган бўлиб, исёнчи нуфузига ва кўплаб ишқибозларига эга эди. – Тахр. изоҳи.

– Сочини олдирмагунича захирадаги ўйинчилар ўриндиғида ўтираверсин! – деган гаплар одатда ўйин пайтида ишқибозлар ўтирадиган трибунадан жаранглаб қоладди.

– Ўрнига яхши бола ўйнасин, – деб унинг гапини маъқулларди қаршидаги томондан бошқа бир овоз.

Бир гал ўйиндан сўнг олдимга қўлида бир долларлик қоғоз пул ушлаган киши келди.

– Мана, болакай, – деди у истехзоли жилмайиб. – Пулни ол ва сочингни кестир.

Унинг кўзларига тикилиб, жавоб бердим:

– Менга доллар беришингиз мумкин, жаноб, лекин мен сочимни кестирмоқчи эмасман.

Долларни чўнтагига солиб кўяркан, у ғазабланиб узоқлашди.

Баъзи жамоадош ўртоқларим мен тарафда эди. Бошланғич таркибнинг икки ўйинчиси ажойиб йигитлар бўлиб, мени тезликни камайтиришга кўндиришмоқчи бўлишарди, лекин бошқа иккиси эса мени шунчаки ёмон кўришарди.

Мен уларга ўз муносабатларига муносиб муносабат билан жавоб қайтарардим. Улар мени жамоада кўришни исташарди, уларнинг ота-оналари бу ҳақда ҳаммага эшиттириб гапирарди.

Қанчалик зўр бўлиб кўринишни исташим муҳим эмасди, масхаралашлар менга оғриқ берарди. Ҳаммасидан кўра чирлидерларнинг мазахлаши аламли эди.

Ўйин бошланишидан олдин улар кўпинча мураббийни кутлашарди: «Ҳа, Жон, олға!» Кейин эса ҳар бир чирлидер қиз бошланғич таркиб ўйинчисининг исмини қўшиб кўярди. Лекин мен иштирок этган учта ўйинда чирлидер қиз менинг исмимни қичқариб айтиш ўрнига, ўзининг фикрига кўра, менинг ўрнимни эгаллаши лозим бўлган ўйинчини эълон қилди.

– Нега: «Ҳа, Робби, олға!» деб қичқирмайсан – деб сўрадим қиздан, у бунини учинчи марта қилганидан кейин.

– Умуман жамоа, бунинг устига бошланғич таркиб сенинг жойинг эмас, – тишини ғижирлатди у ва ўгирилиб кетиб қолди.

Қийқиришлар ва ҳуштакбозликка қарамай, мен жамоадан кетмадим. Ўн биринчи синфда ўқиётганимда, мен университет спорт жамоасига қабул қилиндим, бу билан ҳақиқатан ҳам фахрланса арзирди. Аммо 1970 йилнинг кузи мен учун шунчаки даҳшатли бўлди.

Таҳқирлаш бўйича дурустгина мутахассис бўлган Тумшуқ энди жамоада катта эди. У ҳали ҳам мени ёмон кўрар ва бошқалар ҳам мени ёмон кўришини хоҳларди.

Биз ҳар куни университет жамоаси мураббийси билан низолашардик. Мен спортдаги ютуқларим туфайли жамоага қабул қилингандим, лекин хулқ-атворим унда мени синдириш истагини уйғотди. Кўпинча у мени жамоанинг бошқа аъзоларига

қараганда икки баробар кўпроқ машқ бажаришга мажбур қиларди. Гоҳида бу аҳвол баъзи ўйинчилар бу одам мени қандай хўрлаётганига қараб тура олмайдиган даражагача етиб борди.

Табииyki, менинг хулқ–атворим мукамалликдан йироқ эди. Лекин мураббий ўзим жамоани ташлаб кетгунимга қадар ҳаётимни чидаб бўлмас қилишга уринаётгани кўриниб турарди.

Мени ҳақиқатан ҳам тушунадиган ягона одам ўзи ҳам етимхона тарбияланувчиси бўлган Пол эди. У саккиз ёшда бўлганида – мен эса тўққиз ёшлик пайтимда – кичик ёшдаги ўғил болалар гуруҳида пайдо бўлганди.

Пол футбол ва кураш билан шуғулланар, шунинг учун кузда ва қишда бир миль ёки ундан кўпроқ масофани кўпинча пиёда юриб, етимхонага қайтардик.

– У шунчаки сени хўрлапти, – дерди Пол ана шундай сайрлар пайтида. – Нега жамоадан кетмайсан? Шу сенга керакми?

– Ҳа, биламан, – жавоб қилардим мен. – Лекин мураббийга мени синдириб қониқиш олишига йўл қўймайман. Унга кучсиз эмаслигимни исбот қиламан. Қанча керак бўлса, шунча чидай оламан.

Ўша қиш совуқ бўлди. Баъзан кечкурун етимхонага қайтарканман, мен Юклид–стритдаги икки қаватли ёғоч уйларнинг панорамали деразаларига қараб, овқат ейиладиган стол атрофига йиғилган оилаларни, табассум қилаётган ва бир–бирини тушуниш ҳамда бир–бирига тегишлилик ҳиссини қабул қилишдан лаззатланаётган оила аъзоларини кўрадим.

Ўша вақтга келиб, дунёда мен ҳеч қачон тополмайдиган нималардир борлигига энди шубҳа қилмай қўйгандим.

16. ЙЎҚОТИШЛАР ДАВРИ

Ўн биринчи синфда ўқиш давримдаги кишки таътилларим одатдагидек қувонч ва ғамгинлик аралашмасидан иборат бўлди.

Мавлуд мусиқаси ва ошхонадаги арча етимхонага байрам муҳитини олиб келди. Телевизион кўрсатувлар, мактаб спектакллари ва болалар уйи ходимлари бизни қатнашишга мажбур қилган жамоат тадбирлари одатдаги ҳаёт маромини бир оз ўзгартирди. Лекин бу байрам ташвишлари бир нарса ҳақида ҳайқариб турарди: *бахтли, бахтли, бахтли – оила, оила, оила.*

Гарчи бизга ўхшаган болалар бу байрамдан хурсанд бўлсакда, кўпинча ундан кейинги узоқ қоронғу тунларда жиддий ёлғизлик ҳисси билан курашишимизга тўғри келарди.

Декабрда етимхонага маҳаллий жамоат масиҳийлари тез–тез ташриф буюришарди. Улар бизни турли томошалар билан хурсанд қилишар, жамоат мадҳиялари айтишар ва ҳатто катта ёшдагилар гуруҳидаги болалар билан бизнинг кичкина спорт залимизда баскетбол ўйнашарди.

Биз бажону дил бу шаҳарликларни дўппослардик ва худди шундай хурсандлик билан уларнинг совғаларини олардик. Лекин ёши каттароқ бўлган кўпчилигимизни бир савол қийнади: «Нима учун сизлар йилнинг бошқа вақтида кўринмайсизлар? Бир йилнинг ўн бир ойи давомида ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ эди, лекин тўсатдан мана – эътиборга молик одамларга айланиб қолдик. Бутун йил давомида бизни камида ойида бир марта келиб кўриб кетиш мантиқан тўғри бўлмасмиди?»

Лекин мен улардан буни овоз чиқариб сўрамасдим. Фақат мактабни тугатиш ва катта ҳаётга ўтишдан бир ярим йил олдингина бу савол мен учун долзарблигини йўқотди. Бундан ташқари, мен кичик ёшдаги ўғил болалар гуруҳида бўлганимда, бу байрам ташвишлари қандай зиёфатлар билан бирга бўлиши эсимда қолган. Эътиборга нақадар муҳтож бўлган ҳозирги болакайларнинг Мавлуд байрамини бузишни истамасдим.

Мавлуд байрами, бу – яна совғалар ҳам. Энди менда бир оз пул пайдо бўлганида ва Жижига ҳақиқий совға сотиб олишга қурбим етганида, буни қилишга қийналаётгандим.

Мен бойроқ бўлганимда, у камбағалроқ бўлиб қолди. Мавлуд таътиллари унинг чўнтаги кўтара оларди, чунки у менга нафақат ўз номидан, балки гўёки мен ҳақимда ўйлаётган онам номидан ҳам совға сотиб олаётганди.

Агар менинг совғам у менга сотиб олганидан қимматроқ бўлиб чиқса, Жижи хафа бўлишини билардим. Шунинг учун мен унга ё четига тўр урилган дастрўмол ёки арзон атир сотиб олардим. У худди Сантадан айнан шундай совға олишни истагандек, бу совғалардан ҳар доим ҳаяжонга тушарди.

Ҳар ҳолда оғир меҳнат билан ишлаб топган пулингдан зарурат туғилганда фойдаланиш учун яшириб қўйганларинг борлиги ёқимли. Баъзи етимхона болаларининг бир чақаси ҳам йўқ эди. Улар ўзлари учун қадрли бўлганларга ҳатто оддий арзимас нарса ҳам сотиб олишолмасди. Мавлуддаги бундай қашшоқлик уларнинг бусиз ҳам паст бўлган ўзига баҳо беришларини янада ерга урарди.

Етимхона тарбияланувчисиди совға қилиш истаги пайдо бўлса, у ҳамиша онасига ёки бувисига аталган бўларди. Кўпчилигимизнинг отамиз йўқ эди, уфқимизда вақти–вақти билан пайдо бўлиб қоладиганлари эса ачинарли бир томоша эди.

Мен болалардан бирортаси билан ҳам совға олиш учун пулларимни баҳам кўрмасдим. Акс ҳолда, шу заҳотиёқ олтмиш жуфт қўл мен томонга чўзилган бўларди. Ҳамманинг эҳтиёжини қондира олмаганим учун бирортасининг ҳам эҳтиёжини қондирмасдим.

Тарбиячилар Мавлудда ёки Мавлуд тонгида бизлардан ҳеч қайсимиз етимхонада қолмаслиги учун бор кучи билан ҳаракат қилишарди. Болаларни уларнинг қариндошлариникига жойлаштиришнинг барча имконларидан фойдаланиб бўлгач, улар маҳаллий аҳолини бизни ўз оилаларига таклиф қилишга кўндиришарди. Менинг фикримча, биз етимхона болалари учун ўзимизни камбағал қариндошлар деб ҳис қилиб, бегона оилавий тантанага суқилиб кирганимиздан кўра, етимхонада қолганимиз маъқулроқ эди.

Менга келганда эса шуни айтиш жоизки, таътилларни Жижиникида ўтказардим ва бу ҳолат ташландик болалар учун унчалик осон бўлмаган байрам тантаналари даврини осонроқ бошдан ўтказишимга кўмаклашарди.

Мана шу вақтда менинг ҳаётимга яна бир катта ёшли одам кириб келди.

Оқ қўйлак кийган ва сипо бўйинбоғ таққан Дэйв университетни тугатиши биланок етимхонада пайдо бўлди. У бизга, вояга етмаган бечора ҳуқуқбузарларга кўмаклаша оладиган мактаб таълими ҳақида булбулдек сайрарди.

Мен Дэйвга ўхшаган, тез орада бутунлай йўқ бўлиб кетиш учунгина келадиганларни ёқтирмасдим. Баъзилари ижтимоий фаолият масалалари бўйича магистр даражасини олиш учун пайдо бўлишарди ва биз улар учун тажриба куёнчасидан бошқа нарса эмасдик; бошқалари – бир муддат кимирлаб туриш учун келишарди; кимдир эса Вьетнам урушидаги қирғинбаротга тушиб қолмаслик мақсадида армияга қақирувдан бош тортиш учун келарди.

Одатда шинам уйларда яшаган ва ғамхўр ота–оналар томонидан тарбияланган бу йигитлар бизга жуда яхши таниш бўлган молиявий, жисмоний ёки ҳиссий эҳтиёжлар ҳақида тушунчага ҳам эга бўлмасди ҳамда бизнинг душманона муносабатимиз олдида мутлақо ожиз қолишарди. Ёрдам беришга самимий уринишларига қарамай, биз уларни жуда тез чайнаб, тупуриб ташлардик ҳамда навбатдаги “олижаноб” ортидан эшик ёпилиши билан ғалабамизни нишонлардик.

«Яна бир оқ қўйлакли, – деб истехзоли кулдим, Дэйвни кўргач. – Қани, бир уриниб кўрсинчи. Гарчи, менимча, унда бирорта ҳам имконият йўқ».

Дэйв биз, катта ёшдаги ўғил болаларнинг кўпидан бўйи пастроқ эди. Бўйи 155 сантиметр бўлган Дэйв 64 килограммча вазнга эга бўлиб, бурнидан тушиб кетай деб турган кўзойнак тақарди.

Бунинг устига, биз уни бутунлай нотавон деб ҳисобладик. Баъзилар ҳатто уни энг қисқа муддат ичида қочиб кетишга мажбур қила олишини айтиб баҳс бойлашди ҳам. Кўпчилик у бир ойга ҳам бормаслигига гаров ўйнади.

Довга тикилган ютукдан руҳланиб кетиб, биз қўполлик ва унинг номига айтилган ҳақоратли сўзларни аямадик. Биз билан мулоқотнинг биринчи ҳафтаси охирига келиб, у шунчаки гангиб қолди. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича университет дастури уни биз унга ёғдирган нафрат ва ҳурматсизликни бартараф этишга ўргатмаганди.

Ишончим комилки, у шундай деб қичқиришни хоҳларди: «Эй, йигитчалар, мен сизларга ёрдам бериш учун бу ердан! Ўзларингни босинглар ва нафас ростлаб олишимга қўйиб беринглар!» Лекин бизнинг стратегиямиз ҳеч қандай тин олишларни назарда тутмасди, биз нафақат ношукур эдик, балки кўрқинчли тарзда аламзада эдик.

Қандайдир мўъжиза туфайли Дэйв кўполлигимизга туриб бера олди. Бир-икки ҳафтадан сўнг биз ўзгаришларни пайқай бошладик. У нима бўлса ҳам бизнинг хужумларимизни қайтаришга қарор қилган кўринади. Балки, у чинакам қизиқиш туфайли орамизга кириб олгандир – худди кўрқинчли авиаҳалокат шохидларини ўзига тортадиганига ўхшаб, яъни у ўта кўрқитади, лекин кўзингни олиб қочишга имкон бермайди.

Ҳарҳолда унинг қайсарлик қилиб туриб олгани ва белгиланган мақсад сари бораётгани эҳтимолга яқинроқ эди. У ҳақиқатан ҳам бизнинг мотивациямизни тушуниб олишга қарор қилган кўринади. Бизда унинг дунёқарашига бегона бўлган ўз дунёқарашимиз бор бўлиб, у худди ажнабий каби бунга мослашишга уринарди.

Дэйвни бир ой ёки ундан камроқ муддат ичида сиқиб чиқаришимизга дов тикканлар ютқазиб бўлди. У бизга ҳақиқатан ҳам лоқайд эмаслигини аста-секин ва самимий намоён қила бориб, шу ерда қолди. У бизнинг мажбур бўлган тан олишимизга лойиқ бўлди ва ҳамма катталар ҳам муғомбир эмаслигини исботлади.

Лекин Дэйвнинг таъсирига қарамай, мен нохушликларга ботишда давом этавердим. Баскетбол мавсуми тугаганидан сўнг, менда жуда кўп бўш вақтим бўларди. Менинг ҳаётим устида тўпланаётган қора булутларни қувиб юбора оладиган бирор киши йўқ эди.

Жамоат тадбирлари бу вазифани эплай олмади. Якшанба куни эрталаб мени ибодатга боришга ва якшанба куни кечқурун ёшлар гуруҳи машғулотларига қатнашишга мажбур қилишди, аммо самараси деярли бўлмади. Вақтнинг кўп қисмини мен йўл-йўлакай бўса олиш учун бирор қизни қоронғу бурчакка алдаб тортишга ёки сурбет башара билан, ким бўлишига қараб ўтирмай, ҳамма катталарнинг ҳаётини заҳарлашга уриниб ўтказардим.

Тез орада мен қия яланглик бўйлаб пастга эниб кетдим. Мен ичкилик ва марихуанани эрмак қила бошладим. Ўзим ўсимликни сотиб олмасдим, буни бошқа йигит қиларди, лекин ҳар қандай қулай ҳолатда иккаламиз бирга чекардик.

Эҳтимол, агар қўлга тушиб қолишдан кўрқмаганимда, гиёҳванд моддаларга кўпроқ боғланиб қолган бўлардим. Саккиз ёшимда Чикагодаги Ауди-Хоумда ўтказган ўша йигирма тўрт соат вақтим мен ҳеч қачон яна бошдан кечиришни истамаган даҳшат бўлганди.

Ҳаётимда гиёҳванд моддалар, қисман норозилик белгиси сифатида, лекин шунингдек қалб оғриғини қисқа вақтга бўлсада бостиришга маънос бир уриниш оқибатида пайдо бўлганди. Бу оғриқ эса тобора кучайиб борарди. Менга таниш бўлган кўплаб болалар ортидан мен ҳам ўйлардим: *«Менга оғриқ бераяпти. Бу оғриқдан қандай қутулишни билмайман. Токи мен азоб чекаётган эканман, унда бошқалар ҳам азоблансин».*

Мен белгиланган чизикдан ўтишни хоҳламасдим, аммо бу жангни қадамба-қадам ютқазаётгандим.

Ўн биринчи синфда ўқиш охишлаб қолаётган пайтга келиб, ҳаётим дарёси ўз сувини иложсизликнинг чуқур дараси орқали бемақсад олиб ўтаётган лойқа оқимдан

иборат эди. Ҳаётимда ташвишини тортиш лозим бўлган бирорта ҳам нарса йўқдек туюларди.

Даранинг тик қияликлари умид ҳали ҳам мени тарк этмаганини ва мен учун ўзим ўйлаб кўришга ҳам журъат қила олмайдиган қандайдир нарсани тайёрлаб қўяётганини кўришимга ҳалақит қиларди.

17. ҚУТҚАРУВЧИ

Ўн иккинчи, яъни битирувчи синфда ўқишдан олдинги ёзнинг бошида, ниҳоят ҳаётимда ҳеч бўлмаганда, қандайдир ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мен Висконсин штатидаги Женива қўли қирғоғида жойлашган “Аҳд кўрфази” масиҳийлар лагерида қутқарувчи ва сузиш бўйича йўриқчи ишига эга бўлдим.

Илгари ҳам бу лагерда бўлгандим: ҳар йили ёзда бу ерда етимхонанинг барча тарбияланувчиларини бир ҳафта давомида сузишга ва Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотида итоаткорона ўтиришга ўргатишарди. Муқаддас Китобни ўрганиш менга жиддий таъсир ўтказмади, лекин сузишни ўрганиш мана шу ёзда бўш иш ўрнини эгаллашга тайёрлади. Принстонда шаҳар ташқарисидаги бассейнда ва Свани раҳбарлиги остида болалар билан байдаркада сафарга чиқишларда олинган тажриба ҳам ортиқчалик қилмади.

Энди бошқа болалар учун қутқарувчи ва сузиш бўйича йўриқчи бўлиш навбати менга келганди.

«Зўр бўлади! – деб ўйладим. – Ёз бўйи етимхона тарбиячиларидан узоқда қизлар ортидан эргашиб юраман!»

Очилаётган истиқболдан ҳаяжонга тушдим дейиш, ҳали ҳамма гап айтилди, дегани эмасди. Бизларни овга олиб чиққан Боб бир гал ҳайвонот оламида эркак ҳайвонлар томонидан эътиборга тайёр урғочи ҳайвонлар алоҳида ҳид тарқатишини айтиб ўтганди. Қизлар бундай ҳид таратиш–таратмаслигини билмасдим, лекин улардан баъзилари, ота–онаси яқин атрофда бўлмаса, билиб қўйингки, ишва қилишдан умуман бош тортишмайди. Мана шу ерда мен ўзимни йўқотиб қўймаган бўлардим.

Масиҳийлар лагерининг ходимлари бундай одатдан ташқари вазиятда қандай йўл тутишни билишмасди. Лекин улар то етимхонага қайтгунига қадар менинг қилиқларимга чидамоқчи ҳам эмасдилар.

– Тилингга эҳтиёт бўл, Робби, – деб айтишарди менга етакчи қизлар. – Биз кулишимиз мумкин, аммо уятсиз ҳазилларга эмас.

Уларнинг талаби қўш маъноли эмасди: қоидаларни бузсанг, нохушликка учрайсан. Бу жуда жажлимни чиқарарди, охир–оқибатда ёзга мўлжаллаган режаларим жабр кўриши мумкин эди.

Шунга қарамай, болалар билан ишлаш менга ёқарди. Ҳар ҳафтада лагерга тахминан юз нафарча одам келарди ва саккиз бола ҳамда бир етакчини сиғдирадиган уйчаларга жойлашишарди. Кичик, ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун алоҳида келишлар йўлга қўйилганди.

Эрталабки дам олиш “Моҳир қўллар” тўғарагидаги машғулотлар ва спорт тадбирларини ўз ичига олганди. Мен эрталабдан кечгача болаларни сузишга ўргатар, қутқарувчи вазифасини бажарардим ҳамда уларга байдаркалар ва парусли қайиқларни бошқариш кўникмаларини ўргатардим.

Муқаддас Китобни ўрганиш, ваъзларни эшитиш ва биргаликда масиҳий қўшиқларини куйлаш кечки вақтнинг катта қисмини эгалларди. Тез орада аксарияти хотиржам, бахтли, келажакка умид билан қарайдиган масиҳийлар, бир сўз билан айтганда, умуман бошқача тарздаги одамлар бўлган лагерь ходимлари орасида ўзимни ноқулай ҳис қила бошладим.

Рухий ўсиш мавзусида ҳаяжон билан мулоҳаза қиладиган ва келажакка катта умидлар боғлаётган етакчи талабалар менинг бирлашиб олган муҳолифларим эди.

Уларнинг ижобий дунёқараши ўзига тортар, аммо эҳтиёткорлигим ва димоғдорлигим уларнинг қарашларини қабул қилишимга йўл қўймасди.

«Ҳарҳолда, нега энди улар ҳаётдан мамнун бўлмасликлари керак экан? – дердим ўзимча тўнғиллаб. – Чунки уларнинг ҳеч бири ақлдан озган ота-онаси бор бўла туриб, етимхонада яшамайди».

Лекин масиҳий хизматчиларидан бирининг оч малла ранг сочли қизи лагерга бир ҳафтага қўнгилли бўлиб ишлашга келганида, руҳий материяларга туғилиб келаётган қизиқишларим учди-кетди. Мени қамраб олган гормонал бўрондан ақлимни йўқотдим ва жалб этувчилик хусусиятимни тўла ишлатишга қарор қилдим.

Менинг ниятларимни пайқаб қолган лагерь ходималаридан кимдир қизни огоҳлантириб қўйибди: «У – қўй терисини ёпинган бўри. Унга ишонма».

Бир куни кечқурун улар мени тутиб олишди. «Қулоқ сол, оғайни, – бурнимнинг тагида бармоғини силкитганича деди уларнинг йўлбошчиси. – Байроқчадан бир қадам нарига ўтсанг – тамом бўлдим деявер!»

Уларнинг таҳдидига парво қилмайман! Ниятга етишим учун ихтиёримда бир ҳафта бор. Малла сочли қиз ҳаёлимдан кетмасди ва мен овни давом эттирдим.

Дугоналарининг огоҳлантиришига қарамай, қиз мени инкор қилмади. Гарчи “мен қўнгилхушлик қилишга қарши эмасман” деган белги ундан асло келиб чиқмаётган бўлсада, у осон ўлжа эканлигига ишончим комил эди.

Бир куни бир оз вақтни бирга ўтказишга муваффақ бўлдик, гарчи мен умуман бундай бўлмаган вазиятни орзу қилган бўлсамда. Огоҳлантириб қўйишларга тескари равишда, бу қиз мен билан ҳамсухбат бўлишни ўзига ҳеч ҳам оғир олмади. Мен илгари бошқа одамларда умуман учратмаган хислатлар уни ажратиб турарди. Авваламбор, унинг ғаройиб хотиржамлиги ақлни оларди. Гарчи қиз ўзининг мафтункорлигини жуда яхши англасада, менинг ёнимда бўлишдан у ҳеч ҳам қўрқмасди.

«Қизиқ, – деб ўйладим. – У ақлдан озган эмас ва ҳаёлимда нима борлигини тушунади. Унда нега мени қувиб юбормаяпти?»

Биз ҳар замонда ўпишардик, лекин негадир шундан бошқа нарсани истаб туриб ололмадим. Бу учрашувга қадар қизнинг обрўси, боз устига ўзимники ҳам, мени ҳеч қачон қизиқтирмаган. Лекин унинг тозаллиги менинг ниятларимни бутунлай ўзгартириб юборди.

У кетишидан бир кун олдин иккаламиз кўл бўйлаб қайиқда сайр қилдик ва суҳбатлашдик. У сўради:

– Исо билан муносабатларинг ҳақида гапириб бер.

Ноаниқ бир нималарни минғирлаб, жим қолдим, уни алдашни истамаётгандим.

– Менда бундай муносабатлар йўқ, – деб тан олдим. – Мен Исога ишонмайман. Худо бу ҳаётда ўз ҳолимча типирчилаб яшашим учун мени ташлаб қўйган.

Сўзларим уни танг қолдиради ва ҳафсаласини пир қилади деб ўйлаб хато қилган эканман. Қиз муздек оҳангда уни қирғоққа элтиб қўйишимни сўрайди деган қарорга келиб, яна унинг мақсадини фаҳмлай олмабман. Бунинг ўрнига у болалигим ҳақидаги қисқа ва журъатсиз иқроримни диққат билан эшитди.

Гапимни тугатганимда у секин гапирди:

– Балки Худони ўз юрагингга таклиф қилсанг, ўзинг шунчалик қидираётган хотиржамликка эга бўларсан.

Мен норозилик билдирдим:

– Сенга гапириш осон! Чунки сенга ота-онанг ғамхўрлик қилади. Менинг ҳаётимга таққослаганда, сенинг ҳаётинг – шунчаки якшанбадаги сайр.

– Худо одамларнинг аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг ҳаммасига меҳрибонлик қилади, – жавоб берди у. – Сенга оғир бўлганини тушунаман, лекин агар Унга ишонсак, бизга яхши тақдир ваъда қилинган.

– А-ҳа, – деб қўйдим, қайикни қирғоққа йўналтирарканман.

Кейинги куни у билан хайрлашиш юрагимни парча-парча қилди. Мен бу қизни ва у таратаётган хотиржамликни яқинроқ билишни истардим.

Бир неча ҳафта давомида мен ҳали ҳам унинг сўзлари устида бош қотирдим. *«Наҳотки шу рост бўлса? Наҳотки Худо ростдан ҳам мен кабиларга меҳрибонлик қилса?»* Мендаги бор далиллар Унинг фойдасига гувоҳлик қилмаётганди.

«Бирор нарсани назардан қочираяпманми?» – деб мулоҳаза қилардим. Бу қиз, худди лагернинг бошқа аксарият ходимлари каби, менинг тушларимга ҳам кирмаган хотиржамликда бўлиб келгани аён. – *Лекин уларнинг ҳаммаси бошқа дунёда, мен эса ўша дунё учун яхши одам ҳисобланмаган бир оламда яшашади».*

Мен Худо Мусо, Довуд ва Павлусни, гарчи уларнинг ҳар бири кимнидир ўлдирган бўлса ҳам, кечиргани ҳақида шу қиз гапириб берганини; гуноҳлари қандай бўлишидан қатъий назар, тавба қилиб, чин дилдан гуноҳини кечиришни сўраган ҳар бир кимсани Худо кечиришини эсладим.

«Агар Худо шу йигитларни кечирган бўлса, унда балки мени ҳам қилиб қўйган ишларим учун кечирар, – деб ўйладим. – *Ҳеч бўлмаганда, мен ҳали ҳеч кимни ўлдирганим йўқ».*

Мен бу масала ҳақида ёзнинг охиригача бош қотирдим, лекин уни лагерь ходимлари билан муҳокама қилганим йўқ. Ким бўлишидан қатъий назар, бировнинг кўтаринки руҳда мени “қутқариши”нинг қурбони бўлиб қолмасимдан, ҳаммасини ўзим тушуниб етишим керак эди.

1971 йил кузида етимхонага қайтиб келгач, ётоғим иккита кичкина, лекин алоҳида хоначаларга бўлинганини кўрдим. Битирувчи синф ўқувчиси сифатида, ниҳоят, ўз хонам ва ҳамма тортмалари ўз тасарруфимда бўлган комодимга эга бўлдим.

Менга тезда зарур бўлиб қоладиган жимлик ва ёлғизликда яшашга кўникишим учун бир оз вақт керак бўлди.

18. СЕН РОСТДАН ҲАМ БОРМИСАН?

Ҳар йил биз етимхона тарбияланувчиларини якшанба мактабига ва Принстон жамоатига ибодат қилишга олиб боришарди. Нола бизга Муқаддас Китобдан қиссалар ўқиб берар, ҳар бир овқатланишдан олдин дуо ўқилар, лекин юқорида айтилганлардан бирортаси ҳам асло юрагимдан жой олмасди.

Санаб ўтилганларнинг ҳаммаси менга умуман алоқаси бўлмаган зерикарли тарих дарсидан бошқаси эмасди. Ҳар қандай дуппа–дуруст ўсмир каби мени ҳам жамоат ибодати вақтида қизларни кулдира олиш–олмаслигим кўпроқ қизиқтирарди.

Лекин энди, ҳақиқатан ҳам ўзим ўхшашни истайдиган одам каби гапирадиган ва таъсир қила оладиган тенгдошим билан танишгач, ўйланиб қолдим. Балки, ростдан ҳам у эслатган “Исодан бир неча иқтибослар”ни диққат билан қайта ўқиб чиқиш вақти келгандир? Яқинда ўзимнинг алоҳида хонамда комоднинг пастки тортмасига яшириб қўйган Муқаддас Китобни қўлимга олишим ва хонадош қўшнилариمنىнг олдида ўзимни оқламай ва уларнинг кесатикларига эътибор қилмай, саҳифа ортидан саҳифа ўқишим мумкин.

Ўқишга киришгач, бир неча ҳолатни пайқамаслигим мумкин эмасди.

*«Бу йигит оч қолди, ташна бўлди ва чарчади. Ҳатто Унинг оёғи йўл чангига ботиб кираб ҳам кетди»**. Мен илгари ҳеч қачон бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим.

Бу Китобни ўқиб туриб, *“Уни кўпинча Ўзи ишонган одамлар сотишган”*** деган хулосага келиш мумкин эди.

* Қаранг: Марк. 11:12; Юҳн. 19:28; Марк. 6:31; Юҳн. 13:3–17.

** Қаранг: Марк. 14:43–46.

Ниҳоят мен ақлимни бошимдан учирган оятгача етиб келдим. *«У Ўзини Худо деб эълон қилди».*

Кўриниб турибдики, у қўрқоқ одамлардан эмас экан. У шунчаки Худони тушунишини ёки Унинг болаларидан бири эканлигини баён қилмади. У – Ўзи Худо эканлигини таъкидлади.

Кўринишидан бу даъво ўша даврдаги диний етакчилар учун шунчалик ҳақоратли бўлганки, улар Уни ўлдиришни режалаштирган***. Ҳа, менга оғир бўлди, аммо ҳеч бўлмаганда, ҳеч ким менинг суробимни тўғрилаб қўймоқчи эмасди.

*** Қаранг: Юхн. 8:51–59.

Менинг янги қизиқишимни билиб қолгач, етимхонадан барибир қочиб кетмаган “оқ кўйлак” Дейв ўқиб чиқиш учун менга К.С.Льюиснинг “Оддий масиҳийлик” китобини берди.

– Масиҳий бўлишидан аввал бу китоб муаллифи катта файласуф ва атеист бўлган, – деди Дэйв. – Эҳтимол, унинг мантикий мулоҳазалари ва шу мавзуга тадқиқотчи сифатида ёндашуви сени қизиқтириб қолар.

Узоқ вақт ўрганиш ва мулоҳазалар натижасида Льюис Муқаддас Китобни тадқиқ этувчи учта хотимадан бирига келиши зарур, деб хулоса чиқарганини аниқладим: Исо ёки ақлдан озган ёки ёлғончи ёхуд Ўзини Ким деб эълон қилган бўлса Ўша Зот.

Льюисга эргашиб, мен шулардан бирини тан олишга мажбур эдим, чунки бу савол ҳеч қандай мавҳумликни назарда тутмаган эди: мен ёки Исога ишонишим ёхуд ишонмаслигим зарур эди.

«Бу Инсон Ўзининг Худо эканлигини таъкидлаган. Агар У ҳақиқатни айтган бўлса, мен Унга ишонишим лозим. Агар У алдаган бўлса, унда Унинг айтганларининг бари худди менинг ақлдан озган онам вайсаган сафсатадан бошқа нарса эмас».

Мен ақлдан озган бу Зотдан бирор нарса ўрганишга бўлган уринишларимнинг ҳаммаси бекор эканлигини билиб бўлгандим.

Муқаддас Китобга қайтиб, ўқишни давом эттирдим.

Исо ғазабланиши мумкинлиги мени ҳайратга солди****. Қаҳр – менга жуда яхши таниш бўлган туйғу эди. Лекин Унинг ғзаби меникидан фарқ қиларди.

**** Қаранг: Марк. 3:5.

Мунофиқлик ва иккиюзламачиликка дуч келгач, иккаламиз ҳам ғазаблангандик***** ва бу менга ёқди. У, худди мен каби, одамлардан кўнгли қолганди. Лекин Унга қандай мурожаат қилишганларидан кўнгли қолган эмасди, балки Худо уларга нима тайёрлаб қўйгани устида ўйлаб ҳам кўрмайдиган одамлардан хафа бўлганди.

***** Қаранг: Мат. 23:13–33.

Менинг ҳаётимга нисбатан Худонинг қандайдир режаси бўлганига ишончим комил эмасди. Лекин Коинотни Яратувчида шундай ният борлигини аниқлашга уриниб кўрилса ва агар бундай ният ҳақиқатан ҳам бўлса, уни амага оширишга кўмаклашиш анча мулоҳазали иш бўлишини тан олишга мажбур эдим.

Исо абадий ҳаёт ҳақида қанчалик кўп гапирганини кўрдим*, мени эса ачинарли ҳаётимнинг ўтган 17 йилигина кўпроқ безовта қиларди. Шунга қарамай, менинг саволга чўммаслигим мумкин эмасди: *«Токи менга кўпроқ нимадир, жумладан, мангулик берилган экан, балки ҳақиқатан ҳам мен учун умид бордир?»*

* Қаранг: Юхн. 3:16–17.

Исо Худо Руҳи менга кириши ва мени ўзгартириши мумкинлигини айтганди. *«Қандай қилиб, Худонинг Руҳига ўхшаиш нимадир менинг танамга ва юрагимга кириши мумкин?»** Қандай қилиб, кўринмайдиган ва англаб бўлмас нарсага ишониш мумкин?»*

** Қаранг: Юхн. 3:1–15.

Мен буни камида икки кун мулоҳаза қилиб кўрдим ва фақат учинчи кунига борибгина, тушуна бошладим. Менинг жисмоний борлигим аллақачон учта кўзга кўринмас таркибий қисмдан иборат эди: онг, туйғулар ва ирода. Онг кўпинча коллежга кириш учун етарлича ақлли эмаслигимни уқтирарди; туйғуларим етимхона

тарбияланувчисига коллежда қиладиган иш йўқлигини айтиб турарди; лекин ирода улардан узоқ турган ҳолда коллежга киришим, муваффақиятга эришишим ва ўзимнинг маънос болалигим билан бир умрга хайрлашишимни айтарди.

«Демак, агар онг, туйғулар ва ирода кўзга кўринмас ва англаб бўлмас, лекин жуда ҳам мавжуд бўлиб, менда бор бўлса, у ҳолда балки – Худонинг Руҳи ҳам менда яшаши мумкин экан-да?»

Бунинг ҳаммаси ақлимга зўрға сиғарди: фикрлар бир–бири билан тўқнашиб ва бир–бирини қувиб, ғужғон ўйнар ва уларни тартибга келтириш учун менга дўстона маслаҳат керак эди.

Ҳар қандай беҳуда гапларни парчалаб ва бир фикрдан бошқасига сакрашни тўхтатиб, Дэйв бу чигалликни ечишда менга ёрдам берди. У ваъз ўқиш ёки ўргатишга шошилмади. Фақат вақти–вақти билан мени жавоб излашга мажбур қилган саволлар ташлаб, эшитди, холос. Баъзан менга бундай ақлий зўриқишдан бошим тарс ёрилиб кетадигандек туюларди.

Мен Исонинг, “ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади, Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман”***, дея огоҳлантиришига эътибор қилиб, Муқаддас Китобни ўқишда давом этдим. Ўғирлик, қотиллик ва барбод қилиш – менга яхши таниш бўлган тушунчалар. Менинг болалик ҳақидаги энг оз меъёрадаги тушунчам ўғирланганди ва меъёрадаги келажакка умидим аллақачон ўлдирилганди.

*** Қаранг: Юхн. 10:10.

Лекин Исо менга ва бошқа аламзада шўрпешаналарга ҳақиқатан ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ яхшироқ ҳаётга умид таклиф қилаяптими? Бу ақл бовар қилмас таклифдек эшитиларди.

Чунки менинг истиқболларим унчалик хурсанд қиладиган эмасди. Бир йилдан камроқ вақтдан сўнг энг яхши хайрлашув истаклари айтилгач, мени белгиланган манзилгача бўлган автобус чиптаси кутиб турарди. Тамом–вассалом.

Оиланинг қўллаб–қувватловисиз ва молиявий кафолатларсиз мустақил ҳаёт ҳақидаги фикр анча кўрқинчли кўринарди. Коллежга киришни келажакнинг эҳтимол тутилган варианты сифатида кўрардим, аммо ҳеч ҳам фаровонликнинг олтин калити сифатида эмас. Ота–онам коллежда ўқишган, лекин уларнинг ҳаётини бахтли деб аташ қийин эди.

Бир нарсани аниқ билардим: мен етимхона бошқа тарбияланувчиларининг ҳаётини ютиб юборган ва майиб қилган омадсизликлар доирасидан юлқиниб чиқиб кетишим шарт эди. Мен ўзимнинг тутуриқсиз болалигимни енга олишимга ҳақиқатан ҳам ишонгим келарди. *«Бу Исо деганлари ҳақиқатан ҳам нарсаларнинг шаклланиб бўлган тарзини ўзгартиришига қодирмикан?»*

Мен одатда Исо мажруҳлар, кўрлар ва карларни қандай даволагани ҳақидаги оятларга кўзим тушиб қолганида*, уларни ўқимай ўтказиб юборардим. *«Бу энди менга тааллуқли эмас, албатта – деб ўйлардим. – Чунки мен – триатлончи спортчиман!»* Лекин бир куни Дэйв мени бу адашишдан олиб чиқди.

* Қаранг: Мат. 11: 1–6.

– Робби, ҳиссий мажруҳ бўлиш мумкин эмасми, ахир? – деб сўради у. – Сен Муқаддас Китобда ўқиганинг шафқатсиз одамларга ўхшаб қолмаяпсанми? Эҳтимол, кибр сени басир этиб, Худонинг ваъдаларини кўрмайдиган қилиб қўйгандир? Масиҳийлар лагерининг ходимлари Исо уларнинг ҳаётини қандай қилиб ўзгартириб юборганига шохидлик келтириб айтган гапларига қулоқ солмай, Худога имон келтиришинга кўрқув сабаб бўлмаяптими?

Унинг ёқимсиз саволларини ўйлаб кўришим учун менга вақт кераклигини айтдим.

«Лагерь ходимлари ҳақиқатан ҳам мендан фарқ қилишади, – тан олишимга тўғри келди. – Эҳтимол, уларда фаровон болалик бўлгани сабабли айтганларининг ҳаммасини инкор қилиш ўрнига, гапларига қулоқ солишим лозим бўлгандир».

Кейинги сеанс пайтида Дэйвга у берган саволларга ҳали жавоб топмаганлигимни айтдим.

– Яна нималарни ўйлаб кўришим керак? – сўрадим ундан.

– Айтчи, Робби, Исога эргашиган, Унинг шогирдига айланган, кейин эса У хочда қандай ўлганини кўрган йигитлар ҳақида нима деб ўйлайсан? Улар Уни дафн этишди, кейин эса У шогирдларига ваъда қилганидек, Унинг тирилганига шоҳид бўлганликларини баён қилишди. Уларнинг деярли ҳаммаси қийноқларга дучор қилинди ва Исо жасаддан тирилганини эшитишга тайёр бўлган ҳаммага гапириб берганлари учун ўлдирилди**.

** Қаранг: Мат. 27–28; Юҳн. 19–21; Ибр. 11: 35–12:2.

Мен елкаларимни қисдим:

– Дэйв, мен улар ҳақиқатни айтган–айтмаганларини билмайман. Лекин ишончим комилки, бутун дунёни аҳмоқ қилиш учун қийноқлар ва даҳшатли ўлимга рози бўладиган, менга ўхшаган яна ўн бир йигитни топа олмаган бўларди.

Дэйв бош ирғади:

– Сен беш юздан ортиқ одам У тирилганидан кейин гўёки Уни кўрганлигини тасдиқлагани ҳақида ўқидингми?*** Улар Унинг на яқин дўстлари, на шогирдлари эди. Шунчаки оддий одамлар эди. Лекин улар кўрган, эшитган ва бошдан кечирганлари уларни ҳақиқатан ҳам ўзгартириб юборган бўлиши керак.

*** Қаранг: 1 Кор. 15:1–8.

Мен ҳеч қандай жавоб бермадим ва у оловга мой сепишда давом этди:

– Таслим бўлма, Робби, ҳаётингнинг энг асосий саволига жавоб қидиришда давом эт. Қачонлардир ҳаммаси бу қарорни қабул қилиш зарурияти билан тўқнашади. Ҳар бир одам бу қарорни мустақил ўзи қабул қилади.

Кейинги учрашув пайтида мен Дэйвга дедим:

– Итоат қилмагани учун бола кечирим сўраши ва ота–онасига узр айтиши кераклигини биламан****. Мен Муқаддас Китоб гуноҳ деб айтган гапларни айтганлигим ва айб ишларни қилганлигимни биламан. Лекин нима учун ҳеч қачон менга ғамхўрлик қилмаган Худодан кечирим сўрашим кераклигини тушуна олмаяпман.

**** Қаранг: Эфс. 6:1.

Жавоб беришдан олдин Дэйв узоқ жим қолди.

– Ота–онанг Худога ёрдам сўраб мурожаат қилмайдиган даражада бағритош ва кибрли бўлиши мумкинми? Кибр ва ғазаб сенинг ҳам юрагингни шафқатсиз қилиб қўйганми? Сенга шучалик кўп марта жароҳат етказишдики, ишонишга қўрқаяпсан. – Кейин эса энг оғриқли саволни берди: – Биологик отангдан ҳафалигинг Худонинг руҳини Отанг сифатида қабул қилишингга ҳалақит бераётган бўлиши мумкинми?

Нимадир менинг яхшилаб тўсиб қўйилган юрагим эшикларини очишга уринарди*. Бу эса хавотир уйғотарди. Суқилиб киришни бартараф этишга уриниб, мен ҳали ўйлаб кўришим кераклигини айтдим.

* Қаранг: Вах. 3:20.

Бир неча кун Дэйв айтган нарсалар устида мулоҳаза қилдим ва ниҳоят ҳаммаси бир саволга бориб тақалаётганини тушундим.

*«Мен Исо билан қандай йўл тутуш ниятидаман? Ўзимнинг ақлдан озган онамни инкор қилганим каби рад этайми ёки яна бир марта таваккал қилиб ишониб, Уни Ўзини Ким деб атаётган бўлса, ўша Зот сифатида қабул қилайми?» ***

** Қаранг: Мат. 16:13–17.

Шу тариқа, 1971 йил сентябрининг бир окшомида, 17 ёшимда қарор қабул қилдим.

Ҳатто каравотни буриб олиш мумкин бўлмаган жуда кичик, жажжи ётоқхонада мен тиз чўкдим. *«Исо, – деб Худога мурожаат қилдим, – агар сен ростдан ҳам бор бўлсанг, бу расвогарчиликларни тўхтат. Менинг гуноҳларимни кечир ва мени ўзгартир. Агар сен ҳақиқатан ҳам мени ўзгартирсанг, мен Сен билан абадий қоламан. Агар ўзгаришлар рўй бермаса, демак Сен – фирибгар ва шафқатсиз масхарабозсан».*

Албатта, бу воиз Билли Грэм ўқишни таклиф қилган энг яхши ибодат эмас.

Мен фаришталар жўровоз бўлиб куйлаётганини эшитмадим, полга кулаб тушмадим ва умуман ҳеч қандай руҳий жазавага тушмадим. Лекин негадир ишончим қанчалик заиф бўлишига қарамай, шу лаҳзада коинот Худоси менинг юрагимга киргани ва нимадир ҳақиқатан ҳам ўзгарганини тушундим.

Мен энди кўп йиллар давомида илк бора бундан кейин нима бўлишини кута олмасдим.

19. ЯНГИ ИБТИДО

Агар бу янги ибтидо бўлса, тан олиб сизга айтаманки, бу менга ёқмади.

Авваламбор, муштлашишлар ҳали ҳам менинг муаммом бўлиб қолаверди. Катта ёшдаги ўғил болалар гуруҳида ҳукмронлик қилаётган норасмий босқичма–босқич бўйсунуш тизимига биноан, етакчи мақоми энг зўр болага бериларди; ўз тенгдошларидан кўра кучлироқ бўлган битирувчи синф ўқувчиси сифатида мен соғлом фикрловчи етимхона тарбияланувчилари томонидан бу ролга бўладиган даъвогарликлардан хавфсирамасам ҳам бўлаверарди. Лекин бахтсизлик бўйича ўртоқларимдан ҳаммаси ҳам соғлом фикрлаши билан ажралиб туравермасди.

Вақти–вақти билан улардан бирортаси менинг етакчиликка бўлган қонуний ҳуқуқимни таллашиб қоларди. Безбетни дўппослаш ўрнига, мен уни токи “таслим бўлдим!” деб қичқирмагунича қитиқлардим. Ҳеч бўлмаганда, қитиқлаш рақибимни бир ёки икки ҳафта кўкаришлар ва шилинишларни силаб юришдан халос қиларди.

Афсуски, бошқа бир йигит билан бу найранг иш бермади. У кучли, аламзада эди ва етакчи ролини мўлжаллаб юрган экан. У доим мени таъқиб қиларди.

Бир куни орамизда кўрқинчли жанжал билан тугаган қизғин баҳс бўлиб ўтди. Бу сурбет худди жабрланувчи ролида намоён бўлиш имконини беришим учун унга мушт туширишимни истаётгандек эди.

Сурбетнинг адабини бериб қўйишни жуда истаётгандим. Мен бор кучим билан «чириган»нинг башарасини бўяб қўйгим келарди. Лекин бундай ҳолатда кимдир худди “Пашшалар ҳукмдори”^{*} китобидаги Ральф ва Жек билан бўлган вазиятдагидек, албатта, жабр тортган бўларди.

^{*} Ральф ва Жек – инглиз ёзувчиси Уильям Голдингнинг “Пашшалар ҳукмдори” романининг (XX аср Ғарб адабиётининг энг муҳим асарларидан бири ҳисобланади) қаҳрамонлари бўлиб, бир–бири билан ҳокимият учун курашиб келади. – *Таҳр. изоҳи.*

Тўсатдан хотирамга Исонинг “Ўнг юзингга урганга чап юзингни ҳам тут”^{**} деган сўзлари келиб қолди. Ўгирилиб, кетиб қолишимга тўғри келди. Ўз хонамга отилиб киргач, душманимнинг бирор томчи ҳам қони тўкилмаганидан аламим келиб, эшикни қарсиллатиб ёпдим.

^{**} Қаранг: Мат. 5:39.

Муқаддас Китобни олиб, уни хонанинг нариги четига отиб юбордим.

«Мен ҳозиргина бу думбулнинг адабини бериб қўйиш ва бу ерда ким асосий одам эканлигини кўрсатиб қўйиш имконини қўлдан чиқардим! Нима, умуман жинни бўлиб қолдимми? Менга ҳозироқ жавоб керак! Мен билан гаплаш!»

Муқаддас Китоб каравотга тескари бўлиб тушди ва очилиб кетди. *«Тескари бўлиб? Шу Сенинг жавобинг эмасмикан?»* Китобни қўлимга олиб: “Боргин ва минглаб

эркакларни ерни уларнинг қонига белаб, қириб ташла” қабилидаги бирор ғазабкор мактубни ўқийман деб ўйладим.

Муқаддас Китобни ағдардим ва ўқидим: «Юмшоқ жавоб ғазабни қайтаради»***.

*** Қаранг: Ҳик. 15:1.

«Бу умуман мен эшитишни истаган жавоб эмас».

Мени илгари ҳам уришган, мазах қилишган ёки уялтиришган, лекин камдан–кам ҳўрлашган. Донолик, ювошлик ва вазминлик тўғрисидаги бу уч минг йиллик ҳикматни ўқигач, мен тавозе дарсини олдим.

Ғазабим сўна бошлади. *«Балки бу унчалик ҳам алмисоқдан қолган мерос эмасдир. Эҳтимол, у бугунги кунда ҳам ҳатто мендек йигит учун яраб қолар».*

Муқаддас Китобни отиб юбориш ва Худога бақирриш, эҳтимол, ёмон қилиқдир, лекин ўқиб чиққан ҳикматим мен учун тасодифан очилиб кетмагандек туюлди. Худога ҳаммаси барибир эмас, шекилли ва У шу тариқа менга мурожаат қилди.

Ўша куни бизнинг У билан муносабатларимиз мустаҳкамланди. Мен коинотни Яратувчи ҳақиқатан ҳам мени таниши ва агар Унга имкон берсам, менга яхши йўлни кўрсатишга тайёрлигига ишона бошладим.

Менинг ҳаётимда ҳам янги бурилиш пайдо бўла бошлагандек эди. 1972 йил баҳорининг бошида куздан бошлаб ўқишни бошлашим керак бўлган Гилфорд коллежига қабул қилиндим.

Жижи иккаламиз бу имкониятни муҳокама қилгандик, энди эса уни ҳайрон қолдириб, шундай дедим:

– Мен масиҳийлар лагерида дўстлашган болалар билан бирга Чикагода ўқисам осонроқ ва анча арзонга тушади.

Бувим Шимолий Каролинага кўчиб ўтишга қарши барча баҳоналаримни эшитди:

– Гилфорд талабалари учун стипендия фақат ўқиш нарҳини қоплайди, шунинг учун яшаш, овқатланиш, дарсликлар, кўчиб ўтиш ва бошқа харажатларни ўзимнинг чўнтагимдан тўлашга тўғри келади. Отамнинг ногиронлиги туфайли мен оладиган ҳар ойлик нафақа мен акцияларга киритган жамғармаларимга қўшилиб, баъзи молиявий қўллаб–қувватлашларни қафолатлайди. Лекин ҳамма сарфларни қоплаш учун мен барибир ҳафтасига камида йигирма соат ишлашимга тўғри келади. Бунинг устига мен сиздан жуда узоқда бўламан, Жижи.

Шунда ҳайрон қолиш навбати менга келди.

– Робби, ҳеч бўлмаганда, Гилфордда бир йил ўқишингни хоҳлайман, – баён қилди у эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. – Агар сенга у ер ёқмаса, қайтиб келишинг мумкин ва биз бу ерда, Иллинойсда сенга бошқа бирор коллеж топамиз.

Лол қолдим. Лекин илгари Жижи мендан шахсан ўзи учун бирор жиддий нарсга сўрамаганди. Қандай қилиб уни рад этишим мумкин?

У ҳақ эди. Масофа бизнинг мулоқотимизга ҳалақит қила олмасди. Ўзининг етмиш саккиз ёшида бувим Принстонга бориб–келиши учун жуда заифлашиб қолганди ва бизнинг мулоқотларимиз мунтазам равишда телефон орқали суҳбатлашишлар билан чекланиб қолганди. Икки ойда бир марта Чикагога бориб, уни кўриб келардим ва вақти–вақти билан онамни йилига икки мартадан кўп бўлмаган ҳолда, жуда кам, мажбурликдан бориб кўришларим ҳақида ҳисобот берардим, бундай қилишимни Жижи қатъий талаб қиларди. Мен ҳар доим бувимга онамнинг аҳволи яхши эканлигини айтардим, гарчи шундай бўлмасада. Гилфордга кўчиб ўтиш билан боғлиқ ягона ўзгариш шаҳарлараро телефон қўнғироқлари ва сафар харажатларининг ошиши эди.

Гарчи жамоат ва масиҳийлар лагеридаги янги дўстларим билан хайрлашишга истар–истамас кўнган бўлсамда, стипендиядан воз кечиш аҳмоқчилик бўлишини барибир тан олишимга тўғри келади.

Шу боис, мендан келажакдаги режаларим ҳақида сўрашганида, Шимолий Каролинадаги коллежда ўқишга имкониятни айтиб мақтандим. Мактабни тугатган

етимхона тарбияланувчиларининг аксарияти – ҳеч бўлмаганда менинг танишларимнинг кўпчилиги – бу саволга жавобан елка қисиб, “билмадим” деб тўнғиллаб қўйишди.

Коллежда келгуси ўқишим ҳақида баён қилиш менинг ўзимга баҳо беришимни ошириб юборди. Лекин кутилмаганда бу гап–сўзларнинг барчаси тугади ва менинг олдимда “катта киши” бўлиш зарурати пайдо бўлди. Бир неча ойлардан сўнг ҳеч кимнинг қўллаб–қувватловисиз, ҳақиқатан ҳам ёлғиз қолишимга тўғри келаётганди. Ташқи томондан қанчалик раҳмсиз кўринмай, бу фикр мени кўркувга соларди.

Қўллаб–қувватлашлар излаб, Букер Т.Вашингтоннинг “Кулликдан уйғон” китобини ўқишга қайтдим. Ўша ерда топилган таъкидлардан бири шундай: «Қора танли ўсмир ҳаётга қадам босар экан, эътиқод билан тўқнашди»*.

* Қаранг: *Up from Slavery* by Booker T. Washington (Signet Classics, 2000), p. 25.

Бу, ҳеч бўлмаганда, қисман менга тааллуқли эканлигини ҳис қилдим. Мен қувғинди эдим, лекин теримнинг рангига кўра эмас, балки ижтимоий–иқтисодий мақомим туфайли.

Менга ўхшаганларга кўпчилик юқоридан пастга қарагандек қарайдиган катталар оламига кириш олдимда турарди. Агар коллеж талабалари етимхонада ўсганимни билиб қолишса, мени нималар кутади?

Эҳтимол, акцияларим пакети менга қандайдир устунликни таъминлар. Мен шунга умид қилардим, гарчи тенгдошларимнинг аксарияти оила даврасида орттирган маълум ижтимоий кўникмалар менга етишмаслиги аён бўлсада. Мен Букер Т.Вашингтоннинг ҳам на ҳожатхонаси, на ваннаси бўлмаган ва ерда ётиб ухлашига тўғри келган кулбада яшаганлигини эсладим. Ҳатто ҳозирда Хэмптон университети деб аталадиган Хэмптон педагогика ва қишлоқ хўжалиги институтига киргандан кейин ҳам, у оқсуякларга хос тартиб–интизом ҳақда ҳеч нарса билмаганди.

Букердан сўнг, мен ўз болалигимдаги чекланишларни зўр бериб енгиб ўтишга уринардим. У буни эплади – мен ҳам ундан ўрнак олмоқчи эдим.

Бундан ташқари, Букернинг икки руҳий тажрибасидан бири Муқаддас Китобдан икки боб ва Ҳикматлар китобидан бир бобни ҳар куни ўқишдан иборат эканлигини аниқладим. У эркак киши, тадбиркор ва ота сифатида Ҳикматларни ўзига айниқса зарур деб ҳисобларди. У мендан ақллироқ бўлгани учун, унинг режасига амал қилишга қарор қилдим.

Ўз келажагим ҳақида мулоҳаза юритишда давом этарканман, мутлақо кутилмаган манбадан яна бир маслаҳат олдим.

Бу мактабни тугатишимга оз қолган ажойиб баҳор кунида рўй берди. Биз етимонада боғбон ва ёрдамчи ишчи мажбуриятларини бажарадиган Тони Мартин билан бирга ҳовлида жимгина ишлаётгандик. Тони ҳеч қачон сергап бўлмаган. Мен у ҳақда деярли ҳеч нарса билмасдим, Буюк инқироз даврида оиласи тирик қолиши учун учинчи синфдан сўнг мактабни ташлаб кетишига тўғри келганидан ташқари.

Ўша куни, ўтган йилдан қолган баргларни хаскашлаб йиғишдан бирдан тўхтаб, Тони қаддини ростлади, серажин пешонасидаги терни артди ва ўгирилиб, кўзларимга тикилди.

– Робби, сенга бир нима айтмоқчиман. – Мен унга тикилдим. Етимхонада ўтказган ўн тўрт йил давомида Тони бирор марта ҳам мен билан гаплашмаганди. – Мен бу ерда анчадан бери ишлайман, Робби, юзлаб болалар келиб–кетганини кўрганман. Сен етимхона тарбияланувчилари орасида шифокор, ҳуқуқшунос бўлиши ёки бошқа ҳар қандай касбни эгаллаши мумкин бўлган ягона йигитсан. Мен сендан фақат бир нарсани илтимос қиламан: муваффақиятга эришганингдан сўнг, менга ўхшаганларни эсингдан чиқариб қўйма.

Мен шошиб қолдим, лекин хўмрайган Тони мен билан гаплашгани учун эмас, балки мен билан ҳеч ким ҳеч қачон шундай гаплашмаганлиги учун.

Қўлимдан келганича жиддий тортиб, шундай дедим:

– Тони, мен бу ҳолатни эслаб қоламан ва на сизни, на шунга ўхшаш вазиятга тушган бирор кимсани ёддан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

– Менга ўхшаганларни эсдан чиқарма, – такрорлади у.

Ўгирилиб жимгина হাসкашларни ишга солди.

Мен Тони нимани назарда тутганини тушундим: у ҳар бир одам ўзича қадрли эканини; ҳатто ижтимоий аҳамият зинасининг энг қуйи поғонасида турадиганларда ҳам ҳислар, умидлар, орзулар ва эҳтиёжлар борлигини айтмоқчи эди.

Мен фақат тирик қолишга уринаётган пайтимда, у менинг салоҳиятимни кўра билди ва қувғиндилардан бири бўлиш нима эканлигини эсдан чиқармаслигимни илтимос қилди

«Мен сени эшитдим, – деб ўйладим. – Ҳақир бўлиш нима эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармасликка ваъда бераман».

Бундай фикрларнинг пайдо бўлиши менинг юрагимда аста–секин нимадир ўзгараётганини кўрсатарди. Лекин мен ҳали ҳам ғайриижтимоий хулқ–атворини яшираётган исёнчи эдим ва бу кўплаб муаммоларни туғдирарди.

Аксарият катта ёшли америкаликлар соқолли йигитларни урушга қарши намоёишлар иштирокчилари, хиппилар, бангилар ёки жамият чиқиндилари деб ҳисоблаётган бир пайтда, мен соқолимни ўстириб олдим. Сочларимнинг малла ранглилиги юзимдаги тукларни зўрға сезиладиган қилганди, лекин мактаб ва етимхона маъмурияти мен билан жиддий курашарди.

Мактабни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатномалар топшириш вақтига келиб, беш нафар мактаб битирувчиси ҳали ҳам соқолини кўз–кўз қилиб юрганди. Улардан тўрт нафари, “шаҳарликлар” ота–оналари ва тенгдошлари томонидан жиддий ишловга олинди. Тантанали маросимга бир неча кун қолганида, бу йигитлар мени бурчакка қисиб олишди ва таклиф беришди:

– Митчелл, нега энди шунчаки соқолимизни олмас эканмиз? Кел, шуни бирга қилайлик.

– Йигитлар, – деб жавоб бердим, – сизларнинг ихтиёрингиз ўзингизда, лекин мен соқолимни олдирмоқчи эмасман. Ниманинг шарафига экан?

Тўртталаси ҳам соқолини олди, мен эса – йўқ.

Шаҳодатномани олиш учун бошимни баланд кўтариб, ғазабнок нигоҳлари билан менга тешиб юборгудек қараб турган, жаҳли чиққан ота–оналар қатори орасидан ўтаётганимда ғалати қониқиш ҳис қилиб, юриб бордим.

Принстон ўрта мактабининг юз йилдан ортиқ бутун тарихи давомида бирорта ҳам мактабни битирувчи соқол қўймаганди. Агар мендан нега бу анъанани бузганимни сўрашса, ҳойнаҳой, шундай деб жавоб берган бўлардим: «Ҳақиқатан ҳам катталар ёки тенгдошларим фикрининг менга қизиғи йўқ. Бир неча ҳафтадан сўнг уларнинг ҳеч бири на мен учун, на менинг келажагим учун аҳамиятсиз бўлиб қолади».

Ичимда уруш авж олишда давом этарди. Мана шу муайян жангда менинг ғазабланган ва ҳўрланган эски табиатим янгисини енгарди.

Ўзимнинг охирги ёзги таътилимни яна масиҳийлар лагерида ўтказдим. Негадир энди у ердаги нарсаларнинг ҳаммаси бошқача кўринарди. Ҳа, мен мукаммал одам эмасдим, лекин қуйилмаган ёввойи ҳам эмасдим. Ўтган йили мени таниганлар энди мендаги ўзгаришларни кўриб, ёқимли ҳайратга тушишди. Мен ўз руҳий ҳаётимнинг энг бошида турганимни англагач, улар менинг “дағалрок”лигимга бармоқ орасидан қараб, анча сабрли бўлишди.

Ёз тугаганида мен Жижини кўриб келиш учун бир–икки кунга Чикагога жўнадим. На у, на мен онамнинг қаердалиги ва аҳволи қандайлигини билмасдик, аммо бу мени ташвишлантормасди.

Жижи билан хайрлашишим ортиқча ҳис–туйғуларсиз бўлиб ўтди. Охир–оқибатда, мен у билан телефон орқали мулоқот қилиб туриш ва бир йилда бир неча марта кўришиб туришга ваъда бердим. Хайрлашишдан олдин у мени мулойим кучоқлаб, деди:

– Робби, мен ҳали ҳам ўзимнинг ваъдамни бажариш ва сен қандай қилиб коллежни тугатганинг ҳамда уйланганингни кўриш учун анча узоқ яшаш ниятидаман.

– Сўзингизда турасиз, Жижи! – жавоб бердим мен ва иккаламиз ҳам ёйилиб илжайдик.

Принстонга қайтиб келганимда, етимхонани фақат ёзги таътиллار вақтига эмас, балки бутун умрга тарк этгандек ҳис қилдим ўзимни. Кетишимдан бир кун олдин, етимхонанинг барча ходимлари ва кўп тарбияланувчилари билан хайрлашиб чиқдим.

Нола билан тартиб бўйича, лекин белгиланмаган тарзда хайрлашдим.

Ҳозирги кичик ёшдаги ўғил болаларнинг тўдасига қараб туриш учун кимдир унинг ўрнига қолганди, шу боис, биз узоқ вақт сайр қила олдик. Ҳар доим ғамхўр, лекин ҳеч қачон сентиментал ва мелодраматик ишораларга мойил бўлмаган Нола ўзи биринчи марта етимхонага келганида мен унга қалтираётган кучук боласига ўхшаб кўринганимни тан олди. У етимхона ходимлари қандай қилиб мени ҳиссий зарбалардан сақлашга иложи борица ҳаракат қилганларини ва иккинчи синфда ўз умидимдан айрилгач, тун бўйи йиғлаб чиққанимни эслади.

Онам мени ўғирлаб кетганидан сўнг қайтиб келганимда мендан қанчалик хавотир олганини айтиб берди. У бунинг шу кўйи мени ўз оилаларига қабул қилишга қарор қила олмаган Атланталик қариндошларим билан мулоқотдан сўнг фақат чуқурлашиб борган аччиқ кашфиётларнинг бошланиши эканлигини билган экан.

– Робби, – давом этди у, – бизлар тинмай сен учун ибодат қилардик. Мен бир ажойиб кун келиб, сени таъқиб этаётган зулмат билан хайрлашишни истаб қолишингдан ҳеч қачон умидимни узмаганман. Рухий саёҳатларингнинг дастлабки қадамларига гувоҳ бўлаётганимдан жуда хурсандман.

Кулиб, хотираларни эсларканмиз, тўсатдан ўйлаб қолдим: *«Одатий она ва ўғил ўртасидаги суҳбат шундай бўлиши керакмасмиди, ахир?»*

Мен шундай имкониятдан маҳрум эканлигимдан афсусда эдим.

Кутилмаганда Нола менга ўтирилди, лекин “кичкинтой Робби”сининг кўзига қараш учун тиз чўкиб ўтирмади, балки кўлини чўзиб, кўллари билан юзимни сийпалади, ҳар доим унинг болаларидан бири уни диққат билан эшитаётганига ишонч ҳосил қилиши учун шундай қиларди.

Бир пайтлар унинг “кичкинтойлари”дан бири бўлганимда ўзим кўп эшитган сўзларни такрорлаётганида, унинг кўзлари ёшга тўлди:

– Робби, ҳар доим эсингда тут, Худо сени севади, мен ҳам сени севаман.

Томоғимга нимадир тиқилиб, ўз ҳисларимни ифодалашга ҳалақит қилди.

Мен шундай демоқчи эдим: «Менга бўлган меҳринг учун, тинмай мени ўйлаб ибодат қилганинг учун, менга ва ўнлаб кичкина ўғил болаларга ишонганинг учун сенга раҳмат». Лекин кўлимдан келгани уни қаттиқ бағримга босиш ва катта қийинчилик билан хириллаб, “раҳмат” дейиш бўлди.

Юзимдан ўпиб кўйгач, у менга омад тилади ва ўнлаб болаларни каравотга ётқизиш билан бирга кечадиган одатдаги ташвишлари сари кетди.

Шаҳарни тарк этишдан олдин ўзим хафа қилган болалар – ўзим дўппослаган ўғил болалардан ва мендан унчалик ҳам илтифотли муносабат кўрмаган қизлардан кечирим сўрашга уриниб кўрдим. Афсуски, уларнинг ҳаммасини топа олмадим ва тез орада сумкаларимни йиғиштириб, Принстон билан бир умрга хайрлашишга тайёр бўлиб турардим.

1972 йил августида ҳар доимгидек, олижаноб амаким Арт мени Шимолий Каролинага элтиб қўйишни таклиф қилди. Мен унинг машинасига ўзимнинг бор лаш–лушимни, яъни гитара, мусиқа ускунаси, пластинкалар тўплами, кийимлар солинган иккита жомадон, Муқаддас Китоб, банк дафтарчаси ва акциялар бўйича ҳисоботни юкладим.

Принстон ҳудудидан ташқарига чиққанимизда орқага қараб ўтирмай, хайрлашиш учун кўл силкитавердим. Мен озодлик ҳиссидан маст эдим.

Ниҳоят, мен шунча узоқ йилларни ўтказган етимхонани тарк этдим.
Мен бировлар ташландиқ болаларга ғамхўрлик қилган, бошқалари эса уларга худди иккинчи навли одамлардек муомала қиладиган шаҳарни тарк этдим.

Мен мустақил ҳаётни бошладим.

Менда на оила, на уй бор эди, аммо қаршимда иккита савол турарди.

Мен яшаб кета оламанми?

Ва қачонлардир ўтган болалигим туфайли яна азоб чекмайманми?

20. БИРИНЧИ КУРС ТАЛАБАСИ

Гилфорд коллежи мен учун бутунлай бошқа дунё эди.

Жанубликлар талаффузи, тарвақайлаб кетган терак ва эман дарахтлари, маҳаллий лойдан ясалган қизил ғиштли бинолар – бир юз ўттиз беш йиллик тарихга эга университет шаҳарчасидаги ҳамма нарса менга Принстонда эмаслигимни эслатиб турарди.

Бу эса менга жуда маъкул эди. Мен ўзгаришларга тайёр эдим ва ҳаётимни бошидан бошлашни орзу қилардим.

Аввало, мен етимхонадаги Роббини дафн қилдим ва Робга айландим. Бошқа ҳеч қачон менга иккинчи даражали одамдек муносабатда бўлишларига ёки ота–онамнинг хатти–ҳаракати учун ўзимни айбдор ҳис қилмасликка ўзимга–ўзим ваъда бердим; гўёки барча етимхонадаги болалар – ўғри ва бузғунчи деб ўйлаб ҳазар қилишларига ёки четлаб ўтишларига йўл қўймайман.

Мен бундай нарсага йўл қўймасликка қарор қилдим, чунки менинг ҳаётий ҳикоямни ҳеч ким била олмайди. Мен ишонадиган одамни – ўтмишим ҳақида гапирганимда қочиб кетмайдиган ҳақиқий дўстни учратмагунимча болалигим ҳақида ҳеч кимга айтмасликка қарор қилдим.

Қолаверса, жасурлигимни намоён қилишга аҳд қилдим. Биринчи семестрдаёқ баскетбол жамоасига кириш танловидан ўтишга қарор қилдим.

«Охир–оқибат, бу жамоада муваффақият қозона олишга ҳамма имконим бор – тахмин қилдим мен. – Бу каби хусусий коллежларда стипендия олувчи – ўйинчилар жуда кўп бўлмаса керак. Ҳеч бўлмаганда захира ўриндигини тўлдирим керак».

Кўзлаган мақсадимнинг спортга алоқаси йўқ эди. Менга ачинганлари учун эмас, балки ўз хизматларим туфайли жамият томонидан қабул қилинишни хоҳлардим. Баскетбол майдонида мен оилада ўсган болалардан кам жойим йўқлигини кўрсатишга умид қилдим.

Қанийди, нималарга аралашиб қолганимни билсам!

Машқ қилаётганда мен танишган биринчи ўйинчи бир неча йил «Бостон Селтикс» профессионал баскетбол жамоасида ўйнаган Майкл Леон Карр бўлди.

Кейингиси Ллойд Бернارد Фри бўлиб, у кейинчалик исмини Уорлд Би Фрига ўзгартирди. Кейинчалик у Миллий Баскетбол ассоциациясининг энг яхши тўпурақларидан бирига айланди.

– Хўш, нимада зўрсан? – деб сўради мураббий мендан.

– Мен тезкорман, – дедим. – Қолаверса, мен ҳимоя қилишни яхши биламан ва коптокни яхши узатаман.

– Қилишдик, сен мана бу Фри исмли йигитга қарши ҳимояда ўйнайсан.

Майдонни тарк этаётганда, у менга қараб тиржайиб қўйгандек туюлди.

Мен Фрига қараб ўйладим: «Қўлимдан келади. Ахир мени фақат захирага олишмоқчи, жамоанинг бош таркибига олишмаяпти–ку».

Мактаб мураббийларимдан бири ҳимояда ўйнаганда рақибнинг сонлари қайси томонга бурилишини кузатиш кераклигини ўргатган. «Баскетболчи оёқлари, боши, елкаси ёки тўпи билан алдамчи ҳаракат қилиб қўйиши мумкин, – деб тушунтирган мураббий, лекин унинг сонлари алдамайди».

Ллойд Фри ёнбоши билан ҳам ажойиб тарзда алдаши мумкин эди.

Тўп атрофидаги биринчи курашдан сўнг, мени тилка–пора қилинган латтадек жазолашганини англадим. Умрим давомида ҳеч қачон бунчалик қаттиқ зарба емаганман. Хўрланган, ярим хушсиз ҳолатда майдонни тарк этдим.

Хонадошимга бўлган воқеани айтиб берганимда, кула–кула ичаклари узилди. «Қария, ўтган йили бу йигитлар NAIA* чемпионатида ғалаба қозонишларига бир баҳя қолган ва бу йил улар албатта ғалаба қозонишса керак!»

NAIA* – Университетлараро спорт миллий ассоциацияси. – Тарж. изоҳи.

Улар ғалаба қозонишди ҳам.

Захира ўриндигидан жой олиш имкониятим бор ёки йўқлигини ҳеч қачон билмайман. Балки отам бўлганида, «Ўғлим, қайтиб бориб яна уриниб кўр» – деган ва мен қайтиб бориб, яна уриниб кўрган бўлармидим. Лекин мени қўллаб–қувватлайдиган отам ҳам, оилам ҳам йўқ эди.

«Сен – шунчаки омадсиз одамсан!» – пичирларди менга ички овозим. Мактаб баскетбол жамоасига мослашишга бўлган самарасиз уринишларимни эслаб, ортга қайтдим. Мен коллеж ҳаётини муваффақиятсизликдан бошлашни хоҳламадим.

Кўп ўтмай, мен оддий болаларнинг ҳақиқий уйларда ва оилаларда қандай яшашлари билан танишиш имкониятига эга бўлдим, бу менинг биринчи семестримни бошқа томондан ҳам чалкаштириб юборди.

Курсдошларим муаммога дуч келганда, хафа бўлганида ёки шунчаки умидсизликка тушганда, уйга қўнғироқ қилишарди. Улар оила аъзоларининг ҳис–туйғулари акс этган мактублар олишарди. Уларнинг оналари тез–тез қўнғироқ қилиб, ҳол–аҳволларини, ҳаммаси яхшими–йўқми, пул керакми–йўқми, ўқишлари қандайлигини, чиройли қизлар билан танишганми–йўқми, шуларни билиш учун уларга қўнғироқ қилишарди. Мен уларга ҳавас қилардим.

Мен ҳар якшанба куни Жижига қўнғироқ қилардим, лекин у билан сирлашмасдим. У мени тушунмаслигига ишончим комил эди ва унинг хафа бўлишини хоҳламасдим. Яна бир бор бўзимни ҳиссий ёлғизлик саҳросида кўрдим.

Биринчи семестр тугагач, мен масихийлар ўртасида мулоқот ва тушунишни излай бошладим ва улар билан муносабат ўрнатишга ҳаракат қилдим. Руҳий масалаларни муҳокама қилувчи бир нечта муҳокама гуруҳларининг йиғилишлари талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтди. Лекин ўзларини ўз мазҳабининг намунали аъзоси деб ҳисоблаганларнинг кўпчилиги ўзларини масихий деб ҳисобламаслигини билиб ҳайрон бўлдим.

Яхшиямки, мен нафақа ёшидаги бир неча руҳий етук эркак ва аёллар билан танишиб қолдим, улар менга квакерлар орасида узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган, Худо улар билан гаплашишини жим кутишдан иборат бўлган руҳий амалиётни ўрганишга ёрдам бердилар. Аммо руҳий тафаккур амалиётини бошлаганимдан сўнг, агар мен ҳақиқатан ҳам Худони эшитсам, қандай муносабатда бўлишимни билмасдим. Мен, албатта, худди отам каби жиннихонада ёки ақлдан озган онам каби кўчада яшаб юриш пешонамга битилган экан, деган қарорга келган бўлармидим.

Руҳоний устозларим, Муқаддас Китобда агар биз Худони изласак, албатта Уни топишимизни ваъда қилинганига ишонтиришди. Улар масихийлар медитацияси – Худо билан тўлдириш учун ўзини бўшатиш жараёни эканлигини тушунтирдилар.

Кунига бир неча дақиқага бўлса ҳам тўхташни, тинглашни ва Худойимни кутишни ўрганиш учун онгим ва танамда мавжуд бўлган жадал суръатни секинлаштириш учун жуда кўп куч сарфладим. Бу руҳий амалиёт мени тинчлантирибгина қолмай, балки Унинг овозини фарқлаш қобилиятини ҳам берди. Мен тинглашни ўрганганимда, Худо менга гапира бошлади – баланд овозда эмас ва ҳар куни ҳам эмас. Лекин баъзан, Унинг йўл–йўриқларига муҳтож бўлганимда, эҳтимол ҳаёлимда туғилмаган ибора ёки фикр бирдан хотирамда пайдо бўлиб, унинг борлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмасди.

Бу Худо тез орада жуда кутилмаган тарзда фойдаланган мулоқот шакли эди. У менинг ҳаётимни ўзгартириб юборди.

21. УЙ

Ёзги таътил, 1973 йил. Коллеждаги биринчи ўқув йили мени бутунлай чарчатиб қўйди. Мен бу вазиятни ўзгартиришга тайёр эдим.

Чикагода Жижиникида бир неча кун меҳмон бўлганимдан сўнг, автобусга ўтириб Чикагонинг жануби–ғарбидан тахминан уч соатлик масофада жойлашган Иллинойс штатининг Молин шаҳрига йўл олдим.

У ерда дўстим Скотт яшар эди. Биз уч йил олдин ёзги лагерда танишганмиз. Мактабда ўқиб юрганимда, Скотт ва унинг оиласи мени бир неча марта дам олиш кунларида Молинга таклиф қилишганди. Энди Скотт билан Лейк–Дженива шаҳарчасида кутқарувчи ва сузиш бўйича инструктор бўлиб ишламоқчи эдик.

«Трейлвейз» компаниясининг автобуси мени 80–сонли федерал автострададан Молина томон олиб бораркан, мен дераза ортидан милтиллаган далаларни кузатиб турардим. Июнь ойининг бошида оч яшил маккажўхори поялари ҳали бой қора тупрокни яшира оладиган даражада баланд эмасди.

Тўсатдан дераза ортида йўл белгиси милтиллаб кўринди: ПРИНСТОН, 60 МИЛЬ.

Мен саросимага тушиб қолдим. Коллежда ўқиш учун шаҳардан кетганимдан кейин у ерга қайтиш ниятим йўқ эди. Одатда, мен темир йўлда саёҳат қилардим ва болалигим ўтган швед фермерлик жамоаси ёнидан автобус ўтишига эътибор бермаган эдим.

Шу тобда Принстон ҳақида қилган ҳазилимиз эсимга тушди, шаҳарда фақатгина учта светофор бўлиши мумкин эди ва шунинг учун уларнинг барчаси бош кўчада эди. Мен ўзимни бу шаҳардан ўзиб кетгандек ҳис қилиб табассум қилдим, – коллежда ўқиган бир йилим ортда қолди. Албатта, ўтмишим ортда қолиб кетди ва мен йўлда давом этишга тайёр эдим.

Мен Принстон шаҳрига яқинлашар эканман, 80–сонли федерал автостраданинг хавфсиз масофасидан туриб, хаёлан бу шаҳар билан сўнгги бора хайрлашиб олмоқ яхши фикр эканлигини ўйладим. Тўсатдан ҳайдовчи бурилиш сигналини ёқди ва машина секин шаҳар томон бурилиб кетди.

Кўп ўтмай автобус унинг бош кўчаси бўйлаб ғимирлаб кетди. Катта қорайтирилган деразалар орқали Принстонга автовокзал бўлиб хизмат қиладиган кичик меҳмонхона биноси томон яқинлашаётганимизга қараб туриб, мен ҳиссий инқироз томон кетаётганимни тушундим.

Йўлак бўйлаб мен билан бир йил аввал кросс югуриб, баскетбол ўйнаган мактабдош болалар кетиб боришарди. Биз «Дайори квин» ёнидан ўтдик, у ерда синфдошларим столда музқаймоқ еб ўтиришарди. Менга яқинда қор отиб юрган йигитларни танидим.

Улар мени автобуснинг қорайтирилган ойналаридан кўра олишмасди – шунинг учун ҳам уларнинг ҳеч бири менга қўл силкимади, исимни айтиб чақирмади, жилмаймади ҳам, мен томонга қўли билан кўрсатмади. Ёки барибир сезишдимикин?

«Ҳой болалар, бу менман! – деб бақиргим келди. – Қаранг! Мен шу ерданман!» Албатта, ҳеч ким мени эшитмаган бўларди, чунки автобуснинг деразалари кондиционер ишлаб тургани боис ёпиқ эди. Аммо улар мени эшитсалар ҳам, менга эътибор беришармиди?

Улар учун мен эътибор сўзининг том маъносида кўринмас эдим. Принстондаги ҳаёт мен у ерда ҳеч қачон бўлмагандек давом этарди.

Автобус меҳмонхона ёнида тўхтади, ортига ўтирилди ва федерал автострадага чиқиш учун, шаҳарнинг учинчи ва охириги светофори ёнида қисқа вақтга тўхтаб, яна шоссега қайтди.

Кейинроқ, гўё секинлаштирилган лавҳани кўраётгандек, «Аҳд» болалар уйи шарқда, мендан атиги тўрт кўча нарида, Элм–стрит бўйлаб жойлашганини англаб етдим.

Унинг тарбияланувчилари ва ходимлари менинг шаҳарга келганимни билишмаган. Аммо агар улар билишса, нима ҳам ўзгарарди?

Принстон фақат номигагина менинг уйим эди. Аслида менинг ҳеч қандай уйим бўлмаган.

Бу ҳақиқатни англаш менга худди чакмоқ ургандек таъсир қилди. Одатда бошимга тушишга тайёр бўлган ҳиссий ғалаёнлардан қандайдир ички бошпанада паноҳ топишга вақтим бўларди. Аммо йўлнинг тўсатдан ўзгариши эшикларни тўсиб қўйиш имкониятини бермасдан мени ғафлатда қолдирди.

Мен ўзимни нафратланган, эътиборсиз ва рад этилгандек ҳис қилганман, лекин ҳеч қачон кўринмас одамдек ҳис қилмагандим. Агар бирдан ғойиб бўлсам ҳам ҳеч ким сезмайди ёки ундан ҳам ёмони, ҳеч кимга бунинг фарқи йўқ.

Кўчада югураётган ёки «Дайори квин»да музқаймоқни паққос тушираётган болалар ўз уйларида эдилар. Бу уларнинг шаҳри эди. Кечқурун улар ўз деворларига, ота–оналарига, ака–укаларига, опа–сингилларига ва хотираларига қайтадилар. Лекин ўн саккиз йилимнинг ўн беш йили ўтган жой энди менинг уйим эмасди.

Ҳаётимнинг бу боби тўсатдан узилди. Болалар уйи ўзининг собиқ тарбияланувчиларини кузатиб бориш ва маслаҳатлар бериш, шунингдек, моддий ёки руҳий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга эмасди. Ҳеч ким биз билан алоқа қилмасди.

Бизнинг аҳволимиз яхшими–йўқми, умуман тирикчимиз–йўқми, буни билиш учун ҳеч ким қўнғироқ қилмасди.

Бу ходимларнинг айби эмас эди. Уларнинг аксарияти деярли кунига йигирма беш соатдан тинимсиз меҳнат қилишарди. Шунчаки етимхона деворларини тарқ этганларга уларнинг вақтлари йўқ эди. Яшаш учун кураш аччиқ ҳақиқат – биз улоқтирилган ҳаётнинг қоронғу дарёсидаги яна бир хавфли шаршаранинг боши эди.

Болалар уйи ҳаётдан бир лавҳани эсладим. Бир куни баскетбол ўйнай туриб, рақиб жамоа ўйинчиси мени ғишт деворга уриб мажакламоқчи бўлганини тушуниб қолиб, қўл–оёғимни йиғиб, мушакларимни таранглаштириб олишга улгургандим. Энди эса, автобус федерал автострадага чиқиб олгандан сўнг, мен оғриқли тўқнашувни кутиб қўл–оёғимни йиғиб олишга имкон бермасдан ҳайдаб чиқаришганини тушуниб етдим.

Унгача мен уйга қайтиб боролмаслигимни тан олмагандим. Мен бу мавзуни ҳар томонлама четлаб ўтардим ва курсдошларим таътилни қаерда ўтказишни режалаштираётганимни сўрашганда, мен ташриф буюришга муваффақ бўлган шаҳарларнинг номини айтиб, ноаниқ жавоблар берардим. Улар мени уйга кетяпти деб ўйлашарди. Вазиятимни тушунтириш бефойда туюлди, шунинг учун мен уриниб ҳам кўрмадим.

«Қолаверса, – ўйладим мен, – бунинг кимга қизиғи бор?»

Охир–оқибат, тенгдошларимнинг – балки ўзим ҳам буни тан олишим жуда оғир эди – менда уларнинг кўпчилиги одатдагидек қабул қиладиган нарса йўқ эди.

Ҳатто болалар уйи ҳам энди менинг уйим эмасди. Бу аччиқ ҳақиқатни тушуниб етиш юрак–бағримни қон қиларди. Саёхатдошларим мени ақлдан озган деб ўйлашларидан қўрқиб, оғзимни ёпдим ва ташқарига отилиб чиқай деб турган жазавани ушлаб қолдим.

Ғазабим қайнаб, Худога ташланиб кетдим. «Нега менга ҳеч бўлмаганда энг вайрон бўлган уйни беролмадинг? Менга Атлантадаги қариндошларим каби қасрнинг кераги йўқ. Менга тўрт хона, кичкинагина ҳовли ва итнинг ўзи етарди. Ҳеч қандай ғайритабиий нарсанинг кераги йўқ. Мен фақатгина онам ва отам бирга бўладиган оилани хоҳлагандим. Менга пулнинг қизиғи йўқ. Мен шунчаки уйим бўлишини истардим! Нега, Худойим? Менга бундай ҳаётнинг нима кераги бор? Мен бундай ҳаётга лойиқ бўлиш учун нима қилдим?»

Мен бир неча дақиқа кутиб турдим. Ҳеч нарса эшитилмади.

«Нега жавоб бермайсан?» – деб бақирдим мен.

Сукунат.

«Мени эшитаяпсанми?» – Унсиз ғазабда ўкириб юбордим.

Сукунат. Худди мен тириклайин кўмилгандек ўлим сукунати турарди.

Деразадан ташқарида Иллинойс штатининг қишлоқлари милтиллаётганини кузатиб турардим. «Ҳеч қачон ўз уйим бўлмайди, шундайми?»

Жижининг севганига қарамай, унинг хонадони менинг уйим эмас эди. Арнольд амаки ва Элис аммам менга ташриф буюришга рухсат беришса—да, Атлантадаги қаср ҳам уйим эмасди.

Қаерга борсам ҳам ўзимни меҳмондек ҳис қилардим.

«Уй – бу ўзингни меҳмондек ҳис қилмасдан, келишинг мумкин бўлган жой».

Ҳиссиётларим тўлқинлари мени умидсиз сёрфингчини устидан қуйгандек ўраб борарди. Ғазабим портлаши ва ички монологдан кейин мен ўйлаш учун жуда бўшаб қолгандим.

Автобус шиналари автострада бўйлаб шитирлаши билан хаёлимга бирданига ўйлар тўлқини кириб келди. Улар пат каби енгил пайдо бўлди ва мен уларни деярли сезмай қолдим.

«Мени отанг деб бил, Роб. Мени ўз уйинг деб бил».

Юрагимнинг тубидан ғазабли жавобим келди:

«Сенингча, менга шуларнинг ўзи кифоя қиладими? Бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди! Бу сўнги ўн беш йил ичидаги чандиқ изларини ҳеч қандай кеткиза олмайди ва ҳозир ҳам ёрдам бермайди! Мени эшитяпсанми? Менинг уйим йўқ. Мен ҳеч қачон ўзимнинг хонамда ухломмайман. Рафиқамни ўзим ўсиб-улгайган уйимга олиб келолмайман. Фарзандларим бобоси ва бувиси билан ўйнай олмайдилар. Агар мен азоб чексам, қийналиб қолсам ёки ёлғизланиб қолсам, ёрдам сўраб оиламга мурожаат қила олмайман! Сен мени тушунапсанми? Менинг уйим йўқ!»

Агар Худонинг жавоби бўлганда ҳам, ғазабим туфайли уни эшита олмадим. Лекин ниҳоятда чарчаганим учун узоқ ҳимояланиб туролмасдим.

Ниҳоят, яна ўша овозни эшитдим. У меҳрибон отамнинг амридек юмшоқ, аммо қатъиятли эди.

«Мени ўз уйинг деб бил, Роб. Мени шунчаки ўз уйинг деб бил».

Менинг вужудим бўшашиб, жим қолдим.

Мен ўзгаришимни сўрагандим, тўғрими? Ва бу содир бўлмоқда эди, лекин аста—секинлик билан.

Эндиликда Коинот Худоси – мени* қандай бўлсам шундайлигимча асраб олишни таклиф қиляпти. Кечиктиришларсиз, асраб олувчи ота—оналарникига синов ташрифларисиз, ҳеч қандай шартларсиз. Мен ҳатто яхшиланишим керак эмас эди.

* Қаранг: Рим. 8:14–17.

У мени, ифлослик чапланган ва қалби ярадор болани асраб олмоқчи эди.

Автобус ёритилмаган автострада бўйлаб йўл олди, ва мен Худога жавоб бердим:

«Яхши, Худойим.

Менимча, биз келишиб олдик.

Мен Сени ўз Отам деб биламан.

Сени ўз уйим деб биламан».

22. КУТИЛМАГАН ЯНГИЛИК

Коллежга иккинчи курс талабаси сифатида қайтиб, Худо Ўзини менга – абадий руҳий уй сифатида тақдим этганига ишончга тўлиб—тошган эдим. Мен эса бунга рози бўлдим.

Аммо мен ҳали ҳам ўтмишдаги кўплаб муаммоларни ечишим керак эди.

Биринчидан, мен талабалар шаҳарчасидаги жинсий эркинликка қандай муносабатда бўлишни билмасдим. Ҳеч қачон шахвонийпарастлик ҳақидаги ахлоқий тушунчани шакллантиришга ёрдам берадиган ёки никоҳда севги муносабатлари намунасини тақдим этадиган отам бўлмаган.

Эркакларга палапартиш жинсий алоқада бўлишга рухсат берилган, лекин аёлларга рухсат берилмаган икки томонлама андазаларга асосланган муҳитда катта бўлганман. Бундай муносабатлар нафақат нопок, балки адолатсиз ва бемаъни эканлигини энди тушундим. Агар йигит етарлича «қайноқ» бўлса, у билан ишқий муносабатда бўлишга қарши эмасликларини очикчасига айтадиган қизларни учратдим ва улардан баъзиларининг қизиқиши менинг нафсониятимни қондирарди.

Бу масалага олдинги муносабатим ўзгарди, лекин аста–секинлик билан. Мен устозим Сванининг жинсий алоқа фақат эр–хотин учун эканлигини ўргатган сўзларини эсладим. Аммо имконият пайдо бўлди дегунча, тўғри йўлдан озишим ҳеч гап эмасди.

Бир марта хонадошим йўқлигида мен учрашиб юрган қиз бир кечага мен билан қолди. Тўшакда ётиб, биз ўпишдик ва бутунлай кийимда бўлишимизга қарамай, таналаримиз бутунлай аниқ талаб қўйди: «Харакатингни қил!»

Тўсатдан ички овоз менга буйруқ берди: *«Йўқ! Худо сени бунга даъват этган эмас!»*

Ҳаяжонланган миямдаги тестостерон даҳмазаси бирдан парланиб кетди. Менга ҳатто оёқларимни каравотга осилтириб, ўрнимдан туришга ирода кучим етди. Мен айтган сўзларни эшитиб, иккаламиз ҳам ҳайратда қолдик:

– Биз сайр қилиб келишимиз керак.

Кўчада айланиб юрганимизда, у шубҳасиз хижолатда эди, мен эса керакли сўзларни топишга қийналардим. Нега тўхтаганимни билмадим. Ниҳоят, нафасимни ростлаб, шундай дедим:

– Биласанми, мен нима бўлганини ҳақиқатан ҳам тушунмаяпман... Аммо яқинда Худога мени ўзгартиришига рухсат беришимни ваъда қилгандим ва бирдан менга энди буни қилмаслигим керакдек туюлди.

Ўша кечаси нима бўлганини тушунишга уриниб, узоқ вақт ухлай олмадим. «Ўзи нималар қилиб қўйдим? Ў-ҳў, қаранг–а, кейинги сафар ва ниҳоят турмуш қурмагунимча ўзимни ушлаб туриш учун қаердан куч топа оларкинман?»

Мен каби жуда кўп йигит ва қизларни севги ёки ҳатто шаҳват туфайли эмас, балки ҳиссий бўшлиқни тўлдириш истаги туфайли жинсий тажриба орттирганларини кўп кўрганман. Лекин мен ўзгарганимни ва ўзгаришда давом этаётганимни эслаш вақти келганини билардим.

«Мен ишончга лойиқ эркак, эр ва ота бўлишни хоҳлайман».

Мен ота–она назоратсиз ҳам бу мезонга мувофиқ яшай оламан деб умид қилгандим. Шунга қарамай, мен шуни билиб олгандим: агар вазият жуда кескинлашса, ўрнингдан туриб, қочиб қолиш керак.

Мутахассисликни танлаш вақти келганида мен маслаҳатга муҳтож эдим.

Доимий ташвишни бошдан кечиран эканман, мен қайси касбга истеъдодим борлигини билмасдим. Мен бир мунча вақт кимёгар–тадқиқотчи бўлиш ҳақида ўйладим, лекин қизил дарахтининг баҳорги гуллаши мени бутун умримни лабораторияда ўтказа олмаслигимга ишонтирди. Менга чет тилларини ўрганиш ёқди, лекин бу машғулот менга қандай қилиб пул топишимга ёрдам беришини сезмадим. Бухгалтерия ҳисоби мен учун яна бир вариант эди, чунки рақамлар билан ишлаш мен учун осон эди, лекин ҳақиқатда эса менда унчалик қизиқиш уйғотмаган эди.

Мавлуд таътили яқинлашар экан, ўзимни худди чанаси йўқ Қорбобонинг буғусидек ҳис қилдим. Мен вақтимни ва оилавий стипендиямни беҳуда сарфладим. Бир нарсани аниқ билардим: менинг келажагим – Худонинг қўлида ва агар Унга мени бошқаришига рухсат берсам, нима қилишим кераклигини билиб олардим.

Чикаголик бир дўстим телефонда “Болалар уйи” мизга ҳомийлик қилувчи жамоат қисқа муддатли миссионерлик саёҳатини режалаштирганини айтди. Унинг тавсифини кўриб чикқач, мен Африкада бир йил ўтказиш учун ушбу имкониятдан фойдаланишни хоҳлаб қолдим. Мен миссионерларга ёрдам берадиган «югурдак» лавозимига талабгор эдим.

Аммо бу лавозим моддий мукофотни назарда тутмаганди. Афтидан, жамоат хизматчилари шундай фикрлашарди: «Агар Худо сени юборган бўлса, ризқингни ҳам Ўзи беради. Ёрдамчи – миссионерларга юк бўлмаслиги керак».

Миссионерлар гуруҳи раҳбари саёҳат ва бошқа харажатларни тўлаш учун 3500 доллар топишим кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Акциялар пакетим туфайли менда шундай пул бор эди, лекин мен бу пулларни янги машинага – қора кабриолетга сарфлашни орзу қилардим. Гуруҳ аъзолари билан суҳбатлашиб ва Худодан йўл-йўрик сўраганимдан сўнг, кабриолет кутиб туришига тўғри келишини тушуниб етдим.

Бор қатъият билан узоқ ва астойдил ибодат қилар эканман, айнан шунга истейдодим борлигини тушуниб етдим.

Жижига ҳамма нарсани айтиб бериш вақти келди, лекин мен шубҳаланишда давом этардим. Назаримда, у менинг режамни маъқулламаслиги мумкиндек туюлди.

Бироқ, мен унга қўнғироқ қилганимда, у бир сония ҳам қаршилик қилмади. «Робби, агар бу Худонинг иродаси бўлса, – деди у, – менинг севгим ва ибодатларимнинг ҳаммаси сен учун».

Бу фикр Атлантадаги қариндошларимга ёқмади, уларнинг фикрича, мен вақтимни беҳуда ўтказаман ва ҳеч қачон коллежни битирмайман. Аммо 1974 йил баҳорги таътилга келиб, қарор қабул қилиб бўлинган эди.

Гилфорддаги профессорлар француз ва лингала тилларини ўрганиш учун қўшимча балл олиш ҳақидаги илтимосимни маъқуллашди*. Бундан ташқари, мен кундаликларим ва якуний курс ишларим асосида Африка тадқиқотлари бўйича кредит олишни режалаштиргандим.

* Лингала – банту гуруҳидаги тил бўлиб, Заир, Конго ва қисман МАРда кенг сўзлашилади. – *Тарж. изоҳи.*

Мамлакатдан бир йилга кетаман, қайтгач кекса қариндошларимни кўраманми–йўқми деган ўйга толдим. Худди шу ўй авваллари жасоратим етмаган саволни беришга куч берди.

Бу ёзнинг охирида, Арнольд амакининг автосалонидаги ишни тугатгандан сўнг, Эннис келинойим билан уларникига ташриф буюрганимда содир бўлди. Атлантани тарк этиб, Элис аммам, Мэк поччам ва аммаваччаларим билан хайрлашдим, лекин ҳозир қариялар уйида яшовчи Паулина бувим билан эмас.

Чикагога жўнаб кетишдан бир кеча олдин Арнольд амаким ва Эннис келинойим билан сўнгги суҳбатимизни ўтказдик. Амаким етмишдан ошган эди. Мен уни йўқотиш ҳақида ўйлардан ҳам нафратланардим, лекин бу менинг Атлантадаги қариндошларимдан ҳеч кимга ҳеч қачон сўрамаган саволимни бериш учун сўнгги имконият бўлиши мумкинлигини билардим.

– Арнольд амаки, сизга бир мураккаб саволим бор. Мен ҳақиқат қандай бўлишидан қатъий назар, рост жавоб беришингизни сўраган бўлардим.

У нима бўлишини билганга ўхшарди ва бу суҳбатга йиллар давомида тайёргарлик кўрган эди.

– Жижиги мени асраб олиши учун жуда камбағал бўлганлигини тушунаман, – дедим мен. – Агар у қарор қилган тақдирда ҳам, менга васийлик қилиш учун онам билан курашишга руҳан кучи етмасди. Жижиги унинг ақлдан озиши билан доимий кураш олиб бориши керак эди. Лекин нима учун Атлантадаги қариндошларнинг ҳеч бири мени етимхонадан тарбиялаш учун олиб кетмаганини тушунмаяпман. Нега ҳеч бирингиз мени ўзингиз билан олиб кетишни хоҳламадингиз?

Амакимнинг кўзларидан оқаётган ёшларни кўриб хайрон бўлдим. У ўзини тутиб олишга ҳаракат қилиб:

– Робби, болам, мен бир неча бор Паулинага сени тарбиямга олишга рухсат беришини сўраб, кўндиришга ҳаракат қилиб кўрдим. Сенинг бобонг Митчелл нафақат менинг акам ва табаррук одам, балки менинг энг яқин дўстим ҳам эди. Унинг набирасини катта қилишимни хоҳларди, мен ҳам у сен учун бу ишни қилишни хоҳлардим.

Шу қадар ҳайратда қолдимки, гапириш қобилиятини бутунлай йўқотиб қўйдим. Арнольд амаки бир зум тўхтаб турди ва ҳис–туйғуларини жиловлашга уринди. Кейин у бурбондан бир қултум ичиб, давом этди:

– Гап шундаки, бувинг Паулина мен ёки бошқа оила аъзоларига сени асраб олишига рухсат бермаган.

Менинг ўй–фикрларим тушунтириш излашга шошилди.

– Лекин нимага?

Сукунат.

– Нега, Арнольд амаки?

У бошини чайқади, ажин босган юзларидан ёш оқарди.

– Сенинг Атлантада бўлишинг, унинг ўғли сени тарбияламаётганлиги Паулинани уятга солиб қўйиши ва атрофидаги муҳитда жуда кўп қийин тушунтиришларга олиб келган бўларди. Иллинойсда яшаётганингни айтиш унга анча қулайроқ эди.

«Уятга солиб қўйиши? Менинг ўз бувим оқсуяклар муҳитида бунини тушунтириши жуда қийин бўлгани учун бошқа оила аъзоларига мени қабул қилишларига рухсат бермади?»

Мен бунга ишоналмадим. Мен оиланинг қонуний аъзоси ҳисобланардим, лекин унда ўсиб–улғайиш учун арзимас эдим. Бахтимни қаранг!

«Ўйи, оила аъзоларим бу ақлдан озган аёлга қарши курашиши ва тўғри иш қилиши учун нима қилишди? Кўринишидан, уларнинг ҳеч бири Паулинага қарши гапиришига журъатини тўплашга уринмаган, ҳеч бўлмаганда Жижига пул ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, мени унинг тарбиясига бериши мумкин эди–ку».

Нихоят дастлабки зарба ўтиб кетганда, мен нима қилишни билмасдим: нафратланишим керакмиди ёки кўникишим. Бир томондан, бу оғриқли дил рози менинг пучга чиққан умидсизликларимнинг узун рўйхатига қўшилди. Бошқа томондан, ўзимни деярли енгил ҳис қилдим. Ҳеч бўлмаганда, бу саволга жавоб излашим шарт эмас эди.

Эртаси куни улар билан хайрлашдим. Эннис келинойим мени қучоқлаб йиғлади. Арнольд амаки одатдагидек қўл сиқишини ташлаб, ҳаётида биринчи марта мени қучоқлади.

– Эсингда бўлсин, болам, – деди у, – мен сени доимо яхши кўрганман.

Ўйларга тўлиб–тошиб, Чикагога, Жижини кўриш учун учиб кетдим. Бўлажак режаларимни муҳокама қилаётиб, кўзада севимли димламамни еяётганда у шундай деди:

– Сен учун хурсандман, Робби. Худо сенга буюрган ишни қилаяпсан.

– Мен сизни тарк этишни, – дедим мен унга – ва сизга керак бўлганимда сиздан жуда узоқда бўлишни хоҳламайман.

– Бу ҳақда бир дақиқа ўйламай тургин, – деб жавоб берди у одатдаги оҳангда. – Бундан ташқари, мен сен йўқлигингда ўлишни ва сенга оғирлигим тушмаслигига умид қиламан. Африкада бўлганимда, масалан, касал бўлиб қолганимни билмайсан. Менинг дафн маросимимга келиш учун эса жуда узоқда бўласан.

– Ҳозироқ жим бўлинг, – деб эътироз билдирдим мен. – Мен йўқлигимда ўлмайсиз ва ҳеч қачон менга юк бўлмайсиз. Ҳеч қачон!

– Майли, энди бу ҳақда гаплашмайлик, – деди у. – Аммо шуни унутмагинки, сен мебель ва менинг омонат ҳисобимда қоладиган пулларни олиб кетишинг керак.

Кейин, ётишдан олдин диванда ўтирганимизда, мен унинг нозик бармоқларини қўлим билан ёпдим.

– Жижини, – дедим мен, – сизга мураккаб бир савол беришим керак.

– Дадилроқ беравер, Робби, – деди у.

Унинг оҳанги менга бувим ҳам бу саволни кутаётганини айтди.

– Болалигимда Атлантадаги оилам нега мени қабул қилмаганини тушунолмасдим. Бу савол мени йиллар давомида қийнаб келади. Атлантадан кетишдан олдин мен Арнольд амакидан нега мени тарбияларига олишни истамасликларини сўрадим. Биласизми, Жижини, у менга нима деди?

– Ҳа, болам. У Паулина буни қилишга рухсат бермаслигини айтган. У сендан уяларди.

– Лекин, Жижи, нега ҳамма нарсани билад туриб, менга айтмадингиз? – Унинг тор елкалари титрай бошлади ва мен уни қучоқлаб олдим. – Менга айтмаганингиздан жаҳлим чиққани йўқ, Жижи. Мен шунчаки тушуниб етмоқчиман.

– Мен буни ўрта мактабда ўқиб юрган пайтингда билгандим, – деди у кўзлари ёшланиб. – Аммо сен ҳар сафар мендан, Атлантада яшайсизми, деб сўраганинга, ҳеч қачон бундай бўлмайди, деб айтиш менга жуда оғир эди. Шундоқ ҳам сен аллақачон жуда кўп воқеаларни бошдан кечирдинг! Мен сендан яна юз ўғирганларини айта олмадим. Айниқса, бундай ақл бовар қилмайдиган шафқатсиз сабаб туфайли. – У шивирлашга тушди. – Мен буни қила олмадим. Мен жуда афсусдаман, жуда афсусдаман ... – У йиғлаб юборди.

Юраги парчаланган қизини бағрига босган отадек, мен бувимни бағримга босдим. Яна бир бор мени ундан жаҳлим чиқмаётганига ишонтирдим ва ҳеч бўлмаганда ҳозир бу ҳақиқат эканлигини тушуниб ҳайрон бўлиб қолдим.

“Ўйлашимча, психолог, ўз ҳис–туйғуларингизни ақлга сиғдира оласиз, деганда шуни назарда тутган бўлса керак, – деб ўйладим мен. – Яъни, уларни қутига солиб, қопқогини ёпиб ва енгиб ўтишига куч топганда, уларни бошқа вақтга ўтказиш”.

Ҳозир ғазабланиш вақти эмасди. Менинг маъюс болалигимдан қайғураётган Жижига тасалли бериш вақти келди, у буни тузатиш учун деярли ҳеч нарса қила олмади. У менга ўзгармас ва шартсиз севгиси туфайли энг керакли нарсани – хавфсизликни бера олганини билишини хоҳлардим.

Ўша кечаси мен узоқ вақт ухлай олмадим.

Бу ўринда гап нафақат ўтмишим ҳақида билиб олганим, ҳатто Африка чакалакзорларидан кўрққаним учун ҳам эмасди.

Муаммо ноаниқликда эди.

Эртаси куни саксон ёшли Жижини бутун бошли бир йилга тарк этиб, мен ўзимга ғайриоддий иш билан машғул бўлиш учун нотаниш жойга учиб кетдим.

Лекин, эҳтимол, бундан ҳам муҳимроғи, мен илгари ҳеч қачон қилмаган иш – мени чақирган Худога ишондим. Кимгадир ишонишим керак, деган фикр ҳамон мени безовта қиларди.

23 АФРИКАДА

Чикагодан Парижга, кейин эса Марказий Африка Республикасининг пойтахти Бангига учдим.

Бангида чакалакзорлар устидан парвоз қиладиган «Мишенери авиэйшен феллоушип» учувчиси бошқарадиган самолёт келгунча кутиб туришни буюрдилар. Унда мени Убанги номи билан танилган Заир (Конго)нинг шимоли–ғарбий қисмида жойлашган Гемена шахрига олиб боришади.

«Нима мен ақлдан оздимми? – Геменадаги самолётдан тушар эканман, ўзимдан сўрадим мен. – Бу ер иссиқ, ифлос, чириб кетган, чанг ва жуда сассиқ. Мен ақлдан озган бўлсам керак!»

Ўша биринчи кечада мен ўзимга танбех беришда давом этдим: *«Адашмадиммикан? Ҳақиқатан ҳам Худо менинг бу ерга келишимни хоҳладими? Бир неча ойдан кейин мен йигирма ёшга тўламан ва худди комикслар китобидаги Тарзанга ўхшайман».*

Лекин бу ҳақда ўйлаб ва ибодат қилиб бўлганимдан сўнг, деярли тинчландим. Негадир Худо менинг Африкага келишимни хоҳлаган. Ва бу жой менга қанчалик ғалати туюлмасин, бу ерда мени ҳайратланарли нарса кутаётган бўлиши мумкин.

Убанги экватор шимолидаги чакалакзор ва саванналарнинг аралашмаси бўлиб, у ерда жуда кўп банан, апельсин, лимон, лайм, ананас ва папайялар ўсарди. Бу худудни узоқда жойлашган деб аташ ҳам камлик қиларди: 1974 йилда энг яқин телефон беш юз миль узоқда жойлашган эди ва ёмғирли мавсумда унга етиб бўлмасди.

Миссионерлар юз миль радиусда ёйилган еттита аҳоли пунктида хизмат қилишарди. Мен турган Гемена шаҳрида минтақадаги ягона почтамп ва банк, энг узун учуш–қўнуш йўлаги, божхона ва паспорт назорати ходимлари идоралари, кичик армия базаси ва худди «Африка маликаси» фильмидан олингандек европача услубдаги ресторани бўлган кичик меҳмонхона бор эди. Бир нечта кичик дўконлар, протестант миссионерлари томонидан ўқитиладиган ўрта мактаб ва католиклар томонидан ўқитиладиган бошланғич мактаб – булар, эҳтимол, шаҳардаги барча давлат муассасаларидир.

Ли Андерсон ва унинг рафиқаси Эйлин, хўжайинларим ва бошлиқларим дарҳол мени иш билан қўмиб юбордилар. 1974 йил 10–сентябрда мен кундалик дафтаримда шундай деб ёзиб қўйдим: *«Биз Геменада тахминан уч ҳафта ишладик, лекин худди уч ойдек туюлди»*. Бироқ, мен Андерсонлардан жуда кўп нарсани ўрганганимдан жуда миннатдор эдим.

Миссионерлар мени «геменалик югурдак бола» деб аташарди. Менинг вазифаларимдан бири кимга нима керак бўлса, ўшани «бориб олиб келиш» эди.

Менинг энг муҳим вазифам миссионерлар жойлашган аҳоли пунктлари ўртасида муҳим алоқани таъминловчи қисқа тўлқинли радиоприёмникка техник хизмат кўрсатиш бўлган. 1960 йилда миссионер Пол Карлсон ўлдирилганидан кейин, Конгодаги қонли воқеалар пайтида хавфсизлик биринчи ўринда турарди.

Карлсоннинг ўлимидан кейин вазият тинч бўлса–да, кескинлигича қолган эди; бу фожиали воқеа миссионерлар хотирасидан ҳеч қачон ўчмади. Ҳар куни эрталаб соат 6:45 да радиони ёқардим ва алифбо тартибида миссионер аҳоли пунктларини бирма–бир йўқлама қилиб чиқардим. Вазият мунтазам бўлса, у ердаги вакиллар «шу ерда» деб жавоб беришарди. Миссионерлар ўз ҳамкасблари хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун кунига уч марта йўқлама қилишарди.

Менинг яна бир вазифам озиқ–овқат, кундалик эҳтиёж моллари ва ёқилғи таъминотини назорат қилиш эди. Шундай қилиб, мен Дапала билан танишдим.

Ишни бошлаганимга бир ой бўлганда, биздан тахминан юз миль узоқликдаги дарё бўйида жойлашган Акула қишлоғи яқинида йирик ёнилғи жўнатиш амалга оширилиши ҳақида хабар олдик. Миссия ишчиларидан бири Дэн тезда 55 галлонлик бўш бочкалар билан тўлдирилган юк машинасини топиб келди. Сафарда бизга нгбака номи билан машҳур бўлган йирик қабиладан бўлган масихий Дапала қўшилди.

Мендан атиги етти ёш катта бўлган Дапала болалар ётоқхонасининг техник ҳолати ва Гемена шаҳридаги ўрта мактабимиздаги таъмирлаш ишлари билан шуғулланарди. Бундай масъулиятли иш унга ўз қабиласида катта ҳурмат–эҳтиром қозонишига олиб келди.

Йўлда ҳамма айтилган гапларни тушуниши учун навбатма–навбат бир–биримизга таржима қилиб келдик. Дэн ва мен – инглиз тилида, Дэн ва Дапала – лингала тилида, Дапала ва мен – француз тилида гаплашардик. Ўзининг қабиладошлари сингари, Дапала мени «Робер» деб чақирарди – бу Роберт исмининг французча талаффузи эди, – чунки лингала, нгбака ёки француз тилларида «Роб»ни талаффуз қилиш қийин эди.

Улар “йўл” деб атайдиган, ердан кўплаб илдишлари чиқиб турган тупроқли сўқмоқдаги даҳшатли силкинишлардан сўнг Акулага эсон–омон етиб келдик ва иложи борича кўпроқ бочка бензин сотиб олдик. Геменага қайтаётганда ёмғир ёға бошлади ва тўхташга мажбур бўлдик, чунки чакалакзор орқали сирпанчиқ тупроқли йўл бўйлаб ҳаракатланиш хавфсиз эмасди. Яхшиямки, биз турган жойдан унча узоқ бўлмаган жойда африкалик овчининг кулбаси бор экан ва у бизни ёмғирдан паноҳ топиш учун ичкарига киришга таклиф қилди.

Орадан бир соат ўтгач, ёмғир қандай тўсатдан бошланган бўлса, худди шундайин тўсатдан тўхтади. Кутилмаганда оқ танли одамларни кўришни хоҳлайдиган бир гуруҳ болалар пайдо бўлди. Кулбадан чиқиб, ёқимли юмшоқ лойга қадам босдим. Аллақачон ҳўл бўлиб (юк машинасида тоза кийимим борлигини билган ҳолда), мен ўйин–кулги

қилишдан ўзимни тия олмадим. Йўлнинг қия қисмидан югуриб, бейсболчиларнинг севимли усулини қўллаб, олдинга югурдим ва лойга йиқилиб, пастга қараб сирпаниб кетдим. Нгбака қабиласи кичкинтойлари мириқиб кулишар, завқ билан чийиллашар ва чапак чалишарди.

«Бола ҳамма жойда болада!» – деб ўйладим, жилмайиб.

Болакайларнинг ўйинга қўшилиш истаги ва қатъиятсизликлари қўшилиб кетган интиқ туйғуларини ҳис қилиб, мен болалардан бирини ушлаб олдим ва яна бошланғич ҳолатга қайтдим. Уни бошимга кўтариб, жанговар ҳайқириқ билан югуришимни такрорладим ва бешинчи нуқтадаги қуюқ лойқадан сирғалиб ўтаётиб, кўзларини катта–катта очиб ўтирган болани кўлларим билан ушлаб олдим. Биз тўхтаганимизда, мен унга лингала тилида «рахмат» дедим.

У бутунлай хурсанд бўлиб, нгбака қабиласи тилида нимадир деб ғулдураб, дўстлари олдига югурди. Мен унинг нима деганини тушунмадим, лекин Дапаланинг тиржайганини пайқадим. Яна бир довюрак болакай эҳтиёткорлик билан олдинга қадам ташлади – мен у билан ва яна бир қанча ўғил болалар билан ўз ҳунаримни такрорладим, кейин уларга оқ танли эркак билан ўйнай оладиган жасур бир қизалоқ қўшилди.

Охирги марта лойдан пастга сирганиб тушганимдан сўнг, мен Дапаладан нгбака тилида уларга «рахмат, Худо сизни яхши кўради» деб айтишини сўрадим.

Дапала менинг сўзларимни таржима қилаётганда, бир гуруҳ болакайлар олдида тиз чўкиб олдим. Олдимга бир қизалоқ келиб, мени кучоқлаб кўзларимга қаради. У кўллари билан сочларим ва юзларимни силаб, соқолимдан оҳиста тортди. Эҳтимол, у ҳаётида биринчи марта терисининг ранги қора ёки жигарранг бўлмаган одамни кўриш учун етарлича яқин бўлган эди; бу унинг учун нимани англатишини билмасдим. У мени яна кучоқлади ва хайрлашиб чакалакзорга қайтиб югурди.

Кечкурун тунда Геменага қайтдик ва Дапаланинг айтишича, лойда учиш маҳаллий болалар билан дўстона муносабат ўрнатишимга ёрдам берди. Қўлимни сиқиб қўйиш учун қўлини чўзиб, узоқ вақт уни бўшатмади. Кейин у жилмайиб:

– Сен бошқа оқ танлиларга ўхшамайсан. Менга бу фарқ ёқади. Биз дўст бўлишимиз керак.

– Раҳмат, – дедим жилмайиб. – Сенинг дўстинг бўлиш мен учун шараф!

Кейинги бир ой ичида дўстлигимиз янада мустаҳкамланди. Миссионерлар мени оқ танлиларга қарши жиддий ирқчилик Гемена каби йирик шаҳарларда одатий ҳол эканлиги ҳақида огоҳлантирдилар, аммо Дапаланинг хатти–ҳаракати туфайли бунга ишанолмадим.

Бироқ, яна бир воқеа миссионерларнинг сўзларида ҳақиқат борлигини кўрсатди, шунингдек, мени Африкага болалик шарпалари қувлаб келганини кўрсатди.

Мен тўхтаган турар жойнинг ёнида маҳаллий қабилалардан бўлган ўттизга яқин ўғил болалар жой олган ётоқхона бор эди. Баъзан бирга футбол ўйнардик. Улар кўпинча тўпни моҳирлик билан узатиш ёки уни бурним остидан моҳирлик билан чиқариш орқали мендан ўзиб кетишар ва буни уддалаганларида, оқ танли рақибдан ўзиб кетиш имкониятидан баҳраманд бўлишлари аниқ эди. Бу мени умуман безовта қилмасди, мен рақобатдан кўркмасдим.

Лекин бир куни футболчилардан бири мени аҳмоқ қилиб кўрсатиш учун жуда кўп уриниб, бурним остидан тўпни олиб қочди. Аммо мен ундан тўпни олиб, уни майдон марказига узата бошлаганимда, бола энди унчалик хурсанд эмас эди.

Менга ютқазган болага қарата бир нечта пастгина мазах қилишлар эшитилди. У менга жаҳл билан нигоҳ ташлаб, масхарачиларга ўтирилди ва нимадир деди. Мен ҳеч нарсани тушунмадим, фақат охирги сўз – *mondeli* эди

Лингала тилида бу сўз “оқ танли одам” деган маънони билдирарди. Миссионерлар менга сўз талаффуз қилинган оҳанги унинг маъносини ўзгартириб, нейтрал таърифни ирқий таҳқирлашга айлантиришини тушунтиришганди. Агар фалокат келтирувчи оҳангни эшитсам, эҳтиёт бўлишим ва хотиржам кетишимни тавсия қилишган.

Ўсмирнинг оҳанги ҳақида ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмасди.

Кейин эса, худди секинлаштирилган суратга олишда бўлганидек, ўнг муштим сиқилиб, таранглашиб бораётганини ҳис қилдим. Мен пашшаларнинг ғувиллашини эшитиб турардим. Эски «меним», худди баланд ўтларни ичига яширинган шердай, сакрашга шайланиб олган эди.

Фақат мен эшитадиган оғриқли таниш овознинг кулгиси футбол майдони билан чегарадош чакалакзордан келаётганга ўхшарди. *«Юзига мушт тушир! Тушир, тушир, тушир ва у нима бўлганини тушунмасдан йиқилиб тушади ва бир ҳафта оғриқдан азоб чекади! Сен ўтмишингдан қочиб қутула олмайсан. Бўлақол! Қани, ҳозироқ!»*

Аммо кейин бошқа бир босиқ ва кучли овоз янгради: *«Уни урма. Миссионерларнинг меҳнатини йўққа чиқарма. Бошқа юзингни тутиб бер ва кет*». Сен ўзгаргансан. Бунинг ўзингга ва бошқаларга исботла!»*

* Қаранг: Мат. 5:39.

Шахсиятимнинг қарама–қарши томонлари бир қарорга келмасидан олдин, мени футбол ўйнашга таклиф қилган нгбака қабиласидаги бола чакалакзордаги мактаб ховлисида келган безорига жимгина тикилиб, рақибим билан мени орамизга кириб олди.

Мени алмаштиришларини сўраганимни кўрсатиб, қўлимни кўтардим, хотиржамлик билан майдон четига бордим ва бир неча дақиқадан сўнг кетишга рухсат сўрадим.

Кулбамга кетаётиб, нима бўлгани ҳақида ўйладим.

«Қизиқ, миссионер устозим ҳукм қилинишга бизнинг лойиқ эканимизни, раҳм–шафқатга эса муносиб эмаслигимизни, иноят эса биз муносиб бўлганимиздан ҳам ортиқроқ эканлигини айтмаганмиди, ахир».

Эски «мен»им ҳукм қилишга тайёр эди. Менинг аста–секин ўзгариб бораётган янги «мен»им раҳм–шафқат кўрсатишга кўндиришга ҳаракат қиларди. Ундан кейин эса, менга ёрдамга келган нгбака қабиласидаги бола тусидаги марҳамат пайдо бўлди. *«Ажойиб!»* – деб ўйладим мен.

Раҳм–шафқат ва иноят мени болалигимда тўпланган ғазабдан, бу ғазабланган шердан кутқаришга қодир бўлган ягона куч бўлиб туюлди. Аммо ишонч муаммоси ҳали ҳам ечилмай қолганди. Маълум бўлишича, бу фанни ўқитиш Дапаланинг зиммасига тушган эди.

Ўқишим Африкага келганимизга тўрт ой бўлганда, 1974 йил декабрь кунларидан бирида бошланди. Дапала одатдагидек самимий қўл сиқиб саломлашиб, ёрдам сўраб менга мурожаат қилди:

– Робер, мендан бир нечта ўсмирларни катта якшанба хизматига кузатиб қўйишни сўрашди. Менга сенинг ёрдаминг керак бўлади. Ҳар уч ойда биз, Гемена ҳудудидаги масихий–африкаликлар турли чакалакзорлардаги чекка қишлоқларда махсус хизмат ўтказамиз. Одатда мактаб раҳбаримиз ҳайдовчи бўларди, аммо бу сафар у бора олмаслигини маълум қилди, мен эса юк машинасини ҳайдашни билмайман. Менга ёрдам берасанми?

Мен иккиланиб қолдим. Дапала «чакалакзорлардаги чекка қишлоқларда» деганини, мен «дунёнинг нариги чеккасида» деб эшитдим. Аммо маҳаллий қабила вакиллари билан ваъз ва қўшиқ айтишини кўриш ҳавасимни уйғотди ва рози бўлдим.

Биз биринчи ўн беш миль йўлни қандай босиб ўтганимизни пайқамадик, йигитлар юк машинасининг кузовида қўшиқ куйлаб кетишарди. Кўп ўтмай Дапала асосий тупроқ йўлдан узокроққа, пиёдалар йўлига ўхшаган жойга ишора қилди. Мен қайрилдим, Дапала менга тўхташимни айтди.

Чакалакзордан қабила вакили чиқди. Шубҳасиз, маҳаллий алоқа тизими – барабанлар – бизнинг яқинлашиб келганимиздан хабар қилди. Дапала дўсти билан тез суҳбатлашиш учун юк машинасидан сакраб тушди.

Ҳамроҳим яна кабинага чиққач, қўлида дўсти совға қилган ўсимликнинг катта барги бор эди. Моторни ишга тушириб, юк машинасини чакалакзорга чуқур йўл бўйлаб

йўналтирдим ва шунда Дапала маҳаллий аҳолининг лаззатли таоми баргга ўралганлигини айтди ва мени меҳмон бўлишга таклиф қилди.

Эски «мен»им дарҳол вайсашни бошлади:

«Эсинг жойидами? Жижжи ва Ноладан бошқа ҳеч кимга ишониб бўлмайди! Бу абориген сени галати нарсалар билан меҳмон қилмоқчи. Сен уни нима эканлигини ва у тўғри пиширилганми–йўқми, билмайсан. Бу хавфли эмасми? Қорнинг оғриб қолса–чи? Уни хафа қилмасдан бу саволларнинг барчасини беришининг имкони йўқ. Ема! Унга ишонма! Бу хавфсиз эмас».

Кейин янги «мен»им тилга кирди:

«Аслида нима хавфлироқ? Озиқ–овқатми ёки ишончми?»

Эски «мен»им бу саволга жавоб топа олмади.

Янги «мен»им Дапалага ишонишга қарор қилди. Мен қарамай, қўлимни баргни ичига тикиб, бош ва кўрсаткич бармоғим орасига қандайдир сирли модда бўлагини олиб оғзимга солдим.

Бир оз чайнагач, мен ёнғоқ таъмли қарсилдоқ бу таом кокос ёнғоғининг ушоқлари билан аралаштирилган қовурилган чумоли ёки термитлар эканлигини тахмин қилдим.

Мен секин ва астойдил чайнашда давом этдим. Аммо қанча чайнамай, доимо тишларим орасига тикилиб қолган кичкина оёқчалар ва кокос толаларини олиб ташлашимга тўғри келар эди.

Юк машинасининг кузовидаги бир бола кабинанинг орқа ойнаси орқали мени кузатиб турарди. Ҳар сафар бу лаззатли таомнинг навбатдаги бўлагини солганимда, бу ҳақда дўстларига хабар берар, уларнинг хандон отиб кулишларига сабаб бўлардим.

Бу таомни мен билан бирга баҳам кўраётганидан хурсанд бўлиб, Дапала табассум қилди.

Катта якшанба хизмати ўнлаб қабила вакиллари, шу жумладан, кўпгина хайратланган болаларни йиғди. Дапала мени бир нечта эркак ва уларнинг рафиқалари билан таништирди. Биз келганимиздан бир соат ўтгач, қуёш ботди ва қишлоқ тропик туннинг зулматига ғарқ бўлди. Кичкина гулханлар ва бир нечта милтиловчи мойли чироқлар бўлмаганида, мен юзим олдида ўз қўлларимни кўрмаган бўлардим.

Нгбака тилида гаплашиб, қўшиқ куйлаб бўлингандан сўнг, кечки овқат вақти келди.

Дастурхон ёзилишидан олдин Дапала баланд овозда мендан сўради:

– Робер, бугун йўлда еган овқатинг ёқдимизми?

– Албатта! – жавоб бердим мен. Кейин қошимни чимириб сўрадим. – Дапала, дўстим, мен ўзи нима едим?

– Бу термитлар эди, – деб кулди Дапала. – Лой ва тупроқдан улкан термит тепаликларини қурадиган тури. Улар пальма ёғида қовурилади.

– Улар унчалик ҳам ёмон эмасди, – дедим мен табассум билан, – тишларимга тикилиб қолган оёқчалари ва мўйлабчаларини ҳисобга олмаганда.

Ҳамма кулиб, чапак чалиб юборди. Ишонч билан айта оламанки, Дапала мендан мамнун эди, эҳтимол, ҳатто фахрланарди ҳам.

Кечки овқатдан кейин кечгача қўшиқ куйладик. Ниҳоят дўстим ухлаш вақти келганини айтди.

Биз оловдан узоқлашганимизда, у менинг қўлимдан ушлаб олди. Агар бу Африкада эмас, АҚШда содир бўлганда жуда хайрон қолган бўлардим. Бир миссионер менга бу ердаги бундай имо–ишора нимани англатишини тушунтириб берди: «Бу одам менинг акамдан ҳам яқинроқ. Мен унинг учун жонимни ҳам беришга тайёрман».

Мен ҳеч қачон аборигенларнинг mondeli билан қўл ушлашганини кўрмаганман. Кейинчалик билдимки, бу жуда ҳам кам учрайдиган ҳолат эди.

Юриб кетаётганимизда Дапала – мен жавоб беришим учун эмас, тинглашим учун оҳиста деди:

– Робер, бу менинг қабиладошларим, менинг қишлоғим, менинг оилам. Мен уларсиз ҳеч ким эмасман...

У мени поли ва деворлари тупроқдан, томи ўт билан қопланган тўрт хонали катта уйга етаклади. Биз ўт тўшалган катта бамбук каравот ва худди шундай кичикроқ каравот турган хонада ухлашимиз керак эди. Дапала катта каравотга ётишимни қатъий тайинлади.

Менинг чироғим ягона ёруғлик манбаи эди. Мен ундан ётишдан олдин қайси тилда ибодат қилмоқчи эканлигини сўрадим. У ҳар бир киши ўз тилида ибодат қилишини таклиф қилди.

Дўстим қўлларимни қўлига олиб, «Исо Масих» деган сўзидан ташқари, мен тушунмайдиган тилда коинот Худосига илтижо қилди. Мен Дапала учун нотаниш тилда ибодат қилдим ва у ҳам «Исо Масих» сўзидан бошқа ҳеч нарсани тушунмади.

Ибодатимиз тугагач, мен унинг қора кўзларига қараб, лингала тилида қуйидагиларни айтдим:

– Биз турли қабиаларданмиз... лекин бизни тушунадиган ва севадиган ягона Худойимиз бор.

Дапалага хайрли тун тилаганимдан сўнг, чироқни ўчирдим ва чакалакзордаги ёлғиз кулбанинг қоронғи зулматида ётиб қолдим. Ҳақиқатни кўриш учун менга ёруғлик керак эмас эди: қаерда бўлсам ҳам, Худо ёнимда эди, маданияти, тили, тарихи ёки терисининг рангидан қатъий назар, У ҳамма билан бирга эди.

Менда аста–секин янги шахс пайдо бўла бошлади.

«Энди оддий етимхонадаги бола эмасман, – деб ўйладим. – Мен Худонинг буюк оиласига мансубман».

Менда ҳали ҳал қилинмаган муаммолар кўп эди. Аммо ўша кечада болалигимдаги қайсидир яраларим битди.

1975 йил июнь ойида Африкага сафарим ниҳоясига етди. Нгбака қабиласидан бўлган миссионерлар ва дўстларим билан хайрлашиш мен учун осон бўлмади. Жўнаб кетиш куни Дапала ва мен бир–биримизга бир оғиз сўз айтмадик – фақат узоқ ва жим кучоқлашдик. Кўзимда унинг дўстлиги учун миннатдорчилик ёшлари кўринди. Уни бу ҳаётда бошқа кўрмаслигимга жуда афсусланиб, юк машинасига ўтирдим–у, орқамга қарамадим.

Ўша куни саккиз киши миссионерлар турар жойини тарк этишди. Биз йўлда ҳамма нарса: Итури ўрмонидаги пигмейларни, Руандадаги пулемётлар билан қуроолланган аскарларни, Серенгети кўриқхоналари ва Нгоронгоро кратерини кўриб, бир неча ҳафтани йўлда, Найробида, Кенияда тугайдиган ақл бовар қилмайдиган, қалтис ва хавфли икки минг трансфрика милини ўтказдик. Уйга келганимда Жижига айтиб бериш учун жуда кўп ҳикояларни сақлаб қўйдим.

Аммо миссионерлик саёҳатимнинг энг муҳим қисми ўз тарихимдаги ўзгариш эди. Мен Африкага ўзига ишонмайдиган етимхонадаги бола сифатида жўнаб кетдим. Худонинг буюк оиласида иштирок этишим жамиятдаги мавқеимга ҳам, ўтмишимга ҳам боғлиқ эмаслигига қатъий ишонган эркак сифатида қайтиб келдим.

24. КЕЧИРИШ КЕРАКМИ?

Гилфордга қайтишдан олдин мен Жижи билан унинг уйида бир ҳафтани ўтказдим. Мен йўқлигимда бувим 81 ёшга тўлган ва жисмонан заифлашган бўлса–да, ақлий жиҳатдан ҳар доимгидек ўткирлигича қолганди. Биз бирга ажойиб вақт ўтказдик: мен унга саёҳатим ҳақида гапириб бердим, у эса энг кичик тафсилотларигача қизиқарди.

Бундан ташқари, мен «Ковенант уорлд мишенс» идорасига қисқа ҳисобот тақдим этдим. Аммо директор менга сарф–харажатларимга компенсация чекини берганида, хайратда қолдим.

– Харажатларимни яна бир бор текшириб кўринг, жаноб, – деб эътироз билдирдим. – Бу мен кетишимдан олдин бор бўлган пулдан анча кўп.

– Бу тўғри ҳисобланган пул, Роб, – ишонтирди у мени. – Сен сафарда бўлганингда, бир нечта ташкилот ва алоҳида шахслар сен бошлаган 3500 доллардан ташқари яна бир неча минг доллар ҳисса қўшишди. Қисқа муддатли шартнома бўйича ишлайдиган ишчиларимиз учун бундай компенсация одатий ҳол. Биз Худо Унинг чақирувига жавоб берганларнинг молиявий фаровонлиги ҳақида қайғураётганига бир неча бор гувоҳ бўлганмиз. Бизни бу энди ҳайрон қолдирмайди.

Миссия идорасидан чўнтагимда чек билан чиқиб кетар эканман, хаёлимда фақат битта фикр айланарди: *«Марҳаматнинг яна бир кўриниши. Худога ишониш эса ҳақиқатан ҳам зўр экан!»*

Кўп ўтмай, ўтган йил давомида ўзгарган ягона жабҳа ишонч эмаслиги маълум бўлди. Менинг кўрс, кишининг жиғига тегадиган чиранишим хотиржам ишончга айлангандек бўлди.

Эҳтимол, бу ўзгаришнинг энг яхши исботи, мен Арнольд амакини кўргани Атлантада тўхтаб коллежга қайтаётганимда содир бўлган воқеадир. Амакимнинг юздаги тукларни ёқтирмаслиги эсимда бўлса ҳам, ҳали ҳам соқолимни ўстираётган эдим. Мактабда мен буни фақат норозилик учун сақлаган бўлардим, лекин энди бундай қарама–қаршилиқнинг менга умуман қизиғи йўқ эди ва соқолимни олиб ташладим.

Бироқ, такси ҳайдовчиси мени Арнольд амакининг уйи олдидаги йўлакда тушириб қолдирганида, яна бир ноодатий ҳолат мени ҳайратда қолдирди. У мени кутиб олгани чикди, у ҳеч қачон бундай қилмаганди. Амаким индамай, ёшланган кўзлари билан мени бағрига босиб, узоқ вақт қўйиб юбормади – бу, мени иккинчи марта кучоқлаши эди.

Коллежга қайтганимдан сўнг, мен ижтимоий ёрдам бўйича мутахассисликни танлашга қарор қилдим. Ўзим омон қолишга муваффақ бўлганим учун бошқаларга ҳам ёрдам беришни хоҳлардим.

Психология севимли фанларимдан бирига айланди. Ушбу маърузаларда мен баъзи бир руҳий касалликлар ва ғайриижтимоий хатти–ҳаракатлар ҳақиқий ва хаёлий ҳақорат ҳамда адолатсизликдан кейин хафагарчилик билан изоҳланиши мумкинлигини билиб олдим. Профессорларим «ўтмиш билан келишиш» муҳимлигини таъкидладилар.

Аммо улар кечирим тушунчасига эътибор бермаганга ўхшайди. Қайсидир маънода мен ҳам шундайман. Мен ўтмишим билан келишим кераклигини билардим. Аммо ҳақиқатан эса буни амалга оширмакчи эмасдим.

Бироз вақт ўтгач, мен голландиялик масихий аёл Корри тен Боом* ҳақидаги ҳикояни эшитиб қолдим. Корри ва унинг синглиси Бетси, уларнинг отаси ва бир қанча дўстлари 1944 йилда яҳудийларни газ камераларидан ҳимоя қилиб бошпана берганлари учун ҳибсга олингандилар. Бетси ва унинг отаси Равенсбрюк концлагерида вафот этишди, аммо Корри тирик қолди ва ҳозир Америка Қўшма Штатларида яшаб, ўзининг тажрибаси ҳақида бўлишарди.

* Қаранг: The Hiding Place by Corrie ten Boom, Elizabeth Sherrill, and John Sherrill (Chosen Books, 2006).

У тез–тез чиқиш қиладиган жамоатда бир одам унга яқинлашиб, қўлини узатганлиги ҳақида гапирарди. Корри Равенсбрюклик собиқ нацистлар кўрикчисини таниди. Бетси билан уни душ хонасига зўравонлик билан киритиб, қурол ўқталиб, масҳара қиляётган немис аскарлари олдида яланғоч ҳолда ечинишга мажбурлашганида, у эшик олдида қоровул бўлиб турганди. Энди у Корридан уни кечиришини сўрарди.

Корри тингловчиларга ўша пайтда у заррача илиқлик ёки раҳм–шафқат учқунини ҳис қилмай, тош бўлиб қолганини айтди. «Исо, – деб ёлворди у, – мен уни кечира олмайман». Лекин Худо уни кечиримли бўлишга чақирди ва у Унинг чақириғига жавоб берди.

Ўз нутқининг охирида Корри тингловчиларга нафақат севги, балки ундов билан мурожаат қилди: «Сиз–чи, сиз кимни кечиришингиз керак?»

Мен бу саволга жавобни билардим ва ўзимнинг кичик рўйхатимни осонгина туза олдим.

«Исо бизга ўргатган ибодат сўзларини эслайсизми? – давом этди Корри. – Худонинг адолатсизлик азобига шифо бериши бизни хафа қилганларни кечиргандан кейин келади».

Корри оғриқ, азоб ва шармандаликни ифодалаган одамни кечиришга чақирилди. Худо менинг ҳам худди шундай қилишимни хоҳлаётганини билардим.

Лекин мен буни қилишни хоҳламасдим. Заҳарли илонлар ва кўчманчи чумолиларига тўла чакалакзорда сайр қилиш менга жозибалироқ туюларди.

Кунлар ўтиши билан Коррининг саволи мени суғуриб бўлмайдиган зирапчадек таъкиб қиларди: «Сен–чи, сен кимни кечиришинг керак?»

Нихоят, шундай кун келдики, талабалар шаҳарчасидан кетиб бораётиб, мен жавоб бердим. *«Яхи! Мен кимни кечиришимни биламан. Рўйхатимни билмоқчимисан? Паулина бувимни, отамни ва онамни. Мана кимларни! Мен сенинг саволингга жавоб бердим. Хурсандмисан? Мени ўз ҳолимга қўй».*

Корри менинг жавобимдан хурсанд бўлармиди, йўқми, билмадим. Лекин менга ёқмаслиги аниқ эди ва нима учунлигини Худога тушунтира бошладим.

«Бас! Агар етимхона ходимлари бизни бошимизга ахлат тўккан ёки энг ёмони, бизни калтаклаган катталарни кечиришга мажбурламаса, нега мен кимнидир кечиришга ҳаракат қилишим керак? Улар мени кечиришимни сўрамаяптилар–ку! У нимани ўзгартиради? Паулина вафот этган, отамнинг мияси ўлган, онам ҳам вафот этган бўлиши мумкин. Мен уларни кечирдимми ёки йўқми, буни билишмайди ҳам!»

Сукунат.

Бир неча ҳафта давомида мен қаршилик кўрсатишда давом этдим. Гилфорддаги сўнгги ўқиш йилим қизгин паллада эди ва кечириш вазифаси ўқишим билан қаттиқ рақобатлашарди.

1976 йил кузнинг эрталаб куни ибодат пайтида мен яна Худога эътироз билдирдим. *«Ўтмишимни енгиб, ҳақиқий тўлақонли оилага эришиш имкониятига эга бўлиш ҳақиқатан ҳам зарурми? Мен уларни кечира олмайман деб ўйлайман! Шу фикрнинг ўзиёқ мени ақлдан оздиради. Бу учаласидан исталганини кечиришга ҳаракат қилишим учун ақлим ва кучим етишига ишончинг комилми? Ҳақиқатда эса Сен бунга умид қилмайсан, тўғрими?»*

Кейин хаёлимга ўзимга тегишли бўлмаган фикр кириб келадиган пайт келди. Бу сафар у фақатгина битта сўз эди. *«Бошлагин!»*

Балки Худо менинг қаршиликларимдан чарчагандир? Мен билмадим. Аммо ниманидир билиб олган эдим: агар Худо гапирган бўлса, ибодат вақти тугаган бўлса, Унинг хабари ҳақида ўйлаш ва мулоҳаза юритиш вақти келди.

«Бошлаш? Нимадан бошлаш керак?»

Олдиндаги йўлнинг барча хавф–хатарларини тасаввур ҳам қилолмадим. Ва бу масалада менга хабар бера оладиган ягона одам... ўзим эдим.

25. ПАУЛИНА

Менга ким кўпроқ азоб бергани ҳақида ўйлаб, Паулинани кечиришим энг осони бўлади, деб ўйладим.

У вафот этди, мен эса бир томчи ҳам кўз ёш тўкмадим.

Энди мен у ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қилардим. Унинг қизи, Элис аммам билан суҳбат унчалик самарали бўлмади. Элис аммам меҳрибон эди, лекин ўтмиш ҳақида гапиришни хоҳламасди. Бу «вазиятни чигаллаштирмаслик» истагиданми ёки шахсий муаммолари туфайлими, мен тушуна олмадим.

Психология ўқитувчилари менга одамнинг мотивациясини тушунишга ҳаракат қилиб кўришни ўргатишди, шунинг учун мен Паулина ҳақидаги хотираларимни такрорлардим ва таҳлил қилардим. Мен унинг Элис аммамга, Мэк поччамга, уларнинг фарзандларига бўлган муносабати ва оиласи уни қандай қўллаб–қувватлагани ҳақида ўйлардим. Аста–секин унинг бошқа дунёда яшаганини тушуна бошладим.

Бу ерда унинг мақсадлари шунчалик муҳим эдики, у ўз режаларининг итоаткор ижрочилари ролини атрофидагиларга тайинларди. У кашф қилган дунёда ҳамма нарса ажойиб эди – шу жумладан ўзи ҳам. Афтидан, у ўзини бутун инсониятнинг аёл зотидан бўлган ярми учун намуна сифатида тасаввур қилганга ўхшайди.

Шунга қарамай, бу аёллик намунаси – шундай олижаноб, жанубий аёллик – фикрлаш тарзи унга ноқулайлик туғдирадиганларни доимо камситарди. Кўпинча унинг онамга, қора танлиларга ёки яхудийларга ҳужумлари қуйидаги сўзлар билан бошланарди: «Мен буни фақат яхши ниятда айтаяпман».

Бу аёл ҳақидаги тахминларим тўғри бўлиши мумкин эди, лекин барибир мени хавотирга солаётган саволларга жавоб топа олмадим: *«Нега у Атлантадаги қариндошларидан бирига мени тарбиялаш учун олиб кетишига рухсат бермади? Қандай қилиб у мени оддий болаликдан маҳрум қила олди? Қандай қилиб мен уни жамиятда уятга солиб қўйишим мумкин?»*

Мен боши берк кўчага кириб қолган эдим. Менинг барча жавобларим жуда шахсий эди. Болалигимда бахтсиз ҳаётим учун ўзим айбдор эканлигимга ишонардим. Ҳатто шу пайтгача бунга асосий сабабчи фақат мен эдим – нимадир дейиш ёки айтмаслик, қилиш ёки қилмаслик, кутганларни оқлаш ёки оқламаслик, шу билан ўзим Паулинани хафа қилиб қўйгандек туюларди.

Вақти–вақти билан мен мазкур туйғу билан курашардим: *«Нега мен унга ёқмасдим?»*

Қайта ва қайта сукунат менга жавоб бўларди.

Мен курашни давом эттирдим. Паулина мени «энг азиз Робби» деб чақиришини ва мени яхши кўришига ишонтирганини эсладим. У қайта–қайта айтарди: «Оҳ, Робби, сен шундай ажойиб жойда яшаётганингдан жуда хурсандман!» У менга етимхонадаги таъминотим учун ойига олтмиш доллар жўнатиб: «Барча харажатларни мен тўлаяпман», – деганини эсладим.

Кўринишидан, унинг хаёлида мен роҳат–фароғатли жойда – шинам коттежда яшар, бахтли дўстларим ва ғамхўр энагаларим билан суҳбатлашардим. Етимхонадаги ҳаётнинг кўплаб муқобиллари бўлиши мумкин эди, лекин улар унинг хаёлотига мос келмасди.

Бироқ, бу мулоҳазалар менинг асосий саволимга жавоб бермади: *«Шунга қарамай, мендаги нимам туфайли у мени рад этди?»*

Бир куни эрталаб, мени қийнаган саволга осмондан жавоб олишга яна бир уринишдан сўнг, миямга келган бу фикр меники эмаслигини аниқладим. Бундан олдин бу ҳақда ҳеч қачон ўйламаган бўлардим.

«Ҳеч нарса».

Мен норозилик билдиришга тайёрландим. «Сен "ҳеч нарса" деганда нимани назарда тутяпсан? Биз ахир нотўғри танланган сўз ёки унутилган тугилган кун ҳақида гапирмаяпмиз. Гап менинг болалигим ҳақида борапти!»

Сукунат. Шубҳасиз, Худо буни ўзим аниқлашим кераклигига қарор қилган.

Шу тариқа мен коллеждаги бир дўстим ўз ўтмишини айтиб бермагунича бир жойда депсиниб қолавергандим.

У ўша шанба оқшомини ўзи севиб қолган қиз билан ўтказган. У қизни кузатиб қўйгач, отасининг машинасида ота–онасиникига қайтиб келаётганди. Учрашувни тугатган ақл бовар қилмайдиган даражадаги хайрлашув бўсасини эслаб, дўстим бурилишни ўтказиб юборди ва телефон устунига урилди.

Яхшиямки, у асло лат емади. Жиддий таъмирлашни талаб қиладиган автомобиль ҳақида ундай деб бўлмас эди.

– Мен ўзимни жуда оғир ҳис қилдим ва аҳмоқлигимдан ғазабландим, – деб тан олди дўстим. – Аммо отам жуда ғазабда эди. Ичимлик ҳиди, қўйлагимдан – марихуана ҳиди келмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун мени ҳидлаб чиқди. У ҳатто полициячилардан спиртли ичимликлардан маст бўлган–бўлмаганимни текшириб

кўришларини сўради. Мен бундай иш қилмаган бўлсам ҳам, уялиб кетдим. Тун бўйи отам бақириб чиқди: «Қандай қилиб мени бундай аҳволга солдинг?»

– Сен нима деб жавоб бердинг? – деб, сўрадим мен.

– Мен узоқ вақт жим қолдим. Мен отамни яхши кўраман ва уни жуда яхши биламан. У шунчаки ғазабини ташқарига чиқариб юбориши керак эди. Жамоатдан қайтиб, тушлик пайтида у яна менга худди шу саволни берди, фақат ортиқча ҳис–туйғуларсиз. Мен унга шунчаки айтдим: «Ота, мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Ҳаракатларимнинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен хаёлларга берилиб кетиб, хато қилдим, даҳшатли хато қилдим, лекин мен сизни хафа қилишни хоҳламагандим. Мен бепарво аҳмоқдек ҳаракат қилдим, лекин мен сизга қарши ҳеч нарсани атайлаб режалаштирмаганман».

Дўстим билан суҳбатимиз тугагач, узоқ юриб, ўйланиб қолдим.

«Баъзида Сен мулоқот қилишининг ғалати усулини танлайсан, Худойим. Жуда ғалати!»

Мен дўстим билан бўлган бахтсиз ҳодисани Худо менга сабоқ бериш учун атайлаб уюштирмаганини билардим, лекин барибир нималарнидир ўргандим. Агар Паулина хатти–ҳаракатларининг менга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса–чи? У мени бадавлат қариндошларидан бирининг оиласида тарбиялаш ўрнига, етимхонага ташлаб кетмоқчи бўлгани менга қарши ҳужум бўлмаса–чи?

Эҳтимол, у онамнинг уйига ташриф буюришини ёки ундан ҳам ёмони, Атлантага кўчиб ўтишини хоҳламагандир. Эҳтимол, Паулина ўзи учун ёқимсиз вазиятлардан қочиб, ўзини улар йўқдек тутган бўлса–чи.

Менга нисбатан шафқатсизлиги унинг хаёлига ҳам келмаган бўлса–чи? Охир–оқибат у ўзининг хаёлотида яратилган гўзал дунёда яшашимга ишонарди. Унинг қарори менга қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлаб кўришга вақти ҳам бўлмаган бўлса керак.

Паулинанинг қилган ишини тузатиб бўлмаслигини билардим. У ўлган ва энди зарар етказа олмайди. Аммо, унинг ўтмишда қилган ишлари менинг ҳозирги ҳолатимга умуман алоқаси йўқлигини ўзимга эслатишим керак эди.

Агар бу ички овозлар Паулинанинг рад этилишига ўзим сабабчи бўлганимни такрорлашга уринган бўлса, энди мени айтадиган гапим бор. Мен уларга бувим коллеждаги дўстимдек йўл тутганини айтардим. Унинг бахтсиз ҳодисаси отасига ҳужум бўлмагани каби, Паулинанинг хатти–ҳаракати ҳам менга қарши эмас эди. Мен нимани нотўғри қилганимни тушуниш учун йиллар ўтди, ваҳоланки, муаммо умуман менда эмас эди.

Бу тушунча енгиллик келтирмади, лекин кечиришим йўлидаги бир қадам эди. Яна бир неча ҳафта кечирмасликка қарши курашганимдан сўнг, мен ниҳоят пок ва самимий ҳолда ибодат қила олдим.

«Худойим, Паулина мени хафа қилди. Лекин менимча, у буни хоҳламаган. У шунчаки ҳаётини осонлаштирмоқчи эди. У худбин эди ва шунинг учун нафақат мени, балки кўп одамларни хафа қилди. У бу ҳақда ҳеч қачон билмаслиги мумкин, лекин мен уни кечираман. Агар унга бўлган ғазабим қайтса, илтимос, уни яна кечиришимга ёрдам бер».

Худо бу ибодатимга жавоб берди. У менга Паулинага бўлган ғазабимни бўшатишга ёрдам берди ва уни «Шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлса»* худди шундай узоқликка олиб ташлади.

* Қаранг: Заб. 102:12

«Бир муаммони ҳал қилдим, яна иккитаси қолди».

Паулинани кечиришим осон эмас эди. Бунинг имкони борлигини кўриб ҳайрон бўлдим.

Отамни кечиришим анча қийин эди.

26. ОТАМ

Отамни тушунишга ҳаракат қила бошлаганимда, хаёлимга биринчи бўлиб, тўйга совға қилинган мебеллар ҳақидаги Жижининг воқеаси келади. Кўринишидан, айнан у, отам омон қолиши учун умидсиз равишда курашиши керак бўлган жангни тушунтириб беради.

Эркак учун уй балки – қалъадир, лекин уни безатиш завқи, одатда, унинг рафикасига тегишли бўлади. Аммо Паулинанинг дунёсида бундай эмаслиги аниқ. Минг милдан ошиқроқ масофадан у ўзи учун зўр деб билган тўй совғасини уюштирди. У на ўғли, на унинг рафикаси билан маслаҳатлашмасдан, янги турмуш қурганларнинг хонадонидан барча мебелларни олиб чиқиш ва янгисига алмаштириш учун юкчиларни ёллади.

Бу алмаштириш мутлақо янги қимматбаҳо қизил дарахтдан ишланган мебель тўплами эди: диван, стуллар, қандиллар, овқатланиладиган стол, қаҳва ичиладиган столча, комод, кийим шкафи, катта ойна, ёзув столи ва улкан каравот.

Эшикни очиб, қаллиғини кўтариб уйи остонасидан ўтаётган отамнинг юзини тасаввур қилишга уриниб кўрдим. Уларнинг барча жиҳозлари ғойиб бўлганди. Уларнинг шинам, меҳр билан жиҳозланган уйи, бутунлай бошқа аёл дидига мос равишда жанублик аёл данғиллама ҳовлисининг нусхасига айлантирилди.

Онамнинг ғазабини тасаввур қилиш қийин эмас. Орадан йиллар ўтиб, у ҳар гал, “Отанг эси паст ва бўш эди. У ўша маккор аёлга ҳеч қачон қаршилиқ қилмаган!” деб қарғгани–қарғган эди.

Отамнинг иккиланишини фаҳмлаш қийин эмасди. У иккита иродаси кучли аёл орасида қолганди.

Жижи ва онам у ҳақида айтиб берганларига қараганда, отам можароли вазиятлардан нафрат қиларди. Менимча, у ёшлигиданоқ Паулинанинг иродасига бўйсунуш – можародан қочишнинг энг осон йўли эканлигини англаган. Рафикасининг жиловлаб бўлмайдиган ғазабини енгишни ўрганиши керак эди, холос.

Эҳтимол, у янги мебел улар ўзига эп кўрганидан кўра яхшироқ эканлигини ва ундан кутулиш бемаънилик эканини тушунтириб, онамни тинчлантиришга ҳаракат қилгандир. Миллион долларлик совға бўлганда ҳам, албатта, у парво қилмаган бўларди. Бу аёл уларнинг ҳаётига аралашуш эҳтимолининг ўзи унинг ғазабланишига сабаб бўлганди.

Шундай қилиб, у икки ўт орасида қолди: ғазабланган рафикаси ва фойдаси тегишига интилаётган онаси. Улар унинг қалбини тилка–пора қилаётган довул қушидек туюлган бўлса керак, бу ҳақда мен Дантенинг “Илоҳий комедия”сида ўқиган эдим; отам уларнинг чангали ва шафқатсиз тумшукларидан ўзини қандай озод қилишни билмасди *.

* Данте Алигьери “Илоҳий комедияси”нинг XIII мусикасида қаҳрамон дўзахнинг еттинчи доираси деб аталадиган иккинчи минтақага: ўзларига нисбатан зўравонлик қилганлар сақланадиган жойга тушади. У ердаги бадбахтларни доимо довул қушлари тилка–пора қилар эди. – Таҳр. Изоҳи.

Отамнинг реклама бизнесидаги фаолияти ҳақида нимадир билмоқчи бўлиб, боши берк кўчага кириб қолдим. Жижи унинг ҳамкасбларидан ҳеч бирини танимасди, Элис аммам эса Атлантадаги собиқ дўстларидан ҳеч бирини эслолмасди. Лекин реклама бизнеси кўпгина талаб ва юқори рақобатга боғлиқ эканлигини ва шунинг учун ҳам отам доимий қаттиқ ҳаяжон (стресс)да эканлигини тушунардим.

Менинг туғилишим ва онамнинг кайфиятидаги ўзгаришлар ҳам бу қаттиқ ҳаяжон (стресс)ни кучайтирган бўлса керак.

«Сенинг аҳмоқ отанг уларнинг хонадонига, ўз уйига келгандан кейин бир неча марта сени ёлғиз ҳолда топиб, менга кўнғироқ қилди», – деб айтиб берарди Жижи менга. – Сен каравотингда ифлос тагликда ўтирардинг ва очликдан йиғлардинг. Сенинг онанг қаерда эканлиги ҳақида хат ҳам қолдирмай, ҳеч ким билмайдиган жойга ғойиб бўларди.

Жойс бир неча марта тунаш учун уйга келмади. Қайтиб келганида эса, қаерда бўлганлигини ҳеч қачон тушунтирмас, лекин сени ёлғиз қолдириш учун доимо сабаб топар эди. Бечора отанг унга савол берса, ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутар ва жаҳли

чиқарди. Шунинг учун у савол бермайдиган бўлди. Қанчалик ғалати туюлмасин, отанг тушунтириш талаб қилиб, у билан қанчалик кам жанжаллашса, онанг уни шунчалик кам ҳурмат қиларди. Унинг ҳаёлида у оқ отли шахзодадан кўрқоқ курбақага айлангандек эди гўё».

Жижининг рўйи–рост гапларидан ҳайратда эдим. У ўз ҳикоясини юмшатиб, қўшиб қўйди: «Мен ҳар доим бечора Роберт қаттиқ хаяжон (стресс)дан халос бўлиш учун ичишни бошлаганини ҳис қилардим. Оиладаги вазият янада ёмонлашиб, уларнинг никоҳи том маънода дарз кетганда, у янада кўпроқ ичишни бошлади. Билишимча, спиртли ичимликлар унинг ҳаётида фақатгина қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарар эди, чунки ишхонада у ичкиликни яшириши керак эди. Аммо кейин онанг ҳам ароқхўрликка ружу қўйишни ва аҳмоқона ҳапдориларни қабул қилишни бошлади. Бу даҳшатли вазият эди, Робби ва мен бу жинниликни тўхтатишга ожиз эдим».

Отамга ҳамдард бўлсамда, уни «бечора» дейишга ботинолмасдим. Барибир, у ўзи танлаган йўлни эмас, бошқа йўлни танлаши керак эди.

Тез орада мен мураккаб муаммога дуч келдим. Қандай қилиб отам ўз рафиқаси ва ўғлини ташлаб, ўзининг ҳийлакор, ҳукмини юргизадиган онасининг ёнига қайтиши мумкин? Агар у Чикагодан кетаётганда мени ўзи билан олиб кетганида ҳам, буни тушунардим. Лекин нега отам онамнинг менга қарамаслигини билса–да, унга ташлаб кетди?

Бу саволларга жавоб топа олмадим.

Отамнинг ўз жонига қасд қилишга уринишига келсак, коллежда талабалик чоғларим, инқирозлар марказининг ишонч телефонида кўнгилли бўлиб ишлаганимда бу ҳақда нималарнидир билиб олдим. Ўз жонига қасд қилишни ўйлаётган одамнинг уни бўғаетган умидсизлик ҳақида гапирганини эшитишга тўғри келарди. Кимгадир у ишончсизлик, муваффақиятсизлик ва фойдасизлик дарёсида чўкиб кетаётгандек туюларди. Кўпчилиги уларни ҳеч ким севмаслиги ва улар ҳеч кимга керак эмаслиги ҳақида бўғувчи туйғудан азоб чекарди.

Бу қоронғу зулмат идрок овозини ва ўз–ўзини асраш истагини сўндириб, қурбонини ўз домига тортиб кетиши мумкин эди. Бошига кулфат тушганларнинг аксарияти ёрдам сўрайди, лекин ўз жонига қасд қилишга тайёр бўлган одамнинг онги ва қалбида бундай истак ҳар доим ҳам пайдо бўлавермайди.

Эҳтимол отамни ўз домига тортиб кетган зулмат ичра ниманидир кўришга уриниш руҳий оғриқ келтирган. Лекин мени доимо қийнаб келадиган саволга жавоб беришим керак эди: *«Қандай қилиб мени ташлаб кетдинг?»*

Нихоят, уфқдан нарироқда, хира нур пайдо бўлди.

«Балки, Паулинадаги бўлгани каби, отамнинг танлови бевосита менга боғлиқ эмасдир?»

Агар отам ҳозир ақл билан фикр юрита олганида эди, у менга нималар деган бўлар эди? Эҳтимол, шундай дермиди: «Ўғлим, умидсизлик булутлари мени қуршаб олди. Мен учун ягона нарса бу – омон қолишга ҳаракат қилиш, жисмоний ва ҳиссий мавжудлигимни ҳимоя қилиш эди. Тушкунлик шу қадар кучли эдики, у мени оқилона фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилди ва мен бошқа ҳеч ким ҳақида ўйлай олмадим».

Эҳтимол, отам Чикагодан кетишидан анча олдин мени ҳиссий жиҳатдан тарк этган. Унинг мавқеи ва никоҳи барбод бўлгани сабабли, ҳойнаҳой, у ўзини омадсиз деб ҳисоблагандир. Отам ўзининг ҳукмини юргизадиган онаси олдида ўз омадсизлигини тан олиш заруратига дуч келганида, ўзини домига тортиб кетган зулматга янада чуқурроқ шўнғиган бўлса керак.

Отам ўзининг ҳаёти барбод бўлганини айтганда, Паулинанинг гапларини деярли эшитиб турган эдим: «Роберт, мен сенга энг яхши ниятда Жойсга турмушга чиқмасликни маслаҳат бергандим. Агар менинг гапимга кирганингда эди, ҳозир бундай аянчли аҳволга тушмаган бўлардинг».

Аниқ билмадим—у, лекин отам ҳеч қачон ёрдам сўрамаган бўлса керак, деб ўйлайман. Агарда ёрдам сўраган бўлса ҳам, унинг натижаси бўлмаган. Қолаверса, нима учун ўзининг чорасизлигини сўнгги марта намойиш қилиш учун Паулина уйининг ертўласини танлаганини билмасдим. Балки, бу кимдир уни эшитиб қолар деган умидда ёрдам сўраб қилган ноласидир. Онгли равишдами ёки йўқми, билмадим, у онасининг пок номига путур етказишни, янада оғриқ беришни хоҳлаган бўлса керак.

Отам нега ўзига бўлган тазйиқларга бардош бера олмаганини ёки вазиятга бошқа томондан қарай олмаганини билмасдим. Назаримда, у руҳий жиҳатдан қулайроқ иш топиши ва оилавий психологга мурожаат қилиши мумкин эди. Шифокор ёки адвокатдан ёрдам сўраши керакмиди. Унинг синглиси Элис ёки қайнонаси Жижидан ўзининг ҳам, хотинининг ҳам муаммоларини ҳал қилгунича, менга қараб туришларини сўрашига ҳеч ким тўсқинлик қилмаган.

Яна боши берк кўчага кириб қолдим. Бу одамни чин дилдан кечиришим учун уни тушунишга ҳаракат қилиб кўрдим. Ўз–ўзимга савол бердим: балким руҳий касаллар клиникасига боришим ва ниҳоят, ҳаётимга шундай таъсир кўрсатган нотаниш одам билан учрашишим керакмиди?

Атлантага ташрифим чоғида мен бу фикрни Арнольд амаким билан муҳокама қилдим.

“Бобонг Митчеллни яхши кўрганим учун, – деди у, – отангни кўриш учун ҳар ой бориб тураман. Лекин шуни билиб қўйишинг керак, у сени кўрса ҳам танимайди. Мен шифокорлардан сенинг ташрифинг ҳақида сўраганман. Менга айтишдики, агар у сени таниб қолса, бундан тўлқинланиб кетиши мумкин экан. Сен туфайли эмас, балки унинг муваффақиятсиз ҳаётини ифодалаганинг учун.

Роб, сен отангни эслай олмайман, дединг. Агар у ҳақидаги ягона хотиранг ўзи мустақил кийина олмайдиган одамнинг қиёфаси бўлса, бундан сенга нима наф? Ёки бемаъни гапларни гапириши ва қовуғини ушлаб тура олмагани учун таглик тақишга мажбурлиги—чи? Нимани сўрасанг, айтганингни қиламан, болам. Ўз айтганингда қаттиқ туриб олсанг сени отанг олдиға олиб бораман, лекин бундай хотираларнинг сенга нима кераги бор?”

Мен Арнольд амакимнинг маслаҳатини дарҳол қабул қилмадим. Бироқ, охир–оқибат отамни шундай эслагандан кўра, уни умуман эсламаслик яхшироқ деган фикрга қўшилдим.

Шунга қарамай, бу масалани Худога солганимдан сўнг, ҳафсалам пир бўлди. «Демак, мен танимайдиган, тушунмайдиган ва аслида эслай олмайдиган одамни кечиришимни хоҳлайсанми? Аввал менга бирор нарсани тушунтириб бера оласанми?»

Бир неча кунлик курашлардан кейин мен Паулинага бўлгани каби хулосага келдим: отамнинг мени ташлаб кетишга қарор қилиши ва ўз жонига қасд қилишга уринишининг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

«Аммо, – эътироз билдирдим мен Худога, – агар мен бунга рози бўлсам ҳам, бу менга ёрдам бермайди. Ота ўглини севиши керак. У доимо ўз оиласини қўллаб–қувватлаши керак. Агар ота бўлмаса, ким уни эҳтиёт қилиши, ҳимоя қилиши ва ўғлига ўрнатилган бўлиши мумкин? У ўғлига соқол олишни, кўп меҳнат қилишни, аёллар билан тил топилишини ўргатиши керак. Қандай қилиб у мени ташлаб кетди?»

Миллионлаб одамлар ўз оталари ҳақида худди шундай дейишлари мумкинлигини билардим. Лекин мен учун бу заиф тасалли бўлди.

Кунларнинг бирида бир гуруҳ йигит–қизларни кутқарувчи бўлишга ўргатаётганимда, ичимда бораётган жанг кутилмаган тус олди.

Ҳамма ҳовузнинг чуқур қисмига йиғилганда, тушунтириб бердим:

– Агар чўкиб кетаётган одам курашишни тўхтатмаса, чуқур нафас олиб, унинг остига шўнғинг ва иккала оёғини маҳкам ушлаб, орқаси билан сизга қараши учун уни ўгириб олинг. Кейин, уни худди шундай маҳкам ушлаб, аста–секин қўлларингиз билан унинг танасининг юқори қисмига «етиб олинг». Ушбу усул чўкиб кетаётган одамни

тинчлантиради ва уни ушлаб туришибди деб ҳис қилишига ёрдам беради. Вазиятни назорат остига олиб, сув юзасига сузиб чиқишингиз мумкин, аммо эпчилликни бўшаштирманг. Ўнг қўлингизни чўкаётган одамнинг ўнг елкасига қўйинг ва хавфсизлик камарига ўхшаб, чап қўлтиқ остидан кўкрагига қия қилиб тортинг. Бу ҳатто энг ваҳимага тушиб қолган жабрланганларни ҳам дарҳол тинчлантиради.

Бу усулни ўқувчилардан бирида кўрсатганимдан сўнг, уларга буни менда синаб кўришларига рухсат бердим.

– Энди эса энг қийини, – деб огоҳлантирдим мен. – Ҳамма чўкаётган одамлар ҳам пассив ҳаракатланмайди ва мен сизга бу қандай бўлишини кўрсатаман. Ҳар бирингиз бир марта уриниб кўрасиз, шундан сўнг сиз кейинги қутқарувчи номзодга йўл берасиз, кейин биз ҳамма нарсани такрорлаймиз.

Улар мени қутқаришга ҳаракат қилаётганларида, мен тепсиниб, уриб, елкаларига чиқиб, сув остида ушлаб турдим. Ҳайратда қолган ва ҳоли қолмаган йигит ва қизлар менга ақлдан озганга қарагандек қараб туришарди.

– Мени ўлдиришингизга сал қолди! – нафаси қайтиб деди бири.

– Мен сизни қутқаришим керак деб ўйлабман! – деб, эътироз билдирди бошқаси.

– Мен ўлиб қоламан деб ўйладим, – деб, шикоят қилди учинчиси.

Мен чўкаётганларнинг ваҳима ичида ўзини шундай тутишини тушунтириб бердим:

– Улар сизни қутқаришга ҳаракат қилаётганингизни тушунишмайди.

– Аммо, Роб, – деб эътироз билдирди ўқувчилардан бири, – икковимиз ҳам чўкиб кетишимиз мумкин эди–ку!

Мен уларни айнан шу фикрга олиб келмоқчи эдим.

– Ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда бу қондани унутманг, – дедим мен. – Икки киши чўкиб кетгандан кўра, бир киши чўккани яхшироқ. – Ва қўшиб қўйдим: – Буни қилишга рухсат бермайдиган одамни қутқара олмайсиз.

Кейинчалик, мен душда турганимда, бу ҳақиқатни ўз вазиятимга қандай татбиқ этиш мумкинлигини тушундим.

Балки отам ўзини қутқармоқчи бўлганида мени қўйиб юборишга тўғри келгандир. Балки у ўзини қутқара олмаса, мени ҳам қутқара олмайди деб қарор қилгандир. Балки ҳаёт дарёси ўғлига раҳм–шафқат кўрсатиб, уни қандайдир сокин қирғоққа олиб боришига умид қилгандир.

Мен отамнинг қароридан ва у қанчалик бўш эканидан афсусландим. Аммо руҳий изтиробим ўтмишни ўзгартира олмаслигини билардим. Ва агар мен олдинга ҳаракат қилишни хоҳласам, бу нима эканлигини тушуниш қобилиятини йўқотган одамни чин дилдан кечиришим керак эди.

Сувнинг иссиқ оқимлари остида туриб, коинотнинг Яратувчиси менга Ўзининг мени асраб олиш истагини жуда аниқ эълон қилганида, мен ўша автобус саёҳатини миннатдорчилик билан эсладим. Ўзимни шифобахш ёмғир остида тургандек ҳис қилиб, отамга бўлган нафратимни тинчгина қўйиб юбордим. Назаримда, болалигимдан қолган баъзи нопокликлар абадий ювилиб кетгандек туюлди.

Мен чуқур нафас олдим ва енгил нафас чиқардим.

«Мен иккита муаммони ҳал қилдим, биттаси қолди».

Онамни кечириш энг қийини эди.

27. ОНАМ

Онамни тушунишга уриниш худди Сальвадор Далининг ўта бемаъниликка йўғрилган суратига шўнғишга ўхшайди.

Баъзида ечим менга яқин тургандек туюларди. Аммо тўсатдан яна бир нохуш хотира пайдо бўлар ва мен ҳамма нарсани бошидан бошлаш кераклигини ҳис қилиб, яна саросимага тушардим.

“Ахир мен уни таний олишим учун ҳатто ёнимда етарли даражада узоқ қололмаган, болалигим билан боғлиқ барча даҳшатларни ўзида акс эттирувчи бу аёлни қандай кечира оламан?”

Болалигимда унинг қилиқларидан ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеалардан уялардим. Ўсмирлик чоғимда жамият ҳам, Муқаддас Китоб ҳам ота–онани ҳурмат қилиш кераклиги ҳақида ўргатишини билиб олдим. *“Аммо мени ўғирлаб кетган, Жижидан яшириб қўйган ва тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотим тўғрисидаги шаҳодатномани топшириш маросимимга маст ҳолда келган онани қандай ҳурмат қила оламан?”*

Мен онамнинг қисқа муддатли ремиссия давридаги бир лаҳзасини эслайман. Ўша ёз Жижи ва мен у билан ресторанда тушлик қилиш учун шаҳар марказига боргандик. Келишган ва замонавий кийинган онам мени жуда ҳайратда қолдирганди. У ишлайдиган офис биносидан чиққанимизда, эркаклар унинг ортидан қараб қолишарди. Шунда ундан ғурурланишга тўлган қалбимда умид нури порлай бошларди.

Афсуски, бу ремиссия қисқа муддатли эди. Тез орада онам бошқа клиникада, кейин эса кўчада қолди.

Электрошок терапиясининг бир неча сеанси ва кўплаб дорилар унинг аҳволини яхшиламади. Клиникани тарк этгач, у спиртли ичимликларни истеъмол қила бошлади ва шифокор ёзиб берган дори–дармонларни қабул қилишдан бош тортди.

Ўсмирлик ёшига етганимдан сўнг, етимхона тарбиячилари онамнинг хатти–ҳаракати руҳий касаллик туфайли бўлганлиги сабабли, менга тушуниш билан муносабатда бўлишни маслаҳат бера бошладилар. Аммо ҳаётимдаги кўп йиллик алғов–далғовлик ва тартибсизликлардан сўнг, унга ҳамдард бўлиш деярли имконсиз эди.

Кечиришим йўлидаги асосий тўсиқ онамнинг мени етимхонага топширишга қилган қарори эди – айниқса, унинг танлаш зарурияти борлигини билганимдан кейин. Касалхона руҳонийси у оёққа туриб олгунча Жижидан менга ғамхўрлик қилиб туришини сўрашга ишонтиришга ҳаракат қилган. Аммо онам, Жижини мен билан овора бўлишни истамайдиган юқори жамият бошлиғи деб, бу ҳақда эшитишни ҳам хоҳламаган. Қанчалик уринмай, мен уни бундай шафқатсиз ва ғайриинсоний қарорга нима мажбур қилганини тушунолмадим.

Ўша кунларда онамни кўришни истамасдим. Ёз арафасида уни бошқа реабилитация марказига, бир неча йил олдин биз полиция томонидан ушлаб олинган шубҳали жой яқинига ўтказишди. Баъзан мен ўзимни у ерга боришга мажбур қилардим, лекин жуда камдан–кам ҳолларда, ўшанда ҳам Жижига йўқ дея олмаганим учун.

Бу реабилитация марказига ташриф буюрувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганидан кейингина рухсат этилар, бу ҳужжат ўқ ўтказмайдиган ойна ортида ўтирган хизматчи томонидан текширилар эди. Онам у ердаги қоидаларни ёмон кўрарди. «Менинг ёшим эллиқдан ошган, улар эса менга худди гўдакдек муносабатда бўлишади, – деб тўнғилларди у. – Марказ ходимлари ўзларини худди ҳайвонот боғидаги кўрикчидек тутишади. Кўринишидан, улар бизнинг ҳеч биримиз ёлғиз яшай олади деб ўйламайдилар. Уларнинг нигоҳи мени ақлдан оздирмоқда».

Унинг хонасида бир кишилиқ кичкина каравот, комод ва стул зўрға сиғарди. Марказ ходимлари ҳар куни эрталабки нонуштадан олдин унинг ўрнини йиғиштириб, кейин вазифалари рўйхатини тузишини талаб қилишарди. Уларнинг барча кўрсатмаларини бажариб у балл тўпларди ва мукофот сифатида шахсий харажатлари учун қўшимча пул оларди. Мен бу ерда унга яхши бўлади, ҳар ҳолда кўчада яшаб юрган пайтидаги зўравонликлардан ҳимояланади деб ўйлардим.

Яқин атрофдаги тамаддихонада бир–икки соат ўтириб тушлик қилдик. У ҳисобни тўлаганда беш центлик, ўн центлик ва йигирма беш центлик тангалар билан ҳисоб–китоб қилгани учун мен ҳар доим минимал миқдорда буюртма қилар ва фақат сув ичардим.

Баъзида онам жуда тушунарли гапирарди, лекин бир сониядан кейин унинг нутқи қандайдир ғалати ғўлдирашга айланарди. У менга уйсиз, оч–наҳор юргани, калтаклангани ва талон–тарож қилинганини айтиб берарди. Баъзан у тирик қолиш учун фоҳишалик

қилармикин деб ўйлаб қолардим; лекин у ҳеч қачон бу ҳақда менга гапирмаган ва мен ҳам бу ҳақда ундан ҳеч қачон сўрамаганман.

Вақти–вақти билан у Муқаддас Китоб ҳақидаги узук–юлуқ билимига асосланиб башоратлар қиларди. Бир куни у мен билан бўлажак рафиқам ҳақидаги бор гапни баҳам кўрди: «Робби, мен ҳар куни солиҳа аёлни учратишинг учун ибодат қиламан. Уни бу ерга олиб келиб, мени таништиришга ҳаракат қилиб кўр. Мен унинг сенга мос эканлигига ишонч ҳосил қилмагунимча, аҳмоқлик қила кўрма».

«А–ҳа! – деб ўйладим мен. – Бу мен қиладиган охирги иш бўлади».

Бир куни кечаси онамни тушунишга уриниб, Африканинг ёмғирли мавсумини эсладим. Пастдаги ёмғирли булутлар дарахтларнинг чўққиларига тегиб кетгандай бўлар, даҳшатли чақмоқ зарбалари эса тўхтовсиз ерга уриларди. Кулбам остидаги ер силкинар ва мен фақат бир нарсани – хавфсизроқ жойга қочишни хоҳлардим.

Онамнинг боши ҳамиша шундай момақалдироқ марказида бўладими, деб ўйлаб қолдим. Мен унинг расмий ташхиси билан ҳеч қачон қизикмаганман. Паранойями? Шизофрениями? Васваса оқибатидаги тушкунликми? Ҳаммаси биргами ёки яна бошқа нарсамми? Шифокорларнинг ҳулосаси қандай бўлишидан қатъий назар, онамнинг бошидан кечирганлари олдиндан айтиб бўлмайдиган даҳшат, тушкунлик, мастлик, нафрат, ғазаб ва ҳақиқат билан алоқани йўқотиш аралашмаси эди.

Мен унга ачиниш ва ғазаб ҳисси ўртасида қолиб кетдим. Аммо бир нарса ўзгармас эди: мен унинг ҳаётимда бўлишини хоҳламасдим! Шундай имконият ҳақида ўйлаганимдаёқ, елкам тиришарди.

«Турмуш қурсам, у менинг тўйимга келишни хоҳлайди. Нима қилишим керак? Бу воқеани ундан яшира оламанми? Агар у таклиф қилинмаганлигини билса, унинг ҳатти–ҳаракатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Ким билади, агар улар учрашиб қолишса, рафиқамга нима дейди?»

Мен ўзимга онам деярли қашшоқ эканлигини эслатдим. Автостоп – онам ўз ҳаётининг бу босқичида уддалай олмайдиган вазифа – Гринсборога етиб боришининг ягона имконий услуби эди.

Бироқ, мен ташвишланишда давом этдим. *«Агар мен турмуш қурсам, бу унинг кишанланган қўлларини ечиб ташлайди, шунда у менинг олдимга келиб, «Хўш, мен сенинг онангман, шундай экан, менга гамхўрлик қилишинг учун сеникига кўчиб ўтақолай», – деса–чи?»*

Агар чиндан ҳам уни кечирсам, бу муаммони қандай ҳал қилишим мумкин?

Болалар–чи? Мен уларни руҳий касал бувисидан яширишим керак бўладими? Унинг номақбул ҳатти–ҳаракатлари ва реабилитация марказида яшаши ҳақида билишлари керакмикин? Йўқ, улар уни кўрмасликлари ва у билан гаплашмасликлари керак!»

Бу онамнинг ёвуз бўлганлиги учун эмас; шунчаки, мен унинг касал эканлигини билардим. Баъзида, унинг нажотга умидсиз ҳолда, ўз муаммолари гирдобига қамалиб қолганини кўриш менга оғир ботарди. Аммо кейин унинг болалигимдаги сон–саноксиз озор берганларини эслаб, яна нафратланардим.

Мен Паулина ва отамни кечирмоқчи бўлиб ғиштли деворга урилардим, лекин онамни тушуниш жуда, жуда қийин эди. Мен Жойс Митчеллнинг юраги, қалби ва онгида ҳукм сураётган тартибсизликни тушуна олмасдим. Мен қила оладиган энг яхши нарса, бу уни ўзининг ақлдан озишидан халос бўлишга ҳаракат қилаётган, лекин унга янада чуқурроқ ботиб кетаётган жабрланувчи сифатида кўра олиш эди.

Аммо бу етарли эдими? Ўнта амрнинг бешинчи, "ота-онангизни ҳурмат қилинг"* деган амри менга тинчлик бермасди. *«Қандай қилиб? – эътироз билдирардим мен. – Бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун ҳеч нарса қилмаган одамни қандай қилиб ҳурмат қилишим мумкин?»*

* Қаранг: Чик. 20:12.

Худо билан сон—саноксиз беҳуда мунозаралардан сўнг, мен қийин қарорга келдим. Қайсидир маънода, Жойс Митчелл менинг онам бўлиш ҳуқуқидан воз кечди. У менга ҳаёт берди. Аммо унинг вазифалари шу билан тугамади—ку. Оналар ўз фарзандларини яхши кўришлари ва уларга ғамхўрлик қилишлари керак, менинг тасаввуримда эса, у унисини ҳам, бунисини ҳам бажармаган.

Ниҳоят, менга ҳаёт берган аёлни фақат кечириш орқали ҳурмат қилишим мумкин, деган қарорга келдим. Хафагарчиликларни унутиш ва барча қилган ишлари учун уни айбламасдан ҳаёт йўлимда давом этишим керак эди.

Аммо кечиришга қарор қилиш бошқа, қабул қилинган қарорга мувофиқ ҳаракат қилиш эса бошқа нарса. Ақлий жиҳатдан, кечириш, менинг руҳий таскин топиш йўлидаги энг муҳим кадамим эканлигини билардим. Аммо қанчалик уринмайин, ҳис—туйғуларим бошқа нарса ҳақида далолат берарди.

«Худойим! — ибодат қилдим мен. — *Менга шунчалик азоб, шармандалик ва ҳўрлик келтирган одамни қандай кечираман?*»

Осмондаги сукунат — таниш жавоб.

Бу жанг якшанба кунларининг бирида энг авжи нуқтасига етди. Менинг ошқозон ярам бор эди ва шиша идишдан тўғридан—тўғри антацид воситани ҳўплаб ичардим. Дори солинган идиш бўшаб қолганда ярам оғирлашди.

Университет шаҳарчаси яқинида жойлашган дорихонага шошилдим. Ёпиқ! Оғриқни камайтириш учун қўлимни қорнимга босиб, зўрға ётоқхонага қайтдим.

Хонадошим дам олиш кунлари уйига кетган эди. Каравот четига ўтириб, оғриқдан икки букилиб қолган эдим, ўлимим яқинлашаётганини қувонч билан кутиб олишга тайёр эканлигимни ҳис қилдим. Муқаддас Китобга қўл чўзганимда, «Илтимос, менга ёрдам бер», деб ёлвордим.

Муқаддас Китобни очиб, ўқидим: «Барча ташвишингизни Худога топширинглар, чунки У ҳамиша сизларга ғамхўрлик қилади»**.

** Қаранг: 1 Бут. 5:7.

Албатта, мен бу сўзларни аввал ҳам ўқиганман, лекин айни пайтда улар тез ёрдам сифатида юборилганга ўхшайди. Секин—аста тиз чўкиб, Худойимга ўзимни топширдим.

«Мен таслим бўлдим, Худойим. Мен бу муаммони сенинг қўлингга топшираман. Менинг қўрқувим, ғазабим ва оғригимни. Мен уни ҳали кечиролмайман, лекин онамга бўлган ғазабимни Сенга топшираман. Уни ол. Илтимос! Шунчаки, мени ундан халос эт».

Тиз чўкиб ўтказган вақтим абадийдек туюлди. Ниҳоят ўрнимдан туриб каравотга ўтиришга куч топдим.

Бир соатдан камроқ вақт ичида оғриқ йўқолди ва чуқур уйкуга кетдим. Эртаси куни эрталаб, душанба куни ҳам оғриқни ҳис қилмадим. Ва икки ҳафта ўтгач, ошқозон ярам босилгани маълум бўлди. Ва у билан бирга ичимда яширинган қўрқув, оғриқ ва ғазаб ҳам деярли йўқолди.

Ўша унутилмас якшанба кунидан тахминан уч ҳафта ўтгач, мен ўзимдан—ўзим сўрадим: «*Хўш, Роб? Онангни кечиришга тайёрмисан?*»

Вақти—вақти билан мени қуршаб оладиган ташвиш ва қорним дам бўлишига қарамай, Худо менга Унинг учун имконсиз нарса йўқлигини кўрсатганини англадим. Шунинг учун баланд овозда ибодат қилдим: «Худойим, мени кечирганинг ёлғон бўлишини хоҳламайман. Мен ўзимни алдамоқчи эмасман. Агар юрагимда заррача ҳийла бўлса, онамни кечиришимни сўраб, Сендан ёрдам сўрашни истамайман».

Мен Худодан онам билан самимий ярашишга тайёр эканлигимни тушунишга ёрдам беришини сўрадим. Ва кейинги ҳафтада юрагим ва онгим ғайритабиий хотиржамлик ҳолатидан завқланди*. Вақти келганини англадим.

* Қаранг: Фил. 4:7

Йигирма икки ёшимда тиз чўкиб, онамни бутунлай кечиришим учун Худодан ёрдам сўрадим.

Мен Паулинани ва ота—онамни кечиришим учун хавфли саёҳатга чиққанимга уч ой бўлди. Гарчи бу саёҳат ҳали яқунланмаган бўлсада, энди руҳий яраларим йиринглашдан тўхташини билардим. Ва охир—оқибат, чандиқ излари қолса ҳам, тузалиб кетади.

Ўзимни болалик жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган жабрланувчидек ҳис қилишни тўхтатишга қарор қилиб, оёқларимдаги оғир кишанлар олиб ташлангандек, эркин ҳис қилдим**. Бундан буён ҳаёт дарёси қаерга олиб кетса, ўша ерда эркин ҳаракатлана олардим.

Мен бу оқимга қандай умидлар боғлаганимни билардим. Ҳеч қачон ҳақиқий инсоний оилага эга бўлиш орзуси мени тарк этмаган.

Ўтмишимдан узоқроқни ҳам кўра оладиган турмуш ўртоғини топсам, шундай аёлни учратиш насиб қилсагина, орзуим ушалар эди.

** Қаранг: Гал. 5:1.

28. ЙЎҚОТИЛГАН БОЛАЛАР

Бироқ ҳозиргача Роб Митчелл хоним ролига бирорта ҳам номзод уфқда кўринмасди. Шунинг учун бўлажак оиламни излашнинг ушбу босқичини бир муддатга кечиктиришга тўғри келди. Коллежнинг охириги босқичида мен болалар билан тил топиша оламанми — йўқми, буни билиш имкониятига эга бўлдим.

Фақат булар оддий болалар эмас эди. Уларни ҳам ташлаб кетишганди.

Биринчи босқичдаёқ мен коллеж яқинидаги жамоатнинг ёшлар гуруҳини бошқарар эдим. Энди ўзимда ёрдам беришга куч топиб, Гринсборо яқинида жойлашган «Нэт грин хоум» етимхонасида кўнгилли бўлиб ишлашга қарор қилдим. Тез орада мени душанба кунлари Муқаддас Китоб сабоқлари ва мунозара гуруҳига ўхшаш дарс ўтказишга таклиф қилишди.

Етимхонада тарбиячилар ва ҳаётдан хафа бўлган саккиз нафар ўсмир бор эди. Бунда яшовчилар мен биргаликда ўсиб—улғайган болалардан фарқ қилмасди; уларнинг муаммолари менга жуда таниш эди.

Менга қарши чиқишларига кўп вақт кетмади.

— Сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? — деб тўнғиллади менга яқинлашиб ўн икки яшар ғзаби қайнаган бола ва ўқрайиб қаради. — Сен бизнинг кимлигимизни ва қаердан келганимизни билмайсан!

Болани кўкрагидан ушлаб бир кўлим билан полдан кўтариб деворга босдим. У оёқлари билан тепсиниб, менга қараганида, хотиржамгина дедим:

— Йўқ, сен менинг кимлигим ва қаердан келганимни билмайсан. Энди эса ўтир ва эшит.

Мен уни курсига ўтқизар эканман, бола мендан кўзларини узмай қолди. Бошқалар эса, ўзини етакчиси деб тан олган болани жазолаганимдан ҳайратга тушиб, индашмади.

— Энди сиз мени тинглашга тайёрсиз, — дедим мен, — ҳеч қандай катталар сизни тушунишга қодир эмаслигига ишониш учун барча асосларингиз бор. Балки сиз ҳақдирсиз. Уларнинг кўпчилиги сизга ачинишлари мумкин, лекин улар сизнинг ҳис—туйғуларингизни ва қандай азоб чекаётганингизни тушунишмайди. Лекин мен биламан, чунки мен сизнинг ўрнингизда бўлганман. Уч ёшимда етимхонага ташлаб кетишди ва умримнинг ўн тўрт йилини у ерда ўтказдим. Ўн етти ёшимда “хоҳлаган тарафингга кетавер” деб, менга автобус чиптасини тутқазишди, шундан бери ўзим ёлғиз яшайман.

Саккиз жуфт очиқ кўз менга тикилиб турарди, лекин ҳамон ҳамма жим эди.

— Ишонинг, мен сизни тушунаман!

Дастлабки қарахтлик йўқолгач, саволлар ёғила бошлади:

— Қаерда яшадингиз?

— Иллинойсда.

— Сиз эндигина уч ёшдамингиз?

– Худди шундай.
– Ўзи нима бўлган?
– Отам бизни ташлаб кетди, у бошига курол ўқтаб, тепкини босиб юборган.
– Менинг отам эса гиёҳванд моддалар учун муштлашувда ўлдирилган! Сизнинг отангиз ўз жонига қасд қилганми?

– Йўқ, лекин у миясига зарар етказган ва умрининг охиригача рухий касаллар клиникаси бемори бўлиб қолади.

– Менинг отам эса фақатгина ўн йилдан кейин қамоқдан чиқади. Бир кун келиб мен уни кўраман. Гарчи у менга тупурган бўлса ҳам. Сиз отангизни олдига бориб турасизми?

– Йўқ. Лекин борган тақдирда ҳам у мени танимасди.

– Онангизга нима бўлган? У қаерда?

– Чикаго кўчаларида уйсиз; баъзан етимхона ёки реабилитация марказларига тушиб қолади.

– Менинг онам ичади.

– Сизга қарайдиган бувингиз борми?

– Шунга ўхшаш. У ажойиб, лекин камбағал ва қариб қолган. Чикагода яшайди.

– Менинг бувим муаммога дуч келмагунимча ғамхўрлик қилади. Кейин эса шунга ўхшаш жойларга юборади. Бу жой ҳарқалай мен бўлган жойларга нисбатан дурустроқ. Сизнинг опа–сингилларингиз ва ака–укаларингиз борми?

– Йўқ, мен ёлғизман.

– Менинг акам вафот этди, опаларим эса турмушга чиқиб, фарзандли бўлишган.

Ҳеч ким ўз ҳикоялари тафсилотларини ошкор қилишга шошилмаётган бўлса–да, ҳамма мен ҳақимда иложи борица кўпроқ билишни хоҳларди. Мен улардан маълумот сўрамасдан барча саволларга жавоб берардим. Улар менга ишонишлари учун бироз вақт ўтишини билардим.

Бир–икки ҳафта ўтгач, улар мени ўзлариники деб тан олиб, тиканларини яширишди. Мен уларнинг ёшида ўзимни қандай ҳис қилганим ва ёлғизлик, жаҳл ва бошқа шахсий муаммоларга қандай муносабатда бўлганим ҳақида гаплашардик. Улар менинг маслаҳатимга жуда умидвор эдилар.

Ғалати туюлишни истамаганим учун, мен ҳар доим болалигимни «одатий» одамлар билан муҳокама қилишдан қочардим. Аммо бу ерда бундай гап–сўзлар одатдагидек эди.

Бу болалар учун ижтимоий ҳимоя тизимида ўн тўрт йил яшаб, бироқ омон қолишга, қамоқхонага тушиб қолмасликка ва коллежни деярли тугатишга муваффақ бўлган одам билан учрашиш, ўз тақдирларида мумкин бўлган муваффақиятли натижага умид боғлаш билан баробар эди. Мен ўз ҳикоямни айтиб бериш орқали, ўзини ташландик, севилмаган, ёлғиз, рад этилган, ғазабланган ёки ақлдан озган деб ҳис қилганларга ёрдам бера оламан деб ўйлай бошладим. Мен кўнгилли бўлиб хизмат қилган йил давомида бир нечта ўғил бола Масихга топинишди ва яхши томонга ўзгаришга қарор қилишди.

Ҳаётимдаги бурилиш нуқтаси мен буни англамасдан олдин содир бўлди. Мен олдин кутмаган ҳодиса юз берди.

Коллеждаги ўқишим ниҳоясига етди.

Мен ҳеч қачон коллежга кира олмайман деб ўйлаганимни эсладим; етимхонадаги кўпгина ходимларнинг айтишича, етимхонанинг йигирма ёки ундан ортиқ йиллик фаолияти давомида унинг фақат иккита тарбияланувчисигина коллежни битиришга муваффақ бўлган экан.

Тушунишимча, дипломим нафақат мен учун, балки доим менга ишонган Жижи учун ҳам, шунингдек, олий маълумотли бўла олиши мумкинлигини кўриши керак бўлгани етимхона ўғил–қизлари ва уларга ўхшаганлар учун ҳам жуда катта ютуқ бўлди.

Дипломларни топшириш 1977 йил баҳорининг гўзал кунига тўғри келди. Дипломни қўлимга тутиб, жойимга ўтирдим, ҳиссиётлар тўлқини мени қамраб олди. Мен унсиз кўз ёшларимни ушлаб туrolмадим.

Мен ўзим учун йиғламадим. Бу кўз ёшлари бундай муваффақиятга эриша олмаган барча ташлаб кетилган болалар учун ва ҳали ҳам олий маълумот олиш имкониятига эга бўлганлар учун тўкилган эди.

«Худойим, – деб ёлвордим мен, – ўзларининг оғир ўтмишини енгиб ўтишига ҳаракат қилаётганлар учун далда берувчи ўрнак бўлишига ёрдам бер».

Бу қандай содир бўлишини билмасдим. Аслида мени келажакда нима кутаётганини билмасдим. Мен семинарияда ўқишни давом эттирмоқчи эдим, лекин етарлича пул йиға олмадим. Аммо мен бутун мамлакат бўйлаб саёҳат қилишга – ўзига хос Америка сафарига умид боғлагандим.

Бу саёҳатга пул топиш учун қоғоз фабрикасига ишга кирдим. Мен шаҳар четида яшовчи бева аёлдан арзон хонани ижарага олдим. Менинг янги уйимдан заводгача ва орқага жами ўттиз миль йўл эди ва яхши об-ҳавода бензинга пул тежаш учун мен велосипедда қатнардим. Ҳамкасбларим мени ақлдан озган деб ўйлашарди.

Ўзимни етимхонанинг ноодатий собиқ тарбияланувчиси сифатида ҳис қилиш ёқимли эди. Шунга қарамай, мен ўзимга ва бутун дунёга собиқ етим эмаслигимни исботлаш учун жамоатдаги ёшлар гуруҳини бошқариш ва «Нэт грин хоум» болалар уйида ўсмирлар билан ишлаш каби кўп ишларни ўз зиммамга олмадиммикан, деб ўйлардим.

Тез орада мен, агарда ишқал қилиб қўймасам, энг катта орзуларимга эришмоғим учун менга ёрдам берадиган қизни учратишимни қаердан ҳам билардим дейсиз?..

29. СЬЮЗЕН БИЛАН ТАНИШУВ

Коллежни битирганимга бир неча ой бўлди. Бир куни дўстим Дэвид мени сўнгги икки йил давомида ўзим бошқарган Муқаддас Китобни ўрганиш гуруҳи билан учрашиш учун университет шаҳарчасига таклиф қилди. Октябрда ёққан қор – жуда ноёб ҳодиса бўлиб, – мени бу фикрдан воз кечишга деярли ишонтирди, лекин охириги дақиқада барибир боришга қарор қилдим.

Шу билан бирга, шаҳарнинг бошқа чеккасидаги коллежда ўқийдиган Дэвиднинг қиз ўртоғи Аннет икки дугонасини Дэвид ва унинг ўртоқлари футбол мухлислари билан қорбўрон ўйнаши учун Гилфордга келишга кўндирган. Қизлар бу таклиф билан гуруҳ йиғилишига келганларида, Дэвид уларга шундай деди: «Ажойиб! Лекин фақат Муқаддас Китоб дарсидан кейин». Ва бу учта масиҳий қиз йиғилишда қолишга қарор қилишди.

Шундай қилиб, йигирма уч ёшли коллеж битирувчиси сифатида мен кўрган қизлар ичида энг гўзал бир қизни кўриб қолдим ва ҳатто мўъжизавий равишда оёқда туришга ва ҳушимдан кетмасликка муваффақ бўлдим.

Бу гўзалнинг ажойиб тўлқинсимон оқ сариқ сочлари ҳар қандай аёлнинг ҳасадини келтирадиган даражадаги келишган қадди-қоматини кўз-кўз қилиб, деярли белигача тушиб турар эди. Юрагим дукиллаб кетди. Ундан кўзларимни узолмай, тахта бўлиб қотиб қолдим. Ва кейинги бир соат ичида жуда катта қийинчилик билан фикрларим мени ташриф мақсадига қайтарди.

«Худойим, менга ёрдам бер, – деб ёлворди, янги «мен»им. – Агар мен у билан танишишига муваффақ бўлсам, унинг йигити бўлмасин-да. Унда яхши таассурот қолдиришига ва фикрларимни Сеникидек пок сақлашига ёрдам бер».

Аммо эски «мен»им дарҳол ўйлади: *«Вой-вўўўй! Қушча, қўлга тушидинг-ку! Овчи овга чиқди!»*

Муқаддас Китоб сабоқларини ибодат билан тугатиб, собиқ курсдошларим билан қўл бериб кўришганимдан сўнг, Аннет ва унинг дугоналарига қўшилишга шошилдим. Дэвиднинг қиз ўртоғини бағримга босгандан сўнг, мен Филлис исмли қиз билан танишдим, кейин эса оқ – малласоч гўзалга ўгирилдим. Мен оқилона фикр юритиш қобилятини бутунлай йўқотиб қўйдим ва кейинги дақиқада нима деб ўринсиз гапириб қўйишимни билмасдим.

Оқ сариқ сочли гўзал жанублик аёлларга хос нафис қўлини чўзиб, менга:
– Салом, мен Сьюзенман, – деди.

Ниҳоят, у оҳиста, аммо қатъият билан қўлимдан сиқилган қўлини халос қилишга уринаётганини сезганимда, саломлашиш бироз чўзилгани маълум бўлди. Ҳеч қандай қизикроқ гап тополмасдан, мен сўрадим:

– Демак, қизлар, сизлар Аннет билан бирга ўқийсизларми?

Менга ҳайрон бўлиб қараб, Сьюзен жавоб берди:

– Ҳа, Аннет билан менинг мутахассислигимиз – интерьер дизайни.

– Кечирасиз, бу нима дегани?

Ўз саволимдан ўзим уялиб, чин юракдан ўзимга маслаҳат бердим: *«Жим бўл! Яхшиси жим бўл!»*

– Турар жой ва тижорат биноларини безатиш, – деб жавоб берди у.

«Тушундингми? Аҳмоқ, – ўзимга пўписа қилдим мен. – У қисқа жавоб берапти. Қани, ўзингни қўлга олсангчи».

Сьюзен ташаббусни қўлга олиб, қарама–қарши савол берди:

– Роб, сенинг мутахассислигинг нима?

– Бу йил баҳорда коллежни тугатдим ва хизмат қилишни бошламоқчиман. – Шу каби гаплар уни ҳайратда қолдиришига мен амин эдим.

– Қайси жамоат мазҳабида?

Тўғри жавоб эсимдан чиқиб кетди ва мен тарс этиб:

– Масихийлик, – деб юбордим.

Ҳа, зўр жавоб бўлди, таассурот қолдирдим.

– Хўш, сен билан танишганимдан хурсандман, – деди Сьюзен мулойимлик билан. – Энди кетишимиз керак.

У ўтирилди ва сохта даҳшат ичида кўзларини пирпиратган Аннет ва Филлис билан бирга чиқиш томон йўл олди.

Мен унга етиб олмакчи эдим, лекин қимирлай олмадим. «Мени кутиб тур!» – деб бақиргим келди, лекин ҳеч нима демадим.

Дэвид кулиб, қизларни эшик олдига олиб борди ва улар билан хайрлашди. Мен уларга эргашишга журъат эта олмадим, чунки Сьюзен мен уни умуман қизиқтирмаслигимни билдирди.

Аммо у ҳали кимлигимни билмас эди.

Бу қиз фақат ўзининг ғайритабiiй гўзаллиги билангина таассурот қолдирган эмас. Таҳқирланган иззат–нафсми, шахвоний нафсми ёки руҳий сабабми, менинг қатъиятимга нима сабаб бўлганини тушунмай, танишувнинг кейинги босқичини режалаштиришга киришдим.

Сьюзен ва Аннет талабалар ётоқхонасининг бир қаватида яшаганлари учун мен Дэвиддан Сьюзеннинг хонаси ёнидаги телефон рақамини сўрадим. Қолаверса, мен унга Сьюзенга ҳеч нарса демаслик ваъдасини олдим; у менга йўқ дейишидан олдин, мен имкониятдан фойдаланиб, уни бирон жойга таклиф қилмоқчи эдим.

Уч ҳафта давомида мен бир неча марта Сьюзенга қўнғироқ қилишга ҳаракат қилдим. Аммо унга ким қўнғироқ қилаётганини билса, рад этишидан қўркиб, ҳеч қачон исминини айтмадим.

Ниҳоят, бир куни кечқурун уни телефонга чақириб беришди. Телефонда унинг овозини эшитиб, зўрға ичимдан суғуриб олдим:

– Сьюзен, бу мен, Робман, Дэвиднинг дўсти. Бир неча ҳафта олдин биз Муқаддас Китоб дарсида учрашган эдик.

– Ҳа, эслайман, – деди у мулойимлик билан, овозида заррача иштиёқсиз.

– Ишончим комилки, ўша оқшом сенда яхши таассурот қолдирмадим, – дедим мен олдиндан тайёрлаб қўйган иборада. – Аммо мен бир–биримизни билишимиз мумкин бўлган қисқа учрашув учун ҳам жуда миннатдор бўлардим. Кейинги ҳафтада мен киногами ёки сенга ёқадиган бошқа жойгами таклиф қилишга умид қилсам бўладими?

Рад этишини эшитаман деб ишониб, нафас чиқармай турдим.

– Ўйлайманки, умид қилишинг мумкин.

«Ҳа! – деб ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим мен. Кейин ўзимни ўзим огоҳлантирдим: – Тинчлан. Ўзингни қўлга ол. Гапни чўзма. Аҳмоққа ўхшаб гапирма ва ўз имкониятингни қўлдан бой берма».

– Жуда яхши! – дедим мен, қалбимга тўлиб-тошган қувончимни ўн баробар камайтиришга уриниб. Ва унга қулай бўлган учрашув кунини билиб, гўшакни қўйдим. Мен ҳайрон бўлиб ўриндиққа суяниб ўтирдим ва ҳайрат билан оёқларим титраётганини пайқадим.

Биринчи учрашувимиз кечаси Сьюзенни олиб кетгани келганимда, у машинамга қараганда, унинг юзида ярқ этган нозик эҳтиёткорликни сезиб қолдим.

Бир неча ой олдин мен биринчи автомобилим, 1960 йилларда ишлаб чиқарилган «Форд ферлейн» универсал учун 300 доллар тўлаганман. Бу занглаган темир тоғорани олишга ягона сабаб унинг ишлайдиган мотори ва трансмиссияси эди. Мен эшик панелини олиб ташлашим, йўловчи томондаги эшик ойнасини ушлаб туриши учун эса ёғоч брус бўлагини тикиб қўйишимга тўғри келди. Машинанинг пасти шу қадар занглаб кетган эдики, оёғим остидан йўлни кўриш мумкин эди, мени ерга йиқилиб тушишдан эса фанер бўлаги ушлаб турарди. Винил ўриндиқлар, очиғини айтганда, янги эмас эди, хавфсизлик камарлари эса, мажбурий тўпламга киритилмаганлиги сабабли, умуман йўқ эди.

«Машинани қандай номлаймиз» танловини бошлаган ёшлар гуруҳимизнинг йигитлари бу чиқиндини «Ғилдираклардаги мўъжиза» деб номлашди. Мўъжизадан бошқа йўл билан бу тоғоранинг ҳаракатланишини тушунтириш мумкин эмас эди.

Шунинг учун, Сьюзеннинг машинамга бўлган муносабати жуда ҳаққоний эди. Бу унинг ҳашаматга ўрганиб қолганидан эмас – унинг отаси методист жамоатининг чўпони эди. Шунчаки, менинг автосаноат қолдигим жуда хавфли кўринарди.

Мен унга машина эшигини очганимда, у сирпанчиқ олд ўриндиққа, йўловчи эшигига орқасини ўгириб, олд ойнага эмас, менга қараб ўтириб олди.

Бироз ҳайдаб борганимдан кейин мен ундан сўрадим:

– Шу кўчадан юриб кинотеатрга борамизми?

– Сен бир нечта мавзе олдин бурилишни ўтказиб юбординг.

– Мен ҳам шундай деб ўйладим.

«Ҳой, йўл бўш. Нега бурилмас эканман?» Мен индамай секинлашдим ва чапга рулни кескин айлантириб юбордим.

Шу пайт Сьюзен ўриндиқдан сирғалиб тушиб, йўловчи эшигига урилди ва, оёқларини юқорига кўтариб қулаб тушди.

Жуда хунук иш бўлди.

У даҳшатга тушди. Мен ҳам.

Яна ўзимни етимхонанинг боласидек ҳис қилиб, машинани йўл четига қўйиб, кечирим сўрашни тўхтатмасдан, ўрнидан туришига ёрдам бердим. Терга ботиб, «менга бошқа ҳеч қачон қўнғироқ қилма» дейишини кутдим.

Бунинг ўрнига:

– Ҳечқиси йўқ, Роб. Кел, кино кўришга бора қолайлик, – деганини эшитдим.

Бизга фильм ёқди, лекин кейин мен дарҳол Сьюзенни ётоқхонага қайтариб олиб бориб қўйдим ва яна бир аҳмоқона қилиқ қилиб қўймасимдан, хайрлашаётганда уни ўпиб қўйишга ҳам уринмадим.

Ажабланарлиси шундаки, у иккинчи учрашувга ҳам рози бўлди ва у анча муваффақиятлироқ ўтди. Хонамда ўтириб узок гаплашдик, кейин гитара олиб қўшиқ қуйладик.

Биз машинам олдига борар эканмиз, у шаҳар кўчаларининг ёруғлигидан узоқда, юлдузларнинг қанчалик ёрқин эканлигига ҳайрон бўлиб тўхтади. Мен чидаб туролмай, Сьюзенни ўзимга ўгириб қучоғимга олдим.

– Менга жуда мос келишингни биласанми? – деб сўрадим.

Менинг сўзларим атайлаб уюштирилганига қарамай, биз бир-биримизга жуда мос эдик. Ва Сьюзенни хайрлашаётганда ўпгач, уни уйига олиб бориб қўйдим.

Менимча, муносабатларимиз давом этиши учун яхши имконият бордек туюлди. Аммо тез орада менинг ўтмишим яна ҳамма нарсани мураккаблаштиргани маълум бўлди.

Учинчи учрашувимиз режалаштирилган окшомда мен душ қабул қилиш ва кийим алмаштириш ниятида ишдан уйга қайтдим. Орқамдан эшик ёпилиши билан ошхонадан келаётган уй бекасининг овозини эшитиб қолдим:

– Кутиб тур, Роб. Мен сенга бир хабарни айтишим керак.

Зинадан иккинчи қаватга кўтарилишда давом этиб, елкамдан орқага қараб:

– Кечирасиз, лекин учрашувга кечикяпман. Бу хабар эртагача кутиб тура оладими? – дедим.

– Йўк, Роб, – деди уй бекаси қатъий оҳангда. – Кутиб тура олмайди.

Мен жойимда қотиб қолдим.

– Роб, мен сенга қандай айтишни билмаяпман, лекин... – У кўзларини ерга қаратиб, эшитилар–эшитилмас оҳангда: – Роб, менга бугун эрталаб қўнғироқ қилишди. Жуда афсусдаман. Онанг вафот этибди.

Мен жавоб беришга иккиландим. Менинг лоқайдлигим бу аёлнинг руҳини туширишини билиб, айтдим:

– Афсуски... болалигим ҳақида сиз билмаган нарсалар кўп, – дедим сўзларимни иложи борица эҳтиёткорлик билан танлаб. – Гап шундаки, ота–онам мени ташлаб кетишган, етимхонада тарбияланганман. Бу жуда чалкаш ҳикоя. Ваъда бераман, эртага бу ҳақда батафсил айтиб бераман. Ҳозир эса, илтимос, мени онасининг ўлимига қайғурмаётган маҳлуқ деб ўйламасликка ҳаракат қилинг. Аслида бу аёл менинг онам эмас эди.

Уй бекаси менинг жавобимдан ҳайратда қолгани аниқ эди. Бундай гапларни айтишига сабаб бўлса керак деб ўйлаб, бош ирғаб, ошхонага кетди.

Кийимимни алмаштиргач, Сьюзен билан учрашувга кетдим. Бу сафар биз концертга бордик. Унинг ёнида ўтириб, онамнинг ўлими ҳақида айтишга журъат қилолмадим.

Сьюзен жуда кўнглинчан одам эканлигини билардим, лекин ҳозирча унга бундай янгиликни айтишга уялдим.

«Сьюзенга онамнинг ўлими мен учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини қандай тушунтириб бераман? – деб ўйладим. – Умуман олганда, қандай қилиб, мен кимгадир ўзимни енгил тортганимни тушунтириб бера оламан?»

Сьюзен ўз оиласини жуда яхши кўришини билардим. Ва агар унинг қариндошларидан бири вафот этганида эди, у концертда бир дақиқа ҳам қолмаган бўларди. У ўлган одамга аза очиб, уйига шошилган бўларди. Мен унга бундай хабарга бўлган ўта совуққон муносабатимни қандай тушунтиришни билмасдим. Мен муносабатларимизни хавф остига қўйишга тайёр эмасдим ва ҳеч нарса айтмасликка қарор қилдим.

Концертдан кейин мен ҳаддан ташқари сукут сақлаганим учун узр сўраб, Сьюзенга учрашувимизни режалаштирилганидан биров олдинроқ тугатишни таклиф қилдим.

– Илтимос, менга ишон, – деб ишонтирдим мен уни, – бунинг сенга ёки бизнинг муносабатларимизга ҳеч қандай алоқаси йўк. Шунчаки, менинг кайфиятим жуда ёмон ва сеникини ҳам бузмоқчи эмасман. Эртага сенга қўнғироқ қиламан.

У ҳайрон бўлди, лекин рози бўлди. Уйда ҳамма нарсани ўйлаб кўришга вақтим бор эди.

«Жойс Митчелл вафот этди». Мен ҳақиқатан ҳам енгиллик ҳис қилдим.

Онамни кечирганимдан бери яна икки марта кўришдик. Афсуски, унинг руҳий ҳолати уни кечирганимни айтишга имкон бермади.

Мен унинг ўлиmidан хурсанд эмасдим, лекин хафа ҳам эмасдим. Охир–оқибат, ўзини эллик тўрт йил давомида қийнаб келган азоб–уқубатлардан халос бўлди. Руҳий касал одамнинг ўлиmidан кейинги тақдирини Худо қандай ҳал қилишини билмасдим, лекин унинг руҳи ниҳоят таскин топишига умид қилгандим.

Эртаси куни эрталаб Жижи билан телефонда гаплашдим. Чикагога учиб боришим керакми, нима деб ўйлайсиз, деган саволимга у шундай жавоб берди:

– Йўқ, Робби. Бошпана ходимлари хотиралаш маросимини белгилаб бўлишган ва Жойсни қашшоқлар қабристонига дафн этишади. Дафн маросимида қатнашадиган даражада соғлом эмасман, унинг узоқ вақтдан бери танишлари ҳам йўқ. Шунинг учун мен уйда қолиб, унинг учун ибодат қиламан. Бечора қизим учун кўлимдан келгани шу.

Жиждан мени онамни дафн этишга ва ўзим ҳис қилмаган қайғуни кўрсатиш учун Чикагога учиб мажбур қилмагани учун миннатдор эдим. Аммо бир неча кундан кейин ҳам мен бу масалани Съюзен билан қандай муҳокама қилишни билмасдим.

Бундан ташқари, мен янада ташвишли ҳақиқатни англай бошладим: ўтмишим туфайли мен аёллар билан қандай қилиб жиддий муносабатлар ўрнатишни билмасдим.

30. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Съюзен билан бўлган муносабатларимда эҳтирос ўрнини совуққонлик эгаллай бошлади. Умиддан илҳомланиб биз яқинлашардик ёки биримиз ёхуд иккаламиз ноқулайликни бошдан кечирганимизда эса ажралишардик. Одатда бизнинг ажралишларимиз икки ёки уч ҳафтадан ошмасди. Охир–оқибат, биримиз иккинчимизга кўнғироқ қилар ва муносабатларимизни қайта тиклар эдик.

Ёши катта маслаҳатчиларим бўлмагани учун, мен бу янги ва мен учун номаълум бўлган шароитларда қандай ҳаракатланишни билмасдим. Мен эга бўлган барча тажрибалар эса «Оззи ва Харриетнинг саргузаштлари», «Отам яхшироқ билади» ва «Уни Биверга қўйиб беринг» каби бир нечта эски телешоулардан олинган. Ушбу телешоуларда бир ярим соат ичида ҳар қандай қийинчиликлардан чиқиш йўлини топа оладиган никоҳдаги намунавий жуфтликлар тасвирланган. Бундан ташқари, улар учрашув, никоҳ ва болалар туғилишининг энг қийин вазифаларини ҳам аллақачон ҳал қилиб бўлишган.

Мен худди шундай бахтли оилани яратишни орзу қилардим, лекин буни қандай амалга оширишни билмасдим. Бир куни Съюзенга тан олиб айтганимда шуни билдим:

– Бу ёз учун режалаштирилган Америка сафариси тугаганда қаерда пайдо бўлиб қолишимни билмайман.

Унинг жавоби мени ҳайратда қолдирди:

– Мен эса муносабатларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керакми ёки уни тугатиш осонроқми, билмайман. Жуфт сифатида биз сен тан олишга тайёр бўлганингдан кўра кўпроқ имкониятларга эгамиз. Лекин мен сенинг ҳам худди шундай хулосага келишингни кутишни хоҳлаётганимга ишончим комил эмас.

Нима дейишни билмай, мавзуни ўзгартирдим. Чунки у билан хайрлашишни истамай, айна пайтда бошқа нарсага тайёр эмаслигимни тушунтира олмадим.

Бироқ, Съюзен мени Шимолий Каролинадаги Чайна Гроувга таклиф қилиш ва уни оиласи билан таништириш учун узоқ вақт сабр қилди. Соқоллар ҳали ҳам исёнкорликнинг рамзи сифатида кўриларди, айниқса Американинг жанубий штатларида, шунинг учун ҳам Съюзеннинг ота–онаси билан учрашувга отланганимда, менинг янги соқолим, шунингдек, оила ҳақида гапиришни истамаслигим, буни исботлашга деярли ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Унинг онаси картошка бўтқаси, қайла, сабзавот ва булочка билан энг мазали димланган гўшт тайёрлаган эди. Ерёнғоқ мойи ва желе сурилган тост ва яна хот–доғлар еб кун кечирадиган йигит учун, албатта, бу ҳақиқий базм эди.

Съюзеннинг иккита ўсмир укаси ҳар бири биттадан порция ейишганини кўриб, ўша куни улар чипсларни ҳаддан ташқари ошириб юборишган деб ўйладим. Мен Съюзеннинг онасига овқат учун миннатдорчилик билдира бошлаганимда, у жилмайиб, «Ош бўлсин, тортинма», деди. Ва мени ортиқча кўндириш шарт эмасди.

Мен чуқур пушаймон бўлиб, кейинроқ билиб олдимки, дўстимнинг оиласи камтарона чўпон маошига яшаб, пиширилган димламани камида иккита кечки овқат учун етади деб ўйлашган. Аммо тўйиб еб бўлганимдан кейин қолгани зўрға сэндвичга етди.

Шунинг учун ҳам иссиқ овқатдан сўнг ликопчаларни йиғиштириб оларкан, Сьюзеннинг онаси пичирлади: «Бу йигит ҳақида катта режалар тузма, азизим. Сен унинг қорнини овқатга тўйдиролмайсан».

Кечки овқатдан кейин меҳмонхонада ўтириб, Сьюзеннинг отаси билан илоҳиёт ҳақида суҳбатлашдик ва мен унинг укаларидан бири онасига: «У жуда ақлли кўринаркан. Лекин жуда очофат экан!» – деганини эшитиб қолдим.

Шунга қарамай, мен бу танишувдан кўп нарса йўқотмадим. Ва Сьюзен ҳамда мен Гринсборога қайтганимизда, муносабатларимиз бироз ишончлироқ тус олди.

Балки у менинг эркинликка муҳтожлигимни тушунгани учун шундай бўлгандир, гарчи мен унга ўтмишим ҳақида ҳеч қачон айтмаган бўлсамда. Сьюзен менинг кичик орзуларим билан шуғулланишимга имкон берди, лекин ҳар доим муносабатларимизга қайтиш учун сабаб қолдирарди. Бунга сабаб ҳам аслида унинг ўзи эди. Гап бунда нафақат унинг ғайритабиий гўзаллигида эмас, балки унинг ички гўзаллиги ҳам менда яхшироқ бўлиш истагини уйғотарди.

У мени бошқа йўллар билан ҳам ўсишга мажбур қиларди, улардан бири унинг эсга солувчи саволлар бериш қобилияти эди. Мен сотиб олган эски юк машинасининг двигателини қайта қуришга қарор қилганимда, Сьюзен сўради:

– Сен бу машинага жуда кўп куч сарфлайсан. Нима мақсадда?

– Буни тузата оламанми ёки йўқми, билиш учун, – жавоб бердим мен.

Бу менинг «оддий эркакча ҳаракатларга» қодир эканлигимни ўзимга исботлаш учун тан олишдан кўра яхшироқ эшитиларди. Бу каби саволлар менга ўз мавқеимни аниқлаб олишга шошилиш ўрнига, тўхтаб ўйлашга ёрдам берарди. Бундан ташқари, Сьюзен мени қандай қилиб янада ижтимоий жиҳатдан мослашган одамга айлантиришни биларди. Аммо шу билан бирга, ўзимни ҳар доим эркак каби ҳис қилишим учун у эҳтиёткорона ҳаракат қилар эди.

Учрашувимиздан тахминан беш ой ўтгач, Сьюзен менинг болалигим ҳақидаги ҳикояга қандай муносабатда бўлишини билиш вақти келди деган қарорга келдим. Унинг муносабати бизнинг муносабатларимиз учун мажбурий бўлмаган танишувдан ташқарига чиқиш имконияти бор ёки йўқлигини кўрсатиши керак эди.

Мен жуда кўрқиб кетдим. Ўтмишим ҳақидаги ҳақиқатни кимгадир ишониб топшириш ҳали ҳам мен учун жуда катта хавф бўлиб туюларди; ёшлар гуруҳидаги ўсмирларимнинг ота-оналарига, улар мени ўз фарзандлари учун нолойиқ раҳбар деб ўйлашларидан кўрқиб, у ҳақда айтмагандим.

Ва бир куни кечқурун дедим:

– Сьюзен, мен сенга ўтмишим ҳақида айтиб беришим керак. Балки, талабаларнинг гольф майдончаси атрофида сайр қилиб келармиз? Бу менга очиқчасига гаплашиб олишимизни анча осонлаштиради.

Унга ўз воқеамни айтиб бераётганимда, кўркувдан тиззаларим қалтирарди. Сьюзен гапимни бўлмасдан тинглади.

Тугатиб бўлгандан сўнг, мен шошилиб қўшиб қўйдим:

– Агар энди мен билан учрашишни истамасанг, сени тўғри тушунаман.

Биз юришда давом этдик, у эса сукут сақлашда давом этди. Ҳар қадамда юрагим қийидан чиқиб кетаётгандек эди.

Ниҳоят, Сьюзен тўхтади ва менга ўгирилди.

– Нега буларни айтиб бердинг? – сўради у. – Нима, сенингча, мен сен билан фақатгина бахтсиз болалигинг туфайли учрашишни хоҳламаслигим керакми? Сени бошдан кечирганларинг учун ҳурмат қилишдан тўхтамадим. Бундан ташқари, сен бундай қийин синовларни қандай енгганингдан ҳайратда қолдим. *Албатта*, мен сен билан учрашишни давом эттириш ниятидаман.

Агар ҳикоям мени ҳис-туйғулардан бутунлай маҳрум қилмаганида, юрагим қийидан отилиб чиққан бўлар эди.

– Мен сенинг ҳар қандай саволингга жавоб беришга ҳаракат қиламан, – деб ваъда бердим, – лекин иложи бўлса, кейинги сафар. Сенга ўзим ҳақимда айтиб бериш учун жасорат тўплашим қийин. Сенинг сўзларинг учун қанчалик миннатдор эканлигимни билмайсан, лекин бугун бу ҳақда бошқа гапирмасликни афзал кўраман. Келишдикми?

Сьюзен бош ирғади. Индамай у мени ўзига тортди ва маҳкам қучоқлади.

Нима бўлаётганига ишоналмадим. Мен ҳайдалишга тайёр эдим, лекин бундай натижага эмас. *«Бу ҳақиқат бўлиши мумкинми? – ўйладим мен. – Ҳақиқатан ҳам, ота–онамнинг руҳий касаллиги ва ғалати болалигимга қарамай, мени қабул қила оладиган яхши қизни учратдимми?»*

Кейинги бир неча ҳафта ичида ўзимни ундан олиб қочиб, сал узоқлашдим – ўз фикрини ўзгартиришга қарор қилса–чи? Мен тан олишга мажбур бўлдим, бу ҳолатда мен кутганимдан ҳам кўпроқ зарар кўрган бўлардим. Эндигина мен Сьюзендек бошқа бирорта қизга ҳеч қачон қизиқиш билдирмаганимни англадим. Бизнинг муносабатларимиз ойдинлашганда, мен эсанкираб қолдим, миннатдор бўлдим, ҳайратда қолдим ва кўрқиб кетдим.

Мен аёллар билан яқин муносабатни хоҳлаган эдим. Мана энди уни учратдим деганимда, ичимда ҳар хил кўркувлар пайдо бўла бошлади.

«Маҳлуққа ўхшаб қолишдан кўрқмасдан ўзим ҳақимда нималарни айтиб бера оламан? Қандай тафсилотларни баҳам кўришим ва уни кўрқитмасдан биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қилишим мумкин? Агар Худойим бу аёлни менинг рафиқам бўлиши учун тайёрлаб қўйган бўлса, мен унга ҳаётимни бағишлашга тайёрманми?»

Барибир, ўтмишимга қарамай, мени севадиган дўст топиб олганимдан хурсанд эдим. Эҳтимол, Сьюзен туфайли ҳақиқатан ҳам тўлақонли оила ҳақидаги орзуим ушалиб қолса–чи.

Ўша пайтдаги муносабатларимиз саргузаштга ўхшарди. Интизорлик ва йиллар давомида орттирилган эҳтиёткорлик билан Сьюзен ҳаётини ўтказмоқчи бўлган эркак ўзим бўлишим учун донолик ва жасорат сўраб ибодат қилдим.

Ва тез орада маълум бўлдики, кутганимдан фарқли ўлароқ, мен керакли талабларга жавоб бера олмас эканман.

31. ЎЗ ҚОБИҒИГА ЎРАЛГАН

1978 йилнинг баҳорини мен, режалаштирилган Америка сафарини доимо муҳокама қилаётган ҳолда кутиб олдим. Сьюзен билан учрашувлар кўпинча, пикапим кузовини ечиб олинадиган устки қисм ўрнатиш ишига айланиб кетарди. Мен бўлажак саёҳат ҳақида тўхтовсиз вайсар, Сьюзен эса жим бўлиб, асбобларни менга узатарди.

Мен бир кеча меҳмонхонада тунаб, ўн тўрт ҳафта давомида йўлда, қолган вақтни лагер ёйиб, юк машинасида тунаб ёки дўстларимникида қолиб ўтказишни режалаштирдим. Сьюзен менинг режаларим ҳақида биларди, лекин кетишимдан олдин кечгача мен унинг ташвишларига эътибор бермадим.

– Мен бу саёҳатни қандай орзу қилганингни биламан, Роб, – деди у. Лекин уни биров қисқартира оласанми?

– Умуман олганда, йўқ, – деб жавоб бердим. – Ҳозир бундай саёҳат учун энг яхши вақт. Мен бошқа ҳеч қачон бунчалик бўш вақтим бўлмайди деб ўйлайман. – Бу мен хоҳлаганимдан кўра биров худбин оҳангда айтилгандек туюлди, шунинг учун тезда қўшиб қўйдим:

– Мен қайтаман, Сьюзен. Мен фақат бир неча ойга кетаяпман.

Мен мавзунини ўзгартирмоқчи бўлдим, лекин Сьюзен ўз сўзида туриб олди.

– Агар сен мамлакат бўйлаб саёҳат қилаётганингда, қолишни хоҳлаган жойни топсанг, нима бўлади?

«Бу қийин масала», – деб ўйладим мен.

– Хўш, азизим, мен қайтиб келаман деб ваъда бера олмайман. Аммо агар сен шу ерда қолсанг, қайтишим учун бу сабаб бўлади.

Бу сўзлар оғзимдан чиқиши биланоқ, аҳмоқлик қилганимни тушундим. Лекин жуда кеч эди. Сьюзеннинг муздек сукунати кейинги суҳбатимизни тўхтатди.

Мен уни ётоқхонага олиб бордим, кучоқладим ва у астойдил йиғлаб юбормасликка ҳаракат қилганда, ўпдим ва иложи борича тезроқ кўнғироқ қилишимни ваъда қилдим. У ўтирилди ва бирор марта ҳам ортига қарамай кетди.

– *Ким сени гаптиришга мажбурлади?* – қайтаётганда ўйладим мен. Бу ниҳоятда гўзал, истеъдодли, ақлли масиҳий–қиз ўз ҳаётини мен билан боғлашни орзу қилган. Мен эса ҳамон янги танишувларга тайёрман деб ўйлабман.

«Нега уни ҳаётига киритгани учун Худога тиз чўкиб шукр айтмайсан? Неганидан ҳам яхширогини учратиши мумкин деб, вақтни чўзаяпсан?»

Бунга бамаъни жавобим йўқ эди.

Ўша тунда ҳаёлим шу қадар тез айланиб кетдики, ухлай олмадим. Ниҳоят, ҳаммасига кўз юмиб, «Майли, у кўникади» – деб ўйладим.

Эртаси куни эрталаб карвонимга ўтириб, ғарбга қараб йўл олдим. Кейинги ўн тўрт ҳафта давомида машинада юрдим, рюкзакларим билан саёҳат қилдим, Мовий тоғ тизмасидан Вашингтон штатидаги Олимпик ярим оролигача бутун Американи айланиб чиқдим ва яна ортга қайтдим. Саёҳат давомида мен саксон тўрт ёшли Жижини зиёрат қилдим, Ноланинг етимхонасига ташриф буюрдим, Рог–ривер дарёсида уч кунлик рафтинг билан машғул бўлдим ва Орегон штатидаги Гранд Каньондан Кратер кўлигача бўлган табиат мўъжизаларини завқ билан томоша қилдим.

Баъзан йўлимдан таксофон кўриниб қолар ва шунда Сьюзенга кўнғироқ қилардим. Мен унга бир оғиз сўз айтишига имкон бермасдан, тезда саргузаштларим ҳақида хабар берар ва тез орада яна кўнғироқ қилишни ваъда қилардим.

Ниҳоят Шимолий Каролинага қайтиб келганимда, Сьюзен мени йўлда кутиб олди. Яна бир бор унинг гўзаллигини кўриб, севинганимдан нафасим ичимга тушиб кетди. Кейин эса у саёҳатим ҳақидаги ҳикояларни соатлаб тинмай тингларди.

Худбинлик нуқтаи назаримдан, муносабатларимиз жуда яхши ривожланаётган эди: ҳеч нарса ўзгармаган, ҳамма нарса одатдагидек давом этарди.

Лекин мен адашдим.

– Қайтиб келишга ваъда бермасдан ва муносабатларимизни давом эттиришга муносиб деб билмасдан қандай қилиб мени тўрт ойга ташлаб кетганингни ҳозиргача тушунмаяпман, – Сьюзен тушунтиришга ҳаракат қилганида мен нимадир нотўғри иш қилганимни англадим.

«Ҳой, ахир мен қайтиб келдим–ку, шундайми?» – деб айтмоқчи эдим, лекин ўз вақтида тўхтадим.

– Негани мен сени кутишим керак деган қарорга келдинг? Биз бир–биримизга ваъда бермагандик. *Агар* қайтиб келсам, Сьюзен менинг ихтиёримда бўлади деб, ўзинг мустақил қарор қабул қилгансан.

Мен оғзимни очмаслигим кераклигини яхши билардим.

– Роб, қайтганингдан ва ҳали ҳам сенга ёкишимдан хурсандман. Лекин мен аввалгидек сен учун яхшироқ бирортаси учрамагунича заҳира вариантнингми, шу менга жуда қизиқ?

«Нега аёллар ҳар доим ҳамма нарсани мураккаблаштиради?» – ўйладим мен.

– Яхши, азизам, тушундим, – дедим. – Мен кетишдан олдин сезгирроқ бўлишим керак эди. Мен бўлажак саёҳатга шу қадар берилиб кетибманки, сенга бўлган ҳис–туйғуларим ҳақидаги шубҳаларингга етарлича эътибор бермабман. Мен афсусдаман. Илтимос, мени рўйхатдан чиқариб ташлама. Менга муносабатларимизни тиклаш имконини бер.

У мен билан ажралишиши ҳақида айтмади. Лекин мен бундай бўлиши мумкинлигидан бир қадам нарида эдим ва буни яхши тушунардим.

Эртаси куни менинг собиқ уй бекам худди ўша хонани ижарага бераётганини билдим ва мен аввалги хонадонимга қайтишга муваффақ бўлдим. Бир нечта тасодифий иш

алмаштиришлардан сўнг, 1978 йилнинг кузида мен электрон касса аппаратлари учун янги технологияларни сотадиган кичик компанияга сотувчи бўлиб ишга кирдим. Раҳбарларим ҳалол, сабрли ва меҳрибон ўқитувчилар эди.

Айни пайтда, Съюзеннинг дизайнерлик санъати бўйича ўқиши охирлаб қолганди. Тез орада у диплом олиб, катта дунёга кириши керак эди. Қарор қабул қилиш вақти келди. Мен Съюзендан менга турмушга чиқишини ёки у билан ажрашишни сўрашга таваккал қилишим керак эди.

Лекин ҳеч биримиз бу қадамни қўйишга тайёр эмасдик. Бир куни Съюзен ўз шубҳаларини тан олди:

– Сенга кераклигимга ишончим комил эмас.

– Мен сени севаман, Съюзен, – деб ишонтирдим уни. – Шундай бўлса–да, мен ҳақиқатда ҳам ёнимда бошқа бировга муҳтожлигимга ишончим комил эмас.

– Аммо мен керакли бўлишни хоҳлайман, – деди у оддийгина.

Бировга муҳтож бўлиш фикри мен учун қанчалик кўрқинчли эканлигини қандай тушунтира оламан? Бошқа одамга қарамлик мени жуда заифлаштирар эди.

Агар ҳаётда бирор нарса ўрганган бўлсам ҳам, бу ўзимни ҳимоя қилиш. Бироқ, етимхонада омон қолишимга имкон берган тажриба менинг оила қуриш орзуимга мутлақо мос келмасди, бундан ташқари, уни амалга ошириб бўлмайдиган қилиб қўйганди.

32. ОИЛА ҚУРИШДАН ҚЎРҚИШ

Агар заиф бўлиб қолиш кўркуви Съюзен билан бўлган муносабатимни бузиш учун етарли бўлмаса ҳам, энди мени қоплаган ўтмишнинг ота–онам билан боғлиқ сояси сабаб бошқалари ҳам қўшилди.

«Агар Съюзенга уйлансам, унинг онам каби енгил табиат эканлигини билиб қолсам–чи? – ўз–ўзимдан сўрардим мен. – Бу никоҳни сақлаб қолишим керакми ёки уни бузишим керакми? Агар бу муаммолар аниқлангунича, биз фарзандли бўлсам–чи? Мен уларни ташлаб кетишим керакми ёки уларга васийлик қилишга ҳаракат қилишим керакми? Мен бошимдан ўтказган “жсиниликни” улар ҳам бошдан кечирishi адолатданми?»

Кўп жуфтликлар қийинчиликларга дош беролмай, фарзандларига имкон қадар кўпроқ вақт ва эътибор бериб, ажралишларини билардим. Аммо мен ҳар доим аёл киши молиявий масалаларда ҳам, умумий мақсадларга эришишда ҳам, севги ва ишқий муносабатларда ҳам менинг содиқ ҳамроҳим бўладиган, шунингдек, руҳий жиҳатдан яқин бўлган никоҳни орзу қилардим. Фарзандларим «Отам нега кетиб қолди?» – деб сўрашларини хоҳламасдим.

«Агар Съюзен ҳам худди онам отамдан ниманидир яширгандек, мен билан очиқчасига гаплашмаса–чи? Агар мен гормонлар таъсирига берилиб, огоҳлантирувчи белгиларни сезмасам ёки мантиқий фикрлаш қобилиятини йўқотган бўлсам–чи? Агар унинг ҳозирги ҳолати кейинчалик жсинилик билан алмаштирилса–чи?»

Бир неча ой давомида мен ҳар хил «агар... бўлса»лар билан курашдим. Токи бир куни эрталабки ибодат пайтида бошимни эгиб, кўзларимни юмиб, одатдагидан кўпроқ жим кутиб қолмагунимча. Ва бирдан жавоб олишдан умидим узилганда, хаёлимга мутлақо кутилмаган фикр келди.

«Агар асосий муаммо – ўзингда бўлса–чи?»

Биров тишлаб олгандек сапчиб, кўзимни очдим. Яна бир марта Худо ишнинг моҳиятига етказди.

«Агар ҳақиқатан ҳам муаммо менда бўлса–чи? Нега мен худди ота–онам каби ақлдан озийшим мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмадим? Нега бу муаммоларнинг асосий манбаи ўзим бўлсам ҳам, Съюзенга қадалиб қолдим?»

Одатдагидек, мен фақат бошқаларнинг менга таъсири ҳақида ўйлардим. Аммо Съюзен–чи? Агар менинг руҳий касаллигим бўлса–чи, бу унинг учун чидаб бўлмас юк бўлиши мумкин эди.

«Агар шундай бахтсизлик менинг бошимга тушса, Съюзен мени тарк этишини хоҳлардимми? Агар фарзандларимиз бўлса, мен уларнинг хавфсизлиги учун мен билан мулоқот қилмасликларини сўрашга журъат эта оламанми?»

Бу савол мени болагимдан бери қийнади. Масалан, Чикагодаги руҳшуносга борганимдан кейин бир куни поездда Жонга берган саволим: «Мен ҳам ота–онам каби ақлдан озаманми?».

Вақт ўтиши билан у ўзгарди: *«Агар мен бу дунёда ёлғиз яшай олмасам ёки руҳий ёки ҳиссий муаммолар туфайли барқарор ишимни йўқотсам нима бўлади? Агар менда тарқоқ склероз ёки бошқа неврологик касаллик бўлса–чи, бу мени жисмонан майиб қилиб, мени ғамхўр эр ва меҳрибон ота бўлиш имкониятидан маҳрум қилса–чи? Нимжон бўлиб қолганим учун, Съюзен мени ташлаб кетишини хоҳлайманми, йўқми?»*

Жавоби равшан эди: албатта, у мени ташлаб кетишини истамасдим. Аммо ҳақиқатга тик боқишим ва ўз рафиқам учун юк бўлиб қолишим мумкинлигини тан олишим учун менга анча вақт керак бўлди.

Гуруримни енгиб, ростини айтишим учун бир–икки ҳафта ўтди: *«Албатта, йўқ! Сабаби қандай бўлишидан қатъий назар, мени ташлаб кетишларини хоҳламайман. Мен воз кечиш нима эканлигини биламан, ҳеч ким бунга лойиқ эмас. Мен ногирон бўлиб қолсам ҳам, ҳаёт қийинчиликларини биргаликда енгиб ўтишимиз учун Съюзен ёнимда қолишини истайман. Мен унинг никоҳ ваъдасига содиқ қолишини, қайғу ва қувончда, касаллик ва соғлиқда, бойлик ва қашшоқликда, то ўлим бизни ажратмагунча мен билан бўлишини жуда хоҳлайман».*

Рафиқамдан бундай садоқатни кутсам, ўзимдан қандай қилиб камроғини талаб қилишим мумкин? Ахир турмуш курсак, ёлғиз ўзим ишонч қадамини ташламайман–ку. Афтидан, Съюзеннинг қадами кўпроқ қатъийликни талаб қилиши мумкин.

Мен якуний савол шундай бўлиши керак деб қарор қилдим: «Роб, сен ҳаётигнни бу аёлга бағишлашга ва нима бўлишидан қатъий назар, ҳар доим ва ҳамма нарсада унга содиқ бўлишга тайёرمىсан?» Мен қандай жавоб беришим кераклигини билардим, лекин буни баланд овозда айтишимга кўрқув ҳалақит берди ва мен яна уни енгишга мажбур бўлдим.

Мен у билан психологик муаммоларни ҳал қилишга уринишларимни муҳокама қилганимда, Съюзен тушуниш ва сабрли бўлиш учун қўлидан келганини қилди. Бир куни ибодат қилаётиб менга кўшилишини сўрадим ва Худога шундай илтижо қилдим: «Эй Худо, Съюзен мени ҳеч қачон ташлаб кетмаслигига ишонишимга ёрдам бер. Ва менга ҳам ҳар доим ва ҳамма нарсада унга содиқ қолиш учун куч бер».

Ушбу ибодатдан бир ҳафта ўтгач, қалбим таърифлаб бўлмайдиган ва тушунтириб бўлмайдиган хотиржамликка тўлди. Ниҳоят, мен керакли мажбуриятларни олишга тайёр эканлигимни сездим.

Ёз оқшомининг якунида жанубий қарағайлар остидаги тўр беланчақда дам олаётганимизда, Съюзендан менга турмушга чиқишини сўрадим. Жавоб бермай, у мени шунчалик узоқ ва эҳтиросли ўпич билан мукофотладики, бўғилиб қолишимга сал қолди.

У бизнинг тўйимизни режалаштиришни бошлаганида эса, мен бу ўпич «ҳа» деган маънони англатади деб ўйладим.

Орадан икки ҳафта ўтди ва Съюзен бу янгиликни ҳеч ким билан баҳам кўришга шошилмади.

– Ота–онангга қачон айтасан? – деб сўрадим ниҳоят.

У чап кўлини бурним олдида силкитди.

– Бу нимани англатади? – деб сўрадим жаҳлим чиқиб.

– Бармоғимга нимадир етишмаяпти! – деди у айёрона жилмайиб.

– Нима экан?

– Бу ерда никоҳ узуги йўқ, аҳмоқвой. Биринчи бўлиб уни олсак яхши бўларди.

– Нима десанг шу, мени дўконга олиб бориб, узукни кўрсат.

Афтидан, у аллақачон узукни кўз остига олиб қўйган экан. Биз дўконга келганимизда, у менга растадаги кўриниб турган бир нечасини кўрсатди. Мен сотувчи аёлдан нархларини кўриш мақсадида, Сьюзеннинг танлаган узукларидан бирини яқинроқ кўрсатишини сўрадим.

– Сьюзен! – оҳ тортдим мен. Бу тўрт хонали рақам–ку! Сен ҳазиллашяпсан, шундайми?

Мен уни шарманда қилишни ҳам, уялтиришни ҳам хоҳламагандим. Шунчаки, ҳаётимда ҳеч қачон 1000 доллар тўламаганман – ҳатто машина учун ҳам. Аммо унинг кайфияти бир зумда бош айланадиган завқдан бутунлай умидсизликка айланди.

– Илтимос, мени уйга олиб бориб қўй, – деб пичирлади у.

Мен уни бир оғиз сўз айтмай, бу илтимосини бажара оладиган даражада яхши билардим. Менинг бечора уй бекам узоқ давом этган сўзларимни тинглаши керак эди. Мен хонани айланиб, яқинлашиб келаётган харажатлар ҳақида шикоят қилишни тўхтатдим, ўтирдим ва маслаҳат олиш учун унга тикилдим. У кўзларимга тик қарай олмади.

– Сенингча, нима қилишинг керак, Роб? – сўради у, эҳтиёткорлик билан.

– Менда танлаш имкони борми? – саволга савол билан жавоб бердим.

У кулиб юборди ва ниҳоят яна гапира бошлади:

– Кичкинагина ҳам имкон йўқ. Тишингни–тишингга қўйиб, узукни сотиб ол, Роб. Оилавий ҳаётга ҳуш келибсан.

Мен танланган узукни сотиб олдим ва уни ҳайратда қолган Сьюзенга совға қилдим, у йиғлаб, узоқ ва эҳтирос билан ўпди.

Тез орада биз унинг ота–онасига унаштирилганимизни эълон қилиш учун Чайна Гроувга отландик. Сьюзеннинг онаси аллақачон биларди, лекин отаси билмас экан. Лекин буни билиб қолгач, жуда жонли тарзда розилигини айтишга шошилди.

Бир куни кечкурун, биз уларникида меҳмонда бўлганимизда, Сьюзеннинг отаси менга савол берди:

– Роб, бўлажак эр ва умид қиламанки, ота сифатидаги ролинг ҳақида ўйлаб, шунингдек, болаликдаги оғир тажрибангни ҳисобга олган ҳолда, сен ўзинг билган эркаклардан қай бирини намуна сифатида танлаган бўлардинг?

Бу ролга номзодлар рўйхати бир зумда ҳаёлимдан ўтди: менинг катта амакиваччам Арт; мактабдаги ижтимоий ҳимоя ходими Марв; овчи Боб; ўринбосар тарбиячи Свани; «оқ кўйлакли» Дейв; миссионер Ли; нгбака қабиласидаги масиҳий Дапала. Ҳаётимда улкан миннатдорликка айланган аёлларни ҳам эсламасдан иложим йўқ эди: Жижи; Нола; Артнинг онаси Фрэн; Элис аммам ва миссионер Эйлин.

Ниҳоят, мен бўлажак қайнотамга жавоб бердим:

– Мени ақлдан озган деб ўйлашингизни хоҳламайман ва агар бу сизга бемаъниликдек туюлса, мени кечиринг. Лекин ишончим комилки, сиз айтиб ўтган сифатлар ичида энг яхши намуна ердаги ҳаётида Исонинг қандай бўлгандир. Шубҳасиз, мен ҳеч қачон Унинг руҳий поклиги билан тенглаша олмайман, лекин мен У каби яшаб ўтишга ҳаракат қилмоқчиман.

– Илтимос, фикрингни тушунтир, – деб сўради Жо.

– Мен билишимча, Исо кичкина болаларга юмшоқ муносабатда, аёлларга ҳурмат билан муносабатда бўлган, эркаклар билан дўст бўлган, заифларни ҳимоя қилган, қийинчиликларда, иккиюзламачилар ва Унинг ўлимини истаганлар олдида орқага қайтмаган ва Худога содиқ қолган. Менимча, У – тақлид қилиш учун жуда муносиб намуна бўла олади.

Жавобим ҳақида ўйлаб кўриб, Жо менга худди шу фикрни қисқача айтиб беришни тақлиф қилди.

– Ҳақиқий эркак бир вақтнинг ўзида ҳам қаттиққўл, ҳам юмшоқ бўлиши керак, – деб жавоб бердим мен.

Жо розилик билдирган ҳолда бош ирғади.

– Фарзандларим учун таглик алмаштира оладиган ва уларга энагалик қила оладиган, шунингдек, оғир атлетика, пиёда сайр қилиш ва овга вақт топа оладиган одам бўлишни хоҳлайман.

Суҳбатнинг қайсидир бир нуқтасида Сьюзен ошхонадан билинтирмай хонага кирди. Менинг сўзларимни эшитиб, у кулиб юборди.

– Биласанми, – дедим мен, – сенинг эринг ва болаларимизнинг отаси сифатида менга нисбатан улкан сабр–тоқат кўрсатишинг керак бўлади. Ҳали ўрганишим керак бўлган нарсалар кўп. Умид қиламанки, мени нима қилишни ва қандай қилишни билади деб ўйламайсан!

У жилмайиб, бош ирғаб қўйди ва унинг кўзларида менинг тан олишим унинг учун кутилмаган ҳодиса эмаслигини уқдим.

– Хавотир олма, – деди у. – Менимча, бутун умр ҳали олдинда!

33. ҲАММАСИ ОЙДИНЛАШДИ

1979 йил ноябр ойида Сьюзен билан мен Чикагога, Жижи охирги кунларини ўтказган қариялар уйига ташриф буюрдик. Бир неча ойдан кейин биз турмуш қурмоқчи эдик ва мен биринчи марта қаллиғимни бувим билан учраштиргани олиб келдим.

Бир неча йил олдин фақат қувонч келтириши мумкин бўлган учрашув бу сафар кўз ёшларга тўла бўлди ва биз унга катта қийинчилик билан эришдик. Менинг йўл кўрсатувчи юлдузим Жижи саксон олти ёшида тўшакка михланиб қолган ва ўрнидан туриб салом бериш учун жуда нимжон эди. Кексаликдаги уйқучанликни енгиб ва онгининг вақтинчалик ўзига қайтганидан фойдаланиб, биз билан ўтириб гаплашишга бор кучини сарфлади.

Авлиё Павлус номидаги қариялар уйида тозаликка амал қилинарди, лекин бу ерда ҳам заҳарли чириндилар билан аралашган антисептикларнинг ҳиди бор эди. Сьюзен билан мени қариялар уйида яшовчилар сайр қиладиган айвончага олиб боришди.

Яқин атрофда бир қанча кексалар гаплашарди, лекин улар кўп эмас экан. Уларнинг аксарияти ногиронлар аравачасида эгилиб ёки уларнинг кулранг юзлари билан деярли уйғунлашган қуюқ оч жигарранг ва кулранг курсиларда ухлаб ётишарди.

Сьюзен стулни Жижининг курсисига тортди ва унинг қуриган қўлини қўлига олди. Шунча дардни кўрган кўзлар аёллар кўрмоқчи бўлган ва эркаклар тушунмайдиган тарзда қаллиғимнинг юзини синчиклаб кўздан кечирди.

Жижи меҳр билан жилмайиб, Сьюзенни қўлини сиқди. На нафас олишимга, на гапиришимга имкон бермайдиган томоғимдаги бўлакдан қутулолмай туриб қолган эдим.

– Мен кўп йиллардан бери Худойим Роб коллежни битириб, турмуш қуришини кўришимга рухсат беришини сўраб ибодат қилардим, – деб пичирлади Жижи. – Сени кўриш учун шу пайтгача яшадим–а, бунинг учун Ундан жуда миннатдорман.

У айвонга кирган ҳамширага юзланиб, ғурур билан деди:

– Бу Робнинг ширингина рафикаси. Улар март ойида турмуш қуришмоқчи.

Биз Жижининг изоҳини пайқаб, табассум қилдик.

Бувим кўзларини юмди, кейин эса уларни очиб сўради:

– Хўш, Сьюзен, қачон турмуш қурмоқчисизлар?

– Март ойида, Жижи. Роб ва мен март ойида турмуш қуришимиз керак.

Жижи Сьюзеннинг кўзларидан оқаётган ёшни кўрмади, лекин мен кўрдим. Суҳбатни давом эттираётганда, менинг бўлажак рафикам енгил ва бепарво оҳангни сақлаб қолишга муваффақ бўларди:

– Жижи, айтингчи, бу эркакни нима билан боқишим керак?

Бувим кулганида, юзидаги ажинлар турли томонга қочиб кетди. Энг яқин дўсти билан сирни баҳам кўраётган қизчага ўхшаб, тил бириктираётгандек, зўрға шивирлалади:

– У димлама, картошка бўтқаси ва соусни яхши кўради. Исмалоқ. Шоколад сиропли ванилли музқаймоқни ҳам.

Сьюзен бош ирғади.

– Аммо сени огоҳлантиришим керак ... – жиддий оҳангда кўшиб қўйди Жижи. Ажабланиб, иккаламиз ҳам муҳим нарсани ўтказиб юборишдан кўриб, олдинга эгилдик.

– Азизам, Роб – ёқимтой бола. Аммо унинг хуррак отиши арранинг товушига ўхшайди!

Биз қотиб–қотиб кулдик. У ҳали ҳам ҳазил туйғусини йўқотмаган эди.

Сьюзен кўзларини артди ва яна савол берди. Аммо Жижи яна ухлаб қолди. Биз у уйғониб, биз билан яна бироз гаплашади, деб умид қилдик; қаллиғим кремни чиқариб бувимнинг қўлига суриб қўйди. Қоғоздек юпқа тери уни дарҳол шимиб олди. Жижининг кўзлари ёпиқлигича қолди, лекин лабларида табассум пайдо бўлди.

– Раҳмат, – деди Жижи эшитилар–эшитилмас оҳангда.

Тез орада унинг чарчаб, чуқур уйқуга кетганини тан олишимизга тўғри келди. Қайтиш вақти келди.

Сьюзен ўрнидан турди ва Жижининг пешонасидан ўпиш учун эгилди. Мен ҳам бувимни ўпиб, унинг сеvimли атирининг ҳидини ҳис қилиш умидида пешонамни бошига босдим. Афсуски, бундай бўлмади ва мен унга бир шиша атир олиб келмаганимдан афсусландим.

Сьюзен билан қўл ушлашиб, индамай айвондан чиқдик. Ҳақиқатда эса, у мени суяб олганди. Мен ҳали ҳам гапира олмасдим. Бу мен таниган ва Сьюзенни таништирмакчи бўлган Жижи эмас эди. Бувимнинг ҳозирги аҳволини сезмаган эканман: телефонда унинг овози бакувватроқ эшитиларди.

Чикагога боришимизга сабаблардан бири Жижининг Сьюзен билан танишиши эди. Айтиш мумкинки, мақсадимизга деярли эришиб, сеvimли бувимнинг сўнгги куни яқинлашиб қолганини олдиндан сезиб, қариялар уйдан чиқдик.

Бизни Иллинойсга олиб борган бошқа ишни яқунлаш учун шимоли–ғарбий Рокфорд томонга автобусга ўтирдик.

Арт Жижига қариялар уйига кўчиб ўтишга ёрдам берганида, Паулина ота–онамга совға қилган мебелнинг қолдиқларини сақлаб қўйган эди. Ажабланарлиси шундаки, отамнинг никоҳидаги низога сабаб бўлган нарса ўғлининг ёш оиласининг фаровонлиги калитига айланиши керак эди. Рокфордда юк машинасини ижарага олиб, мебеллар тўплами кўринишидаги кичик бойлигимизни унга жойладик. Арт, шунингдек, кундалик ошхона анжомларини ва ота–онам қабул қилиб олган бир нечта тўй совғасини, шу жумладан, биллур қадаҳ ва фужерларни ҳамда яна чиройли антикий кумуш идишларни сақлаб қўйган эди. Жижининг менга ота–онам меросини топшириш ҳақидаги орзуси амалга ошди. Сьюзен ва мен унинг бебаҳо совғасини Шимолий Каролинага кўчирдик ва у ерда квартирамизни жиҳозлашни бошладик.

Тўйимизни режалаштириш сезиларли даражада тезлашди. Менинг меҳмонлар рўйхатим камтарона эди: Атлантадан Митчеллар ва Шимолий Каролинадан бир неча қариндошлар; жамоатдаги менинг ёшлар гуруҳим аъзолари; коллеждан бир неча профессор ва бир нечта дўстларим. Иллинойслик кекса қариндошларим бундай узок сафарга чиқа олмасдилар.

Сьюзеннинг рўйхати анча узун эди. Унинг ота–онасининг ҳам кўплаб қариндошлари бор бўлиб, бунга отаси бошқарадиган ҳозирги ва собиқ жамоатнинг кўплаб аъзолари қўшилганди. Бу меҳмонларнинг барчасини ўрин–ўрнига қўйишга уринишдан чалкашиб кетдим, лекин Сьюзен бу вазифани осон ва жўн тарзда ечди.

У отаси билан кўпинча ошхона столида ўтириб, тўй маросимининг тафсилотларини ишлаб чиқар, Муқаддас Китобдаги оятларни, ваъдаларини ва мадҳияларини танлашарди. «Ҳа» дейишга тайёр эканлигимни билардим, лекин тўйга тайёргарлик кўришдаги ҳиссам шу ерда тугарди.

Шунинг учун баъзи қариндошларим ёрдамга келишганида, таъсирланиб кетдим. Элис аммам ва Мэк поччам қабул қилувчи тараф вазифасини бажариб, маҳаллий қишлоқ

клубидаги тўй олдидан кечки овқат пулини тўлаб беришди; Берлингтонлик холавачча бувим Марта ҳам меҳмонларни қабул қилиб, тўй нонуштасини тўлаб берди.

Бизнинг тўйимиз 1980 йил март ойининг қуёшли кунларидан бирида бўлиб ўтди.

Чайна Гроувдаги методист жамоати чиройли ёғоч панеллар ва витраж ойналар билан безатилган эди. Келин дугоналари тўқ қизил рангли кўйлак, куёвнинг дўстлари эса кўк костюм кийишган эди. Сьюзен ажойиб оқ кўйлак кийганди, мен эса – унинг майин порлашини акс эттирувчи смокинг кийгандим. Сочларидаги оқ гардениялар келин гулдастасидаги бир хил гуллар билан уйғунлашганди.

Сьюзеннинг отаси руҳоний вазифасини бажариб, куёш каби порлаб турарди. Аммо олдиндан хабар бериб, сўнгги оқ фотиҳани берганда ва кўлларимизни ўз кўлларига олганида, ранги оқариб титраб кетди. Шунга қарамай у, ҳаяжонни енгиб, тўй маросимини якунлашга қандайдир куч топди.

Сьюзен ва унинг онаси тўйнинг катта қисмига овқат тайёрлашди, шодиёнамизга эса уч юздан зиёд меҳмон ташриф буюрган эди.

Жанубий Каролина соҳилидаги гўзал Киава Айлендга қилган асал ойи саёҳатимиздан сўнг, кичкинагина квартирамизга қайтдик. Мен аллақачон турмуш қурган одамнинг ролига мослашиб олган эдим ва бахтли бўлишимни билардим.

Гринсборога қайтганимиздан кейин бир неча соат ўтар–ўтмас, телефон жиринглади.

– Салом Роб, – деди амакиваччам Арт. – Сени шунчалик тез безовта қилганим учун узр. Лекин менда ёмон хабар бор.

У жимиб қолди. Юрагим шув этди.

Қандай янгилик ҳақида гап бораётганини фаҳмладим. Чикагога қилган саёҳатимиздан тўрт ой ўтди. Ўша ташриф ва кейинги янгиликлар мени эшитишим керак бўлган ҳолатга тайёрлади. Сьюзенга мен билан кулоқ солиши учун ишора қилдим.

– Жижи душанба куни вафот этди. Мен сизни асал ойингизда безовта қилишни хоҳладим ва қачон қайтиб келишингизни билмасдим. Шунинг учун кечадан буён ушбу рақамга кўнғироқ қила бошладим.

Мен диққатимни жамлашга ҳаракат қилдим.

– Тафсилотларини айтиб бера оласанми?

– Тўй кунингиз мен Жижи билан бирга эдим. Кейин у мендан сени қачон турмуш қуришади деб қайта–қайта сўради. Ва ҳар сафар мен унга, «Жижи, бугун Роб ва Сьюзен никоҳдан ўтишади», – дедим. Ниҳоят, сизнинг тўй кунингиз келганини англаб етгач, у ухлаб қолди ва қайтиб ҳушига келмади. У вафот этгунча мен у билан Чикагода эдим.

– Раҳмат, Арт. Сен унга жуда меҳрибон эдинг!.. Ёнида бўлмаганим учун, мени кечир.

– Роб, сен учун бу қандай йўқотиш эканини биламан, – деб давом этди Арт эҳтиёткорлик билан. – У сени жуда севарди. Шифокорлар унинг нима учун бунчалик узоқ яшаганига тиббий изоҳ топа олмасликларини айтишди. Коллежни битирганигда у сен билан фахрланган. Лекин сенинг ёлғизлигингдан доим ташвишланарди. Турмуш қурган кунинг, у сени Сьюзенга топширди. Биласанми, сенинг рафиқанг унга ёқди.

– Ҳа, Арт, биламан, – деб жавоб бердим мен. – У ҳар доим коллежни битириб, турмуш қуришимни кўришини айтарди.

– Ишончим комилки, у сизнинг тўйингизни кўриш учун ўзини қандайдир тарзда яшашга мажбур қилган.

Мен гапира олмадим. Арт Жижининг сўнгги буйруқларини ўқишда давом этди. Мен унга иштироки ва айниқса, Жижига кўрсатган ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирдим.

Гўшакни қўйганимда, Сьюзен менга қараб кутиб турарди.

– Кел, бир сайр қилиб келайлик, – дедим мен ва эшик томон йўл олдим. – Сен машинани ҳайдайсан.

Съюзен бизнинг кичкинагина «фольксваген»имизни кўзларида ёш билан ҳайдаб борарди, мен эса унинг ёнида жим ўтирардим. Қўлларим билан, кафтларимни қўлтиғим остига маҳкам ўтказиб, мен у ёқдан–бу ёққа бироз чайқала бошладим – худди кўп йиллар олдин, ёш болалигимда Жижи кетаётганида ортидан йиғлаб қараб тургандек. Ва ҳар сафар у қайтиб келадими деб ўйлардим. Мана энди у ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Бу содда, камбағал, лекин тақводор аёл мени ўз жонидан ортиқ севарди. У менга бор–будини берди, энди эса у йўқ. Мана энди унга якшанба куни бошқа қўнғироқ қила олмайман ёки у тайёрлаган бостонча димламани ея олмайман. Уни қанчалик севишимни энди айта олмайман. Бу йўқотишни тузатиб бўлмаслиги мени эзди.

Съюзен яқинлашиб келаётган ҳиссий портлашни ҳис қилгунга қадар биз тахминан йигирма дақиқа юрдик. У кимсасиз автотураргоҳга машинани зўрға қўйишга аранг улгурди ва мен алам билан йиғлаб юбордим.

Мен икки қўлим билан ўзимни кучоклаб олиб, кафтларимни қўлтиғим остига яшириб, у ёқдан–бу ёққа тебраниб, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада қайғу билан нола қилаётганимда, кичкина машинамиз силкиниб кетди. Съюзен индамай мени ўз бағрига босиб, мен билан ва мен учун йиғлаб юборди.

Орадан чамаси ярим соатлар ўтгач, ниҳоят, жуда чарчаган ҳолда, бошқа кўз ёш тўкишга ҳолимиз қолмай, ўриндиқларнимизга суяниб олдик.

Ва кейин Худо ва Съюзен мен доимо пайдо бўлишни орзу қилган жойга олиб боришди.

Менинг уйимга.

ХОТИМА

Жижининг ўлиmidан йигирма йил ўтгандан кейин, чордоқдаги эски қутиларни тахларканман, мен унинг кичкина кундалигини топиб олдим ва унда қуйидаги ёзувларни ўқиб қолдим:

Робби, азизим, сен – менинг қадрли неварамсан. Умид қиламанки, сен жисмонан, руҳан ва ақлан кучли бўлиб вояга етасан; ўзинг ишонган ҳамма нарсани ҳимоя қилиш учун етарлича кучга эга бўлган яхши фуқаро бўласан.

Ҳамиша юрагингда севгини сақла – менинг севгим эса ҳаммиша сен билан бирга.

Бувинг Жижи.

Онам мени ўғирлаб кетган даврнинг қисқача баёнини ҳам топдим:

1962 йил Мавлуди ва 1963 йилнинг биринчи ойлари Робби иккаламиз учун жуда оғир кечди, лекин 1963 йил ёзда биз бу қийинчиликларни енгиб ўта олдик.

Жижининг менинг келажагим ҳақидаги ибодати ва ҳаётимдаги ўнғайсизликларни ҳал қилишга реалистик ёндашуви бугун мен ким бўлиб етишганимнинг кўп жиҳатларини тушунтириб бера олади.

Мен ўзим катта бўлган ва тарбияланган жойдан кўра узоқ умр кўраётгандим. 2005 йил қишда “Аҳд” болалар уйи бузиб ташланди. Шунчалик кўп болаларга бошпана бўлган уй Ер юзидан йўқолди.

Яхшиямки, мен бузишнинг иложи бўлмаган уйда яшаяпман, мен Осмон Отаси билан ўзаро муносабатларим ҳақида гапираяпман. Яна бир мангу даргоҳни сабрсизлик билан кутаяпман, бу даргоҳ ҳақида Муқаддас Китобда, Коринфликларга иккинчи мактубда (5:1) шундай дейилган: «Биламизки, биз макон қилган бу танамиз ер юзидаги бир кулбадайдир. Бу кулба хароб бўлганда, Худо самода бизга қўл билан қурилмаган мангу бир уй беради».

Съюзен иккимиз яқинда никоҳ қурганимизнинг йигирма олти йиллигини нишонладик. Йигирма икки йилни уй бекаси ролида ўтказгач, у илоҳиёт магистри даражасини олишга ҳаракат қилапти. Эр–хотинларнинг аксарияти каби, биз ҳам ажойиб

воқеаларга тўйинган вақтларни ва кучли стресс даврларини бошдан кечирдик. Биз ҳали ҳам бир–биримизни севишимизни хабар қилишдан хурсандман.

Бизнинг уч нафар ажойиб фарзандимиз бор. Уч йил олдин Алисия масиҳийлар коллежини *аъло* баҳоларга тугатди. У ҳуқуқшуносликка ўқиётган Чед исмли жуда яхши йигитга турмушга чиқди.

Бу китобни ёзаётганимда, ўғлим Люк ўн тўққизга кирди. У мусикий маълумот олаётгани ҳамда ўзининг вокал қобилиятлари ва бир нечта мусиқа асбобларини чала олиш маҳоратини бирор масиҳийлар хизматида қўлламоқчи.

Алисия ва Люк анча катта бўлиб қолганида, биз уларга менинг болалигимдаги баъзи кўринишларни гапириб бердик. Улар бу етимхонани ўз кўзлари билан кўришлари учун уларни Принстонга ҳам олиб бордик. Улар мен нималардан ўтганимни ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмаслигидан жуда ҳам бахтлиман.

Мен ва Сьюзен болаларимиз ўз ота–онасининг эътиқодини танлаб олиб, у билан тўла ва самимий уйғунликда яшаётганидан хурсандмиз.

1985 йилда мен молиявий маслаҳатчи бўлдим. Бизнес менга ҳам муваффақият, ҳам омадсизликлар келтирди, аммо 2002 йилда тармоқнинг етакчи журнали мени Американинг энг яхши брокерларидан бири деб тан олди.

Мен етимхонадаги боғбон Тони Мартинга берган ваъдам, ҳеч қачон “кичкина одам”ни унутмасликни бажардим. Мижозларимнинг кўпчилиги – бой одамлар, лекин мен ҳеч қачон “кичкина” инвестордан юз ўгирмаيمان.

Отам 1983 йилда, бизнинг тўйимиздан уч ой ўтгандан кейин вафот этди. Совуқ, ёмғирли, шамолли кунда бўлиб ўтган унинг дафн маросимида фақат энг яқин қариндошлар қатнашди: Элис аммам, поччам Мэк, уларнинг уч фарзанди ва отамнинг бир неча амакилари. Мен ёпик тобутли кўмиш маросимин танладим, шунинг учун хотирамда отамнинг қиёфаси менда сақланиб қолган ягона фотосуратдагидек қолган. Биз ҳали ҳам унга шунчалик азоб келтирган оилавий мебелнинг баъзи буюмларини, шунингдек, биллур, чиннилар ва кумушни ишлатамиз.

Ўтмишимдаги кўп одамлар билан алоқани сақлаб қолганман. Поччам Мэк ва менинг амакивачча боболаримнинг ҳаммаси оламдан ўтган, лекин китоб устида ишларканман, Элис аммамни ва кичик Мэкни бориб кўрдим. Арт ҳали ҳам Рокфордда яшайпти.

Ҳафтада икки марта Нола билан телефон орқали суҳбатлашаман, у истеъфога чиққан, кейин эса эрга тегди. Кулфатдош дўстим Пол деярли акамдек бўлиб қолган. Бундан ташқари, мен Марв, Дэйв ва Свани билан, шунингдек, миссионер дўстларим билан учрашиб туришни ёддан чиқармаيمان. Яқинда менга бириктирилган собиқ ижтимоий ходим Жон билан мулоқотимни тикладим, лекин афсуски, африкалик дўстим Дапала билан барча алоқаларимни йўқотиб қўйдим.

Кўпинча менинг тарихимнинг баъзи тафсилотларини эшитган одамлар сўраб қолишади: «Қандай қилиб тирик қолиш ва ҳозирги кундаги мақомдаги одамга айланишга эришдингиз?» Бунга жавоб бериш осон эмас, аммо жавобнинг моҳияти ҳамиша бир хил: мен ўзимга таъсир қилган ҳодисалар ва шароитларни ўзгартира олмасдим, лекин уларга қандай муносабатда бўлишга қарор қила олардим. Менинг фикримча, одамни у келтириб чиқарган ҳаракатлар эмас, балки унга боғлиқ бўлмаган воқеаларга муносабати тавсифлаб беради.

Жамият менга ўхшаганлар – етимхона тарбияланувчилари – ҳаётини бемақсад куйдиришга, эрта ўлиб кетишга ёки қамокда умр ўтказишга маҳкум деб ҳисоблайди. Наслий жиҳатдан мойиллигим ота–онамнинг бахтсиз тақдирини такрорлашга мени бошларди. Мен эса ким бўлганим ва кимга айланишим мумкинлиги ҳақидаги тасаввуримни ўзгартиришга қарор қилдим. Менга васийлик қилган катталар қалбимга қўл сукиб кўришга уринишди, аммо охир–оқибатда ҳам улар билан, ҳам Худо билан муносабатларимни йўлга қўйишни ўзим ҳал қилишимга тўғри келди.

Худоба миллати, тили ёки маданиятидан қатъий назар, У ҳаммага таклиф қиладиган ёрдамни сўраб мурожаат қилгач, мен ёки мени ҳақорат қилишга ёхуд хўрлашга уринган бошқа одамлар томонидан қилинган ҳеч нарса, ўтмишим ёки ҳатто келажагимдаги ҳеч нарса, жумладан ўлим ҳам, мени Худонинг севгисидан* ажрата олмаслигини билиб олдим. Бу севги мени хафа қилганларни кечиришимга имкон берди ва мени азобли ўтмиш асирлигидан қутқарди, бу бошқа кўп одамларга ҳам худди шундай озод бўлишларига кўмаклашган.

* Қаранг: Рим. 8:38–39.

Мен бу қиссани баҳам кўришимдан кўзланган мақсад, фақат бошқа ташландик болаларга умид беришдангина иборат эмас. Шунингдек, сизнинг ҳаётингиз Худонинг наздида улкан қимматга эга эканлигини ҳам эслатиб қўймоқчиман. Кимки ўзи ҳеч қачон у ерда фақат меҳмонгина бўлмайдиган уйга эга бўлса, келажак ва умид бор. Худо билан шахсий ўзаро муносабатларни ва шундай муносабатларни танлаган одамлар билан ишончли мулоқотни танлаб олгач, шундай уйни топиш мумкинлигига ишончим комил.

Мен учун ушбу ўзаро муносабатлар оддий, самимий ибодатдан бошланган эди: *«Исо, агар Сен ҳақиқатан ҳам бор бўлсанг, бу расвогарчиликларни тўхтат. Менинг гуноҳларимни кечир ва мени ўзгартир».*

Сизга ўтмиш муаммолари ёпирилганда эса, ҳозирги куннинг воқеликларини ҳал қилиб олинг ва нигоҳингизни келажакка қаратинг – шундагина ўз муаммоларингизнинг ечимини топа оласиз. Ўзингиз қилган танлов бутун қалбингиз билан қачонлардир тарслик Шоул исмли одамнинг ажойиб сўзларига қўшилишингизга имкон берсин:

Биродарлар, мен ўзимни ўша мақсадга етишганман деб ҳисобламайман. Ортда қолганларни унутиб, олдинга интиламан. Фақатгина ўша мақсадни кўзлайман...

Флп. 3:13–14.

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ЭСЛАТМА

Педагогларни кўпинча ўз ўқув дастурларига жамиятнинг бошқа қатлам вакилларининг гувоҳликларини киритишга чақиришади. Американинг болалар уйида “бошидан охиригача” яшаган ташландик боланинг ҳақиқий гувоҳлигини ҳам бемалол бутунлай бошқа маданий муҳитдан келаётган овоз деб ҳисоблаш мумкин.

Инглиз тили бўйича йигирма беш йиллик иш малакасига эга бўлган муаллиманинг еттита битирувчи синф ўқувчилари “Ташландик бола” асарининг қораламасини ўқиб чиққанларидан сўнг, аёл ушбу тарих ҳақида шундай ёзади:

«Бу замонавий адабиётнинг ҳайратомуз асари бўлиб, унда ёлғизлик, рад этилганлик, ғазаб, алам ва кечириш зарурияти каби мавзулар тадқиқ этилган. Бу кўлёмани ўқиб чиққан ўсмирлар муносабатининг кўлами кенглиги ва айниқса, ўғил болалар унга билдирган муносабатнинг самимийлиги ва ўзларининг ҳамдардлигини билдиргани мени чунонам ҳайратга солди».

Мактаб ўқувчиларининг ўзлари билдирган тақризлар ҳам жуда таъсирли:

«Кўз узмай ўқиб чиқдим. Ҳар бир кишига ўз жавобини мустақил ифодалашга имкон берадиган саволларингиз ҳақиқатан ҳам ўйланиб қолишга мажбур қилади».

«Кўп бобларда гаплар қизиқиш уйғотадиган тарзда охиригача айтилмаган. Мен бўлажак рафиқангиз билан севгингиз ва романтик муносабатингизни сиз билан бирга бошдан ўтказгандек бўлдим, шунингдек, ўзимни қизларнинг ортидан эргашиб юрган думбулнинг ўрнига қўйиб кўриб, овоз чиқариб хоҳолаб юбордим».

«Бу нафақат сизга ўхшаганлар учун, балки бизнинг ҳаммамиз учун ҳам умид тарихидир».

«Ғаройиб қисса, одамни жалб қиладиган саргузашт».

«Сермаъно».

«Ҳаётни сизнинг кўзларингиз билан кўришим ва кечири олишим учун кураш марказида бўлиш имкониятидан жуда миннатдорман. Айниқса, сиз ҳақиқатан ҳам мушкулимни енгил қилмаганингиз учун».

Агар сиз инглиз тили, адабиёт, жамиятшунослик, психология ёки вояга етмаганлар ҳуқуқидан дарс берадиган бўлсангиз, бу чин тарихни синфдан ташқари ўқиш материали сифатида тавсия қиласиз деган умиддаман. Ўзим эса ўқувчилар шахс сифатида шаклланишида уларни қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Р.Б.Митчелл

КИТОБНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР

1–боб. ТАШЛАНДИҚ

- Уч ёшли Роббининг ҳаётида унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, фожиали воқеалар бўлиб ўтди. Сизнинг танишларингиз ҳаётида уларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, қандай воқеалар бўлиб ўтган?
- Етимхонада бўлиш билан бирга, қандай ҳолатлар одамни “Мени қучоқлай оладиган ягона одам, бу... менинг ўзим эдим” деб айтгулик даражада ўзини ёлғиз ҳис қилишга мажбур этиши мумкин?

2–боб. КИЧИК ЁШДАГИ ЎҒИЛ БОЛАЛАР

- Бу бобда XX асрнинг 50–60 йилларида Америкадаги етимхонада яшовчиларнинг ҳаёти тасвирланади. Улар ҳаётининг қайси маиший жиҳатлари сиз учун янгилик бўлди?
- Принстон жамоати етимхонага қандай ёрдам кўрсатарди? Нима деб ўйлайсиз, етимларга ёрдам кўрсатишда жамоат қандай ўрин тутиши керак?
- Нола сизда қандай туйғулар уйғотди? Сизнингча, у ўз васийлигидагиларнинг келажагига қандай таъсир қилган?

3–боб. ҚУЮН

- Нима учун Робби Жойсни “ойижон” деб аташни бас қилди ва “она деб атай бошлади”?
- Сиз бу борада нима деб ўйлайсиз?

4–боб. БОШҚА

- Китоб муаллифи, “агар болаларни яхши кўришса, улар камбағаллика, жулдур кийимларга, агар улар кимгадир керак бўлиб, уларга ғамхўрлик қилишса, уй–жойи йўқлигига ҳам тупуриб қўйишларини” ёзади. Бундай муносабат болалар учун типик деб ҳисоблайсизми? Ҳа? Йўқ? Нега?
- Етимхонада яшовчи кичкинтойлар агар ўз оиласига қайта олишса, уларнинг ҳаёти яхши бўлиб кетишига ишонишарди. Агар психолог бўлганингизда, уларга нима деган бўлардингиз?
- Умидини йўқотаргач, нима учун Робби унсиз зорланиб чиқарди? Бундай умидсизлик чоҳига тушган одамга сиз қандай далда берган бўлардингиз?

5–боб. ЎҒИРЛАНГАН

- Агар сиз учун кадрли бўлган одам, айтайлик жиянингиз бўлган бола ёки қиз худди Робби каби ўғирланган бўлганида, бўлиб ўтган воқеани англаб олишида унга ёрдам беришга қандай ҳаракат қилган бўлардингиз? Унга қалб жароҳатини даволашда қандай кўмаклашардингиз?
- Шу бобнинг охирида Роббининг Худога муносабатини сиз қандай тавсифлаган бўлардингиз?

6–боб. ШИФОКОРЛАР

- Қизларга қараганда ўғил болаларни ташлаб кетиш осонроқ деган хулосага келган Роббига сиз нима деган бўлардингиз?
- Шифокорлар ҳузурига борганидан сўнг, етимхонага поездда қайтиб келаётган Робби ўзига илгари ҳеч қачон бермаган, лекин уни доимо қийнаб келган саволни беради. Бу қайси савол эди? Яна қандай воқеалар (масалан, ота–онасининг ажралиб кетиши ёки яқин кишисининг вафоти) болани бу савол устида ўйланишга мажбур қилиши мумкин?
- Робби яна ижтимоий ходимдан “Мен ҳам ақлдан озаманми (худди ота–онам каби)?” деб ҳам сўради. Бундай саволлар қийнаётган болага нима деб жавоб берган бўлардингиз?

7–боб. ЖИЖИНИНГ СОВҒАСИ

- “Ялтираётган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин эмас” деганида Жижи нимани назарда тутган эди?. Сизнингча, бу матал нимани англатади?
- Агар сиздан Робби, унинг отаси ва бувиси Паулинанинг ўзаро муносабатларини тасвирлаб беришни сўрашса, сиз буни қандай тасвирлаган бўлардингиз?

8–боб. ТАНЛОВ

- Нега Робби асраб олувчи оиладаги ҳаётдан воз кечди? “Яшил томлардан тушган Энн” китобининг қаҳрамони бўлган қиз қиссаси унинг қарорига қай тарзда таъсир қилганди?
- Агар китоб муаллифининг ўрнида бўлганингизда, сиз асраб олувчи оилага нисбатан қандай қарорга келган бўлардингиз? Нега?

9–боб. АТЛАНТА

- Паулина ва Роббининг Атлантадаги оиласининг бошқа аъзолари сизда қандай таассурот қолдирди?
- Робби Чарльз Диккенс романининг қаҳрамони Оливер Твист каби қутулишига Нола умид қилар ва шуни истаб ибодат қиларди. У нимани орзу қиларди? Шу лаҳзада Робби учун сиз нима деб ибодат қилган бўлардингиз?

10–боб. ЖОЙ ТОПИЛАРМИКАН?

- “Боласи ўз ташвишини тортишни ўрганиши учун боласини ташлаб кетиш вақти келганини биладиган она айиқ каби у (Нола) ўгирилдию, кетди” деган сатрларни ўқиганингиздан кейин нимани ҳис қилдингиз? Бола бўлган пайтингизда ёки ўзингиз ота–оналардан бири бўлганингиздан сўнг, сизда ҳам шунга ўхшаш ҳолат содир бўлганми? Агар шундай бўлса, натижа қандай бўлганди?
- Қандай қилиб, “Ҳар доимгидек, қулоқни ёргулик сукунат ўзим (Робби) эшитишни истамаган нарсамни менга тушунтириб қўйди”? Сиз ҳам шундай сукунатни ҳис қилишингизга тўғри келганми? Агар шундай бўлса, бунга муносабатингиз қандай бўлганди?

11–боб. НИМА УЧУН?

- Бу боб “...ичимда туғён ураётган ғазаб олови аввалгиларига қараганда кучлироқ ёнарди” деган сўзлар билан тугайди. Китобнинг қолган қисмини инобатга олмаган ҳолда, китоб муаллифининг ҳаёти ўсмирлигида ёки катта бўлганида қандай тарзда бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга уриниб кўринг. Нега?

12–боб. МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

- Робби “ўзининг қутулишига умид боғлаган” пулларни ишлаб топишга қарор қилди. Сизнинг фикрингизча, бундай нуқтаи назар Ғарб жамиятида қанчалик тарқалган?
- Китоб муаллифининг сармоя киритиш танлови ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бу танлов унинг ҳаётининг ўша давридаги устун кўрган йўналишлари ҳақида нима дея олади?
- Букер Т.Вашингтоннинг қайси қарашларини Робби ёқларди? Қайсиларига эса қўшилмасди?

13–боб. УЧРАШУВ

- Роббининг онаси билан ресторанда учрашгандаги кўриниш сизда қандай таассурот қолдирди?
- Онасининг қўлини ушлашга Роббини нима ундади? Бу ҳақда ўқиганингизда нимани ҳис қилдингиз? Нега?
- Китоб муаллифи ёзади: «Ғазаб шери ҳамдардлик қўзиси билан бирга яшашига тўғри келаётгандек туюларди». Шундай ички курашни ҳис қилишингизга тўғри келганми? Қачондир “қўзингиз” сизнинг “шерингиз”ни енгганми? Бу можаролар сизга нимани ўргатган?

14–боб. БИР НЕЧА ЯХШИ ЙИГИТЛАР

- Роббига ижобий таъсир кўрсатишга уринган одамлар ҳақида нима деб ўйлайсиз? Улар нималарда энг оддий одамлар эди? Нималар эса уларни алоҳида одамларга айлантирди?
- Нима учун отасиз ўсаётган ўғил болалар ва онасиз қолган қизларга мураббийлар керак? Сизнинг ҳамжамиятингизда мураббийлик амалиёти мавжудми?
- Робби Марвга савол берди, лекин эшитганларига ишонгиси келмади. Бу қандай савол эди ва нега Робби жавобни қабул қила олмади?

15–боб. ИСЁНКОР

- Роббининг қайси қалб изтиробларини “одатдаги”, “уй болалари” тушуна олишмасди?
- Борлигини сиз ҳатто пайқамаётган қайси қалб изтиробларини, эҳтимол, қўшниларингиз, жамоатингиз аъзолари, ҳамкасблар ёки синфдошларингиз бошидан кечираётган бўлиши мумкин? Уларнинг азобларини тушуниш йўлидаги биринчи қадамингиз қандай бўлиши мумкин?

16–боб. ЙЎҚОТИШЛАР ДАВРИ

- Робби нега Мавлудни ёқтирмасди?
- Етимхонадаги ўсмир ўғил болаларга нисбатан Дэйвнинг дастлабки муносабати қандай эди? Улар Дэйв билан қандай муносабатда бўлишди? Сизнингча, қандай қилиб Дэйв бунга чидай олди?
- «...Токи мен шунчалик азобланишимга тўғри келаётган экан, унда бошқалар ҳам азоблансин». Бу ҳозирги жамиятдаги, айниқса, ўсмирлар орасидаги зўравонлик сабаблари тўғрисида сизга нимадан далолат беради?

17–боб. ҚУТҚАРУВЧИ

- Робби масиҳийлар лагерида асосий иши билан бирга нима билан шуғулланишни режалаштирганди?

- Қайиқдаги сайр пайтида Роббининг қизга нима деганини эътиборга олсак, Роббининг Худога муносабати қандай эди? Сиз унинг нуқтаи назарига қўшиласизми?

18–боб. СЕН РОСТДАН ҲАМ БОРМИСАН?

- Сиз (ёки танишларингиз) Робби шу бобда ўзига берган саволларга ўхшаш саволларни ўзингизга бериб кўрганмисиз? Агар шундай бўлса, шундан сўнг нима бўлган?
- Роббининг ўз биологик отасига бўлган муносабати унинг руҳий изланишларига қандай таъсир таъсир ўтказди?
- Роббининг фикрига кўра, унинг руҳий курашлари қайси саволга бориб тақаларди?
- Ибодат қилганидан сўнг Робби нимани ҳис қилмади? Лекин унинг тушунишича, барибир нима содир бўлди?

19–боб. ЯНГИ ИБТИДО

- Агар коллеждаги бошқа талабалар Роббининг етимхонадан эканлигини билиб қолишса, у қувғиндига айланишидан хавотирда эди. Ирқий келиб чиқиши, ижтимоий ёки иқтисодий ҳолати туфайли қандай қилиб қувғиндига айланишади? Одамни жамиятнинг қувғиндисига қила оладиган бошқа омилларни айтинг.
- Ноланинг тан олишича, уларнинг илк учрашуви пайтида кичкинтой Робби нимага ўхшарди?
- Букер Т.Вашингтондан ўрнатилган оларкан, ўз ҳаётининг шу босқичида Робби қандай қарор қабул қилди?

20–боб. БИРИНЧИ КУРС ТАЛАБАСИ

- Нега коллежга келгач, Робби ўзини Роб деб таништирди?
- “Ҳақиқий” уйлар ва оилалардан бўлган “меъёрдаги” болаларга қараганда, Робби коллеждаги ўқиши даврида нималардан маҳрум эди?
- Раббийни эшитиш учун ўз ҳаёт суръатингизни секинлаштиришни ўргана туриб, қийинчиликларга дуч келганмисиз?

21–боб. УЙ

- Автобусда Принстондан ўта туриб, нега Робби ўзини кўринмас одам деб ҳис қилди?
- «Уй, бу – ўзингни меҳмон деб ҳис қилмай келадиган жойдир». Сиз айниқса қаерда ўзингизни худди уйдагидек ҳис қиласиз?
- «Мени Ота деб бил, Роб. Мени ўзингнинг уйинг деб ҳисобла». Китоб муаллифининг дарғазаб жавобини ўқиганингизда нимани ҳис қилдингиз? Охир–оқибатда Худонинг уни асранди ўғил қилиб олиш таклифини қабул қилганида, сиз қандай муносабатда бўлдингиз?

22–боб. РОСТ ГАП

- Атлантик қариндошлари нима учун Роббини ўз оиласига қабул қилмаганини фаҳмладингизми? Сабабини билганингизда нимани ҳис қилдингиз?
- Сабабини билсангиз–у – лекин вазиятга таъсир ўтказа олмасангиз, – Роббига нима деган бўлардингиз? Нима учун?

23–боб. АФРИКАДА

- Сиз таклиф қилинган айбланиш, шафқат ва марҳамат таърифларига қўшиласизми? Ҳа? Йўқ? Нега?

- Қовурилган термитларни ейиш қандай қилиб Робга ишонишни ўрганиши йўлида муҳим қадам бўлди?
- Роб ва Дапала бир-биридан нима билан фарқ қиларди? Улар ўртасида қандай умумийлик бор? Улар битта Худога ибодат қилиши далили сизда қандай туйғулар уйғотади?

24–боб. КЕЧИРИШ КЕРАКМИ?

- Корри тен Боом кимни ва нимани кечириши керак эди?
- Баъзи қариндошларини кечириши мумкинлигига Роб нега шубҳа қиларди?
- Агар Робнинг ўрнида бўлганингизда, кечиришингиз осон бўлармиди? Ҳа? Йўқ? Нега?

25–боб. ПАУЛИНА

- Сиз кечириш йўлингизни кимдан бошлаган бўлардингиз: Паулинадан, онадан ёки отаданми? Нега?
- Бунинг иложи йўқ деб ўйлаб турган ҳолда, бировни кечиришингизга тўғри келганми? Робнинг кечинмалари сизникига ўхшайдими? Батафсил изоҳ беринг.

26–боб. ОТАМ

- «Қадай қилиб мени ташлаб кета олдинг?» – бу саволни нафақат етимхона тарбияланувчилари беришади. Қандай ҳолатлар одамни бу саволга жавоб излашга мажбур қилиши мумкин?
- Робнинг отаси ўзини ўлдиришга урингани оиланинг бошқа аъзоларига қандай таъсир қилди?
- «Ўзини қутқаришга имкон бермаган одамни қутқариб қола олмайсиз». Бу нима дегани?

27–боб. ОНАМ

- Ҳеч қачон на Сальвадор Дали, на Франц Кафка ҳақида эшитмаган одамга бу бобнинг биринчи гапини қандай тушунтирган бўлардингиз?
- Баъзи одамларга нимадан воз кечиш ҳаммасидан оғирроқ: аламдан, ғазабдан, дилсиёҳликдан ёки нафратданми?
- Кечириш Робни қурбонлик менталитетидан халос қилди. Нима учун бу шунчалик муҳим?
- Ҳиссий жароҳат олган одамга тузалиш жараёнини нимадан бошлашни маслаҳат берган бўлардингиз?

28–боб. ЙЎҚОЛГАН БОЛАЛАР

- Маҳаллий жамоат гуруҳида хизмат қилиш ва етимхонадаги ташландик болаларга кўнгилли равишда ёрдам бериш қандай қилиб Робга у ўз болалигининг муаммоларини ҳал қилиб олганини тушунишга ёрдам берди?
- Коллежда дипломлар топширилиши маросимида Роб нима учун йиғлаб юборди?
- Дипломлар топшириш маросимида Роб Худога юзланиб қилган ибодатни ўқиб чиқинг. Сиз унинг дуосига қўшила олармидингиз? Ҳа? Йўқ? Нега?

29–боб. СЬЮЗЕН БИЛАН ТАНИШУВ

- Роб ўзида Сьюзенга нисбатан бир лаҳзада пайдо бўлган интилишни тийишга уринди. Сизга гўёки қарама-қарши томонларнинг бир-бирига зид маслаҳатларини олгандек бўлаётган ички курашни бошингиздан ўтказишингизга тўғри келганми? Бу нима билан тугаган?
- Сьюзен ва Роб биринчи марта учрашганда ҳис қилганга ўхшаш туйғуни бошдан ўтказганмисиз? Агар шундай бўлса, қандай ҳолатларда?

- Китоб муаллифининг ўз онаси ўлимига муносабати ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бундай вазиятда сиз қандай акс–таъсир кўрсатган бўлардингиз?

30–боб. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

- Сиз, яхши фазилатли аёлнинг ички гўзаллиги эр кишида яхшироқ бўлиш истагини уйғотади, деган фикрга қўшиласизми? Ҳа? Йўқ? Нега?
- Нега баъзи қизлар Робнинг ўтмиши ҳақида билгач, у билан учрашмасликка қарор қилишлари мумкин эди? Бунлай қарор ўзини оклаган бўларди деб ҳисоблайсизми?
- Роб Сьюзенга ўзининг ўтмиши ҳақида сўзлаб берганида, у бунга қандай муносабат билдирди? Сизнинг муносабатингиз қандай бўлган бўларди?

31–боб. ЎЗ ҚОБИҒИГА ЎРАЛГАН

- Нима деб ўйлайсиз, Робнинг “Америка сафари” туфайли Сьюзендаги хавотирни нега Роб тушуна олмади?
- Агар сиз Сьюзен ва Робга улар ҳаётининг шу босқичида маслаҳат берганингизда, Сьюзенга унинг “керак бўлиш зарурати” ҳақида нималар деган бўлардингиз? Робга қандай маслаҳат берардингиз?

32–боб. ОИЛА ҚУРИШДАН ҚЎРҚИШ

- Қайси болалик кўркуви Робнинг Сьюзенни турмушга чиқишга таклиф қилишига ҳалақит берди?
- Уларнинг низолашуви нимаси билан никоҳ тузиш ҳақида ўйлаётган аксарият жуфтликларнинг низосини эслатади?
- Китоб муаллифи унинг эркак ва ота бўлиш ҳақидаги тушунчаларига таъсир қилган бир неча кишини эслайди. Сизнинг ҳақиқий эркак ёки аёл бўлиш ҳақидаги тушунчаларингиз шаклланишига энг кўп таъсир қилган уч кишининг исмини айтинг. Бу таъсир нимада намоён бўлган?

33–боб. ҲАММАСИ ОЙДИНЛАШДИ

- Сьюзен ва Робнинг Жижини кўриш учун қариялар уйига боргани ҳақида ўқиётганингизда нимани ҳис қилдингиз? Бу ташриф китоб муаллифи ва унинг бувиси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида сизга нимани сўзлаб беради?
- Жижи қайси икки нарса ҳақида узоқ йиллар давомида ибодат қилиб келганди?
- Нима учун Роб шу бобнинг охирида ўзини қўллари билан ўраб олиб, кафтларини қўлтиқлари остига қисиб туриб, у томондан бу томонга тебрана бошлади? Кичкина бола бўлган пайтида у худди шундай қилганидан бери, унинг ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
- Бу қиссани ўқиб бўлганингизда туйғуларингиз қандай эди? Охир–оқибатда ўз уйига эга бўлган китоб муаллифига ёрдам бериш борасида Худонинг ўрни қандайлигини қай тарзда тасвирлаб берган бўлардингиз?

ХОТИМА

- Китоб Букер Т.Вашингтоннинг: «Одамни ҳолатлар эмас, балки тийнат шакллантиради» деган иқтибоси билан бошланади. Хотимада Робнинг изоҳи бор: «...одамни у келтириб чиқарган ҳаракатлар эмас, балки унга боғлиқ бўлмаган воқеаларга муносабати тавсифлаб беради». Бу баёнотлар нимаси билан бир–бирига ўхшаш? Сиз уларга қўшиласизми? Ҳа? Йўқ? Нега?
- Бу тарихни ўқиб чиққанингиздан кейин, ўтмишдаги жароҳатлардан тузалишнинг энг яхши йўли нима эканлигини айта оласизми? Бу китобда баён қилинган қайси қонидани кейинги йил давомида ўзингизга қўлланма қилиб олган бўлардингиз?

МИННАТДОРЧИЛИК

Агар Унга эргашсам, иложи йўқ нарсаларни қилишга қодир Худога.

Рафиқам ва ёрдамчим Сьюзенга: сенинг ташқи гўзаллигингни соғлом ақл, руҳий сезгирлик ва раҳмдиллик – мени биргаликдаги сафарларимизда мустаҳкамлайдиган ички чирой қамраб олади.

Алисия ва Люкга: сизларнинг отангиз бўлиш – ҳаётимнинг ўзгармас қувончидир.

Полга: қачонлардир фақат ажнабий*, энди эса акам бўлган одамга.

Рокфордлик қариндошларим: Арт, Пол, Марж ва «қизчалар»га.

Марҳум Жо ва Мэри Дэвисга: Сьюзеннинг ота-онаси ва менинг ажойиб қайнотам ва қайнонамга.

Бундан ташқари мен миннатдорман...

Гарчи китобда ёдга олиниши шарт бўлган бўлсада, эслаб ўтилмаган Принстонда яшаганлардан: Кэрол, Коллин, Жорж, Хелен, Жон, Ральф ва Тим, шунингдек, Суонсон ва Малмларнинг оилаларидан.

Менинг университетдаги ўртоқларим: Эдс, Барби, Дейвид, Даг, Жерри, Жимми, Жон, Кейт ва New Garden ёшлар гуруҳидан.

Миссионерлар: Рут ва Брэд Хиллдан, шунингдек, Ян ва Боб Торнблумдан. *Mbote!***даги мен ҳисоботдор бўлган эркаклар: Барри, Жей, Пит ва Стивдан.

CBMСлик йигитлар, айниқса, Пэт О'Нилдан.

Chick-fil-A тез тамадди қилиш ресторанлар тармоғи эгаларидан, улар таваккал гуруҳига кирувчи болалар учун ташкил этган WinShape лагери учун.

Муаммоли болалар билан мулоқотни сақлаб турган ва уларга ёрдам беришимга кўмаклашаётган Kiwanis ташкилоти аъзоларидан.

Red Pen Partners ташкилотидан бўлган Массачусет университетидаги шериклардан.

Дотти Хутс ва унинг Уэслианс университети талабалари, 2004 йилнинг энг яхши битирувчиларидан.

DNA Ministriesдаги Фил Даунер ва ошнамиз Кена Уокердан, маъқуллаб тургани учун.

Бебаҳо ёрдам кўрсатишда давом этаётган Ронда, Рут ва Вивьендан.

Focus on the Family ташкилотидаги раҳбарларим Нэнси ва Жондан.

Дўстим бўлиб қолган, ҳаммуаллифим ва устозим Барбара Уинслоу Робиддан.

* Қаранг: Эфс. 2:19. – Таҳр. изоҳи.

** Салом! (лингала, МАР, Конгодаги Зоир ҳудудида тарқалган банту тилида). – Тарж. изоҳи.

МУНДАРИЖА

Бу тарих ростми.....	
1. Ташландик	
2. Кичик ёшли ўғил болалар	
3. Куюн.....	
4. Бошқа.....	
5. Ўғирланган.....	
6. Шифокорлар.....	
7. Жижининг совғаси.....	
8. Танлов.....	
9. Атланта	
10. Жой топилармикан?	
11. Нима учун.....	
12. Молиявий мустақиллик.....	
13. Учрашув	
14. Бир неча яхши йигитлар	
15. Исёнкор.....	
16. Йўқотишлар даври.....	
17. Кутқарувчи.....	
18. Сен ростдан ҳам бормисан?	
19. Янги ибтидо.....	
20. Биринчи курс талабаси.....	
21. Уй.....	
22. Кутилмаган янгилик.....	
23. Африкада	
24. Кечириш керакми?.....	
25. Паулина	
26. Отам	
27. Онам.....	
28. Йўқотилган болалар.....	
29. Сьюзен билан учрашув.....	
30. Ўзаро муносабатлар.....	
31. Ўз қобиғига ўралган.....	
32. Оила қуришдан қўрқиш.....	
33. Ҳаммаси ойдинлашди	
Хотима.....	
Ўқитувчилар учун эслатма	
Китобни муҳокама қилиш учун саволлар.....	
Миннатдорчилик.....	

**Р. Б. МИТЧЕЛЛ
ТАШЛАНДИҚ БОЛА**

Масъул муҳаррир *М. Хван*
Муҳаррир *И. Воробьева*
Г. Бурдиянова таржимаси
Рассом С. Журий
Мусахҳиҳ Е. Артемьева
Компьютерда саҳифаловчи *О. Мецайк*

“Виссон” нашриёт уйининг китобларини қўйидаги манзилга мурожаат қилиб, сотиб олиш мумкин:

МРОЕХ «Виссон» масиҳийлик маркази а/я 88, Санкт–Петербург, 194358, Россия
тел.: 8 800 500–19–05 (Россия бўйлаб қўнғироқ бепул)
E–mail: sale@visson.net (улгуржи буюртмалар) post@visson.net (чакана буюртмалар)
Сайт: www.visson.net

Босишга рухсат этилди 23.08.2018. Формат 60 x 88 ¹/₁₆.

Офсет қоғози. Pragmatica гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Физ. Босма табоқ 16. Адади 4000 нусха. Буюртма № МРОЕХ «Виссон» масиҳийлик маркази, а/я 88, Санкт–Петербург, 194358, Россия

E–mail: sale@visson.net, post@visson.net www.visson.net

Солиқ имтиёзи – Умумрус маҳсулот классификатори ОК 005–93. Код ОКП 953140


“ИПК Парето–Принт” МЧЖда чоп этилди.

Тверь ш, Боровлёво–1 саноат худуди, № 3 «А» мажмуаси.

Перевод текста в рисунке:

Принстон етимхонаси (Иллинойс, АҚШ), китоб муаллифи шу ерда яшаган йилларда.

Ошхона ва келиб-кетувчиларни кутиб олиш хонаси.



Детский приют «Завет» в Принстоне (Иллинойс, США) в годы пребывания немецких беженцев. В главном здании располагались общественный кабинет, комната для трудящихся, столовая и гостиная для посетителей.



Жойс Митчелл, муаллифнинг онаси
Икки ёшли Робби билан
Ўнда муаллифнинг отаси, Роберт.
Сурат 1957 йил апрелда
Роберт ўз жонига қасд
қилишга уринишидан ярим йил олдин
олинган.



Жижи буви икки ярим яшар Робби
билан.



Етим
хона
ошхонасида.
Робби
олдинда, ўнг
томонда
ўтирибди.

Кичи
к ёшдаги

ўғил болалар
гуруҳининг
тарбиячиси
Нола
Роббидан
олти ойдан
сўнг
етимхонага
келган.



Кичик ёшдаги ўғил болалар гуруҳининг ўн икки тарбияланувчиси меҳмонларни
кутиб олиш
ёшли Робби –
Паулина
Жойс



хонасида тамадди пайтида. Тўрт
ўнгдан энг четда.
буви, 1955 г.

Митчелл, муаллифнинг онаси, 1967
йилда.

Уни руҳий касаллар
клиникасидан
чиқариб
юборишганларидан сўнг, у
реабилитация марказида яшаган.

Муаллиф Гилфорд коллежида
дипломларни топишириш маросимида,
1977 й.

Сьюзен Дэвис 1975 йилда.
«Мен қачонлардир учратган ҳамма
қизларнинг ичида энг гўзали» деб
ёзганди у ҳақда Роб.





Сюзен ва Роб 1978 йилда.
Сюзеннинг кўнглини овлаб
юрганида Роб соқол қўйганди,

Ўша вақтда Роб бу —
бунткорлик рамзи эди.

Ўша йил ёзидаёқ муаллиф
Гранд-Каньонга, ўзининг Сюзенда
таассурот уйғотмаган “Америка
сафари”нинг асосий нуқтасига
борганди. Сюзен у билан бирга
кетмаганди.

Сюзен у билан бирга бу





*1980 йил 9 мартда Роб ва
Сьюзен эр-хотинга айланди.
Уларнинг никоҳ маросимини
Сьюзеннинг отаси (ўртада)
олиб борди. Муаллифнинг
“ҳақиқий оила” ҳақидаги
орзулари шу тариқа рўёбга
чиқа бошлади.*

*Бу орзуни амалга ошириш йўлидаги
кейинги қадам болалар бўлди. Бу суратда
1988 йил. Алиса 2,5 ёшда, Люк бир яшар.*



